


Сайдакбар Аъзамхўжаев

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ



M.Z.F.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

САИДАКБАР АЪЗАМХЎЖАЕВ

ТУРКИСТОН
МУХТОРИЯТИ

миллий-демократик
давлатчилик қурилиши
тажрибаси

ТОШКЕНТ “МАЊНАВИЯТ” 2000

Истикъол милятимизининг умрли, асрий орзуаси эди. Мустақиллик учун жадидлар, зиёли қатлам, юртининг асл кишилари жон фидо қилишга ҳам тайёр эдилар. Мухтор, мустақил, демократик давлат қуриш халққа зиё, нур бериш, енгиллик яратиш, озодликка етказиш уларнинг сөғиничи, тўзал ишити эди. Интилгашлари, кураангашлари шу эди.

Аср бошида Кўёндо пайдо бўлгани Туркистон мухторияти ана шу орзу, сөғинич, интилишлар жамулжами сифатида, шу курашлар меваси сифатида дуниёга келгани эди. Бизнинг заминда ўша вақита ёдадар юзага келгани демократик давлат эди.

Биласизки, уни большевиклар қонта ботирдилар ва ҳеч қанча яшатмадилар.

Ўша Туркистон халқларининг озодлик ва мустақиллик учун курашининг меваси сифатида ташкил топган Туркистон мухториятининг тарихи, давлатчилик тажрибасини Ўзбекистон мустақилликка эрпиган бир пайдагина бутун ҳақиқати, тарихий аҳамияти билан бутун тўла ёритиш мумкун бўлди.

Зеро мустақиллигининг ўзига хос рамзи, дебочаси бўлгани Кўён Мухторияти тарихи ва тақдиди ҳақиқидаги бу китоб олий ўқув юртлари талабалари ва кенг китобхонлар учун мўлжалланганадир.

**Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор
Д. Алимова**

**Тақризчилар: филология фанлари доктори, профессор
Н. Каримов**

**юридик фанлари доктори, профессор
Д. Тошкулов**

A 95

Аъзамхўжаев С.

Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси//Масъул муҳаррир: Д. Алимова//.—Т.: “Маънавият”, 2000. —168 б.

Сарлавҳада: ЎР Фанлар академияси. Тарих институти.

ББК 63.3(5У)

A 4702620204 —29
M25(04) — 00 23—00

© “Маънавият”, 2000

“Хуррият берилмас, олинур.”

Мунаввар қори

МУҚАДДИМА

Ўзбекистонининг мустақил ривожланиши йўлига қадам қўйини ота-боболаримизнинг озодлик ва эрк учун узоқ кураши тарихини қайта идрок этишга, миллый озодлик ҳаракати мафкурасининг шаклланиши жараёнига давлат мустақиллигига эришишини таъминлаган омиллар сифатида катта ижтимоий қизиқиш уйғотмоқда. Тарихий ҳақиқатини қайта тиклаш имконияти пайдо бўлган бугунги туб ўзгаришлар шароитида бутун миллый озодлик ҳаракати жараёни, шунингдек, айрим ижтимоий-сиёсий оқимларининг аҳамияти ва ўрини ҳақиқадаги эски қарашларни бугуслай қайта кўриб чиқили эҳтиёжи юзага келди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов халиқимиз тарихини холисона ўрганиш зарурлигини таъкидлаб шундай деган эди: “Биз тарихимизни ёритишда уни давр, муайян сиёсий гуруҳлар ёки айрим шахслар манфаатига мослаб талқин этишини қоралаймиз. Фоят мураккаб ва зиддиятли тарихимизни холисона ва илмий ўрганиши—тарихчи олимларимизнинг маъсуллиятли ва олижаноб вазифаси деб ҳисоблаймиз¹. ”

Озодлик ва мустақиллик гояларини ўзида мұжассам-лаштирган ва ўзбек халқи тарихида ўчмас из қолдирган мұхим воқеалардан бири бу Туркистон Мухториятидир.

Бугунги кунда Туркистон Мухторияти учун кураш тарихини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Илмий жамоатчилик эътиборини кўндан ўзига жалб этиб келаётган Мухторият тарихи ҳозирда нафақат илмий, балки амалий ва ҳатто сиёсий нуқтаи назардан қизиқиш уйғотишни табиий. Чунки давр ўша йиллар воқеаларига қайта баҳо беришини тақозо этмоқда. Шуниси ҳам борки, Туркистонда Мухторият учун кураш жараёнида демократик миллый давлатчиликни барпо этиш мафкураси ҳам шаклана борди.

Туркистон Мухторияти тарихини ўрганиш мураккаб, оғир ва шубҳасиз, мұхим йўлни босиб ўтди. Уни шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин.

Бириңчиси — Совет даври. Совет өкөненің шароиттіда узоқ йиллар Туркистан Мухторияті тарихи сохталанғырларда ва бузиб күрсатылды. Мавжуд ілмій адабиёттарни батағесіл ўрганиш шуны күрсатады, совет даврида тадқиқотчылар мағкуравий ва маъмурый назорат искәнжасыда бўлиб, әрқия фикр билдириш имконига эга әмасдилар. Улар коммунистик тарғибот мақсадларига хизмат қилишга мажбур әдилар. Илмій изланишлар методологияси асосан марксча-ленинча таълимот мағкурасыга таянарды. Натижада, ілмій мұомалага күплаб манбалар, фактік материаллар кириллгандылығы қарамай, тарихий жараёнлар бутун зиддияти ва мураккаблығы билан баҳоланмай ҳаққоний ілмій билимлар ўрнинг вазиятни түгри акс эттирмайдыган сохта тарихий манзаралар яратылды.

Туркистанда совет ҳокимиети ўрнатылышы ҳамда иктиомий-сиеёсий ҳаракатларни ўрганишга, шунингдек, жағдидчilikни тадқиқ этишига бағылашынан 80-йиллар охијларигача яратылған деярли барча ілмій тадқиқотларда Туркистан Мухторияттің моҳиети ва тушувчасының атай торайтириш мақсадыда унга “Құқон Мухторияті” деган ном берилиб, уннан ташкылтчылари “панисломчи”, “пантуркчи”, “бүржұа міллатчылары”, “аксилицилобчи” деб аталды.

Иккинчиеси — “қайта қуриш” даври. Сүнгіті йиллардаги адабиёттарни изчилик билан ўрганиш шуны күрсатады, 80—90-йиллар давомыда “қайта қуриш” таъсирінде партия мағкуравий зуғумининг бир мүнца күсізләнешінен СССРнинг парчаланышы билан тарих фаница согломлышын жараённан памоён бўла бошлади. Булар тарихий өкөналарга синфий ёндап шудан қочиш, умумиссоний қадрлар тартифлікке суннанда кабиларда күринади. Ўз-ўзидан маълумки, ўзбек халқынинг озодлик ва мустақиллик учун кураши манбаларига эътибор кескен кучайди.

Шуни таъқидлаш лозимки, газета ва журналлардаги мақолалар билан бир қаторда, рисола сифатидаги тадқиқотлар ҳам пайдо бўлди. Бироқ уларда, бизнинг таълимииз күрсатишича, муаммонинг айрим қирралари қараб чиқылсада, Туркистан Мухторияті ҳаракатини идрок қилишга бағылашынан махсус тадқиқотлар олиб борилмади. Хусусан, маҳаллий демократларниң Мухторият учун курашдан кўзлаган асосий мақсадлари, уларниң Туркистан жамиятини тараққиёт йўлига тадрижий ислоҳотчилик асосида олиб

чиқишига уринишлари етарли ўрганилмади. Жадидларниң 1917 йил февралдан Октябрғача бўлган даврдаги фаолиятининг дастурий, ташкилий томонлари, уларниң Туркистон озодлиги ва мустақиллиги учун курашда маҳаллий аҳолини бирлаштириш учун олиб борган саъй-ҳаракатлари тадқиқотчилар эътиборида четда қолди.

Учинчиси — Мустақиллик даври. Мустақиллик даврида олиб борилган изланишлар шатижасида қўйидаги масалалар ўрганилди:

—Туркистонда ислоҳотчилик гояларини шакллаптиришга шарт-шароит яратган тарифий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омиллар;

—Жадидчилик ва Туркистон Мухториятининг ўзаро яқин алоқаси;

—Миллий демократлар фаолиятининг дастурий, ташкилий асослари ва уларниң концептуал қарашлари.

Тадқиқотчилар илк бор мусулмон аҳолиси ташкилий бирлиги муаммоларининг кам ўрганилган жиҳатларига эътибор қаратиши; ўлкада биринчи миллий-демократик давлат тузилмаси — Туркистон Мухторияти барпо этилини тажрибаси умумлаштирилди ва унинг зўравонлик билан бостирилишининг ҳаёғоний манзараси ёритилди.

Шундай қилиб, ушбу китоб XX аср бошлирида Туркистон Мухторияти деб аталган миллий-демократик республика-ниң ташкил этилишида фидойилик кўрсатган тараққий-парварлар Махмудхўжа Беҳбудий, Муинаввар қори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Убайдулла Хўжаев, Аҳмад Заки Валидий ва бошқаларниң фаолияти, уларниң маърифий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари, тарихий жараёилар ва боинча масалаларни ўз ичига қамраб олди. Тўғри, сўнгги йилларда Туркистонда демократик давлат қурилишининг айрим жиҳатлари республиканизмниң таникли тарихчи ва ҳуқуқшуносарининг илмий мақола ҳамда рисолаларида тилга олиниди. Лекин, афеуски Туркистонда миллий-демократик давлатчиликниң дастлабки тажрибаси бўлган Туркистон Мухторияти ташкил топишининг асосий босқичларини таҳлил қилиб берадиган монографик тадқиқот эълон қилимади.

Ушбу китоб муаллифиning кейинги йилларда шу борада олиб борган изланиш ва тадқиқотларини ўз ичига олган дир.

ТУРКИСТОНДА МУХТОРИЯТ УЧУН КУРАШ ҲАРАКАТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЛАРНИНГ ҲУРРИЯТ МАФКУРАСЫ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Туркистонда миллий ўзликии англапшга хизмат қылган ва миллий озодлик мафкурасининг юзага келиши ҳамда ривожланишига муҳим ҳисса қўшган йирик ижтимоий-сиёсий оқимлардан бирни жадидчилик бўлди.

Совет тарихшунослигида узоқ вақт мобайнида жадидчилик “реакцион” гоявий оқим сифатида кўрсатилди. Тўғри, дастлабки босқичларда жадидларнинг маданий-маътирифий фаолияти нисбатан ижобий баҳоланганд бўлса-да, фақат буғунга келиб ватанимиз олимларининг саъй-ҳаракатлари билан бу масалага тубдан янгича ёндошувлар қарор тоғди. Ҳозир жадидлар ҳаракати Туркистон жамиятининг XIX аср охирлари – XX аср бошларидан сиёсий кучлар чатишшиб кетган бир даврда энг тараққий парвар йўналишини ўзида акс эттиргани очиқ тан олинди. Жадидчилик дунёдаги умуминсоний ва миллий қадрияtlарга асосланган бўлиб, у ижтимоий ривожланишиниг етилган эҳтиёжлари ва ўлка туб аҳолисининг манфаатларига жавоб берарди.

Айтиш мумкинки, жадидчиликнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши масалалари анча тўлиқ ёритилди. Бироқ ҳануз чуқур идрок этишини талаб қилувчи бир қатор муаммолар мавжуд. Бунга, биринчи навбатда миллий демократларнинг Туркистонда миллий давлат қурилишининг ўзига хос концепцияси, ўлкани феодализм ва мустамлакачиликнинг боши берк кўчасидан олиб чиқиш мафкурасининг шаклланиши, большевикларча тоталитаризмга муқобил равишда гоявий-сиёсий кураш майдонига чиқишлари, жамият ҳаётини янгилашнинг демократик механизmlарини ишлаб чиқишга қўшган ҳиссалари каби масалалар киради.

Жадидларнинг шак-шубҳасиз тарихий хизмати етилган ижтимоий вазифаларни ҳал этишининг тадрижий ислоҳот

тамойилларини ишлаб чиқишларида, формациявий-институционал ўзгаришларнинг энг самарали йўлини тақлашлари ва мустамлака тузумини тугатиш учун кураш олиб боришларидан кўринади. Уларнинг замонавий таълим амалиётига оид концептуал гоялари маънавий мерос сифатида ҳозирги ислоҳотларнинг стратегия ва кенг миқёсли йўлига муайян даражада асос бўлиб хизмат қиласди.

Жадидчилик, маълумки, Марказий Осиё минтақаси ижтимоий ривожланишининг туб бурилиши босқичида юзага келди. Маҳаллий ватаппарварларнинг мустамлака Туркистонда инқирозли ҳолатни, ўлканинг умумжаҳон жараёнларидан тобора ортда қолаётганини, туб аҳолининг эрк-парварлик ҳаракатларига кескин зарба берилиб ҳамма жойларда бостирилишини, маънавият соҳадаги тургушиликни идрок этишлари жамиятни атрофлича ислоҳ этиш керак деган гоянинг юзага келишига турткни бўлди.

Бироқ бу ислоҳотчилик ҳаракати тарихий мураккаб йўлини босиб ўтди. Жадидчилик жамият ривожланишининг истиқболларига оид турли фалсафий фикрлар ва дунёқарашларнинг тўқиашув майдонига айланди. Бу ижтимоий ривожланишининг асосий масалалари ва энг аввало, феодализм ҳамда мустамлакачиликниң асосларини бузиш мағкурасини концептуал жиҳатдан идрок этишда кўриди.

Биринчи босқичда мазкур ҳаракат иштирокчилари асосий эътиборни бутун ижтимоий тизимни ўзgartаришдан кўра, маънавият соҳасини янгилашга қаратдилар. Жадидлар янги усуздаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўллаималари (айниқса, табиий фанлар бўйича) нашр этиш, Фарб техника ва технологиясини ўрганиши заруриятини, Европа маданияти ютуқларидан фойдаланишин тарғиб этиш орқали миллий дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш, миллий ўзликни англашни юксалтиришга замин яратдилар.

Туркистонда дастлабки жадид гурухлари XX аср бошларида юзага келди. Жадидларнинг таниқли вакиллари миллий зиёлиларниң ўзагини ташкил этган кишилар эди. Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Садриддин Айний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Заки Валидий, Тошибўлат Норбўтабеков, Абдурауф Фитрат ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жадидларниң таңкилий жиҳатдан бирлашиларида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг хизмати сезиларли бўлди. У ўз атрофига анчагина ақлий кучларни йиғди.

Жадидчилик бошлангич босқичида кўпроқ мусулмон мактаблари ислоҳоти ва европача таълим унсурларини киритишни кўтариб чиққан тор даражадаги маданий маърифий оқим деган қарашлар мавжуд. Матъум даражада бундай қарашда жон бор. Дарҳақиқат, жадидлар ҳаракатининг дастлабки йилларидағи мағкураси ҳали миљий озодлик учун кураш вазифаси билан бевосита боғлиқ эмасди. Шунга қарамай, у илк йилларданоқ миљий уйғониш учун шарт-шароитлар ҳозирлаши, Ўрга Осиё ҳалқларини жаҳон цивилизацияси ютуғлари билан ошно этишга қаратилган эди.

Катта заковат ва ҳароратли қалб әгалари бўлган бу ҳаракат ташаббускорлари Туркистон ҳалқларининг боши берк кўчага кириб қолганликларидан чуқур ташвишга тушдилар. Ҳам чоризм, ҳам маҳаллий амалдорларниң иккىёқлама зулми остида қолған кенг омманиң беҳад қашлоқлиги, дувёнишни яқтисодий ривожланган мамлакатларидан ҳаддан зиёд ортда қолғашлиги, маданий қолоқлик, фикрлашщаги тургуяллик жадидларда ижтимоий тараққиётни тезлаптиришининг амалий воситаларини излаш фикрини уйғотди.

Юзага келган шароитларда илғор мусулмои зиёлилари ўлканинг истибод занжирига тушенининг, мамлакат қолоқлигининг асосий сабабини ҳалининг маърифий қолоқлигига деб билдилар. Шу боис жадидлар таълимни илоҳ қилишини дастлабки босқичдаги асосий масала қилиб қўйишганди. Улар бу борада нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий томондан ҳам кўп куч-гайрат сарфлашди. Жадидлар янги усуздаги мактаблар, кутубхоналар, ўкув заллари очишиди, дарслик ва ўкув қўлланмалари ёзишиди. Жўумладан, ўлка ҳудудида янги усуздаги мактаблардан дастлабкиси 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла томонидан ташкил этилди. Ўша йили жадид мактаби Тўқмоқда ҳам очилди. 1899 йилда Манион қори Тошкентда ва Шамсиддин домла Андижонда янги усуздаги мактаблар очдилар.

1900 йилдан бошлаб Туркистонда янги усуздаги мактаблар таромони изчил равишда кенгая борди. Шу йили таниқли олим, журналист ва педагог Мунаввар қори Абдурашидхон

ўели янги усулдаги ўзбек мактабини ташкил этди, уни ўзи бошикарди ва дарс берди. У қисса муддатда жуда машхур бўлиб кетди. Бу мактабининг самарадорлиги шу қадар юқори эдикки, бу ҳол бошига жойларда ҳам шундай ўқув даргоҳлари ташкил этилишига турткি бўлиб хизмат қилди. 1903 йилда Маҳмудхўжа Беҳбутий Самарқанд яъниидаги Жомбай деган жойда ўз маблаги ҳисобидан мактаб очди. Ҳожи Муин ва Абдуқодир Шакурий каби машҳур маърифатпарварлар у билан бирга дарс беришди.

Жадидлар фаолиятининг бошига йўналиши маърифат гояларини оммавий тарғиб этишида кўринди. Бироқ чор цензурасининг зўравоилиги, маъмурий тақиёлар оқибатида бу борадаги ишлар аср бошлиаридаёт чеклаб қўйилди.

Бошлиягич даврдаги жадидчиллик ҳаракатининг маърифатпарварлик йўналишида бўлганини тан олган ҳолда, шуни айтиш лозимки, у Россиядаги народниклар фаолияти сингари соф маданий-маърифатпарварлик ҳаракати эмас эди. Жадидларнинг “маърифат” мафкураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва кўп қиррали эди. Унда ҳозир ҳам долзарб саналувчи тарихий вазифалар: динининг маънавий камолотни такомиллантирувчилик хусусияти, бозор ва ҳуқуқий маконни шакллантириш жараёнларини кучайтириш, замонавий демократик муассасаларни юзага келтириш, ўзига хос миллий ривожланиш йўли кабилар жамлаиган ва эътиборга олинган эди.

Дастлабки йиллар жадидчилигини ташкилий жиҳатдан анча тор эди дейини мумкин. Бироқ назарий қарашлар кенглиги бўйича у устувор мавқеда эди. Таълим ислоҳоти ҳақиқидаги талаблар моҳиятни илик жадидлар мафкуравий қарашларининг умумий жиҳатини ўзида ифода этганди. Улар ўша пайтдаёт Турсистон жамиятини тадрижий ислоҳ этишининг бўлгуси модели кўпгина муҳим гояларини ўз фаолиятларида намоён этишганди.

Агар илик жадидлар назарий қарашларига конкрет — тарихий нуқтаи пазардан қаралса, жадидларнинг бундан кейинги бутун мафкураси асосларини ташкил этган бир неча муҳим қоидаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, маърифатпарварлар халқни маърифатли қилмасдан, кенг оммани рус ва жаҳон маданияти ютуқларига ошино қилмасдан туриб, Турсистоннинг тараққий этолмаслигини тушуниб етдилар. Улар халқнинг турмуш шароитини яхшилаш учун

мустамлака — феодал зулми ва оғир мажбуриятлардан халос бўлиш, маънавий эркинилкка эришини зарур, дея тўғри фикр юритишди. Ҳуқуқшунос Д. Тошқуловининг тадқиқотида ишонарли кўрсатилганидек, маърифатпарварлар асарларида мустамлака — феодал жамиятнинг сиёсий ҳуқуқий муассасалари марказий ўрини тутадиг². Улар ўз асарларида ҳокимиятнинг қонунсизлик ва норахўрлик, ҳаддан зиёд оғир солиқлар каби зулмкорлиги кўринишларини аямай танқид қилишди. Жадидлар мустамлака Туркистони маҳаллий маъмурини вакилларининг сайлов тизимини қоралашди, чоризмининг солиқ сиёсатига порозилик билдиришиди.

Тўғри, илк жадидчилик мағкурасидаги ижтимоий янгилинишнинг кўпгина муаммолари эндиғина намоён бўла бошлаган эди. Шунга қарамай, мустамлака — феодал мустабидлиги шароитида маърифатпарварлар томонидан мавжуд ижтимоий муҳитни танқид қилиш, ҳокимиятнинг қонунийлиги ҳақидағи ғояларни илгари суриш миллни мустақиллик мағкураси тикланиши йўлида муҳим қадам бўлди.

Иккичидан, жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчилари тарихий тараққиётни тезлаштиришини, исломни янгилаш, маданий бозор маконининг ижтимоий-иқтисодий шартшароитларини яратишни шакллантириши билан чамбарчас боғладилар.

Европа ва Россиянинг кўпгина маърифатпарварларидаған фарқли ўлароқ, жадидлар динни рад этишмади, улар атеист эмасдилар. Аксинча, улар исломни ижтимоий тараққиётга эришиш учун мусулмонларни бирлаштирувчи муҳим омил, ўлка халқларини юқсанак ахлоқийлик, ватанпарварлик, дўстлик, биродарлик, инқирозли аҳволдан чиқишидаги курашда жишелаштирувчи куч спфатида сақлаб қолиш тарафдорлари бўлиб чиқишиди. Жадидлар ислом динидан маънавий юқсалышнинг муҳим воситасини кўрдилар. Бироқ, бунинг учун диннинг ўзини ўрга аср схоластикасидан тозалаш лозим деб ҳисоблашди.

Жадидчилик ҳаракати юзага келаётган пайтда ёзилган А. Фиграт ва М. Беҳбудийнинг “Исломнинг қисқача тарихи” (бир хил номдаги) асарлари жадидларининг динга муносабати ҳақида ёрқин тасаввур беради. Уларда моҳиятган бундан кейинги ривожланиш истиқболларини белгилаш учун зарур бўлган, босиб ўтилган йўлнинг атрофлича таҳлили берилган.



Маҳмудхўжа
Беҳбудий



Мунаввар
қори



Убайдулла
Хўжаев



Абдулла
Авлоний



Сайдносир
Миржалилов



Обиджон
Маҳмудов



Ашурали
Зоҳирий



Абдуқодир
Шакурий

Фитратнинг фикрича, дунё қандайдир “ҳаёт ғояси”дан яратилганидан то Мұхаммад пайғамбаргача бўлган динлар, урушлар, алгов-далговлар ва ҳоказоларнинг тартибсиз алмашинуви ўзида намоён этади. Аллоҳ ўз пайғамбари орқали ҳақиқий динни юборди, ислом одамлар тарқоқлигини енгигб ўтди, гуллаб-яшаш ва тараққиёт даври бошланди. Мусулмонлар дунёга кўплаб илмий кашфиётларни берди, европаликларнинг ўзлари илгари яратган ақлий қадриятларни сақлаб қолди. Бироқ идеалларни йўқотиш, олтин ва пулга берилishiда ўз ифодасини тонган “очкўзлик” ислом оламини инқирозга юзлатди — улар империяси (халифалик) ўзаро урушларга гирифтор бўлди, парчаланган давлатлар мустамлакачиларнинг енгил ўлжасига айланди.

Беҳбудий ислом фалсафасига катта эътибор бериб, унда мусулмон дунёқарапининг ўзагини кўрди: “...Қачонлардир ислом файласуфлари, — таъкидлайди Беҳбудий, — Европа учун Афлотун ва Арастуни сақлаб қолниши, бу қитъада антик анъаналарнинг қайта тиклакини, схоластикадан озод бўлашинга имкон берди. Энди, унинг фикрича, ислом файласуфларининг европаликлар хизматидан фойдаланиш пайти келди: кўшинилардан барча янги нарсаларни, хусусан, позитивизм, ҳиссиятларга, энг муҳими, ишон эҳтиёжларига юз тутган Огюст Кант асарларини ўзлаштириши лозим³”.

Жадидлар учун исломни янгилаш фан ва илгор технология ютуқларини эгаллашда, илк даврдаги мусулмон дини ақидалари ва замонавий шароитларни ҳисобга олиш билан чамбарчас боғлиқлиқда кўринди.

Биринчи босқичда жадидчилик ҳаракатининг йўлбошлилари ўрта асрчилик схоластикаси, қотиб қолган диний таълимга қарши чиқниши, янги усуздаги таълим учун курashiши. Бироқ, уларнинг исломни ислоҳ қилини мафкураси ривожлана бориб, анча чуқур мазмун ва ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари билан ўзаро алоқадорлик касб эта борди.

Жадидчилик дунёвий таълимни фаоллантиришга интила бориб, айни пайтда юзага келаётган мииллий буржуазия манфаатлари, шаклланаётган товар — бозор муносабатлари шароитларини ўзида акс эттирди. Улар анъанавий таълим ислоҳоти, янги усуздаги мактаблар ва театр труппаларини яратиш, ҳар бир мусулмоннинг банк ва молиявий капитал ишпида иштирок этиши имконияти тарафдорлари бўлганлари ҳолда, исломнинг баъзи эскирган ақидаларини ишор этишиди,

фаниннег (математика, география, грамматика ва бошқалар) пәкимоиій-иқтисодий тараққиёттің тезланышындаға алоқында ақамияттін таң олишди. Шу жиҳатдан қараганда айрим тадқиқотчилариннег “Жадидчилуктың прагматик ва мағұрувай жиҳатлари узлуксиз бирлік ва чамбарчас ўзаро бөгелімдікта бўлди”⁴ деган фикрларига түлиқ ішүшилиш мүмкин. Жадидлар маънавий ва иқтисодий янигиланиш эҳтиёжи ҳақында матбуотда кўплаб чиқыншлар қилишди, жумладан М. Беҳбудий ўзи нашр қўлган “Ойна” журналида шундай деб ёзди: “...Сиз, муҳтаралар, ўз болаларингизни улар дин ва милятта хизмат қилишлари учун замонавий билимларга ўқитмоғишиз лозим, милят ва динга хизмат қилиш эса, фақат билимлар ва нул орқали мүмкин”.

Бу мақсадлар замонавий ўзгаришилар амалиёти билан ҳамохангидир. Зоро ўғмишда ҳам, ҳозирги күнларда ҳам интеллектуал имкониятта эга бўлиш, бозор тузилмаларини татбиқ этиши негизида жадал иқтисодий ўсипи, кенг миқёсда инвестициялар киритиш милятий гуллаб-янишашининг муҳим шартидир.

Жадидчилук илғор эстетик ва маънавий-иқтисодий гояларни ўзига жамлади. XX аср бошларидаги жадидчилук сиёсати қонун асосида инсониятнег сўз, матбуот, виждан, шахс дахлесизлиги эркинлигини ҳимоя қиради.

Шундай қилиб, жадидчилук юзага келган пайтдан бошлаб-оқ феодал тузум ва мустамлакачиликпинег туб негизларига қарши чиқди. У анъанавий исломга зид ўлароқ, динни маънавий ва иқтисодий тараққиёт вазифаларига мослаган ҳолда унинг айрим эскирган қоидаларини ўзгартышига итилди.

Жадидлар ўз халқини маърифатли ҳолда кўришни истади, ҳар қандай қуллик, хурофотга берилиш, милятий биқиқликдан озод бўлишига итилди. Улар ўз фаолияти бошларидәёқ Туркистон аҳолисига жаҳон цивилизацияси ютуқлари билан ошно бўлиши йўлини таклиф этдилар. Бу йўл милятий ва диний-маънавий қадриятлардан воз кечин эмас, балки, аксинча, улар асосида, бундан кейинги ривожланиши ва тараққиётта халақит берувчи эскирган ақида ва хурофотлардан воз кечин билан секин-аста ўтиш эди.

Жадидларининг гоялари аҳолисиг турли қатламлари томонидан қизғин кутғиб олиди. XX аср бошларидәёқ жадидлар ҳаракати Сирдарёниң қарийб бутун жанубий қисми,

Самарқанд ва Фарғона вилоятлари, Бухоро ампрлигини камраб олди. У айниқса, йирик шаҳарлар — Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Каттақўргонда кучли мавқега эга эди.

Жадидчилик ҳаракатининг ташкилий жиҳатдан ўсиб ва мафкуравий шаклланишига биринчи рус интилоби сезиларли таъсир кўрсатди. 1905—1907 йилларда жадидларнинг сиёсий қарашлари ўсиб, улар фаолиятида кескин чоратадбирларни амалга оширишга иштилиш кучайди, бальзи муассасалар билан келишувчанлик йўлидан узоқлашдилар.

Айниқса, 1905—1907 йиллардаги даврда Туркистонда жадидчилик ҳаракати ташкилий ва гоявий жиҳатдан чиниқди.

Нижний Новгород шаҳрида 1905 йил 15 августда бўлиб ўтган I Бутуrossия мусулмонлар съезди ва Петербургда 1906 йил 13—23 январда бўлиб ўтган II Бутуrossия умуммусулмонлар съезди қарорлари ўлкада аяча шов-шувуга сабаб бўлди. Бу съездларда “Русия мусулмонлари иттифоқи” (қисқача, “Иттифоқ”) ташкилоти тузиљди.

Биринчи съезд шундай қарор қилиди: “Мусулмонлар имкон қадар ҳар бир вилоятда янги мактаблар очиши, газета, журнал, китоблар чиқаринши ва уни халқ орасида тарқатишлари лозим”⁵.

Иккинчи умуммусулмонлар съездида “Иттифоқ”нинг Низоми ва дастури қабул қилиниди, марказий қўмитга ва унинг бюроси сайданди. Съезд резолюциясида шундай дейилади: “Ҳар тарафдан келган вакиллар истагини эътиборга олган ва сайловлар яқинлигини (Давлат Думасига сайловлар — С. А.) кўзда тутган съезд мусулмонлар учун конституцион — демократик партияга қўшилишини маъқул деб топади”.

Мусулмонлар “Иттифоқ”и съезд қарорларига мувофиқ унинг иқтисадий ва мафкуравий дастури шариат қонунларига асосланган ва ташкилотнинг ўзи синифий бўлининш тамойили бўйича эмас, балки маданий-диний мухторият бўйича фаолият юритиши маъбул ҳисоблацди.

1906 йылдаги Давлат Думасига сайловлар туркистонлик миллий зиёлиларнинг сиёсий онги ривожланиши учун муҳим воқеа бўлди. Туркистонлик мусулмон депутатлари, айрим истиносоларсиз, консерватив гуруҳга оидлигига қарамай, қисқа муддатли бу парламент тажрибаси фойдали бўлиб, улар орасида либерал-ислоҳотчилик ҳаракатининг ривожланишига имкон яратди.

Бу даврда туркистонлик жадидлар билан Волгабүйи, Қрим ва Кавказ жадидлари ўргасида яқин алоқалар ўриатилди. Жумладаи, 1905 йилда Россия мұсулмонлари құмитаси марказий бюросининг аязоси Абдурашид Иброҳимов Тошкентта келди ва бу ерда тегишли ишиларни олиб борди. 1908 йилда эса Россияда жадидчилик ассоции Илемойл Гаспирали (Гаспринский) Қоқырага жұнаб кетиппен олдидан яна Туркистонга келди. У, хусусан, Самарқанддаги яниг үсул мактабларыда дарс бериш қаңдай йўлга қўйилганни билан танишди. 1910 йил сентябрьда Ҷаҳонгар Ҳамидийнин собиқ аязоси, таниқли татар жадиди Садри Мақсудий бутун Туркистон ўлкасини айланыб чиқди. У Красноводск, Асхобад, Марв, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Тошкентта борди ва сўнгра Оренбургга йўл олди.

Тошкент Ўрта Осиё минтақасининг маъмурӣ ва маҷалий маркази сифатида ислоҳотчилар йигиладиган жойга айланди. Россиядаги ишқилюбий фаолият муваффақиятларида руҳланган Туркистондаги либерал-ислоҳотчилик ҳаракати фаоллари ўз фаолиятларини кучайтириб, бу ҳаракатта Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Илемойл Обидов, Убайдулла Хўжаев, Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Акобир Шомансурзода, Сандаҳмадхўжа Сиддиқий, Қўқонда Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирний ва Пўлат Солисвлар бошчилик қилдилар ва у барча ўлка шаҳарлари аҳолиси ўргасида кенг ёйла бошлади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт фаоллашувининг муҳим кўрсаткичи сифатида нашриёт, хусусан, матбуот фаолиятининг кескин жонланғанлигини кўриши мумкин.

Туркистон жадидларининг биринчи миллий газетаси 1906 йил 27 июнда “Тараққий” номи билан чиқди, унга таниқли жамоат арбоби Илемойл Обидов (Габидов) муҳаррирлик қилди. Шуниси диккәтта сазоворки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 июн қарори билан ушбу газета биринчи сонининг чиқсан куни “Матбуот куни” сифатида кенг нишопланмоқда.

“Тараққий” билан бир қаторда Тошкентда туркистонлик жадидларининг 1906 йилда “Хуршид”, 1907—1908 йилларда “Шуҳрат”, “Тужжор” газеталари пайдо бўлди. “Хуршид” ва “Шуҳрат” газеталари Туркистонда мухториятчилик ҳаракатининг бўлгуси йўлбошчиларида бири Мунаввар қори,

“Тужкор” газетаси эса тошкентлик йирик бой Сайдкаримбой Сайдазимбой ўғли томонидан нашр этилди.

Туркистонда бундан кейин бир қатор жадид газета ва журналлари — “Оснё”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Ойна”, “Эл байрои”, “Турон” ва бошқалар пайдо бўлди. Жадидларниң бу босма нашрлари 1905 йилда Россия Конституцияси юмшатилган цензурани қабул қилингандан сўнг юзага кела бошлади. Уларниң кўпчилиги қисқа муддат чиққан бўлса-да, ислоҳотчилар ғояларини тарқатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жадидларниң янги шароитлардаги фаолиятлари бир неча йўналишларда кечди. Авиало маърифатпарварлик устувор йўналишлардан бири сифатида қолди. Жумладан, улар чор тузумининг зулми нисбатан юмшаган шароитда янги усулдаги мактабларни ташкил этиши бўйича кучгайратларини сезиларни даражада кучайтирипди. 1910 йилга келиб ўлканинг турли жойларида 50 га яқин бундай мактаблар ташкил этилди. Тошкент ва Кўқон жадид мактабларининг йирик маркази бўлиб қолди⁶.

1917 йил феврал инқилоби бошларига келиб чор ҳукумати томонидан Туркистонда 4 мингдан ортиқ бола ўқийдиган 100 га янги янги усулдаги мактаблар рўйхатдан ўтказилган, шулардан 39 таси — Сирдарё, 30 таси — Фарғона, 18 таси — Еттисув, 5 таси — Самарқанд вилоятларида жойлашган⁷. Уларниң ҳаммаси хусусий маблағлар ҳисобига фаолият юритар эди. Ўқиши шудик бўлгани билан унинг миқдори ойнга 50 тийиндан 3 сўмгача эди.

Янги усулдаги мактаблар хусусий ташаббус билан юзага келган, бино ва маблағлар билан таъминланмаган бўлишига қарамай, маҳаллий аҳоли мұхаббатини қозонди ва шу қадар оммавийлашиб кетдики, ота-оналар рус-тузем мактабларицаги бенул ўқишидан кўра янги усул мактабларидаги тўловли ўқиши афзал кўра бошладилар.

Янги усулдаги мактабларда болаларниң саводи барадла ўқитиш усули билан чиқарила бошлади, Туркистонининг таникли маърифатпарварлари ўзлари дарслклар тузиб, чоп эттиридилар. Сайдрасул Сайдазизовнинг “Устоди аввал”, Мунаввар қорининг “Адиби аввал”, Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, Рустамбек Юсупбековнинг “Таълимчи аввал” дарслклари шулар жумласидандир.

Тўғри, ўқув дастурлари мукаммал эмаслиги учун аввалида ўқитувчининг моддий маблаглари ва индивидуал хуусиятлари, тайёргарлик даражасидаи келиб чиқиб, дарслар турли-туман, баъзи мақтабларда фақат қуруқ ўқиш ва ёзиш, бошқаларида сўзлашув тилида, бошқаларида ўқиш, ёзиш, сўзлашшиш тарзида ўтказилган.

Ўзбек нациётлари ва миллий театрининг пайдо бўлиши эса, маърифатпарварлик, миллий уйғонини гояларини тарқатишнинг самарали воситасига айланди. Тошкент ва қўқонлик ноширилар миллий шоир ва ёзувчилар асарларини оммага етказдилар, улар орасида, айнича, Алишер Навоийга алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Хўжа Аҳмад Яссавий, Мирзо Бедил, Сўфи Оллоёр каби мутафаккирларининг диний ва фалсафий асарлари нашир этилди. Бу жадидчилик тафаккурига янги туртки берди. Жадидлар ўз ўқувчиларини миллий уйғонин даврини бошдан кечираётган бошқа мусулмон Шарқи мамлакатлари — Эрон, Туркия, Миср, Суриядаги нашир этилган китоблар билан ҳам таништирдилар.

Мазкур даврда жадидларда барча тараққийпарварларни бирлаштириш мумкин бўлган муайян дастур йўқ эди. Уларнинг ҳар қайсиси миллий ривожланиши йўлини ўз ҳолича таклиф этарди. Турлича фикрлар, баъзан бир-бирига зид қараш ва таклифлар, ихтилофлар мана шундан келиб чиқсан бўлиб, улар ҳалқу турлича таъсири кўрсатарди. Щуни таъкидлани лозимки, утубу тарихий даврда жадидларда ҳали миллий-маданий мухторият билан боғлиқ бўлган ўз таҳдирини ўзи белгиланинг ҳам шаклланмаган эди. Бу йўналишда эиди айрим нишоналар кўрина бошлаган эди.

1905—1907 йилларда жадидларниң сиёсий қиёфаси ҳали шаклланмаган эди. “Туркистоннинг ташвиш ва ички разведкаси ҳақида” номли ҳукумат комиссияси ҳужжатида кўрсатилишича, ўлкада “ёш сартлар” партияси ҳали пайдо бўлмаган, шаклланмаган бўлса-да, айни пайтда “бу йўналишда “иши” олиб борилмоқда”⁸ эди.

Жадидлар метрополиядаги сиёсий жараёпларни диққат билан кузатиб, Россияда юзага келаётган сиёсий партияларниң дастурларини, фаолиятларини ўргандилар. Улар миллий менталитетнинг ўзига хослиги, ўзбек ҳалқининг тинчликсеварликка мойиллиги ва Россия демократик кучлар тажрибасидаи келиб чиқиб, инцилоб йилларида чор ҳукуматидан тинч йўл билан — ижтимоий арзпомалар, Давлат Думасида оммавий баҳслар олиб бориш ва бошқа қонуний

воситалар орқали ўзлари учун сиёсий ён берилшларга эринши ҳамда дастлабки босқичда ҳеч бўлмаса, Туркистон миллий ривожланишининг объектив эҳтиёжларига жавоб берувчи бир қатор шароитлар яратиш учун интилдишлар.

Туркистон жадидлари 1906 йилда Давлат Думасининг очилиши ҳақидағи хабарни катта қувонч билан кутиб олишиди. Улар тўғга тутиш, ўлим жазоси, сургун ва қамоқлар йўли билан тартибсизлик ва исёпларни тўхтатиш мумкин эмас деб ҳисоблашарди. Буларни тўхтатишнинг ягона воситаси Давлат Думаси эди, у эса, халқ учун эркинлик, тенглик, адолатни таъминлар эди ("Хуршид", 1906, 26 октябрь). Айни пайтда, жадидлар парламентаризм тарафдори бўлиб чиқишиди. Албаттга, бу даврда жадидларнинг демократик тафаккури ҳали конституцияни монархизм даражасида эди. Бу пайтда улар кескни чора-тадбирлар кўришга чақиришимади, чунки уларниң фикрича, бу ҳол оғир аҳволга олиб келиши мумкин эди. Жадидлар тактикаси демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш, юзага келаётган демократик институтлар бар-қарорларини таъминлаш, ҳукумат ини учун етарли шарт-шароитлар яратиш, айни пайтда, таълим ва дин соҳасида мухтор ҳуқуқлар берилшини талаб қилишдан иборат бўлди.

Шундай қилиб, туркистонликлар мұхитида 1905 йил инқилоби оммавий-сиёсий фаолият учун дастлабки умидларни уйғотди. Бироқ "Столипин реакцияси"нинг шаф-қатсанлиги буларни йўқча чиқарди. Россия ички ишлар вазири Столипин даврида туркистонликлар сиёсий мустақилликдан мутглақо бебаҳра қолдилар. Улар ҳатто Давлат Думасида ўз вакилига эга бўлишидан ҳам бутунлай маҳрум этилдишлар. Бу, Ўрга Осиё халқлари гурури ва шаънини ерга уриш эди. Айни пайтда, пантуркизм ва панисломизм гоялари Россия давлатчилигининг асбсларига хавф солмоқда деган васвасалар онгли равишда кучайтирилди. Ҳукмрон тузум мусулмон халқларининг миллий озодлик ҳаракати ва фуқаролик эркинликларини талаб қилиб чиқишиларига қарши курашда уларни пантуркизм ва панисломизмда айблаб, сиёсий ёрлиқлар ила бошладилар ва бундан мафкуравий қурол сифатида фойдалана бошладилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий чор ҳукуматининг бундай сиёсатига қарши Туркистон жадидларининг ортиб бораётган қаҳр-ғазабини бир қатор чиқишиларида аниқ ифодалаб берди. Жўмладан, "Тужжор" газетасида босилган "Дума ва Туркис-

тон" мақоласида II Давлат Думаси тарқатиб юборилғандан сүйг ўлка ахолиси "Россия парламенти"га сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлғанини чуқур таассуф билан ёзди. Беҳбудий шундай таклиф киритади: "ягона чора — йирик шаҳарлардан, имкони бўлса, Туркистоннинг беш вилоятидаги барча шаҳарлардан бигтадан депутатни бир жойга йигиб, октябрь ойи ичидаги арзнома билан Петербургга император ҳазрати олийлари ҳузурига III Дума депутатлари таркибига кириш илтимоси билан юбориш лозим... Биз Туркистон ва Русия қонуичилнггини яхши биладиган, дорилфунуиларни тутатган ҳуқуқшунос кишилардан юбормогимиз лозим" ("Тужжор", 1907, 9 октябрь).

Россия Давлат қурилиши ҳақидаги масалада Биринчи ва Иккинчи Россия умуммусулмонлар съездлари қарорлари таъсирида Туркистон жадидларида миллий озодлик ҳаракати мағкурачилари сифатида кадетлар партияси қарашларига ўхшаш сиёсий йўл аниқ кўзга ташланди.

Бу хусусият М. Беҳбудийнинг "Хуршид" газетасида (1906 йил, 11 октябрда) эълон қилинган дастурий мақоласида яққол кўриди. У мақоласининг бопида барча мусулмонлар бир сиёсий партияга бирлашиши зарурлиги ҳақида фикр юритиб, руслар, яхудийлар ва бошча диплардаги кишилар шундай қилганини айтади. Сўнгра у Россиядаги барча мавжуд сиёсий партияларни тўрт гурӯҳга бўлади: биорократик ёки монархистлар партияси, кадетлар партияси, социалистлар (социал демократлар ва социал ишқилобчилар) партияси, Нижний Новгородда 1905 йил 23 августда тузилган мусулмонлар партияси. Беҳбудий монархистлар партиясига салбий тавсиф беради ва уни Россия мусулмонларининг иқтисодий, маданий қолоқлиги сабабчиси деб ҳисоблайди, монархистлар партияси халиқ ва подшоҳ ўргасидаги тўсиқдир, деб таъкидлайди. Муаллиф самодержавие (яккаҳокимлик) фаолиятининг барча салбий томонлари шу партия бўйинда деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, агар монархистлар партияси бўлмаганда, халиқ подшоға бевосита мурожаат қилини имкониятига эга бўларди, подшо эса халиқнинг аҳволини билиб, у ҳақида ғамхўрлик қиласади.

Беҳбудий кадетлар партияси ҳақида тўлқинлапиб гапириб, унинг конституциявий монархия тизимини яратишни дастурини маъқуллайди, зоро бу монархия Давлат Думасини "спод" ва "ҳарбий кенгаш" ўрнига қўйиб, подшоҳга

халқ билан бевосита мұлоқот қылыш имконини беради. Бундай тізимда, дейди Бекбұдий, барча синфлар, міллаттар, шу жумладан, мусулмонлар ҳам әркінлік ва тенглікка әрішади, ҳар томонлама ривожланиши имконига зға бұлади.

Социалистик партиялар ҳақида фикр юритар экан, Бекбұдий уларнинг хусусий мұлк ва синфларни тутатынша, барча ишлаб чиқарыши воситаларини умумлаштиришга иштілаётгандыларини күрсатиб үтади. Эңгімөл, бу амалға ошар, бироқ күй асрлар талаған этапади. Үмуман, бундай йўл хомхаёлдан бошқа нараса эмес. Энг муҳими, социалистлар дастуридаги мұлк, шахс ва оила ҳақидағы мөдделар яроқсиздір. Улар шарият қонуиларига зид келади ва мусулмонлар ҳаётіга мувофиқ эмес, деган фикрни билдиради Бекбұдий.

У Россия мусулмонлари партиясында тавсиф берар экан, Туркистандаги барча мусулмонларни ягона партияга бирлашишта, мусулмон иттифоқи таркибиға киришга чақиради. Туркистан мусулмонларйининг бүлгеси партияси ҳақида Бекбұдий шуны қайд этады, мазкур партия иштисодиёт, мағкура ва фан масалалари бўйича мусулмон иттифоқининг сиёсат масалаларида — кадетлар дастурини қабул қылышы лозим (“Хуршид”, 1906, 11 октябрь).

Жадид газеталари ва журналларица бошқа сиёсий йўналишдаги мақолалар анча кўпроқ эди. Жумладан, айтайлик, “Тараққий” газетасыда ҳукмрон синфлар имтиёзларини тутатиш, міллаттар тенгліги, барча ерларни дехқонларга бўлиб бериш, саккиз соатлик иш куни, намойиш қылыш ҳуқуқига оид чақириқлар күп учрайди. Газета, жумладан шундай деб ёзади: “Ҳукумат халқ қоинини зулукдай сўрмоқда, қаттиқ азбламоқда, 1906 йил 17 октябрдаги чор манифести эса халқни тиичлантирувчи айёрликдир. Яқинда бундай “озодлик”лардан заррача ҳам қолмайди, шу боис ҳам хали; чоризм биноси ағдарилиши учун ўзи ҳаракат қылади, деган қарашлар билдирилди” (“Тараққий”, 1906, 26 октябрь).

Ушбу газета чор тузумини “сиёсий ўзбошимчалик, муштумзўлик зулми ва халқ нодонлигининг зулматдаги подшо-лиги” дея тавсифлайди. “Тараққий” халққа нимани таклиф қылганди? Мана унинг таклифи: “Мусулмонлар руслар, поляклар, яхудийлар каби ўз ҳақ-ҳуқуқ ва әркінлікларини талаб қылышлари... бошқа міллаттар билан бирлашиб, ҳукуматга қарши бирғалықда ҳаракат этишлари лозим” (“Тараққий”, 1906 йил 19 август). Бундай мақола

ва чакириқларни боғсани, социал-демократияни очиқчаси-
та құллаб-қувватлаганнан үчүн газета ёниб қўйилди, унинг
муҳаррири Исмоил Обидов эса қамоқча олинди.

Умуман, 1905—1907 йиллар даврида жадидчилик илгор
сиёсий ҳодиса сифатида шамоёни бўлди. У Туркистондаги
туб аҳолининг уйғонишига, миллӣ озодлик ҳаракати маф-
курасининг шаклланишига ёрдам берди.

Инқиlobиар оралигидаги даврда (1908—1916) жадидлар
миқдор ва ташкилий жиҳатдан ўси, мустаҳкамланди. Унда
минглаб кипшлар иштирок этди. Шундай бўлса-да, у чинакам
оммавий хусусият касб этолмади. Жадидларининг яширин
гуруҳлари пайдо бўлди. Жумладан, полиция хабарига муво-
фиқ, Тошкентда бундай гуруҳ ўқитувчи Аҳмаджонов томони-
дан бошқарилган ва асосан миллӣ зиёлилар ҳамда ўқувчи
ёшлиар вакилларида ташкил тонган⁹. Кўёкондаги яширин
гуруҳда 50 дан ортиқ киши қатнашган, Андижонда жадид-
ларининг “Тараққийпарвар” номли иорасмий ташкилоти бўлиб,
унинг раҳбари, полиция маълумотига кўра, Убайдулла Хўжаев
эди¹⁰. Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг 1913
йилдаги рапортида хабар берилинича, шаҳар мусулмонлари
орасида янги усуздаги мактаб, яъни жадидлар тарафдорлари
сезиларни фаоллашган ва сони ўсган. Ҳужжатлардан маъ-
лум бўлинича, гуруҳлар ўзаро алоқада бўлгаплар. Жумладан,
“Туркистон ўлкасида 1914 йил октябринга келиб мусулмон
аҳолисининг кайфияти ҳақидаги қисқача ҳисобот”да қайд
этилинича, “ган” деб аталадиган кечалар ўлкаининг ўзига
хос хусусиятларидан биридир. “Ганга миллатига, ёшига,
мавқенга ва баъзан касб-ҳунарига қараб йиғилишиади;
кексалар, ёш бойваччалар, темирчилар, майда савдогарлар
ва ҳоказоларининг гапи шундай амалга ошиади... Уларининг
миқдори 15 дан 30 кинигача боради”¹¹.

Бундай гапларда жадидлар ҳам фаол иштирок этишган.
Уларининг гоявий таъсири остида йиғилишларда кең мавзу-
лардаги муаммолар бўйича жонли фикр алмашинувлар
бўлган, яъни сиёсий мавзуларда гапирилган, ўтиб кетган ҳаф-
та воқеалари, янги усуздаги мактаблар очилиши билан боғлиқ
масалалар муҳокама қилинган, хайрия ишлари учун маб-
лағлар йиғилган. Бу гапларда ҳеч қандай кун тартиби бўл-
маган, раҳбарият сайлашмаган, баёниома тузилмаган, қа-
рорлар қайд этилмаган. Ҳеч ким бу йиғилиларга мажбуран
бормаган, истаган одам қатиалишини мумкин бўлган.

Топкентдаги илгор гапларда Мунаввар қори, ақа-ука Убайдулла ва Баширулла Хұжаевлар, Абдулла Авлоний, Саримсоқов ва бошқалар иштирок этгандар.

Юқорида күрсатылған ұхжатта айтилишича, “бундай гаплар ұхумат назорати остида бұлиши әрі жамияттар ҳамда әйғилишлар ҳақидаги қонунға бүйсүніши керак, айниша ҳозирғи хавотирлар замонда ҳар бир “тап” ұхуматта қарнан тарғибот олиб бориш учун жуда қулай, тайёр ячайлады”¹².

Инцилоблар оралығындағы даврда жадидлар орасында сиёсий ажралыш рүй берди. Айни пайтда жадидчилік ҳаракати маданий хусусиятлардан күра күпроқ сиёсий белгиларға әзәрле әсер етті.

Жадидлар мағкуравий қарашларининг бундан кейинги тадрижий ривожланиши бириңчи жағон урушы йилларига түтіри келді. Уруш бошланыпци билан юзага келген умумий маънавий инқизироз ҳолаты туфайлы ижтимоий онгнинг күпілаб ағъанавий шаклларига писбатан ўзгаришлар юз берди. Улар қуруқ расмиятчилік, ақыдарапастлик каби иллатлардан озод бўлди. Янги тарбия ва қарашларни қабул қылыш учун йўлларни тозалаш жараёни борди. Кўигина жадидларни маданий-маърифий фаолият доирасидаги биқиқлик энди қониғирмай қўйди.

Бириңчи жағон урушы жадидлар тафаккурида қатъий ўзгаришлар ясади; улар муҳитида расмий мағкуранинг асосий қондалари, сиёсий ҳәёттинг механизмини танқид қылыш кучайды. Айни пайтда, ривожланған Европа мамлекатларыда юзага келген демократик сиёсий-ұхқуқий институт ва тартибларга қизиқыш кучайды. “Хусусан улар, — деб таъкидлайды ұхқуқшунос Д. Тошқұлов, — парламентар монархия ва бошқарувнинг республика шакли, президентлик ҳокимияти, демократик ұхқуқлар ва фуқаролар әркинилеклари ҳақида, фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришдаги, давлат органларини шакллантиришдаги, қонун яратувчилік ишидаги иштироки шакллари ҳақида ёзишган”¹³.

Истибоддога түшиб қолған халқларнинг миллий озодлик кураши мағкурасын әрі тактикасини ўрганиши миллий демократларнинг дикқат-эътиборида турди. Жадидлар бу ишга ижодий ёндашылар. Улар Европа мамлекатларининг давлат қурилиши ва қонунчилігі, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачилікка қараши кураши әрі демократик

ҳаракатлари мағкураси ҳамда тактикасининг кенг амалий жиҳатларини ўрганиб, ундан ўз мамлакатларига мосини, тўғри келадиганини ташлаб олишиди.

Миллый зиёлиларининг мағкуравий ва ижтимоий сиёсий фаолияти кучайини жадидларининг соф маданий-маърифий ишлар тарафдорлари ва ижтимоий-сиёсий интийтларни ислоҳ қилиши, мустамлакачилик ва феодализм кишинларидан озод бўлиш тарафдорларига бўлишишларга шароит яратди.

Урушга нисбатан муносабат ҳам кўзига ташлана қолди. Жадидларининг бир қисми уни қоралаб, бошқалари — унинг тугасини кута бошладилар. Туркистонлик жадидларининг муайян гуруҳи Туркияга, кўнчилиги эса Россияга хайриҳоҳ бўлдилар.

1916 йилги қўзголон жадидларининг гоявий қарашларига сезиларни таъсир кўрсатди. У миллый озодлик курашининг кучайини, миллый мустақиллик гоясининг кенг ёйилшига тургки бўлди. Жадидлар бу даврда мустамлака ҳокимиётининг ўзбошимчалигини фош қилишда позик сиёсий йўл тутдилар. Улар “мардикор олиш бўйича ерли маҳаллий қўмиталар воситасида қўзголончиларни озодликка интилишшарини қўллаб-қувватлашди, куч ва имкониятлари доирасида уруш ортидаги ишчилар қисматини енгиллаштириши, ҳокимиётининг таъминотдаги ўзбошимчалик ва зўравонликларини бартараф этиш учун барча чораларни кўрдилар”¹⁴.

Ууман, февраль инқилобининг бошларига келиб, “тараққийпарварлар” оқими таркибидаги туркистонлик жадидларининг кескин чоралар кўриш тарафдорлари кенг сиёсий талабларни олга суро бошладилар. Бу талаблар орасида ўлкани бошариши тубдан ислоҳ қилишда маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтириш, уларининг вакилларига Давлат Думасидан тегишли ўрин ажратиш, асосий демократик эркинилар, энг аввало — миллый матбуот эркинлиги, самодержавиени алмаштириши, феодал унсурларни чеклаш ва ҳоказолар бор эди. Шу билан бирга бирон-бир ҳужжатда бу талаблар жамланган ҳолда расман баён этилмади. Аниқ сиёсий дастур халққа очиқ баён этилмай қолди.

1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби Туркистон ўлкасида мусулмон аҳолисининг сиёсий уйғонишида, ўсиб келаётган демократик жараёнларга бошчилик қилишига ўзининг интилишини баён этган янги кучларининг

сиёсий майдонга чиқишида бурилниш босқичи бўлди, дейин мумкин. Унинг таъсирি остида миллий сиёсий партия ва ташкилотлар ташкия этилди, янги газеталар ("Турон", "Улут Туркистон", "Нажот", "Кенгаш", "Хуррият" ва бошқалар) ишлар этила бошлиди, улар демократик кайфиятдаги миллий зиёлилар ва маҳаллий аҳоли турли қатламларининг қарашлари, маңбаатларини акс эттириди.

Бунда жадидлар миллий-демократик кучларни бирлаштирувчилик хизматини ўтадилар. Улар инқилобга катта умид боғладилар, тараққиёт ва халқ мустақиллиги ҳақиқидаги ўз идеаллари рӯббига чиқишини кутдилар.

Февраль инқилоби бошланини билан жадидларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги жуда ошиб кетди. Улар омма ҳаракатига боғчилик қилингача иштилиниди, маҳаллий аҳолини якигланани жараёларида фаол иштирок этишича чақиридилар. Жумладаи, жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Абдурауф Фитрат ўша куиларда шундай деб ёзди: "Рус инқилоби бўлиб ўтганига уч ой тўлди. Халқимиз озодлик, инқилоб маъносини англай олмадилар. Буларга ҳуррият ва инқилобнинг сирларини, сабабларини, фойдаларини англатмоқ керак. Бунинг учун рисолалар, баёниотномалар, хитоблар чиқармоқ, конференциялар тузмоқ лозим"¹⁵.

Бундай мазмундаги қарашлар "Хуррият" газетасида эълон қилинган дастурий мақолада ҳам учрайди. Унда таъкидланвичча, четда кузатувчи бўлиб туриш мумкин эмас, маҳаллий аҳоли рус ишчи ва солдатлари каби инқилобий ҳаракатта фаол қўшилишлари лозим.

Инқилоб жараёнида жадидлар маҳаллий аҳолининг ижтимоий турли қатламларини ўз оргидан эргаштира олди, улар оғигда мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш фикрини уйғотнишга муваффақ бўлди.

Бу ҳол Сандахмадхўжа Сиддиқий, Авлоний, Ҳамза, Тавалло, Сўғизода ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини тоиди. Жумладаи, шоир Сиддиқий (Ажзий) 1917 йилда эълон қилиган шеърларида чоризм ағдарилганини олқишилади, янги ҳокимият мазлум Туркистон халиqlарининг орзу-умидларини рӯббига чиқаради деб ишонч билдириди.

Февраль инқилоби жадидларнинг ташкилий фаолиятларида ҳам ўзгариш ясади. Илгариги соғр жадид тўғараклари кўнгина ҳолларда мустақил ҳаракат қилмас эди, чунки уларнинг анчагина аъзолари "Шўрои Исломия", шунингдек,

“Иттифоқ” (“Мусулмон мәжнаткашлари иттифоқи”) таш-
килотларига кирганды.

Жадидлар дастурий ҳужжатлар, амалий ҳаракатлар
стратегияси ва тактикасини фаол ишлаб чиңа бопладилар.

Шу билан биргә жадидчилик ҳаракатида ҳали 1914—
1915 йиллардаёқ пайдо бўлган бўлинниш февраль инцило-
бидан сўнг сезиларли кучайди ва 1917 йил октябрь арафа-
ларига келиб яққол кўринди.

Халқларни маданий ва миллий ўз-ўзини бошқаришга
чақирган инцилобий демократик шиор жадидларининг халқ
оммасини маърифатли қилини ва уларни миллий умумде-
мократик манфаатлар учун курашга отлантиришга бел
боглаганликларини кўрсатар эди.

Ўзининг кўти асрлик маданиятига эга бўлган Туркистон
мусулмон аҳолиси миллий ўзига хослигини намойини қилиш
имкониятини қўлга киритгач, миллий бошлангич мактаб
яратишга киринди. 1917 йил 20—23 майда Тошкентда
мусулмон ўқитувчиларининг Биринчи ўлка қурултойи чақи-
рилди. Унда мусулмон мактабларида ўқув иши асосий масала
сифатида муҳокама қилиниди. Ушбу қурултойда турли
вилоятлардан келган мударрислар ва муаллифлариниг
путқлари тингланди. Туркистонда мактаб ишини ислоҳ
қилиш ҳақида Муниаввар қори маъруза қилди, делегатлар
уни бир овоздан қурултой раиси қилиб сайлашди.

Ушбу маърузадаги: “руҳоний, эски усуздаги мактаблар
ислоҳ қилиниши керак” деган фикр катта баҳсга сабаб
бўлди. Қадимчилар, яъни эски усуздаги мактаб тарафдорлари
Мулла Умар Охунд, Мұхаммад Азим Маҳмуд, Мулла Одил
муфти бу фикрга қарши чиқишиди ва мусулмон диний
мактабларини ўзгартирмай қолдиришини талаб этишиди.
Жадидлар Мулла Муслим, Саидағмад Васлий, Умарбек Ул-
вий ва Мунаввар қорилар сўзга чиқишиб, эски усуздаги
мактабларни ислоҳ қилиш секин-аста ўтказилиши зарур-
лигини, фақат шундагина туркистонликлар қолоқликдан
чиқиши мумкин, деб таъкидладилар.

Охир-оқибатда бир битимга келишиб, қуйидаги қарор
қабул қилинди: “руҳоний, эски усуздаги мактаблар шариат-
га мувофиқ равишда секин-аста ислоҳ қилиниади” (“Нажот”,
1917, 28 май).

Туркистонда мактаб ишининг қурилиши ҳақидаги узоқ
баҳслардан сўнг резолюция қабул қилинди, унинг мазмунини

қўйидагича эди: шу пайтгача мавжуд бўлиб келган рус-тузем ўқув юртлари эндиликда миллӣ мактаблар билан алмаптирилиши керак; қўйи, ўрга ва олийларга бўлинадиган мактабларда дарс ўтиш ўқувчиларининг она тилида олиб борилиши лозим; бошлангич таълим умумий, мажбурий ва олти йиллик бўлмоги зарур, бунда мактаблар таъминоти давлат, земство ва шаҳар бошқаруви ҳисобидан ажратилади; барча мактаблар миллӣ фарқларига қарамай бир хил ҳуқуқдан фойдаланишига ҳақли, мусулмон ўқитувчиши ҳам рус ўқитувчиси билан тенг ҳуқуқлидир” (“Нажот”, 1917, 28 май).

Қабул қилинган қарорларда барча мадрасалар уч босқичига: қўйи, ўрга ва олийга бўлининши маълум қилиниди. Мадрасалардаги ўқув-тарбиявий иш мударрислар кенгаши ихтиёрига берилди. Мадрасалар ишни низорат қилиши эса, съезд қарори бўйича, диний бошқармага тегишши деб топилди.

Қурултой мактабдан ташқари таълимга алоҳида аҳамият берди ва қўйидаги қарорни қабул қилди: халиқни маърифатли қилиши учун турли жойларда кутубхона ва қироатхоналар очиш, маъruzalar, мутолаалар, курслар ташкил қилиш; Тошкентда миллӣ музей очиш; мактабгача ёшдаги болалар учун тарбия уйлари ва болалар bogчалари очиш; Туркистоннинг барча ўқитувчиларини бирлаштириш учун Марказий ўқитувчилар Иттифоқини тасвис этиш лозим.

Мусулмон ўқитувчиларининг биринчи Ўлка қурултойи педагогик тафаккур ривожланишида муҳим босқич бўлди. Ушбу қурултойда сайланган туркистонылик мусулмон ўқитувчилар кенгаши рус-тузем мактабларини миллӣ мактабларга айлантириш бўйича дастурни ишлаб чиқишга кирилди. 1917 йил августида дастур лойихаси тайёр бўлди, сентябрда эса Тошкент шаҳар Думаси тасдигига тақдим этилди.

10 сентябрда Дума мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур масала бўйича Мунаввар қори Абдурашидхонов нутқ сўзлади. У ўз маърузасида жумладан, рус аҳолиси сони бўйича беш баравар кам бўлса ҳам ўнлаб турли хил ўқув юртларига эгалити, Тошкент шаҳрининг маҳаллий аҳолиси учун эса, гарчи рус аҳолиси билан баравар солиқ тўлаётган бўлса ҳам, вазирликнинг бор ўғи 11 та бошлангич мактаби мавжудлиги ҳақида куюниб гапирди¹⁶.

Инқилобий рус ҳукумати ўз Баённомаси билан Россиянинг барча фуқароларига ҳар бир миллатнинг ўз тақ-

дирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида маълум қылғанини кўзда тутган Тошкент мусулмон ўқитувчилари қуйидаги талаб билан мурожаат қилди: “рус-тузем мактаблари миллий мактабларга айлантирилсени; яна қўпимча 11 мактаб очилсин: Шайхантоҳур даҳасида — 2, Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларида З тадаи миллий мактаблар ташкил этилсин; маҳаллий ўқитувчилар маоши рус ўқитувчилариникита тенглантирилсин; 2 йиллик ўқитувчилар курслари очилсин.

Дастурда кўрсатилишича, 1917—1918 ўқув йилидан бошлаб “Рус-тузем мактаби” номи “Миллий мактаб” деб қайта номланисин.

Шаҳар Думаси мазкур лойиҳани узоқ муҳокама қылгач тасдиқлади. Бироқ ўн еттинчи йилининг сентябрь, сўнгра октябрь воқеалари Туркистонда ушбу лойиҳани ҳаётга татбиқ этишини анча кейинги даврларга суриб юборди.

Жадидлар мактаб таълимини иелоҳ қилини масалалари билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий тузумни ислоҳ қилишининг долзарб муаммоларини ҳам кўтара бошлишди. Февраль даврида туркистонлик жадидларининг метрополия мустамлакачилик сиёсати, ҳуқуқий институтларга муносабати кескин ўзгарди. “Улар, эндиликда мустамлака маъмуриятининг айрим вакиллари ва давлат органларининг камчиликларини тақиид қилиш билан чеклашиб қолишмади”. Миллий демократлар мустамлакачиликни умуман қаттиқ тақиид остига олишди, увинг иллатларини очиб ташлашди, давлат мустақиллигига эришин ҳақидағи гояни олдинга суришди, конституциявий монархияни қўллаб-қувватлаш ҳақидағи шариятни таркибида миллий-ҳудудий муҳторият берилиши тарафдори бўлиб чиқдилар.

Жадидлар “Туркистон халқининг ёрқин истиқболи фақат федерация шароитидагина кафолатланади, бусиз Туркистон умуман мавжуд бўла олмайди”, деб ҳисоблашди.

“Яшасун қўшма халиқ жумҳурияти” — 1917 йилда “Кенгаш”, “Турон”, сўнгра эса Туркистон федералистлари партиясининг “Турк эли” газеталари мана шу шиор остида нашр этила бошлади. “Турк эли” газетасининг таърифича ушбу шиор “Туркистоннинг унга хайриҳоҳ миллатлар билан миллий-маданий ва ҳудудий муҳторият ҳуқуқлари асосида бирлашиши”ни анатлатган (“Турк эли”, 1917, 4 октябрь).

Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида миллий-худудий мухторият тамойилларини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиши, хусусан Туркистон Федератив Республикаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунларни напр этиши, ҳокимият, бошқарув ва суднинг олий органларини ташкил қилиши, давлат тузилмаларини яратиш ва ҳоказоларга жиҳдий эътибор билан қарадилар.

Бошқарувнинг асос шакли сифатида республикачилик ташланди. Демократик жамиятни шакллантириш устувор мақсад қилиб қўйилди, унда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши ва конституциявий кафолатланишини кўзда тутилди. Жадидларнинг ўша йиллардаги хизмати шундаки, улар Туркистондаги барча миллат ва элатларнинг ишгисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий соҳаларда қонуний тенг ҳуқуқлиги гоясими олга суриди.

Шундай қилиб, демократ жадидларнинг 1917 йилдаги асосий вазифаси Туркистонни саводхон, маърифатли, фаровон мамлакатга айлантиришга интилишида кўриди. Улар шу нарсани чуқур англаб етишидик, ўша пайтда бу вазифани Россия Федератив Демократик Республикаси таркибида мустақил ривожланиш шароитидагина амалга ошириш мумкин эди. Шунга мувофиқ миллий демократлар Туркистонга ҳудудий-миллий мухторият беришни талааб қилиб чиқдилар.

ТУРКИСТОНДА 1917 ЙИЛ ФЕВРАЛИДАН СҮНГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА ТАРАҚҚИЙПАРVARLARНИНГ ФАОЛЛАШУВИ

Чоризмининг ағдарилиши Туркистон жамиятсининг сиёсийлашувида жўшқин жараёнларни бошлаб берди. Юз минглаб “мудроқ” одамлар уйгониб, сиёсий фаолиятга кириди. Ҳукумат тузилмаларини қайта қуришига киришилди. Ҳамма жойларда ижтимоий-сиёсий ташкилот ва партиялар тузила бошлади. Сиёсий манфаатларни анча эркив ифода қилиш имконияти пайдо бўлди.

Батай тарихшунослигига Февраль воқеаларидан кейинги ривожланишининг жўшқин ва зиддиятли саҳифалари анча тўлиқ баён этиб бўлинган. Тарихшунослик таҳлили холосаларининг кўрсатишича, ҳозирги пайтга келиб бу борада занифроқ ёритилган масалалар мавжудки, буларга янги сиёсий

шароитларда Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси миллий ўзлигини англашининг ўснини муммомлари, февраль ииқи-лобининг кенг мусулмон оммаси фаоллигини уйғотишга таъсири, миллий зиёлиларниң давлат мустақиллигига эришиш борасидаги ўзига хос йўлларини бундан кейин концептуал идрок этишлари, Муваққат ҳукуматининг мустамлакачилик интилишлари билан уларниң кураши каби масалалар киради.

Совет даврида яратилган тадқиқотларда февралдан кейинги жараён, ииқилобий янгиланиши ички Россия ва ўлқадаги маҳаллий европаликларниң сиёсий ҳаракатлари билангина боғлиқ, деб қатъий таъкидлаб келинди. Ҳолбуки, бу даврда маҳаллий аҳоли сиёсий ҳаётта фаол жалб этилибгини қолмай, балки тарихий воқеаларга ҳам сезилиарни таъсири кўрсатди. Миллий зиёлилар ўзларининг сиёсий ҳаракатлари йўлида катта қадам қўйдилар. Улар шундай мураккаб сиёсий кураш давом этаётган паллада миллий ривожланишининг мустақил моделини олга сурдилар, кенг мусулмон оммасининг орзу-умидларини ифодалай билдишлар.

Шуни айтиш керакки, февраль ииқилоби Туркистон аҳолиси томонидан зўр ҳаяжон билан кутиб олиниди. Ииқилоб томонидан эълон қилинган Озодлик, Тенглик, Биродарлик шиорлари Россияниң мустамлакачилик сиёсатидан эзилган мусулмонлар қалбida ёрқин келажакка умид уйғотди.

Самарқандда пашр этилган “Хуррият” газетаси шундай деб ёзди: “Ниҳоят, Россияда биз орзу қилган ва сабрсизлик билан куттаки ииқилоб юз берди. Эски ҳукумат ағдарилди. Бизларга эркинлик берилди: эндиликда биз сўз эркинлиги, матбуот эркинлигига эгамиз. Эндиликда ҳақиқатни айтган ва ёзган пайтимизда оғзимизни ёпишмайди. Ўз ҳуқуқларимизни талаб қилган пайтда бизга қулоқ солиншади”. (“Хуррият”, 1917, 16 апрель).

Кўпгина шаҳар ва қишлоқларда тартибсиз равишда митинг ва порозилик йиғилишлари бошланди. Уларда турли демократик жамоат ташкилотларини юзага келтириш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Бу борада “Туркестанский курьер” газетаси шундай деб ёзди: “Шаҳар кўчалари байроқлар билан безангап. Тошкентда кўп минг кишилик намойишлар “Озодлик уйи” ва Шайхонтахур майдонида бўлиб ўтди. Нотиқлар ииқилоб ғалабасини олқишилаб, янги ҳукумат халқ аҳволини яхши-

лайди, вайронагарчилек билан ҳар томонлама кураш олиб боради, ер-сув масаласини ҳал этди, миллатлар ҳуқуқлариниң ҳимоя қиласиди, деб умид билдиришиди” (“Туркестанский курьер”, 1917, 12 март).

Орзу умидлар ҳадемай амалга ошадигандай эди. 3 марта әйлон қилинган баённома ва 6 марта әйлон қилинган “Россия фуқароларига мурожаатнома”да Мұваққат ҳукумат марказий ҳоқимият органдың сифатида демократик ўзгаришларниң диққатни тортувчи дастурини баён этди. У сиёсий әркинилеклар — сүз, матбуот, уюшмалар ташкил қилиш, йигилишлар ўтказиш әркинилгипи киритиш, халиқа ўз сиёсий продасини ифодалаш ҳуқуқини берип, барча табақавий, диний ва миллій чекланишларни ман этиши; бошқарыш шакли ва мамлакат Конституциясииң қабул қилини лозим бўлган Тасис Мажлисими умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва янириш овоз берип асосларида чақиришга дарҳол тайёргарлик кўриш, маҳаллий ўз-ўзини бोшқарини органларига умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва янириш овоз бериш асосида сайдовлар ўтказиш, полицияни халиқ милицияси билан алмантириш; тўлиқ сиёсий амнистия (умумий авф этиши) ҳақида тантанали равишда баён этди. Тўғри, Мұваққат ҳукуматнинг ташқи сиёсатида сезиларли ўзгаришлар бўлмади. У урушни “галабагача” олиб боришини әйлон қилди. Аввалиги ҳукуматнинг иттифоқидо давлатлар билан тузган шартнома ва битимларини сўзесиз бажарип вазифасини зинмасига олди.

Бироқ, кейинги воқеалар кўрсатганидек, февраль ишқилювийнинг демократик имкониятлари тўлиқ амалга оширилмади. Кўшина ваъдалар қуруқ баёнот даражасида қолиб кетди. Туб ўзгаришларга чақириклар амалий шиларда ўз аксиини тоғмади. Вақтли ҳукумат ўлкада пафақат бोшқарувининг эски ҳарбий-мустамлакачилек тизимини сақлаб қолишга уриди, балки эски маъмуриятни ҳам дахлсизликда қолдирди. Чор иопби бўлган генерал-губернатор подшоҳ ағдарилгандан сўнг ҳам, анча вақт ўлкани бोшқариб турди. Тошкентта юборилган Мұваққат ҳукумат комиссари Давлат Думаси аъзоси князь Васильчиков фақат маслаҳат ҳуқуқига эга эди.

Шўро тарихий адабиётида февраль ишқилюви туфайли юзага келган ўлка ижтимоий-сиёсий ташкилотлари ҳаракатлари чор маъмурияти қаршилигини енгиз бўйича озмунча

саъй-ҳаракатлар қылмагани ҳақиқоний кўрсатилди. Бироқ уларда Ташкент, Самарқанд, Фарғона, Ўзбек, Марғилон каби ўлканинг йирик шаҳарлари янги шаҳар қисемидаги воқеалар битофенл ёритилгани ҳолда уларнинг эски шаҳар қисми ва қишлоқ жойларда рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга етарли эътибор берилмади. Тадқиқотларда 1917 йил март кунларида мусулмон аҳолисининг сиёсий ҳаракати ҳақида айрим маълумотларгида келтирилади, миллӣ зиёлиларнинг, энг аввало, жадидларнинг ватаншарварлик фаолияти бузуб кўрсатилади, уларнинг маҳаллий аҳолини мустамлакачиликниң салтанат тузилмаларига қарши кураши, Туркистонининг миллӣ уйғонинидаги сафарбарлик роли камситилади.

Холбуки, чор самодержавияси аниаратини тутатиш ва янгиланиш жараёнларни янада чуқурлантиришда миллӣ ташкилот ва ҳаракатлар фаол интироқ этганди. Таъкидлаш керакки, Туркистон маҳаллий халиқларининг инқилобий ўзгаришларига қўшилиши бир хил кечмаган. Ўлканинг ҳозирги куни ва келажагига турича қарайдиган хилма -хил кучлар мавжуд әди.

Агар умумий жиҳатдан олгаңда иккি муқобил оқим— ўйлар ва сўлларни ажратиб кўрсатини мумкин.

Ўйлар консерватив феодал-диний мағфура вакиллари сифатида майдонига чиқишиди. Улар маҳаллий маъмуриятда мансабга эга бўлган ва тегинли имтиёзлардан фойдаланган амалдорлар, феодаллар ва руҳонийлар феодаллар манфаатларини ифода этардилар. Сўллар ижтимоий тузумининг тубдан ўзгаришидан, мустамлака — феодал сиёсий ва ижтисодий институтларни тутатишдан ўта манфаатдор бўлган ижтимоий гурӯҳ ва қатламлар манфаатларини ўзида акс эттирган әди. Ўйлар чор ҳокимияти йилларида мустамлакачилик маъмурияти ва самодержавия сиёсатини тўла-тўқис қувватлаб келинггаиди. Февраль ипқиlobи шароитларида улар машнишӣ ва ижтимоий ҳаётда патриархал-феодал негизларини ва муваққат ҳукуматининг империя институтларини сақлашга мўлжалланган тадбирларни қўллаб-қувватлаш тарафдорлари бўлишиди.

Ўйлардан фарқли равишда сўл қанот сиёсий жиҳатдан анча табақалашган әди. У аввало ҳокимиятдан четлатилган, чоризмийнинг босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатидан порозилигини очиқ айтадиган феодал-диний қатламлар вакилларини ўз ичига олди. Улар февралгача бўлган давр-

да қуролли құзғолои йұлы билан озодлик ва мамлакат мустақиллігіндең әришиш, хон қокимияти ва шариат қонуи лари, заминдорлар ва мусулмандар руханийларнинг йүқтөгілген имтиёзларнин тиклаш, үлкә халқ оммасын европача маданият ва ахлоқ таъсирідан сақлаш тояларнин илгары сурешіди. Февраль воқеаларидан кейинги шароитларда уларнинг бир қисеми демократия томон сезиларлы қадам тапталды, лекин бир қатор асосий масалаларда (дін, шариат ва қоказолар) улар илгариги қарашларыда қолишиди. Үлкә маҳаллий ахолиси уибұ қисемининг аксар қарашларини “Шұрои Уламо” сиёсий ташкилоти үзіде ақе эттирди.

Сұллар қарасатындағы боянқа йұналишта радикал кай-фиятдаги миллій ишчи, дәхқон, ҳунарманд ва бошқа меңнаткашлар бор эди. Февралгача бұлған даврда улар чор самодержавнесиге қаршы қуролли қызыншыларда фаол иштирек этишиди. Чор түзуми атдарилтандан сүнг уларнинг бир қисеми қокимиятни зұрлук билан эталлашып мақсад қилиб қўйди ва жумладан, “ишчи-мусулмандар ва камбагаллар ҳуқуқтарини құлға киритиш” га ватъда берган большевиктешілген советларнинг тояларының таъсіри остида бўлди. Кўичшлиги эса Мұваққат ҳукумат, сүнгра Совет қокимияти сиёсатидан қаттық ворози бўлиб, кейинчалик кенг қулоч ёзған, мустақиллик учун курашған оммавий қаракат — “пестиқдолчиллик қаракати”нинг асосини ташкил этди.

“Үйглар” ва “сұллар” ўртасини ислоҳотнинг маданий йўлини таклиф этган “марказчилар” иштеги этди. Ижтимоий жиҳатдан улар миллій зиёлиларнинг асосий оммасы ва товар — бозор мунисабатлари вакилларнинг маңбаатларини ақе эттирди. Сиёсий жиҳатдан улар жадидлар, “тарақ-қийчилар” ва бошқа ислоҳотчи оқымлар маңбаатларини ҳимоя этдилар. Февраль инқилобидан кейинги шароитларда “Шұрои Исломия”, “Түрк адами марказият” фирмәсі, “Алаш ўрда” ва бошқалар мусулмандар “марказчилари”нинг энг кўзга кўринғанси сиёсий ташкилотлари эди.

“Мусулмандар меңнаткашлари иттифоқы” — “Иттифоқ” маҳаллий ахоли сиёсий күчларининг жойлашувида алоҳидә ўрии тутганди. Асосан хизматдан бўшатылған фронт ортии ишчиларини сафларида жамлаган бу ташкилот европалашған Советлар ҳомийліги остида бўлиб, мустақил сиёсий дастурини илгари сурмади. Сиёсий йўналиш бўйича “Иттифоқ” аъзолары асосан “келишувчи” партиялар қараш-

ларига яқин турған, бу партиялар подшох ағдарылғандан сүнг дастлабки ойларда ҳокимиятни әгаллашни ўз олдига маңсад қилемін күймади, балки миңлий демократлар каби жамиятни қайта қуришининг ўткыр муаммоларини ҳал этишиңде цивилизацияның усулларини таклиф этди.

Күрсатылған сиёсий ташкилотлар етук тузилма ва гоявий бирлашмалар әмас әди. Уларниң ҳар бириңде изчил сиёсий табақалариниң жараённи рүй берарди, янги йұналиштар ажралиб чиқарди. Ижтимоий шарт-шароитлар таъсириде уларниң қайсыидир қисми курашининг кескинроқ йұлниң таилар, бопшасы, аксина, алға мұйтадил ва ҳатто консерватив, қолоқ муносабатларга ўтарди. Бироқ инқилюбінинг бопшарига келіб, гоявий келишувчилеклерге қарамай, янгиланипдан манфаатдор бўлған барча сиёсий гурӯҳ ва мусулмон жамияти қатламлари чор мустамлака маъмуриятни тутатынша инициалистіңде бирдамлик намойиниң этдишар. Март ойининг дастлабки кунларыда европалик сиёсий ҳаракатлар ташаббуси күп жиҳатдан ўз қўлларига олдишар. Жумладан, 2 марта дәеъ ўрга Осіә темир йўли Бонгустахоналари ишчи-ларининг намойиниңде Туркистанда бириичи ишчи депутатлари Совети тузилди. З марта Тошкентде ишчи депутатлари Совети, 4 марта Тошкентда солдат депутатлари Совети ташкил этилди. Март охирларида бу иккى Совет бирлаштирилди. Щундан кейин деҳқон депутатлари Советлари ҳам тузила боплади.

Ўзининг миңлий таркибига кўра ташкил этилаётган Советлар ўлка аҳолисининг кўпроқ европаликлар қисми вакиллари бўлиб, уларниң манфаатлари кўп жиҳатдан маҳаллий туркистанликлар манфаатларига тўғри келмасди. Чунки европаликлар жамоаси ичиде турли ижтимоий қатламлар ва сиёсий қарашлар, фикрларелар хилма-хиллигига қарамай, уларниң барчасини Россияга алоқадорлик ҳисси бирлаштириб турарди. Улар ўз тақдирини, жамиятни қайта қуриш истиқболларини бириичи навбатда метрополия билан боғлашганди. Ўлка манфаатлари эса, иккичи ўринде турарди". Ҳар томонлама бегона маданият билан дуч келган "европаликлар" буюк давлатчилик мафкураси билан заҳарланғанди.

Улар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги бу зиддият ўлка сиёсий ҳаётида тўлиқ акс этди, айниқса янги ҳокимият

түзилмаларини ташкил қилиш масаласида бу ёркун намоёв бўлди. Жумладан, марта ниң дастлабки кунларида Тошкент шаҳар Думаси биносида шаҳарниң турли ижтимоий ташкилотлари вакиллари йигилди ва Тошкент жамоат ташкилотлари ижроия қўмитасини (Тошшаҳарижроқўм) сайдаш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ номзодлар рўйхатига асосан Тошкенттининг европаликлар (яниг шаҳар) қисмидан сайдланган делегатлар киритилди. Бу маҳаллий аҳолида ҳақли порозилик уйғотди.

Тошшаҳарижроқўмга Эски шаҳардан 8 номзод кўрсатилганди, сайлов 6 март куни Жомеъ масжидида бўлиб ўтди. Улардан 2 кини — жадидчilik ҳаракатининг йўлбошчилари Убайдулла Хўжаев ва Тошпўлатбек Норбўтабековлар сайдланди. Улар ҳам мусулмон, ҳам рус қонунчилигига саводли иш олиб борганлари учун шунга лойиҳ кўрилдилар. Афеуски, мусулмон жамоатлари ичидағи турли сиёсий оқимлар ўртасида зиддиятлар бошланиб кетди. Ша куниёқ руҳонийларнинг консерватив қисми — қадимчилар мазкур номзодларга қарни порозилик билдирилдилар.

Улар ўз таргиботчиларини маҳаллаларга жўнатишди. Қадимчиларниң порозиликлари шундан иборат эди: “Биз билан маслаҳатлашмай туриб, Тошшаҳарижроқўмга номзодларни ўзбонимчалик билан сайдлашга ким ҳукуқ берди уларга? Уламо, бой ва амалдорлардан нима учун ҳеч ким йўқ?” (“Нажот”, 1917, 23 март).

Жадидлар қадимчилар билан зиддиятта боришни истамай, ҳалқни яна намойишга йиғиш ва унинг тўлиқ қўллаб-қувватлашига эришишга қарор қилдилар. Улар ҳар бир маҳаллага эълон осиб, унда эски шаҳар аҳолисини Тошшаҳарижроқўмга делегатларни сайдаш муносабати билан Чорсу майдонидаги Жомеъ масжидида 9 март куни бўладиган сайловга тақлиф этдилар. Белгиланган муддатта 20 мингдан зиёд кини йигилди. Йиғилиш иштирокчилари Убайдулла Хўжаевни раис, Мунаввар қорини раис ўринбосари, Исломбек Худоёрхоновни мажлис котиби этиб сайдлашди. Мусулмон анъаналарига кўра, Қуръонни энг яхши ўқиидиган Абдуслами қори ҳуррият қурбонлари хотирасига муқаддас суралардан ўқиди.

Шундан сўнг, Мунаввар қори кун тартиби ва нутқ сўзлари тартибини тушунтириди, 30 дан ортиқ нотиклар алангали нутқ сўзлади, ҳаяжондан батзиларининг кўзларига ёш қалқди.

Убайдулла Хўжаев ва Тошиштабек Норбўтабековларнинг ваколати йигилганилар томонидан бир овоздан тасдиқланди. Шундай қилиб улар, қадимчилар айб қўйганидек, нафақат ёшлилар, балки бутун халиқ томонидан расман сайланган вакиллар бўлиши. Ушбу йигилишда Тошшаҳарижроқўми делегатлари билан доимий алоқада бўлинш ва халиқни қабул қилинаётган қарорлар билан ўз вақтида хабардор қилиб туриш учун Тошкентининг 4 даҳасидан 40 киши сайланди.

Бироқ 10—11 март кунлари сайланган делегатларга қарши яна иорозилик тўлғини кўғарилди. Буни уламо, амалдор ва бойларнинг тарафдорлари уюштириши. Бу хабарни эшитган Убайдулла Хўжаев ва Тошиштабек Норбўтабековлар ўз номзодларини дарҳол қайтиб олди ва қайта сайлов ўтказишга унди.

Бундай қарор ҳаммани ҳаяжонга солди, зеро Тошкент эски шаҳар аҳолисининг кўичилик қисми кўрсатилган делегатлардан бошча мос номзодлар йўқ деб ҳисобларди. 13 марта яна умумхалқ намойини бўлиб ўғди. Эрталаб соат 10 га келиб Жомеъ масжиди ичкари ва ташқариси одамлар билан тўлиб-топган эди. Бу ҳақда “Нажот” газетаси шундай ёзди: “Афтидан 40 минг куни йигилган бундай уюшган тинч йигилиш Туркистонда биринчи марта бўлаяпти. Бу намойини шуни очиқ кўрсатдики, Туркистон мусулмонлари — уюшган ва маданий халидир” (“Нажот”, 1917, 23 март).

Мажлис Тошшаҳарижроқўм аъзолигига Шайхантоҳурдан Убайдулла Хўжаев, Кўкчадан Тошиштабек Норбўтабеков, Себзордан Зайнутдинхўжа Саримсоҳхўжаев ва Бешогочдан Абдусафихон Ганихон ўғлини сайлади.

Мазкур мажлисда полиция тизимиши тутатиш ва унинг ўринига маҳаллий аҳолидан муҳофизларни сайлаш ҳақидаги қарор муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кўичилик овоз билан Эски шаҳар комиссарлигига Исломбек Худоёрхонов, унинг ўринбосари этиб Мусахон Мирзаимов сайланди. Муҳофизлар лавозимига Шайхантоҳурдан Каттахўжа Эшон, Себзордан Тожихон, Кўкчадан Мирзақосим, Бешогочдан Сайдкамолхонлар тасдиқланди (“Нажот”, 1917, 9 апрель).

Бу қарор Тошкент ижроқўми ва Туркистон ўлкаси генерал-губернатори Куропаткинга дарҳол етказилди, чунки ишларни олиб боришида қаршилик кўрсатмаслиги учун ҳокимият полицмейстер ва приставларни бу воқеадан хабардор қилиб қўйиш лозим эди. 18 марта барча ишлар, шунингдек, полициянинг кийим-кечак ва шахсий қуроллари

әндиликда Эски шаҳарда тартиб-птизомни қўриқлашга даъват этилган муҳофизларга берилди.

Бу воқеа моҳиятган олганда чор ҳокимияти тизимишинг бузилишини бошлаб берди. Шунингдек, у туркистоликларини тарихий тажрибага таянган ва шароит эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда бошқаришининг ўзига хос шаклини таклиф этишга қодир маҳаллий аҳолининг бой ижодий имкониятларини ўз ичига олган яти бोшқарув тузилмаларини яратишдаги фаолиятидан гувоҳлик беради.

Мажлис интирокчилари, шунингдек Тошкент жамоатчилик ташкилотлари ижроия қўмитасига ҳам делегатлар сайлашди, эски шаҳарининг барча қисмларидан кенгайтирилган ваколатли орган таъсис этилди. 14 март куни кеч соат 8 да Абдували ҳожи хонадонида халиқ сайлаган вакилларининг биринчи йигилиши бўлиб ўтди. Унинг таркиби, аҳолининг татар ва қозоқ қисми вакиллари ҳисобига кўшайтанидан сўнг 61 кишидан иборат бўлди. Бу орган “Шўрои Ислом” ёки “Шўрои Исломия” номини олди (“Шўро” “Совет” сўзиниң ўзбекча таржимасини англатади – С.А.). Ташкилотлари номини шундай ташлаган интирокчилар ўна пайтда оммавий бўлган “Бугун ҳокимият Советларга” шиорига ўзларининг хайриҳоҳлигини таъкидламоқчи бўлиниди.

Шуни айтиши керакки, бошида Шўролар ҳам европалик, ҳам мусулмон аҳолисининг кўичилиги томонидан руҳданиб кутиб олинди. Кўичилик уларда чинакам халиҷиа, чор бошқарув тузилмаларига муқобил бўлган демократик ҳокимият органларини кўрди. Ўлка аҳолисининг ижроия қўмиталарига турии илтимос, шикоят кабилар билан мурожаат қилиши ҳам шундан гувоҳлик беради. “Шўрои Ислом” яратилишининг ўзи ҳам Советлар гоясининг обрўси юқорилигини кўрсатиб турибди. Бироқ соф мусулмон шўросини шакллантириш ҳақидаги қарор Тошкентда дастлабки советларни ташкил қилиш чоғида намоён бўлган аҳолининг европалик қисминиң этноцентризми ва буюк давлатчилик даъволарига жавоби бўлган эди. Маҳаллий аҳоли европаликларини Советида кеңт мусулмон ваколати йўқлити, мусулмонларга ишончсизликниң ифодаланиши, уларниң миллий ҳуқуқлари камситилишини кўрдилар. Улар “Шўрои Ислом”ни ташкил этиш билан февраль инцилобидан сўнг ҳам қолаётган ижтимоий тенгизликини бартараф этиш

хоҳишини намойиш этдилар. Янги орган европалашган Советлардан фарқли равишда ислом динига эътиқод қилувчи маҳаллий аҳолидан сайланган депутатлар Шўроси (яни Совет) деб қаралган. “Шўрои Исломия”, яни “Мусулмонлар шўроси” номи ҳам шундан олинган.

1917 йилнинг 14 марта бўлиб ўтган “Шўрои Ислом” мажлисида 15 кишидан иборат бошқарувчи ташкил этини ҳақида қарор қабул қилинди. Бошқарув таркиби Абдулвоҳид қори Абдурауф қори ўғли, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Каттахўжа Ҳидоятбой ўғли, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар кирди. “Шўрои Ислом” ва унинг бошқарувчи таркиби бу тапкилот сафларида мусулмон бирлиги гояси бирлаштирган турли дунёқарашдаги вакиллар мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бироқ Убайдулла Хўжаев, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний каби жадидчилик ҳаракатининг таниклии йўлбошчилари “Шўрои Ислом” нинг юраги, унинг фаол кучи эдилар.

15 марта Мунаввар қори хонадошида бўлиб ўтган тапкилот бошқарувининг бириичи йигинида қабул қилинган вақтичалик Низомда “Шўрои Исломия”нинг асосий мақсад ва вазифалари қўйидагича келтирилади: Туркистон мусулмонлари орасида замонавий руҳдаги илмий ва ижтимоий ислоҳотчилик гояларини тарқатиш; гоялар ва мақсадлар бирлиги асосида Туркистон мусулмонларини жинслаштириш бўйича шиларни кучайтириш; хорижий юртлардаги давлат ҳокимилини тизими ҳақида ахборот йигини ва Тайсис мажлисига тайёргарлик кўриш; таргигот мақсадларида шаҳар, қишлоқ ва овулларда намойишларни мутгасил ўтказиш; эски маъмуриятни истеъфога чиқариш ва янгисини тайинлап заруриятини тушунтириш; ўлқадаги турли миллий қўумиталар ва партиялар билан алоқаларни йўлга қўйиш, мусулмон аҳолисининг эҳтиёжлари ҳақида ўз вакиллари орқали матъумотлар етказиш ва зарурият туғилганда улардан ёрдам сўраш ва ҳоказолар эди (“Нажот”, 1917, 9 апрель).

“Шўрои Исломия” бошқарувининг қарорига мувофиқ барча вилоят ва туманларга таргиготчилар юборилди. Улар ўлқанинг маҳаллий аҳолисига февраль инқилоби эълон қилган озодликнинг моҳиятини тушунтириш, сиёсий, диний ва ижтимоий ислоҳотларни ўтказиш учун “Шўрои Исломия” байробги остида бирлашишга даъват этилганди.

20 марта Эшонгузар маҳалла гузарида Қулибай Тугусов

ва 21 марта қовуи бозори яңинида Мунаввар қори раҳбарлыгыда намойишлар бўлиб ўтди. Дастлабкисида 10 минг, кейинги сида 5 минг киши қатнашди. Сўзга чиқсанлар томонидан (уларнинг кўйчилиги "Шўрои Исломия"нинг тартиботчилари эди) йигилган оммага Туркистонга демократик ривожланиши учун озодликлар берилгани, янги тарихий шароитда нималар қилиш кераклиги тушунтирилди. Улар барча мусулмонларни бирлашиши ва "Шўрои Исломия" мусулмон ташкилоти қарорига амал қилишга чақирилар ("Нажот", 1917, 23 апрель).

25 марта "Шўрои Исломия" нинг 4-умумий мажлиси бўлиб ўтди. Унда 15 апреля мўлжалланган Умумтуркистон мусулмонлари съездини ўtkазиш бўйича маҳсус дастурни тайёрлаш билан бояниб бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди: мусулмон байрамлари кунларини белгилаш ва уларни ўtkazish тартибини тузиш; рус ватаандошлар ушбу сиёсий ташкилотнинг мақсад ва дастури ҳақида ахборот олини имкониятига эга бўлишлари учун рус тилида газета напр этиш; Тошкент шаҳрининг руслар яшайдиган қисмидаги "Шўрои Исломия" нинг бўлимини очиш ("Нажот", 1917, 23 март).

1917 йил 6 апрелда бўлиб ўтган ташкилотнинг умумий мажлисида унинг раиси Абдулвоҳид қори Шайхантоҳур даҳасига қози этиб сайдланиши муносабати билан истеъфо берди. Унинг ўрнига мажлис Убайдулла Хўжаевни бир овоздан сайдлади. У шунингдек, қўриқлаш бўлими ишларини тафтиш этиш бўйича комиссия таркибиға кирди.

"Шўрои Ислом", "Нажот" ва "Кенгаш" газеталари унинг напр органлари сифатида фаол чоп этила бошлади. Бу газеталар саҳифаларида маърифий хусусиятдаги материаллардан ташқари маҳаллий туркистонликларнинг сиёсий онги ва ижтимоний фаоллигини ўйғотишга йўналтирилган мақолалар ҳам эълон қилинди.

"Шўрои Исломия" нинг ташкил этилиши умумтуркистон миқёсида маҳаллий аҳолининг ғоявий-сиёсий ва ташкилий жишеллашиши учун муҳим шарт-шароитлар яратди. Жумладан, "Шўрои Исломия" ташаббуси билан 16—21 апрелда I Умумтуркистон мусулмонлари съезди ўtkазилди. (Унинг қарорлари ҳақида кейинги бобда маълумот берилади.) Фақат шуни айтиб ўтиш лозимки, мазкур сиёсий йигинда ўша даврнинг асосий масалалари: урушга, Мувак-

қат ҳукуматта муносабат, Таъсис мажлисига тайёр гарлик, Россия ва ўлкада бошқарипшинг бўлгуси шакллари, озиқ - овқат тақчиллигини енгид ўтиш йўллари ҳақида ва бошқалар дикқат марказида турди.

Мустафо Чўқаевининг хотираларида қайд этилишича, "замоннинг зайди билан "Шўрои Исломия" туркистонликлар учун бегона бўлган босқинчилик натижасида юзага келган, ҳаёт шароитларини ислоҳ қилини режаси билан сиёсий майдонга чиқди". Шўрои Исломчиларининг ислоҳотлари Туркия, Афғонистон, Миср, Эрон ва араб мамлакатлари сингари мусулмон давлатларининг ижтимоий ривожланиши тажрибаларига таянди¹⁷.

Тошкентда "Шўрои Исломия"нинг ташкил этилиши ўлка бўйлаб акс-садо берди. Маҳаллий жадидлар ташаббуси билан Туркистоннинг кўпигина шаҳарларида шундай сиёсий ва оммавий ижтимоий ташкилотлар тузила бошлади. Жумладан, "Шўрои Ислом" Кўюқон бўлиммининг аҳолига мурожаатномасида шу муносабат билан қўйидагилар ёзилади:

“... Ҳурматли озод мусулмонлар! Ишончигиз комил бўленини, Кўюқон мусулмонлари бир овоздан ташкил этган "Шўрои Ислом" янги ташкилоти ҳар доим мусулмонлар манфаатига хизмат қиласи.

Бу ташкилот доимо тинчлик ва хотиржамлик учун ҳаракат қиласи. Агар барча мусулмонлар биргаликда тинчлик ва тартибни сақлашса, бу, биз, ҳамма мусулмонларининг фойдасига бўлади. Лекин тинчлик-хотиржамликни намоён этмай, ҳар хил қуруқ гапларга қулоқ солсан, бизга берилган озодликдан фойдалана олмаймиз!”¹⁸.

6—7 марта Самарқанд эски шаҳаридаги Кўшховуз деган жойда "Клуб исломия" ёки оддий халиқ тилида айтилганинек, "Камбагаллар йигилиши" меҳнаткаш маҳаллий миллатларининг дастлабки ижтимоий-сиёсий ташкилотларидан бири бўлди¹⁹.

Жадидчилик ҳаракатининг таникли ўлбошчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Акобир Шомансурзода, Мардонқул Шомуҳаммадзода ва Абдухалил Ҳасанжон ўғли бу ташкилот раҳбарлари бўлдилар. У даставвал эски шаҳар камбагаллари орасида маданий-маърифий фаолиятни йўлга қўйди, кейинчалик ташкилот аъзолари сиёсий талабларни фаолроқ илгари суро бошлади, хусусан, "барча чор мансабдорларини ишдан бўшатиш, чор аппаратини тутатиш", унинг ўрпи-

га халқ қўмиталарини ташкил этиш ва ҳоказолар. Бирор клуб аъзоларининг хилма-хиллиги ва дастлабки кунлардан бошланган келиншомвчиликлар унинг тақдирини ҳал этди. Таркибида 100 дан зиёд кини бўлган “Клуб исломия” бир ярим ойлик фаолиятидан сўнг 1917 йил 15 апрелда ёшилди.

Самарқандда, шунингдек, “Мирваж-ул ислом” ташкилоти ҳам фаолият юритди. Андиконда “Озод халқ”, “Мифтаҳ-ул маориф”, “Сана-ул ислом”, Қўқонда “Мусулмон меҳнат-кашлари Иттифоқи”, Каттакўргонда “Равнақ-ул ислом”, Хўжандда “Муайин ат-толибин” ва ҳоказо ташкилотлар тузилди (“Кенгаш”, 1917, 19 июль).

1917 йил апрелида Тошкентда жадидчилик ҳаракати йўлбошчиларининг ташаббуси билан Туркистон мусулмонлари қурултойи чақирилди, унда ўлка мусулмонлари Шўроси сайданди. Унинг таркибига ўша даврининг машҳур сиёсий арбоблари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдулла Хўжаев, Носирхон Тўра, Муҳаммаджон Тимишшаев, Мустафо Чўқаев ва бошқалар кирдилар.

Шуидай қилиб, ўлканниг сиёсий ҳаёти тобора тезкор суръатларга эга бўла борди. Бунда мусулмон ташкилот ва ҳаракатлариининг таъсири куидан-кунга кучая борди. Улар, хусусан, чор маъмуриятининг энг чидаб бўлмайдиган институтларини бутунлай тутгатишда сезиларли ҳисса қўшидилар. Юқорида айтилганидек, февраль икказибонининг дастлабки босқичида Муваққат ҳукумат Туркистонда олдинги маъмуриятни қолдиришини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади. Унинг кўрсатмасига мувофиқ ўлка генерал-губернатори вилоят ва туманларга маҳаллий ва рус аҳолиси устидан ҳарбий губернаторлар, уезд бошлиқларининг қатъий ҳокимиятини сақлаб қолиш талаби баён этилган фармойиш ва буйруқларни юборди. Куропаткин қатъий мажбурият юклади: “Муваққат ҳукумат фармойишларига тўлиқ бўйсуниш. Мутлақо тартибни сақлаш...”²⁰.

Туркистон Советлари ҳамда бошиқ демократик ва миллий ташкилотлардан эски ҳокимият тузилмалари қаршилигини синдириш учун фаол саъӣ-ҳаракатлар талаб этилди. “Шўрон Исломия” ташаббуси билан маҳаллий миллатлар вакиларидан сайданадиган мухофизликнинг ташкил этилиши шундай дастлабки уринишлардан бири бўлди. 1917 йил март ойининг охири — апрель бошларида бир қатор маҳаллий Советлар ва мусулмон ташкилотлари ўлка вилоят ҳарбий

губернаторлари, уезд бошлиқларини ишдан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилди. Жумладан, 31 марта Тошкент солдат ва ишчи депутатлари Совети, крестьян иттилоғлари вакиллари ва Тошкент ижроия қўмитаси аъзоларининг бирлашган мажлиси бўлиб, унда генерал-губернатор Куропаткин, унинг ёрдамчиси генерал Ерофеев ва штаб бошилиги генерал Сиверсни "... эгаллаб турган лавозимидан дарҳол бўшатиш ва уларни уй қамогида сақлаш..." ҳақида қарор чиқарди. Фуқаролик ҳокимияти "ҳарбийсиздан ажратиш ва уни Тошкент фуқаролар ижроия қўмитаси комиссарлари Бельков, Дабкеевич, Ивашовларга то Муваққат ҳукумат вакиллари, маҳаллий фуқаролик қўмиталари ҳамда солдат ва ишчи депутатлари Советларининг умумёлка съезди томонидан бошқарип тартиби белгилангунга қадар тошириши"га қарор қилинди ("Накот", 1917, 9 апрель).

Бу қарор етакчи сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар томонидан қўллаб-қувватлауди. Натижада генерал губернаторлик тутатилди, эски бошқарув аппарати бутуилай барҳам топди.

Айни пайтда, янги шароит тақозоси билан бир қатор муаммоларни ҳам ҳал қилиш лозим эди. Жумладан, қуйида тилар: Бўшаб қолган ҳокимият ўринига ким келади? Янги бошқарув тузилмаларини шакллантириш жараёнида маҳаллий аҳолининг манбаатлари қай даражада ҳисобга олинади? Муваққат ҳукуматининг миллий масалага муносабати қандай бўлади?

Ўша давр матбуоти кўрсатишча, туб ўзгаришларга бой март—апрель кунларида маҳаллий туркистонликларда Муваққат ҳукумат демократик ҳокимият институтларини шакллантириш бўйича амалий чоралар кўради, майда миллатлар деб аталиб келингандар ҳуқуқларини ҳимоя қиласиди, Туркистонининг суверен ривожланиши учун зарур шароитлар яратади деган ишонч ҳали ҳам сақланиб қолган эди. Айнан мана шу кескин бўлиб турган масалалар юзасидан Марказий ҳокимият, европалик жамоалар манбаатларини ифодалаган маҳаллий сиёсий ташкилотлар билан миллий ижтимоий тузилмалар ўртасида зиддият пайдо бўлди.

Муваққат ҳукумат мазлум халқларининг эзгу орзу умидларини рўёбга чиқара олмади. У халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ғоясига бутуилай қарши чиқди. Марказда империяча фикрлаш мафкураси ҳамон ҳукум-

ронлик қыларди. Янги ҳокимият таянувчи етакчи сиёсий кучлар шундай огу билан заҳарланган эди.

Муваққат ҳукуматнинг миллий масалага муносабати бошқарувнинг янги аппаратини шакллантириш ва унинг амалий фаолиятини тамкил этиши жараёнида янида ёрқин намоён роқ бўлди.

Маълумки, Туркистондаги янги маъмуриятнинг асосий муассасалари Туркистон қўмитаси, Муваққат ҳукуматнинг вилоят ва уезд комиссарлари, ижроия қўмиталари, жамоат хавфсиалиги қўмиталари эди.

Асосий бошқарув 1917 йил 7 апрелда Марказий Муваққат ҳукумат қарори билан тасдиқланган Туркқўмита қўлъада жамланган эди. У Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Каспий орти ва Еттисув вилоятлари, шунингдек Хива ва Бухоро доирасида ваколатга эга бўлиб, унга “мустаҳкам тартиб ўринатиш ва Туркистон ўлкасини тузини” юкланди. Муваққат ҳукумат Туркқўмитасининг тамкил этилишини унинг тайинланган раиси Н. Н. Шепкин 1917 йил 14 апрелда Тонкентда ўлка ижроия қўмиталарининг съездидаги сўзлаған нутқида шундай асослайди: “Мамлакатни бошқарни муйян йўналиш бўйича амалга оширилади. Ички губернияларга ички ишлар вазири томонидан маҳаллий аҳоли билан келишилмаган ҳолда тайинланган комиссарлар юборилди ва жойларда нохушлик ҳоллари юз берса, комиссарлар алмаштирилади ҳам, бироқ бу жуда кам учрайди, чунки комиссарлар ҳам худди биз ижроия қўмиталарини сайлаганимиз сингари ўзлари сайланган маҳаллий Советларга суюнишади. Кейинги пайтларда Муваққат ҳукумат марказдан узоқдаги ва алоҳида шароитларга эга вилоятларда худди Кавказ ва Туркистон ўлкасига юборилган бутун бошли қўмиталар каби²¹ комиссарларини эмас, балки бутун бошли қўмиталарни тайинлади.

Бугунги кунда шу нарса маълумки, ўша пайтда намоёни бўлган “нохушликлар” кейинчалик миллий давлатчилик масалаларини ҳал этишда бамисоли портловчи мослама сингари ишлади.

Россия ва Ўзбекистон архивларидан Н. Н. Шепкин ва Муваққат ҳукумат ўртасидаги ёзишмаларни тошишга муваффақ бўлинди. Уларда марказий ҳукуматнинг кишилар, турұхлар, партияларнинг кайфиятига, ўша йиллардаги Россияндаги демократия масаласига муносабати ёрқин кўринади.

III—IV чақириқлар Давлат Думаси депутати, ичкى ишлар вазиригининг собиқ бошқарувчisi Николай Николаевич Шепкин апредининг бошларида поездда Тошкенттага отланаркан, ярим йўлга етмаёқ, Туркистон қўмитаси аъзолари ўргасида ишлар тақсимлаб олиниди. Ягона ушбу буйруқ:

“1. Халиқ маорифи ва маданияти масалалари Александр Лавреントьевич Липовский ва Садри Низомович Мақсадов ихтиёрига берилсин.

2. Бухоро, Хива ва ўлка билан чегара жойларга оид ишлар Павел Иванович Преображенский ва Абдулазиз Азизович Давлетшинга топширилсин. Еттисувни бошқарини масалалари ва ўлкада қирғизлар (қозоқлар — С. А.) турмуш тарзи масалалари Орест Авенирович Шкапский, Муҳаммаджон Тикишибоев ва Алихон Букайхонов ихтиёрига берилсин.

4. Савдо, саноат ва турли тадбирларга тегишли ишлар Владимир Сергеевич Елшатьевский, П. Преображенский ва Н. Шепкинга топширилсин.

5. Маҳаллий вилоятларда ер тузини ишлари А. Давлетшин ва Н. Шепкинга топширилсин.

6. Вилоят ҳарбий идоралари масалалари А. Давлетшинга берилади.

7. Суд ва назорат масалалари бўлинимасдан, бутун қўмита ихтиёрида қолади”²².

Туркистон қўмитасининг дастлабки таркибида 9 аъзодан 4 нафари туркий миллат вакиллари эди: Давлат Думасининг 1-чақириқ аъзоси Алихон Букайхонов (қозоқ), Давлат Думасининг 2-чақириқ аъзоси Муҳаммаджон Тикишишаев (қозоқ), Давлат Думасининг 3-чақириқ аъзоси Садри Низомович Мақсадов (татар) ва генерал-майор Абдулазиз Азизович Давлетшин (татар)²³. Афтидан уларни Туркистон қўмитаси таркибига киритиш билан Муваққат ҳукумат маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳисобга олишга интилаётганини таъкидламоқчи бўлгандир.

13 апрель куни соат 10 дан 45 дақиқа ўтганда поезд Тошкент вокзалига кириб келди. Станцияда Туркқўмита аъзоларини “Марсельеза” оҳанглари остида Тошкентнинг янги раҳбарлари: округ қўшилари қўмонидони полковник Л. Н. Черкес, шаҳар боплифи И. Н. Ивацов, Тошкент жамоатчилик ташкилотлари ижроия қўмитаси комиссарлари В. П. Наливкин, И. И. Бельков, Ф. Н. Добкевич, солдат

депутатлари Совети раиси Г. И. Бродо, шуннингдек, баъзи мусулмон депутатлар кутиб олишиди. Тавтанаалардан сўнг меҳмонлар сабиқ генерал-губернатор қароргоҳига йўл олди. Келпуси куни Н. Н. Шепкин ўлка изкроя қўмиталари делегатлари съездидан дастурий нутқи сўзлаб, Муваққат ҳукуматининг Туркқўмитани ташкил этиш ҳақидаги қарорини “Россия озодлигининг дебочаси” деб атади ва “Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришин демократик асосда, эркинликлар берини йўли билан бошқариши”га вайда берди. Унинг нутқида ваъда кўп, аммо ачагина нарсалар мавхум эди.

Съезд иштирокчилари Туркқўмитга раисининг чиройли ва ҳиссиётли нутқини тинглашди. Лекин барчани ўлканни бошқариш тизими ва албатта, миллӣ масала шарҳи қизиқтиради. Шепкин шуни таъкидлади, “Туркқўмита таянадиган асосий қондалар Озодлик, Тентлик, Биродарлик ва Туркистон ўлкасига нисбатан бошқарувининг демократик тамойилларига риоя қилиши бўлади”²⁴. Бу фикрлар эса “ташкилот энг қўйидан бошланиши керак ва шу асосларда кейинги босқичларга бориши керак, токи бу босқичлар орасида ишчан алоқа бўлсин” деган маънони англатарди. Овул, волост, участка ва уезд бошқарувлари белгиланди. “Бутун ўлканни бошқаришга келганда, — тушунтириди Шепкин, — бу вазифа Туркқўмитга зиммасида қолади. У ўзини вазирлик сифатида шакллантиради ва сиз у билан биргаликда маҳаллий аҳолидан қандай шаклда муваққат кенгашлар ташкил этишини муҳокама қилишингизни кутади. Вилоят бошқаруви бошлиқлари қошида шундай кенгашлар тузилиши лозим.

Комиссарлар Туркқўмитга томонидан тайинланади, чунки уларнинг зиммасига давлат ҳокимияти юкланади. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам земство бошқаруви раиси, ҳам губернаторларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини ўз зиммаларига оладилар”²⁵. Шепкин ўз нутқининг охирида умид билдириди, “Озиқ-овқат ва Ўлкада бошқарувни ташкил этиш”дек иккимуҳим масалани ҳал этишда Туркқўмитга Муваққат ҳукуматта “Туркистон бошқарувни ташкил этиш бўйича Россиянинг дурдонасидир” деб телеграмма беради²⁶.

Кўриниб турибдики, бошқарув ҳақидаги масала маҳаллий вакиллар билан фақат маслаҳат мақомидагина, марказлашган ҳолда ва қаттиққўллик билан ҳал этилди. Туркистон маҳаллий аҳолиси учун ҳаётий энг муҳим масала—

миллий масала Шенкин нутқида кўтаришмади. Миллатларниг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, ер-сув сиёсати, миллатлараро мунисабатлар, ва умуман, Туркистондаги маҳаллий халқларининг бундан кейинги тақдирни айнаш шу масала билан бөглиқ эди. Шуниси ҳам борки, Шенкинниг ўзи ҳамда қўмита аъзоларининг кўичилиги туркистонлик эмас эдилар. Маҳаллий халқлар вакилларидан бўлган М. Тининбоев Еттисувдаги воқеалар мунисабати билан қўмита мажлисларида жуда кам қатнишган, А. Буқайхонов эса Турккўмита фаолиятидан бутуилай узоқлашиб кетган эди.

Турккўмита ва маҳаллий ҳокимиёт органлари ўз фаолиятларида генерал-губернатор Куропаткиннинг: “Маҳаллий қишиларга тўла ҳуқуқ берни бўлмайди”²⁷ деган сиёсатига амал қилинишарди. Бутун кадрлар сиёсати ҳам шунга асосланган эди. Жумладан, Сирдарё вилоятида вилоят комиссари лавозимидаги ҳарбий губернатор ўринига сабиқ уезд бошлiği подполковник Тризна, Фарғонада эса — мансабдор Шереметьевский тайинланди. Уезд комиссарлари лавозимига, асосан, аввалиг чор мансабдорлари ва баъзида, сабиқ полиция приставлари қўйилди. Қилилоқ ва овулларда ҳам, айрим истисниолардан ташқари, ўша илгариги волост бошқарувчилари ва оқсоқоллари ўз ўринида қолди. Мувакқат ҳукумат “хавотирли” пайтларда жамоат хавфсизлиги қўмиталари — кўпроқ аҳолининг европалик қисмидан келиб чиқсан шаҳар буржуазияси ташкилотига таянарди.

Жойларда бошқарув тизими қашдай аҳволда бўлғанилиги “Шўрои Исломия”ниг мусулмон депутатлари Андикон шўроси ҳайъати аъзоси Мирзо Абдуқодирбек Мирзо Аҳмад — Қумбагиевининг Туркистон қўмитасига 1917 йил 30 июнда тошишрган маърузасидан яқъол кўришимиз мумкин. Мана, ушбу ҳужжатдан айрим парчалар: “Жамоатчилик хавфсизлиги Андикон қўмитаси ўз фаолиятиниг дастлабки қадамлариданоқ мусулмон аҳолиси ва мусулмон депутатлари шўросидга подўстона мунисабатда бўлиб, мусулмонларни, уларниг ташкилотларини назар-писанд қилмай ва мусулмонларга очиқдан-очиқ қарши бориб, уларни сиёсий гўрлик ва ҳатто, эски тузумга тарафдорликда айблади. Қўмитанинг бундай туҳматона чиқишлари, шунингдек, мусулмон депутатлари шўросининг фаол арбобларини қамоқча олиши

мусулмон ақолиси томонидан улар устидан, тұлақошли фуқаро сиғатида — уларниң ҳуқүқлари устидан қўйол зўравошлик хатти-ҳаракати сиғатида туспунилди... Буидан кейин факат уларга яқин кишиларга кучли тарғибот ўтказиш ва мусулмон аъзоларни пропорционал равишда ҳокимиятта қўймаслик душманчиллик муносабатини яратди... Агар энди ҳам халқа нисбатан бефарқлик сиёсати, аввалги жаллодлар сиёсати қўлланилса, унда, албаттга, у ҳозирги ўзининг аҳволини аввалгиси билан қиёслапи учун орқага қараб қўйини мумкин".

Ушбу матъузадан яна бир кўчирма:

"Рус пролетариати қандай олий гоялар, қандай чиройли сўзларни айтди, лекин ҳақиқий ҳаёт ҳар ҳолда бу олий гоялар ва чиройли сўзлардан узоқ. Тинтувлар, терговсиз суд ва муайян бир айбномалар қўймасдан қамоққа олишлар, тураржой эркиниларининг бузилиши — буларниң ҳаммаси Йиқи-лоб, эришилган эркиниларни сақлаб қолиши номидан қилинмоқда! Буткул қарама-қарши тушунчаларни қандай баён қилиши мумкин, шиорлар билан далиллар ўргасидаги зиддиятларни қандай тушунтираса бўлади? Кела жақдаги ҳуқуқлар номидан очиқдан-очиқ қонунсизлик юз бермоқда"²²⁸.

Бир сўз билан айтгаца, Туркистонининг бошқарим тизими ва февраль инқилобидан кейин ҳукумат тузилмаларининг маҳаллий аҳолига нисбатан муносабати чоризм даврига қиёсланганда унчалик ўзгармади. Тўгрироги, улар мазмуни ва шакли бир озигина ўзгарди. Муваққат ҳукумат, унинг жойлардаги органлари империяча фикрлари мантиғидан келиб чиқиб, ўлка маҳаллий аҳолисининг сиёсий прода ва эҳтиёжларини назар-писанд қилмади, уларниң бошқарув жараёнларида иштирок этиш имкониятларини чеклади.

Иқтисодий сиёсат ҳам аввалгидек қолаверди. Бунинг устига, янги ҳокимият хўжалик вайронгарчиликларининг олдини олиш, нишиб етилган иқтисодий муаммоларни ҳал этишда сусткапшик кўрсатди. Натижада Туркистон иқтисодий фалокат ёқасида қолди.

Бу ҳол, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасида ёрқин кўринди. Муваққат ҳукумат Туркистонни ҳали ҳам хом ашё, асосан, Россия саноати учун зарур бўлган паҳта таъминотчи сиғатида кўярар эди. Шу боис иқтисодиётнинг ҳал қилувчи тармоги — қишлоқ хўжалиги бир ёқлама ривожланди.

Ўлка иқтисодий ҳаётига кириб келган капиталистик

товар-шул мунисабатлари ҳали феодал жамият асосларига нутур етказадиган даражада эмас эди, у күпроқ бозор соҳасида, савдо-судхўрлик капитали шаклида намоён бўлганди. Қишилоқ иктиносидий ҳаётида феодал заминдорлиги ва меҳнатни эксплуатация қилишининг феодал шакллари ҳукмрон бўлиб қолган эди. Майда дехқон хўжаликлари аввалгидек маҳсулот етиштиришининг асосий шакли бўлиб қолаверди. Натижада қишилоқда камбағалчилик, вайронгарчилик кучайди, дехқонлар оммаси ерсиз қолди. Ҳолбуки, қишилоқ хўжалигини энг замонавий аграр ўзгаришлар йўли билан гина тараққий эттириш мумкин эди. Афуски, янги ҳокимият, кўплаб қуруқ ваъдаларга асосланган баёнотларга қарамай, долзарб бўлган ер-сув масаласини ҳал этиш юзасидан ҳеч қандай амалий шиларни бошқармади. Февралдан кейинги даврда, ҳудди авволдагидек, Туркистондаги экин майдонларининг камидан учдан иккى қисми бой бадавлат кишилар қўлида жамланган эди. 1917 йил маълумотларига кўра, барча дехқон хўжаликларининг 51 фоизи 98022 десигина ерга эгалик қилган (хўжалик бошига бир десятина гача), бу ўлгада барча ишлов бериладиган ерларниң 9,8 фоизини ташкил этарди холос. Айни пайтда, бир фоиз хўжаликлар 158589 десигина ерга ёки барча ишлов бериладиган ерларниң 16 фоизига эгалик қиласар эдилар²⁹.

Саноат ишлаб чиқаринида ҳам ҳудди шундай помутаносибликлар сақланиб қолди. Туркистонсаноати жуда секин, асосан, пахта ва чигитни дастлабки қайта ишлаш, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича уича катта бўлмаган корхоналар ҳисобига ривожланди. Корхоналар майдада, асосан, қолоқ техника билан жиҳозланган бўлиб, кам сонли ишчиларга эга эди.

Шаҳарларда косибчилик ҳали ҳам етакчи ўринини эгалаб, тахминан барча фабрика-заводлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотга тенг маҳсулот тайёрлар эди (тоғ-кон ва пахта тозалаш корхоналаридан ташқари). Эндигина юзага келётгани кам сонли миллий ишчи сипфи бешафқат эзиз ишлатишга маҳкум қилинди. Малакали меҳнатининг 70—80 фоизини рус ишчилари бажарсалар, маҳаллий миллат вакиллари юқори малака талаб этмайдиган ишларда машгул эдилар. Ҳатто бир хил малакага эга бўла туриб ҳам миллий ишчилар рус ишчиларига қараганда 30—40 фоиз кам иш ҳақи олардилар. Уларниң кундалик 14 соатлик иш ҳақи

30—40 тийиндан ошмасди. Бу ярим оч яшап билан бар-бар эди.

Туркистан құмитаси озиқ-овқат ақволиниң енгиллаштириш учун ҳам ҳеч бир чора күрмади, фақат марказға ёрдам ҳақида илтимос қылиб телеграммалар жұнатыб турди. Озиқ-овқат құмиталари, шу жумладан, үлкә құмиталари ҳам турлы манзилгоҳдарға мурожаатнома, қарор ва телеграммалар юборарди, холос. Құмита аъзоларининг чайқовчи ва фириб-гарлар билан тил бириктirган ҳоллари ҳам күп эди.

Туркистан ақолиси күзбұйямашилик ҳисобига бойиёттан порахұрлар хұжайинлик қилаёттан озиқ-овқат бошқармаларин қайта ташкил этишини талағ қылды.

“Самарқандда бу құмиталар, — деб ёзған эди “Хурriят” газетаси, — маҳсулотларни мұхтож камбагалларға тарқатып үрнінга, бунға умуман әхтиёжи бўлмаган бойларга сотмоқда... Шу бойс ҳалқа маҳсулотлар тарқатишини, күнчилек ақоли талағ этганидек, озиқ-овқат құмиталаридан маҳаллаларға бериш керак, бироқ бунда қатый назорат үрнатып лозим, бўлмаса ҳаммаси эскичасига қолаверди” (“Хуррият”, 1917, 15 август).

Туркқұмита Еттисув вилоятидаги қыргизлар (қозоқлар) нинш оғир ақвони ҳақидағи маълумотлар етиб келтанды ҳам, сұсткашлик ва қатынтьысзлик күрсатди. Жойларға бориб келған үлкә мусулмонлари Шўроси делегатлари шуни күйиниб айттылады, “Хитойдан қайтиб келаёттаған қыргизларни күчманчи-еттисувликлар шафқатсиз ўлдираёттани учун фавқулодда чоралар кўриш лозим, улар ўта мұхтожликка учраган, очарчиликда қолишиған...”³⁰.

Туркқұмита 1917 йыл 19 апрелде қочоқ қыргизлар ҳақидағи масаланы тинглади ва қарор қабул қылды: “... Улар Пржевальский ва Пиштек уездларига қўйилмасин, балки ҳосилсиз тошлоқ ерларға жойлаштирилсин”³¹.

Муваққат ҳукумат Еттисувда рўй берәёттан воқеалар ошкор бўлмаслиги учун барча чораларни кўрди, бироқ қозоқлар бошига тушган кулфат ҳақидағи маълумотлар тез орада мусулмонлар жойлашган Волгабўйига ва бошқа жойларға етиб борди. Газабланган россиялик мусулмонлар Туркистан құмитаси номига қуйидаги мазмунда телеграмма юборищди:

“Биз Еттисув қыргизлари ҳақида ўта оғир хабарлар олдик. Эски тузумда жазо отрядларидан тоғларға ва қисман, Хитой-

га қочиб кетган қыргызлар юпүн, оч наҳор, касалманд ахволда ортга қайтишмоқда. Ҳукумат томонидан қуроллантирилгани күчманчи крестьянилар ўтган йилги тартибсизликлар (1916 йилги құзғолон күзда тутилмоқда — С. А.) учун ўч олиб, күчіб келишига имкон бермаянты, қайтаёттанларин отишмоқда, уларға ёрдам күрсатышига имкон беришмаётір. Дархол қыргыз ва рус комиссарларини ҳарбий командалар билан биргаликда жүннатиши, маблаглар ажратыши, озиқ-овқат ва киім-кечак етказиб беришіга ёрдам күрсатили лозим” (“Пролетарская революция”, 1928, № 8, 118 бет). Бироқ Туркқұмита ҳеч қаңдай ҳаракат қылмацы. Бу маҳаллій ахоли орасыда порозилик уйготди.

Шунингдек, расмий қокимиият ва европалашған ишчи, солдат ва крестьян депутатлари Советлари ўртасидаги муносабат ҳам кескинлашды. Гарчи Туркқұмита ўз қарорларипи Советлар билан қаңдайдыр даражада мувофиқлаштиришга мажбур бўлса-да, бироқ улар билан кам ҳисоблашарди. Ўша йиллардаги вакъти мебуот материалари бу ҳақда ёрқин гувоҳлик беради. Хусусан, мебуотда бир неча марта таъкидланғанидек, Туркистан құмитаси ва Советлар ўртасидаги чиқашымчиліктер “... құмитанинг Туркистандаги демократик ва умуман, ижтимоий ташкилотлардан ажралиб қолғанлиги туфайли рўй берган” (“Туркестанский курьер”, 1917, 18 май).

Май ойидан бошлаб сиёсий қарама-қаршилик сезиларли даражада кучайди. Ишчи ва солдат депутатлари Совети Туркқұмитанинг марказ сиёсати ифодачиси сифатидағи хатти-ҳаракатлари устидан анча мустаҳкам назорат ўринатын, ўлқани бошқаришда ўзи фаол иштирок этиши аниқлаб олгани ойдинлашды. Ўлка ишчи ва солдат депутатлари Совети Шенкенинг бир неча марта ишоңчисизлик билдириди. Униг фаолиятини ўлка учун зарарли деб баҳолади. Шенкни ўз павбатида Марказий Муваққат ҳукуматга арз қилиб, у Петроград Совети орқали Туркистан ўлка Советининг Туркқұмита фаолияти устидан назорат қилиншыға уринишларига чек қўйишини сўради. Охир-оқибатда Шенкни мажбураи тан олдики, “Туркистанда Муваққат ҳукумати қокимиияти күчсиз, ҳатто йўқ даражада”³².

Европалашған Советлар ва мусулмон ташкилотларининг бошқарув жараёнларига ўз таъсирини ортириш учун интилишлари, ёрқин намоён бўлган қокимиият инцирози

Шепкинни ўлкада бошқарув тизимига бўлган ўз қарашла-
рини қайта кўриб чиқишига мажбур этди. У қўмитани
тарқатиб юбориши ва яккаҳокимликини кучайтириш зарурли-
ги ҳақидаги фикрга келди. Жўмладан, Шепкин Муваққат
хўкумат бошлиғи княз Львов иомига 13 майда юборган ха-
тида очиқдан-очиқ шундай ёзди: “Қўмита коллегия сифа-
тида эндиликда ортищчалик қўлмоқда, унинг аъзолари бўл-
ган мусулмонлар эса ҳатто заарлидир...”³³. Н. Н. Шепкин-
нинг фикрича, чор бошқарувининг илгариги шаклини
тегишли тузатишлар киритган ҳолда қабул қилиш керак:
хусусан, генерал-губернатор ўрнига бош комиссарни тайин-
лап ва демократлаптиришининг ташки белгиларини сақ-
лаб қолини, умуман эса, бошқарувининг қаттиққўл тузилмаси-
ни яратиш лозим. Бундай шаклда Шепкин кўзда туттанидек,
“... бўлгуси комиссар Муваққат хўкуматта ташкилот бошида
турган шахслардан қайси бирини алмаштириш кераклигини
оқилона ва эҳтиёткорлик билан айтади, шу билан ишлар
равон кетади. Қолган ҳаммаси шаҳар бошқармалари ва
вилоят комиссарлари жавобгарлигига киради. Вилоятларда
фуқаролик бошқаруви соҳасида генерал-губернатор хўку-
қидан фойдаланилди, деб айтишим мумкин”.

Туркистон маъмурияти бошлигининг мусулмон аҳолиси
орасида рўй берган сиёсий ўзгаришлар, унинг миллий ўзлик-
ни англапши ўсаётгани ҳақидаги иқори диққатга сазовор.
Жўмладан, юқорида келтирилган хатда шундай таъкидла-
нади: “Шу пайтгача ҳокимият мусулмонларга тепадан қарап,
улар эса сукут сақларди. Эндиликда замонилар ўзгармоқда
ва мусулмонлар соя жиҳатидан устулигини кўрсата бошила-
ди, русларнинг маънавий устулиги кучсизроқ, наизалар
билан қўрқитни кўпроқ таъсир этади” (таъкид бизники
— С. А.)³⁴.

Турккўмитанинг Туркистон ўлкасида бошқаримни ис-
лоҳ қилишига муносабати Н. Н. Шепкиннинг Петроградда
1917 йил 15 июнда ички ишлар вазирлигига бўлиб ўтган
кенгашдаги маърузасида янада очиқ-ойдин ифодаланди.
Кенгашда ҳокимиятни “децентрализация” қилиш, яъни
марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтказиш
ҳақида сўз борди. Амалда бу нимани англатарди? Шунга
қарор қилиндики, “энг аввало Муваққат хўкумат ваколати-
га эга ўлка қўмитаси тасдиқланган вилоят комиссарлари
шахсида жойларда ўлкани хўкуматининг тўлақонли вакилла-

ри билан таъминлап лозим... Ўзининг умумдавлат аҳамиятига кўра ўлка қўмитасида ҳал этадиган ва у томонидан юбориладиган умумий масалалар марказ ихтиёрида қолдирлади”.³⁵ Кенгаш масалалар қаторига қўйидагиларни киритди: ўлкани ҳарбий ҳимоя қилиш, сугориш, озиқ-овқат, хорижий сиёсат ва ўз-ўзини бошқарув ишлари ташкил қилингунча вағтинча, бошқарув, халиқ таълими, қишлоқ хўжалик сиёсати масалалари. Бунда сохта демократик ҳокимиятнинг ҳеч нарсани ўзгартирмай туриб ўзгартириш мумкин деган маслагини пайқаш қийин эмас.

Охир-оқибатда Муваққат ҳукумат Туркқўмитасининг кадет Шепкин бошқарган таркиби табиий равишда маҳаллий сиёсий арбоблар томонидан қўллаб-қувватланмагани боис 1917 йил 1 шюлда ўз ваколатларини тошириди.

Шуниси қизиқки, бу пайтда маҳаллий аҳоли манфаатларини акс эттирган ўлка мусулмонлари шўроси ўзини босиқ ва ҳушёр тутди. Унинг раис ўрийбосари Ислом Шоахмедовнинг Муваққат ҳукумат Вазирлар Кенгани раиси Лъвовга Туркқўмита ўз ваколатларини тўхтатгани муносабати билан юборган телеграммасида “ҳокимият обрўсининг пасайини ўта катта вайронагарчилик хавфини солади”, деб таъкидланди. Ушбу телеграммада, шунингдек, Тошкент мусулмон деңгутатлари Шўроси қарорида “Туркқўмита истеъфоси қабул қилинадиган бўлса, Туркистон комиссариатида аъзоларнинг камида ярми мусулмонлар бўлиши” зарурити кўрсатиб ўтилди. Яъни, асосли равишда таъкидландики, ўлкани бутуилай марказдан бошқариб бўлмайди ва ҳар қандай ҳолатда ҳам барқарорлик мусулмон аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиш ва унинг вакилларининг бошқарув органларида бўлиши билан боғлиқ.

Айни пайтда ҳокимиятда бўшлиқ юзага келди. Муваққат ҳукумат олдида Туркқўмитага раис тайинлап масаласи турарди. Бу лавозимга мусулмон жамоаси вакиллари томонидан маҳаллий аҳоли оммаси орасида катта обрўта эга бўлган, Туркистоннинг таниқли сиёсий арбоби Вадим Чайкиннинг номзоди қўйилди. Петроградга I Бутунитти-фоқ Советлари съездига делегат сифатида борган бўлгуси большевик комиссари А. Я. Першин буни билиб қолгач, Тошсоветга шундай хабар юборди: “Мусулмонлар Чайкин номзодини қўйишиди. Биз порозилик билдиридик. Бугун биз Убайдулла Хўжаевни огоҳлантирдикки, у ва мусулмон қў-

митаси (ўлка мусулмонлари шўроси — С. А.) сепарат (бир томонлама) йўл билан ҳаракат қилимасин ва ўлка Совети розилигисиз Турккўмита раиси ўринига номзодларни тавсия этмасин”³⁶. Першин бувдан икки кун аввал ўлка мусулмонлари шўроси ташаббусидан норози бўлиб, партия бўйича ўртоқларига айтган сўзлари шундай бўлган: “Чайкин мусулмонлар билан искашиб юрибди, Убайдулла Хўжаев уни ҳаммаёқда яхши инцилобчи ва ўлканинг билимдони деб тавсия этиб юрибди, гёё у маҳаллий аҳолини севармиш ва у ҳақда қайгуармини. Ўртоқлар! Мен сиздан сўрайман, ахир бизга ўлка учун фақат маҳаллий аҳолини яхши кўрадиган ва уларнинг чононларига сўйкалиб юрадиган кипилар керакми?”³⁷.

Шундай қилиб, рус демократларидан ёлғиз номзод — миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласида тўлиқ ҳукуқ берилганинг чинакам тарафдори Вадим Чайкин номзоди бамисоли наизалар билан кутуб олиниди.

8 июнда Муваққат ҳукумат Вадим Афанасьевич Чайкини Турккўмита раиси этиб тайинлаш ҳақида барibir бўйруқ чиқарди. Бу фармон большевиклар Першин ва Булинскийларни бутуналай қутуртириб юборди, улар ўлка ишчи ва солдат деңгутатлари Совети тавсияларини кутиб ўтирамай, Чайкинга қарши большевикча таҳдид ва товламачилик усулида ҳаракат қилинди. Першиннинг бу ҳаракатлари И. Шоаҳмедов ва У. Хўжаевнинг Петрограддан юборилган телеграммасида ҳам тасдиқланади: “Ташсовет делегатлари Булинский ва Першин Наливкин номзодини Турккўмита раиси лавозимига зўр бериб қўйишмоқда. Агар Чайкин ўтса, улар ўз сўзлари билан айтганда, уни қамоқ вагонида жўнатиб юборишмоқчи. Шу сабабли Чайкин тўлиқ рад этди. Бизнинг фикримизча, муҳтарам Наливкин номзоди тўғри келмайди” (“Кенгаш”, 1917, 28 июль).

Бу лавозимдан боғи тортганини В. А. Чайкин ички ишлар вазири номига ёзган аризасида шундай асослайди: “Соғлигим ёмонлашгани сабабли Муваққат ҳукуматини Туркистон қўмитаси раиси лавозимини згаллаш мени учун бутуналай мумкин эмаслиги туфайли ва кейинги кунларда Туркистонда юзага келган шаронтлардан келиб чиқиб, бу ҳақда МК ўлка Советининг пошилинч депешаларида (дипломатик мактублар — С. А.) хабар қилинган. Қўмита раиси ўз маъжбутиятларини бажаришга киришмоги лозим. Ўрт.

В. П. Наливкининг Турккўмита раиси лавозимига шошилниш тайинлананиши ҳозирги шаронтларда Турккўмита ва ўлка Советлари ўртасидаги тушунмовчиликларниң олдини олишга қулайлик яратиш мумкин, деб ҳисоблаган ҳолда, — мен Муваққат ҳукуматининг 8 июлдаги бўйруги билан тайинланганим қўмита раиси мансабини эгаллашдан воз кечаман”³⁸.

Бу ариза 1917 йил июнида ёзилди. 20 июнда эса Першии Ташсоветга шундай мазмунда хат юборди: “ўртоқ Булинский иккимиз кўп қийинчликлардан сўнг ўртоқ Наливкининг Турккўмита раиси этиб тайинлананишига эришдик, 8 июнда Туркистон қўмитаси раиси этиб сайланган жаноб Чайкин буларининг ҳаммасида ишнимизниң белига тенди. Бироқ биз бутун куч-ғайратни сарфлаб, Чайкини бу фахрли ўриндан воз кечишга мажбур қилдик ва нима бўлса-да, Турккўмита раислигига ўрт. Наливкин тайинланасин деб туриб олдик”. Шу ўринда Першии ўз иккиланапларини шундай ифодалайди: “Билмадик, ўртоқлар, яхши иш қилдик-ми ёки ёмонми, ўзингиз ҳукм чиқарниг. Сиз бизга ҳеч қандай хабар бермадингиз, биз эса аввалги кўрсатмалар асосида ҳаракат қилдик”³⁹.

Шуниси дикқатта сазоворки, ўлка мусулмонлари шўроси У. Хўжаев ва И. Шоаҳмедовлардан олинган телеграмма билан ўлка ишчи ва солдат депутатлари Совети аъзоларини ҳам ташитирди ҳамда Першии ва Булинскийнинг ўзбошимча хатти-ҳаракатларида таажжубда эканини билдириди. (“Кенгаш”, 1917, 28 июль).

“Туркистон ўлка мусулмонлари шўроси ўзини демократ деб атаб, сизга таҳдид эттаниларга қарши мутлоқ иорозилигини билдириди, — дейилади ўлка мусулмонлари Шўроси раиси Мустафо Чўқаевининг Чайкинга юборган телеграммасида. — Сиздан раддияни қайтариб олишингизни ва Турккўмитада қолишингизни ўтиниб сўраймиз. Жавобини кутамиз” (“Кенгаш”, 1917, 28 июль).

В. Чайкин бунига дарҳол жавоб берди: “Муваққат ҳукуматининг Туркистон қўмитаси таркибига киришимни сўраганлари учун Туркистон мусулмонларида беҳад миннатдорман. Мен Петрограддаги умуммусулмон Миллий Шўросига шуни билдиридимки, қўйидаги шартлар бажарилса, Турккўмита раислигига рози бўламан: 1) Турккўмита таркибини тўлиқ ўзgartириш; 2) Туркистон халқларининг

ихтиёрига мувофиқ шу пайтгача мустамлака зулмі остида бўлган мусулмонларга иисбатан муносабатни ўзгартириш; 3) Туркистонда ҳаётни адолат ва тенглик тамойиллари асосида қайта қўриш.

Бироқ ўйлайманки, Туркистоннинг ҳозирги ички ахволи бундай тарзда ўзгаришлар ўтказиш имконини бермайди. Шу сабаб туғайли мен Туркистон қўмитаси аъзолиги ва рапелитини рад этдим. Шу билан биргаликда мен Сизга шуни хабар қиласманки, Туркқўмита фаолиятидан ташқарида туриб ҳам Туркистон фуқароларининг манфаат ва ҳуқуқларини ҳаётта татбиқ этиши учун бутун куч-гайратими сарфлайман. Сизни ҳам бунга ишонишингизни сўрайман” (“Кенгаш”, 1917, 2 август).

Шуниси тўлиқ аёнки, Чайкин бу ўрицда фожиавий шахс сифатида икки ўт орасида қолди: уни на большевиклар “хоҳлади” ва на мустамлакачилик кайфиятидаги Муваққат хукумат.

Шундай қилиб, Туркқўмита раиси этиб Иккинчи Давлат Думаси аъзоси, Фаргона вилоятининг собиқ вице-губернатори, меньшевиклар йўлбошчилардан бири Владимир Петрович Наливкин сайдланди. Унга Шепкиндан инқилобнинг ҳал қилинмай қолган масалалари мерос қолди: уруш ва тинчлик, қўшилоқ хўжалиги, ишчилар, очлик ва вайронагарчилик билан кураш ва албатта, миллий-давлатчilik муаммолари. Шахсий иянятларига қарамай, янги раис ожиз бўлиб чиқди. Таниқли ўзбекистонлик олим Б. В. Лунин тўғри таъкидлаганидек, “Наливкин мураккаб ва зиддиятли шароитда бир-бирига қарши турган турли сиёсий гурӯҳлар ўртасида усталик билан чап беришга, зиддиятларни бартараф қилишга, келишиб бўлмайдиган нарсани келтиришга иштилди”⁴⁰.

Тошкентда сентябр кунларида юз берган воқеалар Туркқўмитага айниқса оғир бўлди. Ўшанда, озиқ-овқат инцирози кучайган бир пайтда большевиклар Тошкентда 11 сентябрда бўлиб ўтган демократик ташкилотлар кенгашига бу йигинни Инқилобий Қўмита (Ревком) деб эълон қилиш ва бутун ҳокимиятни унга тоширишин таклиф этди. Кенгашининг ўзи бундай қадамини шошилинч деб топди ва бу экстримистик таклифни рад этди. Ушбу масалани мухокама қилишда ўлка мусулмонлари Шўроси аъзолари М. Чўқаев, И. Шоаҳмедов ва У. Хўжаевлар мазкур таклифга қарши

чиқишиди. Улар ҳам кепгап иштирокчилариңнинг күпчилиги каби, “Марказда ҳам, Туркистанда ҳам мусулмонлар билан алоқа ўрнаттган ҳолда коалицион ҳукумат ташкил қилишни қўллаб-қувватлашиди ва Муваққат ҳукуматининг Туркистон қўмитасини ўлка демократик ташкилотлари томонидан қўмитга аъзолиги лавозимига тавсия этилган шахслар ҳисобига дарҳол тўлдириш лозимлигини принципиал жиҳатдан тан олдилар...”⁴¹.

Сентябрь воқеалари арафасида Тошкентда бўлиб ўтган Иккичи ўлка умуммусулмонлари съездидан мана шундай соглом муносабат ўз аксени топди. Бироқ 12 сентябрдаёс большевиклар ва сўй эсерлар томонидан чақирилган, борйиги 300 га яқин кипи иштирок этган ишчи ва солдатлар намойинни ҳокимиютини Советларга ҳамда уларининг Ревкомига ўтишини эълон қилди. Бу, “1917 йил сентябрдаёс Тошкент совети Марказий ижроия қўмитаси амалга оширган тўнгариш натижасида Муваққат ҳукумат маҳаллий вакилларининг ҳокимиюти ағдарилиганини билдиради. Шундай қилиб, Тошкент собиқ чор империяси ерларида тузилган биринчи Совет (бироқ ҳали большевистик «эмас») ҳукумати юзага келган жой бўлди” (“Пролетарская революция”, 1924, № 10, 138-бет). Ўз навбатида, большевиклар сингари, омма орасида мустаҳкам таяничга эга бўлмаган Муваққат ҳукумат органлари халиқининг, айниқса, маҳаллий аҳолининг чинакам маибаатларидан узоқ бўлган чоратадбирлар билан бу воқеага муносабат билдирилар. Бу исёнини бостириш учун Тошкентта дарҳол қўшини жўнатиш ҳақида Керенскийнинг вазъасини олган Туркқўмита анча қатъий ҳаракат қила бошлади. Ревком томонидан қамоққа олинган ёки ишдан бўшатилган мансабдор шахслар озод этилди ва ўз лавозимига тикланди. Наливкин 17 сентябрда Тошкент Советига кескин тарзда Туркистон қўмитасига бўйсунини таклиф этди. Бунда у сентябрь воқеаларида иштирок этган шахслар ва ҳарбий қисмлар дахлсизлигига кафолат берди. Бундан ташқари, Муваққат ҳукуматининг ҳарбий отряди келишига зарурат йўқлиги ҳақида телеграмма юборди. Бироқ энди кеч бўлганлигидан бу аҳволни ўзгартиромади.

24 сентябрда Қозон шаҳридан Тошкентга Муваққат ҳукуматининг генерал Коровишенко бошчилигига жазо отряди етиб келди. Шаҳарда ҳарбий диктатура ўрнатилди.

Бу, Мұвақат ҳукуматнинг Туркистон құмитаси үлкада олий ҳокимият органды сифатида сиёсий майдондан чықып кетганини аңглатарди. Туркқұмитаның ҳокимиятны ушлаб қолишіга уринипшары бұлғуси фожиавий воқеаларни әнді бартараф этолмасди. Петрограддаги Октябрь воқеаларидан кейин Тошкентде 1 ноябрда қуролли тұнтарыш амалға оширилди. Натижада Туркқұмита тарқатыб юорилди. 1917 йил охирлардан 1918 йил баҳоригача ҳокимиятнинг большевистик Советларға зұрлук билан үтиши амалға оширилди...

Шундай қылыб, “февраль яңгыланиши” жараёнлари турли тұман натижаларға олиб келди. Февраль инқиlobи Туркистон ақолисиниң үлкани бошқарушы бүйічі демократик үзгаришлар қилиш, етилган ижтимои-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ұал әтіш, мустамлака зулмини тутатыш борасыда катта умиддар үйготди.

Чөр яққа ҳокимлігі (самодержавиесі) иншеге барҳам тоциппи билан ижтимои ҳаётни демократлаштырыш, сиёсий-иқтисодий муносабатларнинг яғни тузилмаларини тарқиб тоғтириш бүйічі мауайян шарт-шароитлар яратылды. Бутун мамлакатда бұлғани каби, Туркистонда ҳам яғни партия ва сиёсий ҳаракатлар жадал ташкил этилди, ваколатлы ижтимои ташкылттар юзага келди, ҳокимият вазифаларининг бир қисмінің үзінші олишінде Советлар шаклланылды.

Туркистоннинг сиёсий ҳаётіга марказий Россияни қамраб олған сиёсий жараёнлар катта таъсир күрсатди. Шу билан бирга, бу ерда үзінші хосликлар ҳам намоён бўлди. Үлкада ижтимои ғоялар миллий ғоялар билан, мустамлака тобелигини тутатыш муаммоси билан қоришиб кетди. Шуниси ҳам мұхымки, метрополиядан фарқылы равишда, Туркистонда үзінші хос иккі марказ юзага келди. Улар, бир қараганда, үзаро бөглиқ бўлса ҳам, айни пайтда, етарли даражада алоҳидаликка ҳам эга әди. Биринчи марказ — европалашган жамоа бўлса, иккинчиси маҳаллій ақолиниң қамраб олганда.

Европалашган жамоа сиёсий манфаатларининг үзінші хослиги шундаки, у империяча даъволар устунылғига таянарди. Ғоявий зиддиятларга қарамай, европалик ақолининг асосий оммаси үзиншінде ҳозири ва кела жагании метрополия

билаң бөглади. Шу бойс мустамлака тартиблари сақланиб қолишидан маңбаатдор эди.

Маҳаллий аҳоли эса мустақил миллий ривожланиши ҳуқуқини таъминлашга интилди. Февралдан кейинги даврда маҳаллий туркистонликларниң сиёсий фаоллиги тез ўсиб, уларниң ижтимоий ҳаётга таъсири кучайди. Биринчи нағбатда, жадидчилик йўналишидаги сиёсий ташкилотлар мусулмон аҳолининг эркаварварлик оразу-умидлари ифодачиси сифатида майдонга чиқди.

Инцилоб бошланиши билаң чор бошқаруви тизимиши тутатиш учун кескин кураш бошланиб кетди. Демократик кайфиятдаги европаликлар вакиллари ҳам, мусулмон аҳолиси ҳам унда баробар иштирок этди. Бу курашда Туркистон аҳолисининг иккى хил дунёқарашта эга вакиллари фаолияти билаң боғлиқ ҳам бирлаштирувчи, ҳам зиддиятли омиллар кўзга ташланди. Чидаб бўлмайдиган сиёсий институт ва мустамлака бошқаруви тузилимлари тутатилди. Шу билаң бирга, маҳаллий ўз-ўзини бошқариши ташкил этиш, ўлкани бошқаришида маҳаллий аҳоли иштироки шакллари ни кенгайтиришга бўлган умидлар амалга ошмасдан қолиб кетди. Биринчи нағбатда, бу Муваққат ҳукумат ва унинг ўлгадаги ваколатли органи бўлган Туркистон қўмитасининг ички зиддиятли сиёсати билаң боғлиқ эди.

Турккўмита ўзининг амалий фаолиятида ўлка маҳаллий аҳолисининг сиёсий иродаси ва зарур эҳтиёжларини назар писанд қўлмади, уларниң бошқарув жараёнларида иштирок этишини атайин чеклади. У халқ хўжалиги вайронагарчилигининг олдини олиш, озиқ-овқат этишмаслиги муаммосини ҳал этишда ўта сусткашлик кўрсатди. Энг муҳими, на Турккўмита, на марказий ҳукумат миллий масалани чинакам демократик йўл билаң ҳал этишини истамади.

Муваққат ҳукумат ва Туркистон қўмитасининг гайри-халқчил сиёсати уларниң тарихий маҳкумлиги ва қонуний ағдарилишини белтилаб берди. У асосий шиорларида бирин миллий зулмни тутатиш талаби билаң чиқиши мумкин бўлган миллий озодлик ҳаракатининг тобора ўсиб боришига имкон яратди. Бу ҳаракатининг бошида Туркистонга Мухторият ҳуқуқи берилишини талаб этган миллий демократик зиёдиллар турадар эди.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ҒОЯСИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ. БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР

Туркистон миллий демократлари томонидан таклиф этилган "мухторият" мафкураси жаҳон ва минтақавий мустамлакачиликка қарши ҳаракатлар ғоялари, Европа, Осиё, Россия мутафаккирлари, ўлка тараққийшарвар зиёлиларининг ўз тақдирини ўзи белгилап муаммоларини ижодий идрок этиши тажрибаларига таянган ҳолда яратилди.

Шунин айтиш керакки, XIX—XX аср бошларида Европа жаҳонгиригини Осиё, жумладан Россия империяси мустамлака ҳалқларининг миллий ўзлигини англай бориб сиёсий мустақиллик ва давлат суверенитетини қўлга киритишга инглишиларини таи олишига мажбур бўлди.

Мазлум ҳалқларининг эркпарварлик интилишлари миллий масалани юзага келаётган сиёсий партия ва ҳаракатларининг устувор муаммоларидан бирига айлантириди, уни концептуал-назарий идрок этиши заруриятини келтириб чиқарди. Айнича, миллий ўз тақдирини ўзи белгилап муаммоси бўйича қизгина баҳслар бошланиб кетди.

1917 йилда юзага келган, таркибига меньшевиклар, эсерлар, большевиклар, шунингдек, Муваққат ҳукумат аъзолари ҳам кирган ишчи ва солдат депутатлари Совети ўзи баён этган дастурий кўреатмаларига зид равишда Туркистон ҳалқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашнига қарши чиқди, империячилик сиёсатининг давом этишини ёқлади. Айни пайтда миллий зиёлилар орасида мухторият ғояси тобора этилиб борарди. Унинг шаклланишига, шубҳасиз, Россия етакчи сиёсий партияларининг миллий дастурлари муайян таъсир кўреатди. Кўнчилиги олий таълим кўрган миллий демократлар умумросия партия ва ҳаракатларининг дастурий ҳужжатлари билан яхши таниш эдиар. Шунга карашмай, миллий мухторият ғоясининг теран томирлари Ўрта Осиёнинг ўтмиш ва замонавий мутафаккирлари қарашлари, ўлқадаги миллий-озодлик курашининг тажривасидан озиқ олди. Февралдан кейинги воқеалар унинг тадрижий ўсипшига улкан таъсир кўреатди. У ўлка ҳалқларининг ўз суверен ҳукувлари учун кураш майдонида юзага келган янги концептуал қоидалар билан теравлашибди ва бойиди.

Шунин айтиш керакки, Туркистон мусулмонлари йўлбошчиларининг мафкуравий қарашларида миллий масала-

ни ҳал этиш ва Россия билан ўзаро давлатчилик муносабатлари истиқболи борасида яқдиллик йўқ эди. Уларнинг бир қисми ўз келакаганий Россия империяси билан алоқадан ташқарида кўрди. Кўнгиллиги эса сиёсий федерализм ва ҳудудий муҳторият (автономия) гоясини афзал билди. Умуман олганда, 1917 йил октябригача сиёсий сепаратизм гояси расман илгари суримади. Бундан ташқари, дастлабки пайтларда февралдан кейинги даврда федерализм билан бир қаторда марказга итилувчи хатти-ҳаракатлар кузатилди. Фаҳат секин-аста ҳўжалик қийинчиликлари, марказий ҳокимияттининг бошқарилган ишебиллиги туфайли марказдан узоқлашингта иктилислари жадаллаша борди.

Февралдан кейинги ривожланишининг дастлабки босқичида Туркистон миллий ҳаракатининг йўлбошчилари ўзларининг озодликка интилишларини Россия демократик ташкилотларини сиёсий қўллаб-қувватлаш ҳамда Муваққат ҳукуматининг ислоҳотчилик фаолияти билан кўп жиҳатдан боғланмоқчи бўлишиди. Жумладан, февраль кунлари инқилобий Петроградда бўлган тараққийпарварларнинг вакиллари ҳамда Давлат Думасига Туркистондан сайланган вакиллар мусулмон аҳолисининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқини талаб қилиш бўйича аниқ режа ишлаб чиқишга дарҳол кириндишлар. Бу режага кўра, Туркистонда миллий муҳториятни ягона Туркистон конфедерация таркибида ташкил этиш тақлиф қилиди.

Афсуски, Муваққат ҳукумат буюк давлатчилик фикрларни тарзидан воз кеча олмади. У мустамлака занжирига тушган чекка ўлкалар ҳалқ оммасининг ўз тақдирини ўзлари белгилашларига очиқдан-очиқ қарши чиқди. Мазкур масалада марказининг асосий сиёсий партиялари ҳам, шунингдек, февраль инқилоби тўлқинида ташкил этилган Советлар ҳам қатъиятсизлик кўрсатишди. Туркистонлик вакиллардан бири 1917 йил марта Петрограддан Туркистонга жўнаб кетиш олдидан Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети раиси, VI Давлат Думаси социал-демократик фракцияси йўлбошчиси Н. С. Чхеидзе олдига киради. Чхеидзе келгуси режалар ҳақида сўраганида, вакил туркистонликлар муҳториятга эришининг интилишшайётгани ва тайёргарлик ишлари билан машгулликларини айтади. Чхеидзе бу жавобдан қўрқиб кетади: “Худо ҳаққи, ўртоқ вакил, ватандошларингизга муҳторият ҳақида гапирманг, чунки, бирин-

чидан, ҳозир буни гапириш пайти әмас, иккинчидан, ақолиси бутуалай бошқа маданият, тил, дінга әга бўлган Туркистондек сизнинг мамлакатингизда мухторият сепаратизмга олиб келади, инқиlobий ва демократик Россиядан ташқаридаги сепаратизм эса сизнинг халқингиз фойдасига бўлмайди”⁴².

Марказдаги ишчи ва солдат депутатлари Советининг муносабати, албатта, Туркистондаги ўлка ишчи ва солдат депутатлари Совети фаолиятида ўз аксини тоимай қолмас эди. Ҳужжатларниң гувоҳлик бернишча, ўлка Совети кўғина масалаларда Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети билан келишиб иш қилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, маҳаллий Советлар улуғ давлатчилик шовинизми билан марказдагилардан ҳам кўпроқ касалланган эди. Бу ҳол Тошкентда 1917 йил 7—15 апрелда бўлиб ўтган ишчи ва солдат депутатлари Советларининг I Туркистон ўлка съездидаги ҳокимият ҳақиқидаги масала қўтарилиган пайтда очиқ-оидин намоён бўлди. Бу съездда қатнашган 263 делегатининг атиги 5 нафаригина мусулмои халқлари вакиллари эди.

Мұхокама қилинаётган масалалар бўйича кўпроқ қаррама-қарши фикрлар билдирилди. Мана, уларниң асосийлари: ўлкада Таъсис мажлисигача мавжуд бошқарувни тубдан ўзгартиришга шошмаслик керак; айрим вилоятлар манфаатлари йўлида марказий ўлка ҳокимиятини тутатиш лозим; вилоятларда мустақил бошқарувни йўлга кўйиш керак, вилоятлар ўргасидаги можароларни ҳал қилини учун кучли ҳокимият зарур. Ҳокимият қандай бўлинни лозим — жамоавийни ёки яккаҳокимликни, деган мавзуда ҳам баҳслар бўлиб ўтди.

Ўлкада марказий, бироқ жамоавий ҳокимият тарафдори сифатида бўлган Г. И. Бродо делегатлар эътиборини, бошқарашда бир шахсни бошқаси билан шунчаки алмаштирилмай, балки бошқарни тизимининг ўзини тубдан янгилаш, бу масалада келажакни ўйлаб иш тутиш мұхимлигига қаратди.

Съезд делегатларидан бири, мазкур аижуман бутун Туркистон ўлкаси ақолиси қарашларини ўзида намоён этмайди, шу боис съезддаги овозлар ҳал қилувчи аҳамиятта әга бўлолмайди деб таъкидлади. “Бу ерга факат ташкиллашган гуруҳлар келган, бироқ Туркистонда ҳеч қандай озодлик ҳақида тушунчага ҳам эга бўлмаган чекка жойларда яшовчи кўплаб маҳаллий аҳоли мавжуд”. (“Туркестанские ведомости”, 1917, 12 апрель).

Ишчи-солдатлар томонидаа юборилган Собиржон Юсупов съездга мусулмон вакиллари таклиф этилмаганидан афсусланғанини билдири. “Маҳаллий аҳолининг ижтимоий тафаккури ҳали ўсиб этилмаган деб ўйламанг, бу хато, чунки фавқулодда амалга оширилган ташкиллаптириш ҳозирда ажойиб натижалар берди. Эски ҳокимият туфайли маҳаллий аҳоли руслардан ажратилгани, маънавий бирлашишин истагани учун айбдор эмас. Бироқ эндиликда бундай яқинлашувга мусулмонларда истак бор ва улар ўзларининг бунга тайёр эмасликлари ҳақидаги қарашларининг қанчалик католагини амалда ишботлашди. Ва баайни ҳозирда, ҳалқлар бирлаша бошлаган пайтда — ҳокимиятни бўлиб олиш вақти эмас”. С. Юсупов Туркестонда ҳокимият қандай шаклда бўлишидан қатни назар, ягона, бироқ рус ва мусулмон аҳоли назорати остида бўлиши лозимлигини айтди.

У мусулмонларининг порозилиги асосли эканини билдириб, ҳокимиятнинг сайлангаётган олий тузилмалари таркибига мусулмон аҳолиси вакиллари киришини талаб этди. Бироқ унинг талаблари амалга ошмади. Кўнчилик делегатлар шовинистик қарашларидан чекинишмади. Европалик жамоаларниң демократик кайфиятдаги вакиллари зарур сиёсий консенсусни таъминлашта ҳаракат қилди. Жумладаи, фарромалик делегат Вадим Чайкин олий ўлка ҳокимиятини тайинлашда мусулмонлар кайфиятини албатта ҳисобга олини зарурлигини таклиф этди, чунки “уларниң тасаввурларида ҳокимият ягона бўлмоги лозим ва ҳокимиятнинг бўлинини улар орасида ҳокимиятсизлик ҳақида тескари тушунчани юзага келтириши мумкин” (“Туркестанские ведомости”, 1917, 12 апрель).

Шунга қарамай, Россияда кучли марказий органни бўлган демократик республикани таъсис этишини ёқлаб чиққан съезд Туркестон ҳалқлари учун муҳим бўлган ўлка мухторияти, миллий тенгсизликни тутатиш ҳақидаги масалаларга ўз муносабатини билдирмади, уларни Таъсис Мажлисга қолдириди.

Съезд Муваққат ҳукуматга ишонч билдириш ҳақида баёнот қабул қилди ва Муваққат ҳукумат Туркестон қўмитасининг ўлкага мухторият берини борасидаги радиясини қўллаб-қувватлади. Май ойида эсерлар партиясининг ўлка съезди ҳам шундай қарорни қабул қилди.

Томскентда (1917 йыл, 9 — 17 апрель күнлари) Туркестон ўлкасасининг ижроия қўмиталари съезди бўлиб ўтди. Унда 74 жамоатчилик ташкилотидан 171 делегат, европалик аҳоли вакилларидан 99, маҳаллий аҳоли вакилларидан 72 киши иштирок этди. Кучларниң бундай этник жойлашуви давлатни қайта қуриш истиқболларини мухокама қилини чогида ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Чунки, юқорида таъкидланганидек, европаликлар жамоаси ва маҳаллий аҳолининг миллий устуворликлари бир-бирига мос эмас эди. Европалик партия ва ҳаракат вакиллари, айрим истисмолардан ташҳари, миллий масалада концептуал чекланганинг кўрсатишидек. Уларниң дастурий қоидаларида Россия давлатини “Бир бутун ва бўлинмас” ҳолда сақлашга митилини очиқ-ойдин ёки пардаланган шаклда устун турди. Айни пайтда, туркистонлик маҳаллий аҳоли вакиллари ўлка желажагини суверен ҳуқуқларининг тобора кенгайиб бориши билан боғлади.

Россияда бошқаришининг бўлғуси шакли ҳақидаги масала съездда қизғин баҳсларга сабаб бўлгани тасодифий эмас. “Россияниң барча халқларига ўз тақдирини ўзи белтилаш имкониятини” берувчи шакл сифатидаги федератив республика қуриши юяси ҳам тарафдорларга, ҳам мухолифларга эга эди.

Европалик вакиллар таркибидағи федератив давлат таркиби тарафдорларининг бир қисми маҳаллий миллатлар учун мухторият берини ҳақидаги масалани халқарниң муайян даражада маданий ва сиёсий ривожланиши билан боғлашга уринидилар. Улар Туркестон халқлари мухторият олиш даражасига етишмаган, шу боис уларга мухториятдан кейинчалик фойдаланиш имконияти яраб берилishi лозим”, деб ҳисоблашди. Уларниң бошқа қисми эса мухторият миллий эмас, ҳудудий бўлиши зарур, гага фикри билдири.

Тарих фашлари доктори, профессор Р. Я. Ражапова тўғри ўйд этганидек, “умуман, буларниң ҳаммаси, фикрлардаги турли қиралар қандай бўлишидан қатъи назар, мониторинга, ўлканнинг кўп миллионли туб аҳолиси манзулларини инкор этишга, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига менсимай қарашга олиб келди”⁴³. Буни съезд иштирок этган миллий демократик йўлбошчилари ҳам куйиниб қайд этгандилар.

Мустафо Чўқаев съезд ишини хотирлар экан, Кўқондаги ўқитувчилар уошмаси раиси Л. С. Некора нутқидан қуйидаги парчани келтиради: “Инқилобни рус инқилобчилари, рус солдатлари амалга оширди. Шу боис Туркистоңда боштарув ва ҳокимият биз — русларга тегишпидир. Маҳаллий аҳоли эса биз уларга нимани берсак, ўшанга шукур қилишлари керак”⁴⁴. М. Беҳбудий ўлка халқларини ҳимоя қиласкан, фахр билан шуни айтадики, бу халқлар қадимий тарих ва маданиятта эга, бугун иносиятнинг маданий ҳазинасидан жой олган, дунёга машхур алломалар, фиқҳшуносларни, юксак меъморчилик намуналарини берган, ўз ҳаёт тарзига эга, дехқончилик, бодорчиллик, хунармандчиллик юқори даражада ривожланган халидир. Маҳаллий халқнинг ҳозирги аҳволига, унииг иодонлигига чор тузуми айбдордир⁴⁵.

Беҳбудийни Аҳмад Заки Валидий, Мустафо Чўқаев, Ислом Шоаҳмедовлар қўллаб-қувватлашди. Тўғри, мусулмон делегатлари орасида ҳам мұхокама этилаётган масалаларга ёндашувда турли қарашлар юзага келди. Масалан, Аҳмад Заки Валидий ўз хотираларида қайд этишича, у съездда Россиянда федератив давлат қуриши тарафдори сифатида қатнашган. Бироқ, Мустафо Чўқаев кадетлар билан, Ислом Шоаҳмедов социал-демократлар билан бодлиқлиги туфайли, гарчи принцип жиҳатидан уни рад этишмаган бўлса ҳам⁴⁶, уларнииг иккени ҳам федерация гоясига қўшилишмаган.

Мусулмон федералистлари агар Туркистон ижроия қўмиталари съезди федерацияга қарши қарор қабул қиласа, бу ҳол 16 апрелга белгиланган ўлка мусулмонларининг I съезди, шунингдек Бутунrossия мусулмонлари съезди ишинга таъсир этишин мумкин, дея ҳавфсирашибди. Шу боис улар ҳатто дўстлари ҳисобланган кишиларга ҳам қарши муросасиз кураш кайфиятида бўлдилар. Бу курашда Заки Валидийни Маҳмудхўжа Беҳбудий, эсерлар партияси йўлбошчиси Вадим Чайкин ва шарқшунос Л. Зимишлар қўллаб-куватлашди. “Айниқса, М. Беҳбудий нутқи таъсири остида, — деб таъкидлайди Заки Валидий ўз хотираларида, — қишлоқ жойлардан келган қарийб барча ўзбек, қозоқ ва туркман делегатлари федерация тарафдорлари бўлишибди. Шундай қилиб, унитаризм мағлуб бўлди”⁴⁷.

Съезд мұхокама қилинаётган масала бўйича “Россиянга

Давлаттнинг айрим вилоятларига кеңг мухторият бериш, айрим ҳолларда тұлық федеративлик берип ҳуқуқдарини алохидда ҳимоялаш принциптері асосыда демократик республика үрнатып күпроқ мувофиқ келади"⁴⁸ деган қарори қабул қылды. Бопқача айттанды, европалик делегаттар күпчиликкін тапкыл этган съездда миллий-маданий мухторият үрнінга күпроқ ҳудудий мухторият күзде тутилды.

Съездда Н. Т. Маллицкийнинг Туркистоңда шаҳарлар ўз-ўзини бишкәрувии ислоҳ қилиш ҳақидағи маърузаси мұхоммада қилинаёттаңда зәддиятлар янада чуқурлашып, Узининг шаҳарлар ўз-ўзини бишкәрувии иккі мустақил орған — европалик ақоли учун алохидда ва маҳаллий ақоли учун алохидда органларға бўлиш ҳақидағи лойиҳасини шу билан изоҳлади, ақолининг европалик қисми ўз-ўзини бишкәрувиинг ягона шакли тарзида кам сонли бўлгани учун маҳаллий ақоли доимо улардан устун келади. Маллицкийнинг лойиҳаси қарийб барча сўзга чиқувчилар томонидан танқад қилилди. Улардан айримлари бу лойиҳада миллиятларини ўзаро қарама-қарши қўйниш, уларни ажратиб ташлаш, миллий ихтилофларни кучайтирип хавфини кўрдилар. Улар шаҳарлар бишкәруви бирлигининг энг яхши йўли Туркистоңда яшовчи барча халқларининг уни шакллантиришица ўзаро тенг ҳолда вакиллик тамойиллари асосыда иштирок этишда деб билдишлар. Айниқса, миллий демократия вакиллари бу борада қатый муносабат билдирилар. Аҳмад Заки Валидий мазкур лойиҳани русларни маҳаллий ақолидан ажратиш йўли, мустамлака сиёсатининг давоми сифатида баҳолади. Беҳбудий ягона шаҳарлар ўз-ўзини бишкәрувии яратишни ёқлаб чиқиб, унда халқларни ўзаро тушуниш руҳида тарбияловчи, ақолининг маданий жиҳатдан анча ривожланган қисмининг камроқ ривожланган қисмiga таъсирани оширувчи органи кўришини айтди. У ақолининг европалик қисми манбаатларини ҳимоя қилиниш мақсадидан муросага келтирадиган қарори — ўз-ўзини бишкәрши органларини шакллантиришида пропорционал тамоил үрнінга европалик ақолига барча ўринларнинг учдан бирини беришни таклиф этди⁴⁹.

Унда кунлари руслар орасыда иккى оқим юзага келди, улардан биринчиси — “ишчи ва солдат депутатлари Совети” бўлиб, маҳаллий ташкилотларни советларга яқынлаштириша интилди. Унга қарши бўлган иккинчи оқим эса со-

биң Төшкент ҳокими Маллицкий бопчылық қылған гурұх-даги одамларни ўзида бирлаштырды. Иккинчи оқымдағи руслар маҳаллий ақолини руслардан ажратыб олиш ва бу билан иккى қарама-қарши гурұхларни юзага келтиріштеги интилди⁵⁰.

Түрккүмштанинг ҳам ўлка халқларига мухторият ҳуқуқини беріш масаласи бүйічә мүносабати аниқлаша борди. У, шубҳасиз, Мұваққат ҳукуматининг сиёсатини ўзида акс эттираар әди. Бугунғы күнде яқын күренинде турғанидек, марказий ҳукуматининг миллий дастури аввалиданоң Россия халқларининг этник манбаатлари билан зиддияттли ҳолға келған, улар камида тенг ҳуқуқын субъект бўлиши, истиқболда эса ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритиш истагида әдилар.

Расмий ҳокимият империяга федерацияни ваяда қылди. Бироқ бу йўналинида амалий қадамлар қўймади. Халқлар эса ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини истар әди. Улар 1917 йилда кўп нарсаларни талаб этишимади. Одатда фақат мухторият ҳақидағина гап борди. Бироқ бу ҳақда “ҳали вақти әмас” деган жавоб бўлди. Охир-оқибатда, Мұваққат ҳукуматининг миллий сиёсати маҳаллий ақоли орасида тобора норозилик уйгота борди.

Түрккүмита ўлканни “мухториятлаштиришиниң” (автономизация) қандай йўлларини кўрди? Апрелининг ўрталарида у мазкур масала бүйічә маҳсус йигилиш чақирди. Ўша йиллардаги газеталар бу масаланинг қандай муҳокама этилганини аниқлашта имкон беради. Жўмладаи, К. Тимаев деган муаллифнинг “Туркестанская автономия” сарлавҳали мақоласи (“Туркестанский курьер”, 1917, 28 апрель) ушбу йигилиш таассуроти остида ёзилған ва афтидан, фақат ўзининг шахсий фикринигина ифодалаган. “Туркистан ўлкасининг ҳозирги аҳволи, — деб ёзади Тимаев, — унга тўлиқ сиёсий мухторият киритишга имконият бермайди... Туркистан мустамлака сифатида ўз-ўзини бошқарув борасида инглиз ва француз мустамлакаларига ўхшаб йўл тутмоли лозим. Бунда шубҳасиз Канада ва Австралия билан Туркистан маҳаллий ақолиси ўргасида улкан тафовутни яқын кўриш мумкин”.

“Шундай қилиб, — холоса қиласы мақола муаллифи, — Туркистан ақолисининг бошқарув қатлами юқори маданиятга эга, кўпчилиги европаликлардан ташкил топған Канада

ва Австралиядагыдек эмас, балки "демократия" шароитида рус мустамлакаси бўлиб қолмоғи лозим. Туркистон таҳминан Осиё ва Африкадаги инглиз ва француз мустамлакалари мавқеида бўлмоғи — лозим..."

Шу жиҳатдан олганда адвокатлар И. В. Чертов ва Б. А. Вараксинларнинг Муваққат ҳукумат раиси А. Керенский номига ёзган мактуби дикқатга сазовор: "... Шуни билиш муҳимки, Туркистон ўлкасига иисбатан Сиз қандай сиёсатни қўйлаб-кувватлайсиз, федерациями ёки мустамлаками? Бизнинг фикримизча, Туркистон ўлкаси вақтинча бўлса ҳам, рус мустамлакаси бўлмоғи лозим. Чунки мусулмонларнинг диний, миллий ва қабилавий муросасизликлардан дарҳол воз кечишиларни кутуби бўлмайди. Агар ҳозирги шароитда мусулмонларга ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти берилса, яъни келажакда айрим қабила ва уругларнинг ҳокимият учун кураши кучайиб, шубҳасиз, қонли жанглар тусини олади, мусулмонлар уни ташқаридан ёрдам олмай туриб, бартараф этолмайдилар ва тутатолмайдилар ҳам". ("Пролетарская революция" журнали, 1924, №8.) "Ташқаридан ёрдам жумласи Россия ўлканинг ахралиб чиқиб кетишадан, унинг Туркия ёки Англия таъсирига ўтишдан хавфсизлап лозимлигини англатарди. Шу боис империя, мустамлакачилик тизими ўзгармасдан қолмоғи лозим".

Кўриниб турибдики, Муваққат ҳукуматининг Туркистон қўмитаси Туркистон мухторияти ва ўлкани бошқаришини ташкил этиш ҳақидағи масалада мустамлакачилик усулашими сақлаб қолиши муносабатини ўзгартирмади.

Ўлка аҳолисининг асосий муаммоси — ўлка мухторияти масаласига муносабати мусулмон съездларнинг ҳужжат ва қарорларида ёрқин акс эттанди.

Туркистон маҳаллий аҳолисининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бораётган шароитда Тошкентда 1917 йил 16 апрелда "Шўрон Ислом" ташаббуси билан чақирилган I Умумтуркистон мусулмонлари съезди ўз ишнин бошлади. Унда ўлканинг барча туб ҳалқларидан ваколатта эга бўлган 150 делегат қатишаади. Съезд ҳайъатига Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаев, Шерали Лапин, Тошибўлатбек Норбўтабеков, Аҳмад Заки Валидий, Содиқ Сатторов, Ислом Шоаҳмедов, Абдураҳмон Ўразаев, Мулла Абдулмажид Махмудов, Серикбой Акаев, Аҳмадбек Қўйбоқаров, Собиржон Юсуповлар кирди. Съездда Турккўмита аъзолари

А. Давлетшин, С. Маңсудий, М. Гимишшаев иштирок этди. Күн тартибига күплаб масалалар киритилди: Мұвақат ҳукуматта муносабат; Россиядаги бошқарувнинг шакли ҳақида; Таъсис Мажлисига тайёргарлик; Туркистондаги маҳаллий фуқаролик муассасалари; ўлқадаги диний-шариат муассасалари; мактаблар, мадраса ва вакыфлар; молиявий ишлар, эски муассасаларни янгилаш; диний маҗкама бошқармасини ташкил этиш ҳақида; озиқ-овқат, урунга муносабат; уруш ортида ишләёттаплар масалалари; “Шўрои Исломия” ўлка ташкилотини ташкил этиш ҳақида; “Шўрои Исломия”нинг изкроия қўмиталарига муносабат; Умурроссия мусулмонлари съездига делегатлар сайлаш ҳақида; ер-сув масаласи ҳақида.

Россияда бошқарувнинг бўлгуси шакли ва Туркистон мусулмонларининг ташкилий бирдамлиги ҳақидаги масалалар съездининг диққат марказида турди.

Аҳмад Заки Валидий “Давлатни бошқариш ва уни ташкил этиш ҳақида”ги маърузаси билан қатишаши. У федерация гоясими далиллар билан исботланашга ҳаракат қилиди. Уни Маҳмудхўзка Беҳбудий, Обиджон Маҳмудов, Муҳаммаджон Тиммишшаев, Вадим Чайкинлар қўллаб-қувватланиши. Бироқ ундан кейин сўз олган Садри Маңсудий, “Улуғ Туркистон” газетасининг муҳаррири Кабир Бақр ва бошқалар федерацияга қарши сўзлаб, “Демократик Россия Республикаси” деган жумлани ишлатишни таклиф этишиди. Мунаввар қори ва Убайдулла Хўжаевлар дастлаб федерация гоясига қўшилишмади, бироқ сўнгра улар ўз гоявий муносабатларини ўзгартириб, федералистлар қаторига ўтишиди (“Шарқ юлдузи”, 1993, №5-6).

Съезд иштирокчилари ўлкада янги давлат қуриш ҳақидаги масалани ҳам фаол мухокама қилишибди. Хилма-хил нуқтани назарлар билдирилди. Ҳусусан, Мунаввар қори, Мустафо Чўқаев ва Садри Маңсудийлар ўша пайтда миллий-худудий мухториятга эришиш керак эмас, чунки “мусулмонлар ер-сув ишларини бошқаришини ўзлари амалга оширолмайди”, шу боис маданий-маърифий масалаларда мухториятта эришиш лозим, деб ҳисоблашди (“Нажот”, 1917, 23 апрель).

Шуниси диққатта сазоворки, съездда ватандош руслар ҳам иштирок этишиди. Съезд иштирокчилари Аидижонда чиқадиган “Туркестанский голос” газетаси муҳаррири Вадим Чайкиннинг нутқини алоҳида эътибор билан кутиб

“олиши. У ўз нутқида жумладан шундай деди: “Қадрли мусулмон дўстлар. Мен Сизни Озодлик билан табриклайман. Бизнинг бу озодликка муносиб эканимиз ўтган йилнинг ионидаёқ маъдум бўлган эди (1916 йилги қўзғолон кўзда тутилмоқда — С. А). Мен мұхтарам Керенский таркибида бўлган партия сафидалан. Мен ҳар бир халққа алоҳида федерация, кичик миллатларга эса миллий-маданий мухторият берилиши тарафдориман” (“Нажот”, 1917, 23 апрель).

Съезд 1917 йил март—апрель даври учун хос бўлган қарорин қабул қилиб, демократик ва федератив тамойилларга асосланган, мусулмонларга тенг ҳуқуқлар берувчи Россия конституциясини қайта ишлашига даъват этди. Съезд Россияда барча вилоятлар, шу жумладан, Туркистонга ҳам кевг мухторият берилиши кўзда тутилган Федератив Демократик Республикани тасдиқлаши ғоясини бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Москвада 1917 йил 1—11 майда бўлиб ўтган I Бутунрёссия мусулмонлари съездидан сўнг мусулмонлар орасида мухторият ҳақидаги масала фаол кўтарила бошлади. Мазкур съездда қарийб барча сиёсий оқимлар—Волгабўйи, Қрим, Кавказдан келган ўнг консерваторлардан то сўл радикал социалистларгача вакиллар қатидашди, шунингдек Туркистон, Бухоро ва Хивадан делегатлар иштирок этди.

Съезд мусулмон аҳолининг ҳаётий фаолияти билан борлиқ кенг доирадаги масалаларни мухокама қилди. Ташкилий жиҳатдан минтақавий партия ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун Бутунрёссия мусулмонлари Шўроси (Миллий Шўро) сайданди. Мазкур Шўронинг ижроия қўмитасига Туркистондан ўлка мусулмонлари Шўроси ҳайъати аъзолари Убайдулла Ҳўжаев ва Ислом Шоахмедовлар кирди.

Ижроқўм ва унинг раиси Аҳмад Солиҳов (Цаликов) шундай фикр илгари сурди: “Қарийб барча мусулмонлар ўртаҳоллардир ва бизнинг орамизда йирик бойлар йўқ. Мусулмонлар орасидаги синфий тафовутлар жуда аҳамиятсиз ва бизнинг афзалигимиз ҳам шундадир, чунки синфиий тафовутлар сиёсий ҳаётни ўта тараплантириб юборади, бу эса миллатнинг кучларини бўлиб ташлайди”. Шу боис мусулмонлар бирлашингиз, демократия байроғи остида бирлашиб, биз ўзимиз учун миллий ва маданий мухториятни таъминлай оламиз” (“Нажот”, 1917, 23 апрель).

Бирок, бирдамликка шитилишларга қарамай, унга эришип осон иш эмас әди, хусусан гап, бу мамлакаттинг мусулмонлар яшайдиган ҳудудлар мухторияти ҳақида кетганди.

Съездда қабул қилинган қарорлар мусулмон ахолиси орасида турли-туман ижтимоий-сиёсий оқимлар, гөльвий қарашларининг кучайиб бораётган қутбланишини ўзида акс эттирди. Айниқса, Россияда миллий давлатчилик қуриш шакли ҳақидағы масала бүйіча ўткыр баҳслар авжға чиқди. Охир-оқибатда иккі катта гурух юзага келди: улардан бири марказлаштырыш (централизм) тамойилларида турди ва Россия Демократик Республикаси таркибида мусулмонларининг ҳудудий-маданий мухторияти тарафдори бўлиб чиқди. Уларни “унитаристлар” деб аташди. Бониша гурух Россия Федерацияси таркибида мусулмон халқлари учун ҳудудий мухторият берилishi тарафдорлари бўлиб чиқшиди. Улар ўзларини “федералистлар” деб аташди.

Дастлабки гурухнинг қарашлари Аҳмад Солиҳов тайёрлаган қарор лойиҳасида, иккимичисини Мұхаммад Амин Расулзода тайёрлаган қарор лойиҳасида ўз ифодасини тоңди.

Қызығи ва узоқ давом этгани баҳслардан сўнг кўнчиллик овоз билан (446-тарафдор, 271-қарши) Мұхаммад Амин Расулзода ўқиб эшиттирган қарор қабул қилиниди.

Мазкур қарорда шундай дейилади: “а) Россия давлат қурилишининг Мусулмон халқлари манфаатларини энг күн таъминлай оладиган шакли миллий-ҳудудий-федератив асослардаги демократик республикадир: бунда муайян ҳудудга эга бўлмаган миллатлар миллий-маданий мухториятдан фойдаланади;

б) Россия мусулмон халқларининг умумий маънавий-маданий масалаларини тартибга солиш мақсадида бутун Россия учун бу соҳадаги қонунчиллик вазифаларини ўз ичига олган марказий умуммусулмон органи таъсис этилади. Бу органининг шакли, таркиби ва вазифалари барча мухтор бирликлар вакилларининг биринчи таъсис съезди томонидан белгиланади”⁵¹.

Ўлка мусулмонлари Шўроси раиси съезд иши ҳақидағы хотираларида шундай ёзади: “Съезд протоколлари ва унинг иштирокчилари гувоҳликларидан шу аниқ бўлдик, съездда бирор-бир кишидан Россиядан ажralиш ҳақида сўзга чиқмади. Съездда Россияда Федератив давлат қуришга қар-

ши сўзга чиққашлар бўлди. Федерацияга тарафдорлик Бутунrossия демократиясига ишонч сифатида англанди... Кейинчалик узоқ вақт мавжуд бўла олмаган турли миллий суверен ҳукуматларни барпо этиш тажрибаси, бир томондан, рус инициатобий демократиясига бизнинг умумий ишончимиз хатолигини, бошига томондан, ҳар бир ўлка ва ҳар бир халқ ўз давлатини юзага келтириб, уни ўз қўллари билан империализм чангалидан сақлаб қолиши мумкин деган иотўғри тасаввурларни кўрсатди”⁵².

Миллий ҳудудий асослардаги эркк интифоқ сифатидаги федерация ҳақида мулоҳаза юритган М. Бехбудий “Улуг Туркистон” газетасида эълон қилинган “Баёни ҳақиқат” сарлавҳали мақоласида шундай ёзади: “Биз Россия мусулмонлари мамлакатиниг федератив қурилишнiga интилишиларни истаймиз. Россиянинг ҳар бир мусулмон жамоаси ўзининг жуғрофий ва ҳудудий аҳволига мос равишда бўлиншиши, барча россиялик мусулмонлар учун Марказий мусулмонлар бошқармасини ташкил этиб, ўзларининг урфодат ҳамда анъанааларига мувофиқ бошқаришлари, руслар билан бирга қўлни-қўлга бериб, мамлакатиниг сиёсий ва иқтисодий ишларида иштирок этишлари ва жаҳон майдонига чиқишилари лозим. Федерацияга эришини учун, биз, россиялик мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари Россиядан ажralмаган ҳолда қадимчилар ва жадидлар ўртасидаги зиддият ва ихтилофларимизни тутатиб, бирлашмогимиз лозим. Биз истаймизки, Туркистон мусулмонлари унда яшаётган рус, яхудий ва бошқалар билан биргаликда Туркистон ҳукуматини тузса, бизда парламентаризм йўлга қўйилса, унда туркистонлик мусулмонлар шариатга мувофиқ, ўз урфодат, анъана ва динига яраса яшасалар. Барча туркистонликлар, яхудий, христиан ёки мусулмонларининг манфаатларини ҳисобга олувчи қонулар чиқарилishi лозим.

Агар биз Туркистон мусулмонлари биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ислоҳотлар ва иттифоқча интилсак, зиёлилар ва тараққийпарварларни бой ва уламолар билан биргаликда бирлаштиурсак, унда биз бу билан динимиз, миллат ва ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун улкан хизмат қилган бўламиз” (“Улуг Туркистон”, 1917, 12 июнь).

Июль ойининг иккинчи ярмида Қозон шаҳрида бўлиб ўтган II Бутунrossия мусулмонлари съезди, “Уламо” съезди

ва мусулмонлар ҳарбий съезди қарорлари туркистанлыклар ҳәётига катта таъсир күрсатди. 1917 йил 17 июлда очилган II Бутунrossия мусулмонлари съездиде барча мусулмон халиларидан (шу жумладан Туркистандан ҳам) 260 делегат қатнашди.

Делегатлар күриб чиқилаёттган күпгина масалалар бўйича, биринчи Бутунrossия мусулмонлари съезди қарорлари билан бирдамликларини билдиришиди. Бироқ миллый давлат қуриши ҳақидаги масала мухокамасига учала съезд делегатлари 22 шулда бирлангига мажлис ўтказиш зарур деб тоғдилар, унда қуйидаги қарор қабул қилинди: Туркистон, Қирғизистон, Кавказ ва Қrimии бопиқарини шакли ҳақидаги масалани ҳал этишини ушбу чет ўлкалар аҳолисининг ўзига ҳавола этилсин. Ички Rossия ва Сибирь мусулмонлари учун эса кенг миллый-маданий мухторият қабул қилинсин ("Хуррият", 1917, 15 август; "Равнақ-ул Ислом", 1917, №5).

Бундай қарориниң қабул қилишини илтари олдинга суринган ҳудудий мухторият ҳақидаги талаблар билан қиёсланганда бир оз орқага қадам қўйини бўлди.

Шундай қилиб, съезд мусулмон халиларининг миллый тақдирини ўзи белтилаш ҳақида қарор қабул қилиди. Қарорни амалий жиҳатдан дарҳол бажарипга, ўз-ўзини бопиқарувчи ташкилотлар бўйича муассасалар ташкил этишига даъват этилди.

1917 йил 17—27 июлда Қозон шаҳрида бўлиб ўтган мусулмонлар ҳарбий съездиде шу нарса таъкидланди, Бутунrossия мусулмонлари ҳарбий Шўроси айrim мусулмон ҳарбий қисмларини ташкил этиши ишида. Rossияning барча миълатлари марказий ташкилотлари билан алоқа-га кириш, агар зарур деб тошилса, улар билан блок тузиш ҳуқуқига эга.

Делегатлар мусулмон қўшинларини ташкил этиш ҳақидаги масалани мухокама қилиб, шундай хulosага келишиди: агар доимий қўшин сақланиб қолинса ва халқ милицияси билан алмаштирилмаса, у миллый белгиси бўйича қайта ташкил этилади.

Бунда мазкур масалани ҳал этиш учун Петроградга дарҳол делегация юбориши, рад жавоби олинганда мусулмон қисмларини рухсатсиз тартибда ташкил этишига киришиш кўзда тутилди ("Улуг Туркистон", 1917, 30 июль). Съезд

мусулмон құшынини ташкил этишігә қарор қылды ва уннинг амалдай ижроси учун Бутунроссия мусулмонлари ҳарбий Шүроси (“Военный штурм”) — “Вошуро”ни ташкил этди. “Вошуро” ғанси этиб 22 ёшил пранорщик Илес Алкин тайинланды. Бу ёш зобит миллдій давлат қуриші масалаларыда әсәрлар партиясы қарапшыларыда турарды.

II Бутунроссия мусулмонлари съездиде Туркистан маҳаллай халқларининг ақвөли ҳақида Убайдулла Хұжаев атрофлича маъруза қылды. У чоризм ва Россия капитализмининг мустамлакачиллик сиёсати, табиий захираларнинг очиқдан-очиқ талапшыши, ҳар йили фақат пахтани ташиб чиқып кетишідан іуз миллиондан зиёд фойда ўзлаштирилаётгани натижасыда ўлка маҳаллай халқлари гайрииссоний шаронларга маҳкум қылингани ҳақида дард билан сұзлады. “Бироқ, туркистонликлар құвонч билан қарши олган инқиlob ҳам, — таъқидләди маърузачи, — уларнинг ўз заминларынға ўзлары хұжайин бўлишга интилишилари, ўлканнинг тикланишыга бўлган умидларини оқламади. Ўлканни бошқарыш аҳолининг атиги 5 фоизини ташкил эттан келгендилар қўлида қолды”. Маърузачи оғизда ўзларининг демократия тарафдори деб даъво қилувчى, амалда эса ўлка халқлари манфаатларини ишкор этувчи, эски сиёсатни давом эттираётган ишчи ва солдат депутатлари Совети фалиятини кескин таққид қылды. У Еттисувда давом этаётган фожна ҳақида қаҳр-ғазаб билан сұзлади.

Съезд томонидан ишлаб чиқылган қарорлар Бутунроссия миқёсида мусулмонлар ҳаракатини бирлаштириши учун замини бўлиб хизмат қылды. У мусулмон аҳолиси муаммоларига катта эътибор қараттани ҳолда, ўзининг изчил демократизми ва янгиликка интилувчанлик йўналиши билан ажralиб турди. Бу ҳол мусулмон аёлларининг эркаклар билан сиёсий ҳуқуқларда тенглаштирилиши, айрим шариат меъёрларининг эмансиация қилиниши, хотин-қизлар тенг ҳуқуқлиги томон бир қадам ташланиши ҳисобланган съезд қарорларида яққол кўриди. Булар нафақат Туркистан, балки бутунроссия руҳонийлари томонидан таҳдид сифатида қабул қилинди ва уларнинг қаҳр-ғазабини кучайтирди.

Қозондаги мусулмон съездлари қарорларини таҳлил этган “Кенгаш” газетаси “Мусулмонларнинг ҳарбий ташкилоти” номли мақоласыда Мусулмонлар ҳарбий Шүроси ва

унинг Туркистондаги бўлими (Вошўро) пнинг ташкил этилишини табриклади. Мақолада Самарқандда мусулмон ҳарбий қўмитасининг ташкил этилиши ҳақида маълумот берилди. ўлка мусулмонлари шўроси ишлари бўйича Самарқандда бўлган Заки Валидий бу қўмитанинг ишомини ўрганиб, унга зарур тузатишлар киритди. “Кенгаш” газетаси Туркистонда мусулмон қўшини ҳали ҳам оз миқдорда эканлигидан афеусда эканини билдириди. “Қуролланимаган халқ, — дейилади мақолада, — фақат ягона ташкилотга бирлашганда ва ўзини қуролли кучлар билан ҳимоя қила олгандагина ўз олдига қўйган мақсадларга эриша олади” (“Кенгани”, 1917, 19 шюль).

Мухторият ишлари ҳақида мулоҳаза юритган Абдурауф Фитрат қўйидаги фикрга келади: “ҳар бир кипи ўз кучи ва имкониятларига ишониши лозим. Кимки ўз кучига ишонмай, орзу қўлган мақсадларига интилса, у, албатта, яром йўлда йиқилиб қолади. Кимки ишонса, у, албатта, бошлаган ишни охирига олиб боради. Ишонига хос бу ҳис-туйгуларни биз миллатда ҳам кўрамиз. Ўзининг миллий кучларига ишонмайдиган миллатлар албатта парокандада бўлади. Ўз иштилишларини амалга ошириш учун ташқаридаи ёрдам кутаётган халқ секин-аста жарлик қаърига ағанийди...” (“Хуррият”, 1917, 4 август).

Фитрат ўз фикрини давом эттириб ёзади: “Биз мусулмонларга ўзига ишонч ҳисси етишимайди. Бирор бир иш, у хусусийми, умумий ёки миллийми, биз ўз кучимизга ишонсан-да, уни бошламаймиз. Кўпгина ишларда биз бошқаларга қараб турамиз ва ташқаридаи ёрдам кутамиз. Айнаи шундай хатто ҳатти-ҳаракатлар туфайли биз кўплаб қулай имкониятларни бой бердик”.

Қозондаги мусулмон съездларининг қўшима мажлиси қарори эса, Фитратнинг фикрича, мусулмонларни “бошқалардан умид қилиш” ҳолатидан “ўз кучига умид қилиш” йўлига буриб юборди.

Мусулмон жамиятида рўй берган ва ўрганилаётган даврда миллий озодлик ҳаракатида кучлар мувозанатини ўзгартиришига олиб келган келишмовчиликлар мухториятчилар ҳаракати йўлбошчиликларини, барча мусулмонларни бирлаштириш концепциясини илгари суришга унлади.

Бирлик ва мустақиллик ғоялари шу қадар улуғ әдики, бу ғоялар 1917 йили Февраль инқилоби ва Октябрь тўнта

риши оралығындағы даврда миллий күчларнинг бирдамликка интилишінің күп жиһатдан белгилаб берди.

“Туркистан мусулмонлари,— деб ёзади Фитрат,— келінг, Аллоқ номи билан, Пайтамбар, дин, миллият номи билан бирлештілік: біздегі мавжуд дағындар ва синфий бұлинныштарға күзімізни юмайлык. Исломнинг боп амра номи билан, биродарлық ва бирлік номи билан, Аллоқ учун, дин, ватан ва миллият учун биз барғамыз — жадидлар, қади-мійлар, мұлла ва бойлар бирлештілік, бир жойға йиғилиб, бир-біримізге ёрдам берайлык” (“Хұрriят”, 1917, 25 июнь).

Бироқ ғоявий келишувге әришкін мүмкін бўлмади. Бутурорсия миқёсінде ҳам, Туркистанда ҳам турли мусулмон сиёсий оқымлари ўртасыда зиддиятлар сақланиб қолди.

Туркистан жамияттегі ажратиб ташшаган зиддиятлар миллий ғояни амалта оширип қўлларнин қабул қылышындағы турли-туманлықларда, ўлкан ижтимоий қайта қуруши истиқболларыда, миллий ўз тақдирини ўзи белгилаштынг шакл ва усууларига ёқдашувларда намоён бўйган эди.

Бу зиддиятлар Туркистандағы энг йирик мусулмон сиёсий ташкилотларыдан бири — “Шўрои Исломия”нинг парчаланишына олиб келди. 1917 йил июнида ундан янги мусулмон сиёсий бирлешмаси — “Шўрои Уламо” ажратиб чиқди. Шўроиисломчилар каби туркистанлик уламочилар ҳам ислом ағъналарига таянишди, ундан Россия мустамлакачилигига қарши кураңда фойдаланишга интилишди. Кўпроқ феодал-диний қарашларни ўзида акс эттирған уламочилар маншый ва ижтимоий ҳаётда ағънанавий патриархал-феодал цегизларни сақлаб қолиш, шариат қонуулари тамойилларига талшувчи ислом давлатини барло этиш тарафдорлари бўлиб чиқишиди. Шунга қарамай, шўроиисломчилар ҳам, уламочилар ҳам юзага келған геополитик вазиятта миллий озодлик ҳаракатига муайян даражада демократик воситаларни кириғитишга ҳаракат қилишиди.

Шукдай қилиб, февраль инцидентдан кейинги ривожлапши мантиқи мазлум халқларнинг миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш ва Россиянда миллий давлат қуриши янги моделининг таркиб тошини муаммосини объектив развища одинга сурди. Бироқ Мұваққат ҳукумат оқилюна миллий дастурни таклиф этишке поқобил бўлиб чиқди. Миллий давлатни янгилаштынг айрим сермаҳсул ғоялари буржуа-

демократик ва социалистик йўналишлардаги Россия сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатларида ўрин олди. Бироқ улар ҳам ўзларининг амалий фаолиятларида империяча фикрлаш асоратидан кутула олмади.

Бундай ёндашув Туркистонда ҳам ўз аксини топди. Турккўмита марказий ҳукуматининг ваколатли вакили сифатида долзарб бўлиб турган миллий-этник муаммоларни ўз пайтида ҳал этишга етарли эътибор бермади. Ўлка аҳолиси европалик қисмининг оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилотлари фаолиятида миллий масалани ҳал этишда ўта сустканилик намоёни бўлди.

Бундай тарихий шароитда миллий зиёлилар, руҳонийлар ва тижоратчилар қатламларининг илгор йўлбошлилари мусулмон аҳолиси мағфаатларининг ифодачиси сифатида майдонга чиқдилаар. Улар курашнинг демократик усуларидан фойдаланиб, ишчи ва солдат депутатлари Советлари съездларида ҳам, ўлка мусулмошлиари қурултойларида ҳам, шаҳар Думаси маъжисларида ҳам Туркистон ва умуман, бутувроссияда ижтимоий янгилашишининг ислоҳотчилик йўлини ҳимоя қилдилаар. Бунда миллий-ҳудудий муҳторият мағкураси миллий-мусулмон партия ва ҳаракатларининг дастурий ҳужжатларида устувор ўрин тутди. Бу гоя европалик инқилобий-демократик ҳаракатларининг йўлбошлилари томонидан таърифланган ўз тақдирини ўзи белгиланинг ўзига сингдирган эди. Бироқ у, асосан Шарқ мутафаккирлари билдирган гоイラрга, миллий озодлик курашнинг ўз тажрибасига асосланди. Россияда федератив давлат қурилиши, Туркистон муҳторияти чегаралари ҳақидаги тушунича миллий мусулмон ташкилотлари, туркистонлик зиёлилар илгор қисмининг назарий ва амалий фаолияти туфайли кенгайди.

Айни пайтда, 1917 йилиниң ислоҳотчилик ҳаракати хилма-хил қарашлар ва сиёсий эҳтирослардаги кишиларни бирлашибувчи турли-туман ҳаракатларни юзага келтирди. Уларда ўртача либераллардан то инқилобий демократларгача, ислом давлатини яратиш тарафдорларидан то ижтимоий ривожланишининг гарб модели муҳлисларигача бор эди. Шу боис ўлкани бошқаришининг асосий масалаларини кўриб чиқишида, долзарб ижтимоий-ищтисодий муаммоларни ҳал этишда фикрлар бирлиги йўқ эди. Ислоҳот-

чилаrinинг миллий давлат қуриш муаммоси бўйича қарашларида гоявий турфа фикрлилик намоёв бўлди: ҳам конституциявий-монархик, ҳам мухториятчилик, ҳам республикачилик (дунёвий ва диний-исломий жиҳатдан) йўналишлари юзага келди. Бироқ, гоявий-сиёсий қарашлар хилмалил бўлса-да, тарихий анъана ва урф-одатларга, миллий менталитетга таянган ҳолда давлатчилик ташкил этиш гояси, ўзига хос миллий-этник ривожланиши ҳақидаги орзуларнинг бирлаштирувчи вазифасини бажарди.

ТУРКИСТОН ХАЛҚИНИНГ МУХТОРИЯТЧИЛИК ҲАРАКАТИГА ЖАЛЬ ЭТИЛИШИ

ТУРКИСТОН ЎЛКА МУСУЛМОНЛАРИ ШЎРОСИ (ЎЛКАМУСЦЎРОСИ)НИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ – СИЁСИЙ БИРЛАШИШГА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Миллий сиёсий ташкилотлар ўз тақдирини ўзи белгилари гояларини кенг тарғиб этиш ва уларни пазарий идрок қилиш билан бир қаторда, мухториятчилик ҳаракатига маҳаллий аҳолисининг кенг қатламини жалб этиш учун катта амалий ишларни олиб борди. Ўлка мусулмонлари съездидаги ташкил этилган Туркистон ўлка мусулмонлари Шўроси (Ўлкамусцўроси) сиёсий фаолиятнинг бу муҳим томонини ташкил этишда мувофиқлаштирувчи ва бирлаштирувчи марқаз бўлди. Ўлкамусцўросининг ташкил этилиши орқали барча тарқоқ, бир-бiri билан ўзаро боғлашмаган мусулмон жамиятлари, қўумита ва иттифоқларини миллий озодлик ҳаракатига ташкилий ва марказлашган ҳолда бирлаштириши мақсади кўзда тутилди. Ўша пайтда биргина Тошкентнинг ўзида 200га яқин жамият бўлиб, уларнинг аксариси низом ёки дастурга ҳам эга эмас эди. Ҳатто Туркистонда, Абдулла Авлоний бошқарган машҳур “Турон” тараққийпарвар жамияти ҳам низоми бўла туриб, кенг ҳаракатлар дастурига эга бўлмаган. У ўз олдига қўйган вазифаларига кўра маърифатпарварлик жамияти эди.

Туркистон аҳолисининг турли қатламларини ўзига сенинг аста жалб қила бошлаган мухториятчилик ҳаракати таъсирида ўлка шаҳарларида янги сиёсий кучлар пайдо бўла бошлади. Маҳаллий саноат корхоналари ишчиларининг чиқишилари Туркистоннинг энг кўп ривожланган шаҳарлари ҳаётидаги сезиларли ҳодиса бўлди. Ўша даврга тегишли манбаларда маҳаллий миллатлар орасида дастлабки профессионал ташкилотлар тузилгани, улар ўз талабларини дастурий ҳужжатларда асослай бошлагани ҳақида маълумотлар бор.

Бунда Россиянинг марказий районларидан 1917 йил май-июнь ойларида қайтган 100 мингта яқин туркистон-

лик ишчилар муайян роль ўйнади. Улар 1916 йилда мардикорлик ишларига сафарбар этилган эди. Уларниң йирік саноат марказларига яқын жойларға ўнашаң, социалистик шарттыларниң вакиллари ва фронтчилар билан мұлоқтотда бўлишлари, ватанига қайтгашларида сүнг уларниң сиёсий ва касаба уюпма фаолияттиң тезкор киришишларига сабаб бўлди. Собиқ ёлланма ишчилар, қора ишчилар Россиядаги заводлар, корхоналарда меҳнат қилиган чөгларидан синфи кураш амалиёти билан яқиндан танишиши да ва инқилобнинг сўл радикал кучлари шиорлари, гояларини қабул қилишида ҳамда ўзларининг иштирокида тузилган “Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи” фаолияттиң ўз ҳиссаларини қўшапди. Улар даставвал “Шўрон Исломия”, унинг кўпроқ сўл қисми билан яқиндан ҳамкорлик қилишида, шаҳар Думасига 1917 йил июль-сентябрь ойларида бўлиб ўтган сайлов чогида улар билан сайлов блокларини тузишиди. Меҳнаткаш маҳаллий миллатларниң фақат айрим касаба уюпма ташкилотларигина социалистик шарттылар бошлигига ташкил этилди ва ҳаракат қилди. Жумладан, Верний шаҳрида “Ишчи-мусулмонлар бирлашган иттифоқи” социал-демократлар билан бирлашган қўмитага кирган эсэрлар ташаббуси билан ташкил этилди; Тошкентда эса “курувчи мусулмон ишчилар (усталар) иттифоқи” социал-демократлар ва эсэрлар ташкилоти сўл қисмининг фаол иштирокида юзага келди; Самарқандда — “Меҳнаткаш мусулмонлар иттифоқи” шўроиисломиячилар ва социал-демократлар ташаббуси билан ташкил этилди.

Айтилган ташкилотлар ижтимоний таркиби бўйича бир хил эмас эди. Масалан, “Иттифоқ”га хунарманцлар, косиблар, қурилиш ишчилари, кўнчилар ва бошқалар аъзо бўлиб кирган. Унга майда савдогарлар, маҳаллий зиёлиларниң тараққийтарвар қисми ҳам аъзо бўлган. Бу ташкилотда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган ва дехқончиликка бевосита алоқадор шаҳарликлар ҳам иштирок этишган.

1917 йил июнь ойининг бошларида Тошкентда ҳам “Иттифоқ” ташкилоти тузилди, унинг раиси этиб Султонхўжа Қосимхўжаев, котибликка унинг акаси Ақбархўжа сайланди. Тошкент “Иттифоқ”и, асосан, қурилиш ишчилари, мардикорлар, косиблар, майда савдогарлар, чойхоначиларни бирлаштирган. У мусулмон халқларини саводхон қилиш, уларни

1917 йыл Октябрь түнгариши туфайли юзага келган иңтисодий ва сиёсий воқеалар билан ҳар томонлама таништириш, мусулмоиларни мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишларини ташкил этиш учун бирланғириш; мусулмоилар орасыда фуқаролик гоясими тарқатышини ўз олдига мақсад құплиб қўйди. Бу мақсадларға әришиш учун Тошкент “Иттифоқ” и ўқув юртлари, умумтаълим ва мағкуравий курсларни очиш, иңтисодий ва сиёсий масалалар бўйича газеталар, журналлар, рисолалар, китобларни нашир этиш, энг муҳими, аҳоли орасыда оммавий тушунтириши ишларининг қулай шакллари—кечалар, маърузалар, суҳбатлар, халиқ йигиниларидан фойдаланишини кўзда тутди. “Иттифоқ” кўпгина жамоат ташкилотлари ва давлат муассасалари билан яхшидан алоқа bogлади, уларга ўз вакилларини юбориб турди. Бу ташкилотнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишида Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети бевосита ёрдам берди.

Июнь ойининг охиirlарида шунга ўхшаш иттифоқлар Хўжандда, июль ойида — Марғилонда ташкил этилди.

25 июнда Қўқонда халиқ йигини бўлиб ўтиб, унда биринчи марта ташкил этилаётган “Мусулмон мөҳнаткашлар иттифоқи”нинг низоми қабул қилиниди. Йиғғилганлар иттифоқ бошқарувини сайлашди, 28 июнда бошқарув мажлисида ҳайъат сайданди. Унда Сайд Бурҳонбек Худоёрхон ўғли — раис, Орифжон Мирнўлат ўғли — раис ўринбосари, Муҳаммаджон Холиқзода — котиб, Мирзоҳид Мироқилзода — котиб ўринбосари, Маҳмуджон Аҳмаджон ўғли — хазиначи этиб сайдандilar.

Андижонда 1500 киши аъзо бўлиб кирган маҳаллий аҳоли косибларининг “Сано ул-Ислом” иттифоқи ташкил этилди. Бундан ташқари, Туркистон шаҳарларида ўқитувчилар, хизматчилар, талабалар ва бошқаларнинг иттифоқлари ишлай бошлиди.

Тошкент, Қўқон, Андижон ва Фарғонада маҳаллий аҳолининг касаба ташкилотлари ташкил этилди. Бундай жараён Самарқанд мөҳнаткашлари оммаси орасыда ҳам кузатилди. 1917 йыл 5 июнда самарқандликларнииг “Тожир ва санъаткорлар жамиияти” тузилди. Сайланган қўмитага Гапшин — раис, Федоров — котиб сифатида, қўмита аъзолигига Ҳожиқул Муҳаммадзода, Мирза Ориф Абдурасулзода, Муҳаммадқули Ўришибой ўғли, Муҳаммадамин Ниёзов ва бошқалар кирдилар.

1 август куни Самарқандда икки юз мусулмон ишчилари қатнашган мажлисда “Мусулмон заҳматкашлар иттифоқи”ни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мазкур иттифоқининг ранги этиб Абдулқадом Ширинбой ўғли, котиб — Сайдшо, хазиначиси — Саидхамадхўжа Сиддиқий, маданий-оммавий ишлар бўлими мудири этиб Акобар Шомансурзода сайландилар (“Ҳуррият”, 1917, 4 август).

Самарқанд “Иттифоқ”ни аъзолари эски мансабдорларни ишдан олиб ташлаш, ҳокимиятининг янги органларини сайлаш, ҳалқининг турмуши тарзини яхшилаш, унга сиёсий ҳукуқлар бериш талаблари билан чиқишиди. Унинг фаол аъзолари — Мирбобо Йўлдош ўғли, Абдулла Оқчурин, Эшонқули Миржамол ўғли ва бошқалар “Ҳуррият” газетасида эълон қилган чақириқларида маҳсулотлар нархларини камайтириши ва иш ҳақини ошириши, иш кунини қисқартгирини, болаларни бепул ўқиттиши каби талаблар билан чиқидилар. Улар меҳнаткаш ҳалқининг кучларини бирлаштиришга, мусулмон ишчилари ва камбагалларни ўз ҳукуқларини ҳимоя қилишга чакирдилар. “Иттифоқ”нинг муносабати меҳнаткаш мусулмонларга мурожаатномада ёрқин кўривиди: “Бизниг мақсадимиз ишчи ва камбагаллар ҳукуқларига әришини учун курашибди. Биз маҳсулотларни озиқ-овқат комиссиясидан олиш ва иттифоқ аъзолари учун 1.2 фунтдан 3.4 фунттагача ошириши талаби билан чиқамиз” (“Ҳуррият”, 1917, 18 июль).

Самарқанднинг эски шаҳар қисми аҳолиси касаба ҳаракати моҳиятини дарҳол тушунмади. Жамият ва иттифоқларни ташкил этишининг мақсад ҳамда вазифаларини тушунтириши лозим эди. “Ҳуррият” газетаси бирлик ва жипслик тояларининг тарғиботчиси ва ташвиқотчиси бўлди. Унинг июль сонларида ҳалқининг ташкилий жиҳатдан жипслашинининг аҳамияти тушунтирилди: “Россиянинг бошқа миллий районларида турли ташкилотлар тузиб бўлинган, Туркистон ўлкасида эса ҳозирча ўз олдига қўйган мақсадларига жавоб берувчи бирон-бир ташкилот маълум эмас. Агар бирон-бир ташкилот бор бўлса ҳам, биз унинг иш билан жиддий шуғуллананаётганини эшитмадик (“Ҳуррият”, 1917, 4 август).

Бу даврда қизғин сиёсий фаолиятга қодир бўлган ижтимоий кучларни излашнинг қийин жараёни кечди. Айни шайтда ёшларга эътибор кучайди. Ёшларнинг сиёсий суст-

چرمتلييات آنرا د مسلما نلار

او شجو آپريل نينك لبجي كونى ده ، تاشكىند شهرىدە ، جسمىچ ترگستان دلاتىن
دىرى يېغىل دورگان مسلمان و كىلىل لارى نينك سياز مىلس لارى بولادور .
خوقىد شھىرىدە بىلارگان ، شورايى اسلام جىعىت ، او شجو آپريل ئىي
نинك ۋېبى كونىدە بولگان جىعىت ده شۇنغاڭ قارقىلدە ئاركىم : مەكتۈر سياز
مجانىنە ، خوقىدە بىلارگان ، شورايى اسلام جىعىت ، او زەط فىكىن ھىم و كىلىن
لار بىيار سون .

تاشكىند شهرىدە بولادورگان ، سياز مجانىنە ، و كىلىل لار شۇنغاڭ ايش قىلا دورلار كىم ،
جسمىچ ترگستان مسلمان لارى اوچون بىرخىل ده ايشلا پىر دوگان دو ماخاتىنى دەجۇدۇر
كىلىتۈرماق دور . او شجو ، شورايى اسلام جىعىت ، مەكتۈر سياز مجانىنە بولادورگان
قارانى كوتۇپ قورۇپ بىر دور .

خوقىد شھىرىدە بىلارگان ، شورايى اسلام جىعىت فەنانە دلاتىن ده قورگان بىرچ مسلمان لار دىرىن از
ئىختى دەلتەس قىلا دور كىم ، ھەدارەتلىك خەطاطىجىن ئىكەن ئايدان قورپەلار ، دەپەرىز
ترىتىپ ئىساقلالار دىگان .

حەمال بول او راتادە ، بعضى بىرخواڭر دەم لارچىقوب ، دەنۋا قىلىپ يورالىلار ؟ كەن سىز لار ئۇڭا
لار ئىننەك سوز لار ئېھىچىچ بىر وقت دە دەنۋا ئانىڭپەل لار .

حەستىك از د مسلمان لار ؟ سىز لار از سەخت دل دەنۋا ئىننەك بىرلەركىم ، يىنى خوقىد مسلمان
لارى ئەرىدىن اتحاق بىلان بىلارگان ، شورايى اسلام جىعىت ، بىردا ئىم مسلمان دا
نинك خايدە لار ئېھىچىقىمىت قىلىپ ، وەردائىم كۆز لار ئىنى شۇل بىلە ئەندا دورلار .
دەر وقت مسلمان لار ئىننەك تىچلىك دەسالىشە ئىكەن دوزرە رەخت ئىكەن دە
قورماق لارى اوچون حەركەت قىلا دورلار . بىرچ مسلمان لار بىر قىدە بولپەلەھىم
تىچلىك خەطاطىجىن ئىننەك خايدە مىزدەر . اگر بىلارگان بىلەن بىر قىدە دەپەرىز دە سوز
لار ئەندا ئەنداق ، تىچلىك لار ئىنر بوز دەلوب ، كورا شىپ آلىگان او شجو
دەئىت يىنى آزاد ئىك دىن بىرە دەنۋى ئەپەدە ئالماق كىرماڭ ، بەر جايدە ئەنچەن بولىنىڭلار .

خوقىدا شەھرى ئىننەك شورايى سېلىھىمە

Күکөн шаҳар мусулмонларига мурожаатдан намуна

кашилиги, лоқайдилгии "Хуррият" газетаси кўплаб матерналларда қайд этди. "Эй, мұхтарам ёшлар, — мурожаат этади "Хуррият", — Сиз нималарни ўйлаисиз? Нега сиз беҳаракатсиз? Наҳотки халқ сизга эътибор бермаётган бўлса? Сиз ҳақинигизда миллат нима деб ўйлади?" ("Хуррият", 1917, 15 август).

Бу масалалар жадидчилликнинг таникли мафкурачси Абдурауф Фитратни ҳам гоят ташвишга солган. У 1917 йил 25 июлдан бошлиб "Хуррият" газетасининг бош муҳаррири сифатида кўп жиҳатдан унинг тоғийи йўналишини белгилаб берди. Фитрат мақолаларидан биринда шундай ёзди: "Дунёнинг барча ўлкаларида амалга ошириладиган ижтимоий-сийесий ўзгаришлар ёшларининг фаол иштирокида рўй беради. Самарқанднинг тараққиёти ва саодати бизнинг онгли хатти-ҳаракатларимизга боғлиқ. Биз ўйларимизга қамалиб олганимиз учун ҳеч нарса рўй бермаямти". У сўзида давом этиб шундай ёзди: "Туркистон—бизнинг муқаддас Ватанимиз. У сиздан ишларни кутади, ўзингизни кўрсатиб хизмат қилишингизни сўрайдики, чунки Сиз ўзбек халқининг фарзандларисиз: туринг, боринг, чопинг, ишга чоғланинг!" ("Хуррият", 1917, 2 август).

"Хуррият" саҳифаларида маҳаллий меҳнаткашлар оммасини Туркистоңда кепг қулоч ёзган демократик ҳаракатга жалб этиш жараёнлари ўз аксини тоғди. Агар февраль инқилобининг дастлабки даврида амалда миллий-сийесий ташкилотларининг йўқлигидан омманинг тартибсиз ҳаракати кузатилган бўлса, кейинчалик секин-аста бу ҳаракат уларнинг тоғий таъсири остида ташкилий хусусият касб этиб, меҳнаткашларининг янги-янги қатламларини ўзига жалб этди. Жумладан, Туркистон ўлкаси аҳолисининг асосий қисми бўлган дехқонлар "февраль янгиланишининг" дастлабки қадамлариданоқ ер ва сувдан фойдаланишини тартибга солиш масалаларни талаб қила бошлиди ва баъзан буни ўзбошичалик билан ҳал этишга киришган ҳоллар бўлди. "Хуррият" газетаси бу ҳақда шундай ёзди: "Самарқанд яқинидаги Полвонариқ деган жойда Конгром қишлоғининг камбагал дехқонлари бойнинг тегирмонидаги ун ва бугдойни зўрлик билан тортиб олиб, ўзаро тақсимлаб олишиди" ("Хуррият", 1917, 11 май).

Дехқон оммасининг кўичилиги инқилобининг дастлабки босқичида тоғий-ташкилий жиҳатдан кучсиз ва шаҳар-

лардаги умумдемократик ҳаракатлар билан бөгланмаган әди. Асосан, уларнинг кайфиятида қишилоқ аҳолисининг ҳукумат томонидан мустамлакалаштириши сиёсатида юз берган бебошлик ва мустабидларнинг ерларни тортиб олишларига қарши норозилиги ўз аксини тоғди.

Деҳқонлар оммаси ўша пайтда умумтуркистон миллий ҳаракатининг фаол қисми бўлиши учун ҳали етилган эмасди. Умуммиллий вазифаларни ҳал этиш дастури уларда йўқ әди. Инқилобга қадар бўлганидек, деҳқонлар кураши маҳаллий хусусиятга эга бўлиб, ўзларнинг ерга бўлган ҳукуқларини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлди.

Инқилоб мобайнида деҳқонларни ўлка сиёсий ҳаётига жалб этиш эҳтиёжи кўпроқ англана борди, чунки, "Хуррият" газетаси ёзганидек, шаҳар атрофида ва чўл жойларда яшайдиган кишилар рўй берадиган воқеалардан хабардор эмасди ("Хуррият", 1917 йил, 16 май).

Шундай қилиб, миллий матбуот ўз фаолияти билан Туркистон халқларининг сиёсий уйғонилии жараёниларини фаоллаштиришга ҳисса қўшди. Бу билан у Россиянинг мустамлака ўлкаларидағи миллий озодлик ҳаракатида янги саҳифа очди. Бу пайтда косиб, ҳунарманц ва деҳқон меҳнаткаш оммасининг тартибсиз норозиликлари ва ташкиллашмаган чиқинчлари ўринига уларнинг турли-туман иттифоқлар, қўмиталар, советлар ва ҳоказо шакллардаги сиёсий ҳамда профессионал ташкилотлар раҳбарлиги остида ташкиллашган сиёсий фаолиятга ўтиши бошланди.

Демократик кайфиятдаги миллий зиёллilar халқа, агар турли советлар, қўмиталар, жамиятлар, партия ва сиёсий ҳаракатлар ягона марказига бирлашмаса, мусулмонларнинг мухторият учун кураши барбод бўлиши мумкинлигини тушунишишга уриди ("Кенгаш", 1917 йил, 19 июнь).

Туркистонда мухториятчилик ҳаракатининг таникли мағкурачиси Аҳмад Заки Валидий ўз хотираларида қайд этади: "Ўша куиларда (апрелининг бошларида — А. С.) Тошкентда мен эсэрлар партиясига ёзилдим. Санжар Асфандиёров социал-демократларга, Шерали Лапин монпархистларга яқин әди. Бироқ, бундай фарқларга қарамай, ягона марказлашган ташкилот тузишнинг муҳимлигини англаб етган ҳолда, уларнинг ҳаммаси Туркистон миллий марказини юзага келтириш гоясими қўллаб-куватлашди"⁵³.

1917 йил 12 июнда ўлкамусшўроси (Краймуссовет)⁵⁴

мақлисида қабул қилинган Низом бўйича барча шаҳар, уезд, волост мусулмонлар советлари ва "Шўрои Исломия", "Равнақул Ислом", "Мирвоқул Ислом", "Муаллимлар жамияти", "Талабалар жамияти" каби бошқа ижтимоий ташкилотлар, айрим ижтимоий этник фарқларга қарамай, мусулмон депутатлари Советларининг вилоят, уезд ва шаҳар бўлимларига бирлашишлари ва ихчам сиёсий бирлашима сифатида Туркистон мусулмонлари Марказий Шўросига бўйсунишлари лозим эди. Низомда Ўлкамусшўро (Краймуссовет) бирон-бир синф, партия ёки қабиланинг органи эмас, балки қонунчилик ҳокимиётини амалга оширувчи ваколатли умуммусулмон раҳбар органни сифатида ташкил этилаётгани баён қилинди.

Заки Валидий "Кенгаш" газетасида эълои қилган мақоласида шундай ёзади: "Маълумки, ҳозир дунёда халқ ўз мақсадларига фақат яхши жиселашгандагина эришини мумкин. Бироқ бунинг учун ташкилот зарур. Агар халиқ ташкилотга эга бўлмаса, у ҳеч нимага эриша олмайди. Яхши ташкилотга эга бўлмаган миллат мухториятга нафақат муносиб эмас, балки бундай миллат ўлим ва йўқ қилинишга маҳкумдир. Туркистон мусулмонлари, келинг, қўйни қўлга берайлик ва шундагина ҳаммамиз бир йўлдан бориб, оддимизга қўйган мақсадларга эришамиз. "Куч бирликдадир" деган иборани ҳеч қачон унутманг" ("Кенгаш", 1917, 19 июль).

Ўлкамусшўро ўз фаолиятининг асосий шиорини қўйидагича белгилади: "Халқнинг энг кўп қатламлари — марди корлар ва деҳқонларга чинакам ҳуқуқларни бериш ва Туркистон мусулмонларининг маданий, илмий, иҷтисодий ва тоғовий такомиллашувига етказиш" ("Кенгаш", 1917 йил, 19 июль).

Ўлкамусшўроси раҳбаријатига Туркистоннинг жамоат ва сиёсат арбоблари Аҳмад Заки Валидий, Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдулла Хўжаев, Тошиўлат Норбўтабеков ва бошқалар сайланди.

Ўлкамусшўроси ташкилий бўлими таркибига Заки Валидий, Фарид Тоҳирий, Толибжон Мусабой, Ибн Ямин Янбоев, Муҳаммадамин Афандизода, Низомиддин Асомий, Абдусами қори Зиёбий, Муродхўжа Солихўжа, Шокиржон Раҳимий, Тузел Жонбой, Абдулла Авлоний, Салоҳиддин

Муфтизода, Пир Мурсилзода, Мұхаммаджон Пошпашұжаевлар кириди.

Үлкамусиінінде маориф бўлими ҳам ташкил этилди, унинг таркибига Мұнаввар қори, Заки Валидий, Бурхон Ҳабиб, Пўлатхон Пошибеков, Абулқосим Аминзода, Абдусами қори, Рустамбек Юсуфбек, Иброҳим Тоҳирий, Нуширавон Явушев ва бошқалар сайлаанди.

Шундай қилиб, ёзга келиб Туркистон халқарининг бирдамлиги йўлида муҳим қадам қўйилди: мусулмонлар тарихида биринчи марта умуммиттақавий миқёсда қурултой чақирилди, унда халқарининг мухториятта қатъний интилиши, ўз урф-одатлари, турмуш тарзини мухофаза қилишлари аён бўлди. Бу манбаатларни ифодаловчи ҳайъат бошчилигидаги орган (Туркистон мусулмонлари марказий Шўроси) ташкилий жиҳатдан шакллантирилди, у Туркистон жамиятининг жамоатчилиги, айниқса унинг илгор қисми томонидан Миллий марказ сифатида тушунилар эди.

Албаттага, бу жамият илгор кучларининг мувваффақияти эди, бироқ воқеалар ривожи улардан кўпроқ сафарбарлик, ишнинг шакл ва усусларини такомиллаштирипда қатъиятликни талаб этарди.

Шўрои исломчилар бошчилик қўлган бирдамлик жараёнининг ўзида юзага келган янги тамойиллар руҳонийлар кўғичилик қисмининг дунёқараши юксала боришга таъсир кўрсатди.

Дин арбоблари, руҳонийлар ҳақидағи масала қўзгалганда, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у Туркистон жамиятидаги алоҳида мавқега эга эди. Дин цепволари ўлқадаги мусулмон аҳолининг дунёқараши, маънавий ва ахлоқий қадриятларини шакллантиришига, туркистонликларининг сиёсий эҳтирослари ва манбаатларига кучли таъсир кўрсатган. Бироқ мусулмон уламоларининг сиёсатга муносабати бир хил эмас эди. Уларининг айримлари Туркистонининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришларга қараб муносабатларини ўзгартирди.

Юқорида қайд қилинганидек, Туркистондаги дин аҳллари XX аср бошларида ёки ўзларининг ғоявий қарашлари бўйича икки асосий қутбга ажrala бошлаган эди. Улардан бир қисми ижтимоий янгиланиш эҳтиёжини ҳис этиб, маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилиш, маданият ва мао-

риф соҳасида исломни яигилаш тарафдорлари бўлиб чиқди. Бу, XIX аср охири—XX аср бошларидағи таниғли маърифатпарварлар: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдувоҳид қори, Абдусами қори ва бошқалар фаолиятида ёрқин намоён бўлди.

Мусулмон руҳонийларининг иккинчи бир қисми ислом ақидаларининг ўзгармаслигини пеш қилиб, фикрлашда даққаликка юз тутдилар.

Мусулмон жамиятининг турфа хиллигини Туркистони ҳалқи ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари, энг аввало, ижтимоий-сиёсий муносабатларининг алоҳидалиги, “капиталистик” ривожланиши жараёнларининг феодал муносабатлар билан муайян даражада чатишшиб кетганлигига деб тушунтириш мумкин. Айнан руҳонийларининг консерватив ва мухолифатчи, қадимчи ва тараққийпарварларга шартли бўлининши уларининг “капиталистик” муносабатлар тарафдорими ёки феодал муносабатлар билан бөғлиқ ижтимоий-сиёсий институтларни сақлаб қолиш тарафдорими, эканлиги билан белгиланган.

Айтиш керакки, ҳар иккала қатлам ва уларни қўллаб-қувватловчи турли-туман мусулмон аҳолисининг дунё-қарашларида кўп жиҳатдан умумийлик бор эди. Бу, энг аввало, ўлкадаги тарихий тараққиётда ислом омилиниң устуворлигини тан олишда, мустақиллик учун курашда мусулмон динининг Туркистондаги барча қатламларни жисплаштириш йўлидаги маънавий-ахлоқий имкониятлардан фойдаланишда кўринади. Шу муносабат билан “Шўрон Уламо” жамиятининг йўлбошчиси Шерали Лапинининг “соҳф мусулмон тамойиллари ва шариат қондадарига асосланган, мусулмонларининг ўз тақдирини ўзи белгилашдек қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш йўлида доимо пособон бўлиб турганиман ва бундан кейин ҳам турман” дея таъкидлаши характерлидир” (“Туркестанские ведомости”, 1917, 21 октябрь).

Бошқача айтганда, стратегик мақсад — мустамлакачилик зулмини тутатиш ва мусулмонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлаш ягона умумий, муштарак вазифа деб тушунилди. Мухолифатчилар мазкур вазифани амалга ошириш йўлларини белгилашда тараққийпарварлар билан келиша олмади. Турли тарихий босқичларда гоявий парчаланиш шакллари турлича намоён бўлади. Юзага

келган янги ижтимоий шаронларда рухонийларнинг энг радикал қисми халиқни кофирларга қарши муқаддас уруп — газавотта чақириш йўли билан мустақилликни қўлга киритиш учун ҳаракат қилиди.

Дин арбблари ва миллий зиёлиларнинг демократик кайфиятдаги қисми эса огоҳ этдики, мутаассиблик ва зўравонликка таянувчи етарли тайёрланмаган газавот халиқни оғир аҳволга солиб қўйинши, мустабидликни кучайтириши, қўйилган мақсадлардан узоқлантиришин мумкин. Уларнинг терен фикрига кўра, фақат тинч ислоҳотчилик йўли билан гина миллий мустақилликни қўлга киритиш, демократиянинг умуминсоний тамойиллари ва шариат қонуиларига таянувчи ижтимоий тузумни яратиш мумкин.

Рухонийларнинг консерватив қисми янгиликларга қарши чиқиб, миллий демократларни "даҳрийлар" атаб, уларни "кофирлар" маданиятининг мусулмон орасига кириб келишини қўллаб-қувватлаётганда айблади.

Диний экстремистларнинг жадидларни ҳам, янги усулдаги мактабларда рус тилини ўрганишга чақираётганиларни ҳам, гарб демократияси намуналарини ўзлаштиришга иштилаётганиларни ҳам кофирликда айблани муносабати билан муфти М. Беҳбудий жадидчилик ҳаракати илк қадамларини қўяётган пайтдаёқ салмоқли диний далиллардан фойдаланиб, айбларниг асоссизлигини кўрсатиб берди. У европача кийимларни кийиши, уйига тахтадан пол қилиш, томини темир тунука билан ёпиш ва, ҳатто, стол-стуллардан фойдаланишини ҳам диндан чекиниш деб ҳисоблайдиганларни оқилона фоси этди. Эскилик тарафдорлари эса бундай йўл билан битта мақсадни—кимки тараққиёт йўлига кирса, уни омма олдида ерга уриш, камситишни кўзда тутган эди.

Беҳбудий мусулмон кишисининг диёнатини ташзи кўриниш билан эмас, балки унинг эътиқоди билан боғлайди. У 1914 йилдаёқ "Ойна" журналида эълон қилган "Кийим ва ташаббус масаласи" номли мақоласида шундай деб ёзганди: "Агар одам европалик билан ташзи ўхшашликка эга бўлгани учун кофир деб ҳисобланса, унда ер юзида бирорта мусулмон қолмаслиги керак". Унинг фикрича, замонлар ўтса ҳам айрим урф-одат ва анъаналар ўзгармайди, шу боис ёмон урф-одатлар (бидъати саййа)ни йўқотиб, яхшилари (бидъати хасана)ни такомиллантириш керак.

Беҳбудий ўз мулоҳазаларида мусулмон оламида ҳурмат

қозонган дин арбобларининг фикрларига таянди. Миср муфтыйси Мұхаммад Абдонинг мусулмонлар орасида обруси жуда катта бўлган. Шу боис Беҳбудий унинг фатволарига тез-тез мурожаат қилиб турган. Мұхаммад Абдо, Беҳбудий хотирлашибча, фатволаридан бирида айтган эканки, “шляпа, шапка ёки бошقا европача либослар кийиш шариатга умуман зид эмас, кимки буни рад этса, демак, ислом ва сунна тарихини билмайди” (“Ойна”, 1914 йил, № 6).

Ислоҳотчилик ҳаракатининг бошقا вакиллари каби Беҳбудий ҳам, диндан диний-этник адоловатни кучайтириш мақсадларида эмас, балки миллӣ өзодлик, ижтимоий тараққиёт учун курашда, Туркистондаги етакчи сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларни бирлангирин ўйлида фойдаланиш тарафдори бўлган.

Кўриб чиқилаётган даврда консерватив ҳамда тараққиёт тарафдори бўлган руҳонийларининг сиёсий бирлашмаси сифатида “Шўрои Уламо” жамияти юзага келди, у 1917 йил июнь ойининг ўргаларида миллӣ ҳаракат ичидаги парчаланиш натижасида пайдо бўлди. “Уламо”нинг Тошкент жамияти таркибига Шерали Лапин, Абдумалик ҳожи, Абдулқодирхўжа, Мулла Сайдмақсудхон Маҳдум, Мулла Мұхаммадхўжа, Мулла Тошиўлат қори, Мулла Пирмуҳаммад Аъзам ва бошқалар кирди (“Ал-Изоҳ”, 1917, 19 шоль).

“Шўрои Уламо” ўз ғояларини тарғиб этиш учун “Ал-Изоҳ” журналини нашр этди. Унинг ишири ва масъул муҳаррири Абдумалик ҳожи Абдунабиев эди. Журналининг биринчи сони 1917 йил 19 июнда чиқди. Ҳаммаси бўлиб 31 сони нашр этилган, “Ал-Изоҳ” журнали, 1918 йил май ойида Туркистон Совет республикасининг ХҚС қарори билан ёшилди, унда жумладан шундай дейилади: “Мусулмонча “Ал-Изоҳ” журнали аҳолининг бир қисмини бошқасига қарши қўйган мақоладарни чоп этгани учун ёшилади. Нашр этилган ва савдода бўлган журнал сонлари дарҳол мусодара этилсин ва миллий ишлар бўйича комиссариатга топширилсин”.

Ҳозир шу нарса маълумки “Ал-Изоҳ” журналини ёниш бўйича шўро ҳукумати органларининг шарҳи ҳеч бир ишонарли эмас. Совет ҳукумати тузилмалари уламочилар нашр органини “ғоявий реакцион” деб атаб, биринчи навбатда, ғоявий кўп фикрлиликни илдизи билан суғуриб олиш ва

коммунистик мағкура яқкақоқимлигини ўрнатынша интилген болышевистик партияның экстремистик мақсадларини күзде тутди. “Ал-Изоҳ” журналининг гоявий ўналиши ҳам, “Уламо” жамиятининг бутун фаолияти каби, сиёсий ёндашувлар ва дастурий қоидаларининг хилма-хиллиги билан фарқланар, бунда ҳам тараққийшарвар, ҳам консерватив қарашлар ўз аксини тоғсан әди.

“Уламо” жамият аязолари қарашларидағи консервативлик маданият ва маший ҳаёт масалаларыда ёрқин күрінди. Уларның умуман, миляй урф-одатлар ва күп асрлық аңғаналар, ислом динининг маънавий қадрияттарини сақлашдек соғлом гоярга таянған ҳолда, ҳаёт, тарихий тараққиёт мантиқи янгилашыга жамият ҳаётида тубдан әхтиёжини объектив равишда тақозо этаёттанини тушунғиси келди. Шуннанда, етилган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, кишилик ҳаётининг ўз умрінін тутатған муносабатлар мезонидан ҳамда маънавий-ижтисодий институттарниң эскирган шаклларидан воз кечиш йўли билангина олга қадам ташлаш мүмкінлегини тушунишлари келмади. Натижада уламочиларниң кўнгина гоявий қарашлари билан келишин мумкин бўлмай қолди. Жумладап, улар феодал-патриархал турмушниң эскирган асосларини ҳимоя қилиб, барча янгиликларга қарши турдилар. Уламочилар ва уларниң гоявий органи “Ал-Изоҳ” аёллар эмансипацияси гоясига кескин қарши чиқди. Хусусан, “Ал-Изоҳ” журнали жадидларниң “Турон” газетасида чиқысан, хотин-қизлар учун мактаблар очиши ва уларни ижтимоий ҳаётта жалб этиши ҳақида сўз борган мақоласини ташқид қилиб, мақола муаллифи Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғлини худосизликда айблади. “Хотин киши — хотин киши бўлиб қолилиши лозим ва уни эркак кишига тенглантириш ақлсизликдир,” деб ёзганда журнал.

Журнал бошқа бир мақоласида кўп хотинлиликни ёқлаб, худо пайғамбарга кўп хотинлиликка рухсат берди, оддий мусулмонга тўртта хотин олишга рухсат этилган, бироқ улар ўртасида адолат ҳукмрон бўлиши лозим, деб ёзади (“Ал-Изоҳ”, 1917, №4).

“Ал-Изоҳ” ўлкамусшўро атрофида жипслашган илғор миллий зиёлилар фаолиятини қоралаб, уларни исломга хиёнатда айблади ва демократларни халқдан ажратиб қўйишга интилди. Иш шу даражага етдики, уламочилар

сартарошларга зиёлилар соқолини олишини, чойхоначиларга эса уларга чой дамлаб беришни тақиғлади.

Айни пайтда, гоявий қараашлар ортодоксаллыгига қарамай, “Уламо” ташкилоти аязолари ўлка маҳаллий аҳолисининг озодликка интилишиларини фаоллаштиришига ўз ҳиссаларини қўпдишлар, мустақил мусулмон давлатини таркиб топтириши зарурати ҳақидаги фикрни жамоатчилик онгига сингдирдилар. Уламочилар Туркистон мусулмонларининг диний-этник қараашлар жиҳатидан яқдил бўлиш йўлида анчагина ҳаракат қилдилар.

Кўйонда ташкил этилган “Уламо” жамиятининг низоми билан танишиб чиқиши шўрои уламочиларининг ўз олдига қўйган вазифалари ҳақида аниқ тасаввур беради. Унда, жумладан, қўйидаги мақсадлар қўйилади:

1. Мусулмонларни ягона ташкилотга бирлаштириш учун мутараққий-маърифий асосларда миллий-диний тафаккурни оммалаштириш ва сиёсий ҳаракатни шакллантириши.
2. Миллатлар ҳамда мусулмонларининг ахлоқий асосларни вақтли нашрлар ҳамда доимий босма органлар йўли билан муҳофаза қилиши.
3. Мусулмон фуқаролар орасида диний заминда юзага келиши мумкин бўлган ҳар хил шикоят ва англешимовчиликларни ҳал этиши ва тушунтириши.
4. Мадрасаларни иқтисодий қўллаб-қувватлари ва тартибга солиш, ўқитувчи ва ўқувчиларни муҳофаза қилиши, уларнинг тараққий этиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатишни ва муҳтожларга ёрдам берishi.
5. Илмий-маърифий фаолиятда ўзини кўрсатган муносаб кишилардан ўқитувчилар ташлаш ва тайёрлаш⁵⁵.

Совет тарихшунослигига Туркистонда социалистик гоялар “мехнаткаш мусулмонлар” орасида гўёки қисқа муддатда кенг равишда қўллаб-қувватланган деган фикр учрайди, зеро ислом ва социализм мағкурасида умумийликлар кўп эмиш. Бироқ бутуниги кунда шу нарса аёнки, социалистик қоидалар маҳаллий аҳоли онгига қариб этиб бормаган, социализмни Туркистон мусулмонларига сингдирини совет ҳокимияти ўринатилгандан сўнг кучли мағкуравий тазйиқ остида олиб борилди. Февраль инқилобининг туб бурилиши кунларида мустақиллик гояси Туркистон жамияти турли қатламларининг руҳий ҳолати ва манфаатларида устуворлик қилди. Уларни тарғиб этишда Ўлкамусигуро етакчи роль ўйнади. У

үз фаолияти билан туркистонликларнинг сиёсий фаоллигини изчил равишда уйғотди, ўлкада мухториятни қўлга киритиш учун ҳаракатни кучайтириди.

Бу эса муайян тарихий аҳамиятта эга эди. Бироқ уни ташкил этишда Ўлкамусшўро кўйилаб қўйинчиликларга ҳам дуч келди. Улардан бири, ташкилот таркибида ҳам ислом қонун-қоидалари, ҳам Россия империяси қонуилари билан шугуллана оладиган ююри малакали ҳуқуқшуносларнинг жуда камчилиги эди. Шу муносабат билан Махмудхўжа Беҳбудий Самарқанд “Шўрои Исломия”си мажлисида ташвишланиб сўзлаганди: “Биз туркистонликларга она тилида ҳам, рус тилида ҳам, эркин сўзлай оладиган ва таҳрир қиласидиган, шариатни биладиган ва жаҳон сиёсий шароитини тушуниадиган кишилар дарҳол керак. Бундай хусусиятларга эга бўлмаган кини ҳеч қаандай фойда келтирмайди...

Улар Туркистоннинг ҳаёттый манфаатларини ҳисобга олувчи биз учун зарур қонуилар лойиҳаларини ишлаб чиқишилари лозим. Агар биз, мусулмонлар, буни ўзимиз қўйласак, яна шундай бўладики, руслар бизнинг ўрнимизга қонуилар чиқаради, улар худди аввалгилик бизнинг дип ва ҳаётимизга мувофиқ келмайди” (“Ҳуррият”, 1917, 3 июль).

Оғир молиявий аҳволда қолган Марказийшўро моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида халқида мурожаат қиласиди. Унда жумладан шундай дейилади: “...Туркистон мусулмонлари ўлка учун сиёсий федерация (мухторият)га эришишга қарор қўлдишлар. Бунинг учун қишилоқ ва овулдан тортиб, шаҳар ва ҳатто ўлка миқёсида Туркистоннинг барча мусулмонларини бирлаштириш ва ташкил этиш лозим. Бу ташкилий иш амалга оширилгандан кейин Туркистон Таъсис Мажлисини тузишимиз зарур”⁵⁶.

Бунинг учун туркистонлик тараққийпарварлар тошкентлик мусулмон ўзбек, қозоқ, қыргиз, татар, тоҷик ва туркманиларни бирликка чақирди ҳамда Туркистон халқига февраль инқилоби юзага келтирган муҳим муаммоларни англатиш бўйича биргалиқда ишлар олиб бориши заруритини тушунитиришиди. Тараққийпарварларнинг фикрича, агар миллатлараро бирликка эришилса, унда мактаб ва маориф, кутубхона ва қироатхоналар, озиқ-овқат ва ер-сув масалаларини ҳал этиш мумкин. Ўлкамусшўро буни шундай тушунитиради: “Ҳозир Туркистон халқи замонавий аҳвол

ва ўз миллдий маңғаатларини түшүниши, мәданий ри-
вожланган халқлар қаторига кириши учун газеталар, китоб-
лар, рисола ва варақалар наңыр этиши лозим. Бунинг учун
пул керак...

...Матылумки, ҳозирги пайтда барча ишларни фақат
пул билан ҳал этиш мүмкін. Шу бойыс, асирлықдан озод
бўлиш ва миллатимиз ҳамда динимизни улуглаш учун ҳар
бир туркистонлик мусулмон, камбағал бўладими ёки бой-
ми, имконияти кўтартганича молиявий ёрдам кўрсатишни
лозим...”⁵⁷.

Халиқ бу чақириққа етарли жавоб бермади, бор-йўғи
5—6 минг сўм пул йигди, ҳолбуки, биринчи галдаги эҳтиёж-
лар учун 500 минг сўм зарур эди.

Мунаввар қорининг талабига кўра, Туркистон қўми-
тасининг қарори билан 1917 йил 1 июлдан “Нажот”
газетасини нашр этиш Ўлкамусиўро иктиёрига ўтказилди.
Газета унинг маблагига чиқа бошлади.

Ўлкамусиўро “Нажот” газетасини “Кенгаш” деб ўзгар-
тири ва унга “Яшасун қўшма халиқ жумҳурияти!” деган
типори белгилади. 1917 йил 25 июня “Кенгаш” газета-
сининг биринчи сони Ўлкамусиўросининг нашр органи
сифатидаги чиқди.

“Кенгаш” газетасининг муҳаррири этиб дастлаб Аҳмад
Заки Валидий, кейинчалик эса Мунаввар қори сайланди.
Муаллифлари кўрсатилмаган, бош мақолалар Заки Вали-
дий ва Мунаввар қори томонидан ёзилган. 1917 йил 4
октябрда “Кенгаш” газетаси “Турон” билан бирлашиб, “Турк
эли” номи билан чиқа бошлади. (“Турон”— туркистонлик
федералистлар гурӯҳи томонидан 1917 йил 4 апрелда таш-
кил этилган орган).

Миллдий демократлар йўлбошлилари бу пайтга келиб
Ўлкамусиўроси ҳақида гап кетганида, Туркистон қўмитаси-
нинг фаолиятига таққидий ёндоша бошладилар. Дастлаб
шўронисломиячилар Муваққат ҳукуматнинг чақирилади-
ган Таъсис Мажлисида туркистонликларнинг талаблари
албатта қондирилади деган ваъдаларига ишониб сусткаш-
лик кўрсатдилар, кутиш вазиятида бўлдилар. Апрелнинг
охирларида Туркқўмита қошида бўлиб ўтган мажлисда
“Туркистонга сиёсий мухторият берини”нинг имкониз-
лиги тан олинигач, Туркқўмитасиниң халқчиллигига ишонч
йўқолди. Бунинг устига, 1917 йилнинг ўрталарида Литва ва

Украина халқлари Таъсис Мажлиси чақирилишини кутмай, ўз мухториятларини эълон қылган ҳамда “Марказий Рада” ва унинг ижроия органи—Бош котибиятини ташкил этган пайтдан бошлаб, туркистонык тараққийпарварлар кескин фаоллашыдилар. Улар Муваққат ҳукумат Туркистонда миллый масалани ҳал этишини жўртгага чўзаётганини тушуниб етишиди.

Туркистонлик миллый демократлар шундай хулосага келишиди: “Агар мусулмонлар ҳатто мухторият лойиҳасини тайёрлаб, Таъсис Мажлисида нутқ сўзлаб, тасдиқловчи қарорга эга бўлсалар ҳам иш шу билан тутамайди. Барига бир озиқ-овқат, ер-сув қўмиталари ташкил этилмагунча ва ўз-ўзини бошқарни тамоилии ўриятилмагунич Турсистонни мухтор ўлка деб ҳисоблаш мумкин эмас” (“Кенгаш”, 1917, ...).

“Улуг Туркистон” газетаси саҳифаларида бирида ноябрь ойида Ўлкамусшўроси манзилгоҳига украиналик федералистлардан телеграмма олингани, унда Украина ўзини алоҳида республика деб эълон қылганни ҳақида хабар берилади. Бироқ телеграмма ўз пайтида етиб келмайди. Муваққат ҳукумат вакиллари туркистонлик федералистлар ҳам украиналиклардан ибрат олиб, ўз республикаларини ташкил этишидан чўчиб, бу телеграммани Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Советига юборади, Телеграмманинг мазмуни Тошсовет раҳбариятининг бир қисмида мусулмонларга писбатан шубҳа уйғотади.

Тошсоветининг ишончсизлик руҳидаги хатти-ҳаракатлари аста-секин ўлка мусулмонлари шўроси ҳамда ишчи ва солдат депутатлари Совети қарашларида келишмовчиликларининг чуқурлашувига олиб келди. Бунинг устига Россиядаги воқеалар таъсирида Туркистондаги ишчи ва солдат депутатлари Советлари тобора радикаллашиб борди. Уларнинг ўлка ижтимоий ҳаётининг барча муаммоларига кескин синфий ёндашуви, ҳокимиятга қучайиб бораётгани даъвоси маҳаллий халқларнинг умуммиллий манфаатларини инкор этиш — буларнинг ҳаммаси миллый демократларнинг советлардан ихлосини қайтарди, улар ўртасидаги зиддиётни чуқурлаштириди.

Туркистон жамиятида муваффақиятли бошланган бирдамлик жараёнлари дарҳол жиддий тўсиққа дуч келди. Бу пайтга келиб, Туркистон минтақасида рўй бериб ултурган

ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-рухий силжишлар кучларнинг ижтимоий ва сиёсий жойлашишига муҳим ўзгаришлар киритди, уларнинг буидан кейинги бирдамлиги масаласини анча мункул қилиб қўйди.

“Шўрои Исломия”, “Турон”, “Иттифоқ”, “Алаш” каби йирик умумдемократик ташкилотлар фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, миллӣ-сиёсий ташкилотлар маҳаллий аҳоли орасида сезиларни таъсирга эга бўлган. Улар маҳаллий аҳоли кеңг оммасини жалб этиши учун диний қарашлар, антианалар, маданий-маърифий гоялардан фойдаланишган. Бироқ миллӣ ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг талаблари Россия буюк давлатчилик шовинизмнинг зарбасига дуч келди, кадетлардан тортиб то большевикларгача барча партиялар бу “касаллик”ка чалинган эди. Миллӣ ташкилотларнинг мухториятга эришини учун бўлган барча уринилари улар томонидан Россия ва унинг яхлитлигига қарши йўналтирилган сепаратизмнинг кўринини, буржуа миллатчилиги, “пантуркизм”, “панисломизм” сифатида баҳоланди. Миллӣ чет ўлкаларни рус мустамлакалари, хом аниё, арzon ишчи кучи манбалари ва Россия давлатининг мустаҳкам таянчи сифатида қабул қилиш ҳисси ҳали ҳам ҳукмрон эди.

Февраль инқилюби туфайли юзага келган миллӣ умумдемократик ташкилотлар, шу жумладан Ўлкамусеншўроси маҳаллий аҳоли манфаатларининг асосий ифодачилари бўлиб майдонга чиқди. Уларнинг пайдо бўлиши Туркистон жамиятининг турли қатламларнда сиёсий уйғонишга турткни бўлди. Шу билан бирга, мусулмонлар орасида турли сиёсий ташкилотларнинг пайдо бўлишига олиб келган гоявий ихтилофлар миллӣ озодлик ҳаракатидаги кучлар мувозаватини тубдан ўзгартириди, бу ҳол мухторият учун курашда миллӣ кучлар бирдамлиги жараёнинг сезиларни таъсири кўрсатди.

МУХТОРИЯТЧИЛИК КАЙФИЯТЛАРИНИНГ КУЧАЙИБ БОРИШИ ВА АМАЛИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Туркистон мухторияти гоялари февраль инқилюби томонидан қарор тоғтирилган демократик тамойинлар ва февралдан кейинги ривожланишнинг реал амалиёти ўтасидаги қарама-қаршиликлар кучайиб бориши билан ўлка маҳаллий аҳолисининг ижтимоий онгига тобора мустаҳ-

камроқ сиңига бошлади. Шу матьнода 1917 йилнинг июль сентябрь ойларида бўлиб ўтган шаҳар Думаси ва Бутунrossия Таъсис Мажлисига сайлов маъракалари муҳим аҳамиятга эга бўлди. У тарихга Туркистон жамиятининг сиёсий ҳаётига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатган йирик ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида кирди. Сайлов давомида зиддиятли ижтимоий, сиёсий ва миллӣ манфаатлариниг тӯқиашувни бугун қирралари билан намоён бўлди; маҳаллий аҳоли ва ҳокимият тузилмалари томонидан ўлка келажагига концептуал ёндашувлариниг муҳобиллиги белгиланди.

Матъумки, Муваққат ҳукумат ҳокимият тепасига келгач, Россия маркази ва унинг чет ўлкаларидаги оғрикли муаммоларни амалий ҳал этишини Таъсис Мажлисини чакириш билан боғланган эди. У 1917 йил 2 (15) марта даги Баёнотномасидаёқ янги қонунчилик органини тез орада чакириш ва умумий сайлов ҳуқуқига асосланган проопорционал тизимни кўзда тутувчи сайловлар ҳақидағи қонунини қабул қилиши иштида эканлигини билдирган эди. Таъсис Мажлиси Муваққат ҳукумат томонидан Россиянинг барча кишилари сайлайдиган янги озод Россияга асос соладиган вазифаларни ҳал этувчи мажлис сифатида турушувилди. Бу мажлис Россиянинг бирор бир қисми эмас, балки бутун аҳолиси томонидан сайланиши лозим эди. Шу боис дарҳол Таъсис Мажлисига сайловлар умумий тенг, тўғридан-тўғри ва яширип овоз бериш йўли билан амалга оширилиши эълон қилиди.

Сиёсий партиялариниг Таъсис Мажлисига муносабати энг аввало уларнииг аниқ бир тарихий пайтдаги дастурий-тактик йўл-йўриқлари билан белгиланди. Масалаи, менъшевиклар Таъсис Мажлисининг чакирилишини юз берадётган воқеалар тартибида биринчи модда деб атади, ундан конституцияни ишлаб чиқиш, бошқариш шаклларини белгилаш, ишчилар, ер, миллӣ масалалар, тинчлик ва уруш муаммоларининг ҳал этилишини кутди. Шунга ўхшаш муносабатлар эсэрларда ҳам бор эди, улар дехқонлар овоздан умид қилиб, кўпроқ муваффакиятга эришишга ишонарди.

Большевиклар эса даставвал Таъсис Мажлиси демократик республикани жорий этиши ёки қонуилаштириши лозим деб ҳисоблашди. Сўнгра Советлар ўзини инқилобий кучларни жинислаштирувчи марказ сифатида намоён эта бошлагач,

давлат ҳокимиятини ташкил этишининг большевикча йўналишида ўринилар тобора камайиб борди.

Бироқ буңдан большевиклар Татьсис Мажлисини чақириш Фикридан бутунлай воз кечишган деган фикр келиб чиқмайди. В. И. Ленин сиёсий аҳволдан келиб чиқиб, Татьсис Мажлисинга ижобий роли, унинг инцилобий қўймиталарга айлантирилиши мумкинлиги ҳақида фикр билдиради. Парламент республикаси эмас, балки “қўйидаан юқоригача” бўлган Советлар республикаси, дея таъкидлайди Россия большевикларининг доимий йўлбошчиси⁵⁸.

Татьсис Мажлиси тоғаси самодержавияга қарни сиёсий қурашда XX аср бошларидаётар тарқалган эди. “Бутун ҳокимият Татьсис Мажлисига” шиори туркестонлик зиёлилар томонидан ҳам қўллаб-қувватлашган бўлиб, улар бу муҳим тадбирга жиддий тайёргарлик кўра бошлидилар. Туркестонликлар демократик тамойиллар асосида ташкил этилган Татьсис Мажлисигина Россияда бошқаруш шаклини ўрнатиш ва ўлкага муҳторият ҳуқуқларини берадиган конституциянинг ишлаб чиқилишига катта умид боғладилар. Шу боис, тарихий маибалаар гувоҳлик беришича, қарийб барча миллий ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, жамиятлар ва тўгараклар Россия қонунчилигини яхши билувчи, рус тилини эркян эгаллаган ва туркестонликлар талабларини амалга оширишга қодир бўлган муносаб номзодларни тасвия этишга интилдилар.

Татьсис Мажлиси ҳақидаги масала I Умумтуркистон мусулмонлари қурултойидаётар ҳар томонлама муҳокама қилинди. Мунаввар қори ўз нутқида делегатларга Татьсис Мажлиси тарихини ҳикоя қилиб берди ва “Парламент дегандан имамни тушуниш керак ва президент ким?” деган саволларга иззоҳ беради. Мисол сифатида у АҚШ ва Франциянинг парламент ҳокимияти тузилишини келтиради (“Нажот”, 1917, 28 апрель).

Татьсис Мажлисига сайловлар ҳақидаги Низом⁵⁹ муҳокама қилинаётганда сайланувчи шахснинг ёш цензи ҳақидаги модда борасида баҳсли вазият юзага келди. Айрим жадидлар 21 ёшни таклиф этадилар. Чунки, бу кўпгина Европа мамлакатларида қабул қилинган. “Мен эса сайланваётган шахс учун тўрт шартни қўйман”, — дея эътироз билдирганди Махмудхўжа Беҳбудий.

“Биринчиси—ёш цензи камида 18 ёш деб белгилансин.

Иккинчиси — сайланыётгаш шахслар фақат уламо⁶⁰ орасыдан олинниши, яйни улар ўқимишлар кишилар бўлиши лозим. Учинчиси — сайланувчи рус тилини билиш-бilmаслиги мажбурий эмас. Тўргинчиси — сайланувчи бирор-бир партия, айтгайлик кадетлар ёки социал-демократларни ўзида намёён этиши шарт эмас, балки мусулмонлар фракциясига бирлашиши шарт” (“Нажот”, 1917, 28 апрель).

Муҳокама қилинаётган масала бўйича сўзга чиққан таникли татар жамоат арбоби, “Улуг Туркистон” газетасининг муҳаррири Кабир Бакр рус тилини билиш мажбурий бўлсин деган фикрни билдириди. Унинг фикрича, II Давлат Думасида мусулмон фракциясининг фаолияти буниинг зарурлигини кўрсатди. У шундан сўнг Маҳмудхўжа Беҳбудийга эътироz билдириб, қуйидагиларни айтади: “Инсоннинг у ёки бу партияга оидлигидан, унинг гоявий қарашларидан ажратиш ушбу кишининг фуқаролик хуқуқларини тоиташпайдир” (“Нажот”, 1917, 28 апрель).

Убайдулла Хўжаев ҳам М. Беҳбудий нутқидан порозилигини билдириди ва Таъсис Мажлисига маҳаллий миллат вакили бўлган, айни пайтда рус тилида муносиб маъруза қила оладиган делегатлар сайланиши ҳақидаги фикрни кўллаб-куватлади.

Рұҳонийлар вакиллари рус тилини билмасликлари туфайли Таъсис Мажлисига делегатлик ўриниларидан маҳрум бўлишдан чўчиб, фақат уламолардан ташкил топган бюрони ташкил этишини таклиф этишиди. Бироқ бу таклиф қурултойнинг кўпчилик иштирокчилари томонидан қўллаб-куватлаимади.

Тараққийпарварлар ва қадимчилар ўртасидаги қизгин баҳсларнинг авж олишига олиб келган қарама-қаршилик нинг этг ўткир масалаларидан бири — туркистонлик хотин-қизларнинг сайловда иштирок этиши муаммоси бўлди.

Қадимчилар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятда иштироки шариат ва тариқат қоидаларига зид келади деган фикрни ўртага суришди. Улар мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган Қуръондаги аёлларнинг потенг аҳволини оқловчи ва ёритувчи бир қатор кўрсатмаларга мурожаат қилиб, улар иккинчи даражали, ижтимоий-сиёсий фаолиятда иштирок этишга поқобил мавжудот деб исботлашга ҳаракат қилишди. Уларнинг фикрича, хотин-қизларнинг асосий вазифаси ва ҳаётининг мазмани—эрига

итоаткорлик билан хизмат қилишdir, зотан “эрлар хотин-ларидан юқори турadi, чунки Аллоҳ дастлабкиларига кейин-гилари устидан афзаллик берган ва шу боис ҳам ўз мулк-ларидан уларга сарфлашади” (“Ал-Изоҳ”, 1917, №5—6).

Шу муносабат билан кейинчалик “Хуррият” газетаси қўйидагиларни ёзди: “Шуниси қизиқки, бу муҳгарам зотлар (Уламочилар — С. А.) илгаридан аёллар тўйга, меҳмонга, қабристонга эркин бориб келишганига ётибор беришмаганимкан. Энди эса, диний ва миллий ҳуқуқларимизни ўз қўлимизга олиш пайти етиб келганда, улар аёлларнинг сайловдаги иштирокига қарши туришибди (“Хуррият”, 1917, 18 июль).

Ўлкамусшўросининг “Кенгаш” газетаси аёлларнинг сайловда иштироки масаласи бўйича қадимчиларнинг хатти-харакатини қоралаб, огоҳ этдики, агар Туркистон мусулмонлари шу даражада қолоқ бўлсалар, унда уларнинг ярми сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Шу сабаб туфайли биз нафақат Думада, балки Таъсис Мажлисида ҳам вакилларга эга бўлолмаймиз (“Кенгаш”, 1917, 25 июль).

Тараққийпарварлар уларга тушунитиришдики, сайлов пайтида хотин-қизлар алоҳида назорат остида бўлади ва мусулмон ахлоқи мезъёрларига риоя этилади. Хотин-қизлар сайлов участкасига ҳижоб билан келади ва ўзлари учун маҳсус ажратилган хоналарда сайлов варагаларини ташлашади. Охир оқибатда мусулмонлар қурултойи қўйидаги мазмунда қарор қабул қилди:

1. Шу бутундан (1917 йил 20 апрель — А. С.) ётиборан Таъсис Мажлисига тайёргарлик бошлансин.

2. Таъсис Мажлисига делегатларни сайланцда мусулмон хотин-қизларнига тенг ҳуқуқлар берилсин.

3. Хотин-қизларнинг сайловда иштироки шарнат доира-сизда олиб борилиши лозим.

Тараққийпарварлар ва қадимчилар ўртасидаги келишмовчиликлар шаҳар Думасига маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига сайлов пайтида аниқ намоён бўлди. Тарафлардан ҳар бири маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларидан ҳокимиёт учун курашни, умуман, ўлкани бошқариш учун муҳим босқичи сифатида баҳолаб, сайловолди компаниясига ўз дастурлари ва рўйхатлари билан кирдилар. Бу, ўз навбатида, миллий озодлик ҳаракатида парчаланишга олиб кедди.

Фоявий сабабларга кўра “парчаланиш” миллий озодлик

ҳаракатида күчлар мувозапатини тубдан ўзгартырди, айна руҳоншылар оммага реал таъсир күрсатип кучига эга эди. Бу таъсир ақолининг нафақат юқори даражада диндорлығи, балки уламоларниң ағъанавий ислом институтлари ва маросимларидан фойдаланишлари билан ҳам белгиланди.

Айни пайтда, шўроисломиячилар, асосан жадидларининг ўрни сезиларли мустаҳкамланса бошлади. Жадидлар сиёсий намойишлар уюптириб Мұваққат ҳукумат сиёсатини кескін танқид остига олишиди. Туркестонинг бир қатор шаҳарлари, айниқса, Самарқандда жадидлар “Иттифоқ” ишчиларини қўллаб-қувватлаб чиқишиди. Жадид газеталари сахифаларида Мұваққат ҳукумат номига тез-тез танқидий фикрлар билдириб турилди, жадидларининг большевиклар, эсәрлар, меньшевиклар билан алоқалари ўрнатилиди. Жадидлар ишчи ва солдат депутатлари Советлари билан биргаликда Олий бош қўмандон Корниловнинг ҳарбий тўйтариш қилиши ва инцилобий ҳукуматни ағдариб ташлашга уринишларига қарши чиқишиди — бу порозилик йигинлари, намойишлари, Төшовет маъқисларидаги чиқишиларда ўз аксини тонди.

“Туркестанский курьер” газетаси шундай деб ёзганди: “Мавжуд маълумотларга кўра, мусулмон сайловчилари шаҳар Думаси аъзолигига номзодларининг 2 рўйхати атрофига гурухлашмоқда. Улардан бири тараққийшарвар йўналишида бўлиб, “Шўрои Исломия” ва “Турон” мусулмон ташкилотлари номзодларини киритади; уининг ўзига шаҳарининг европаликлар яшайдиган ҳудуддаги барча мусулмон аҳолиси ва савдо-саноат хизматчилари иттифоқидан ҳам номзодлар киритилади, иккичи — буржууча рўйхатга мулла ва мулкдор синфлар киради” (“Туркестанский курьер”, 1917, 19 июль).

Шаҳар Думасига сайловолди компанияси ва сайловларининг ўзи анча эркин ўтди. Сайловларининг ўзига хос хусусияти шунда кўринидики, шўроисломиячилар айниқса, Самарқанд, Андижон, Кўканд катта таъсиргра эга бўлиб, ислоҳот ва миллий-ватаншарварлик доираларининг кўпчилик тарафдорлари томонидан шак-шубҳасиз қўллаб-қувватландилар.

Шўроисломиячилар жуда самарали ташкилий аппаратга эга бўлган ҳолда сайловолди курашига киришдилар. Кўп соили жамият ва клублар улар тарғибий фаолиятининг

амалий маркази бўлди. Вилоят марказларига махсус тар-
гиботчилар (мушаввиқлар), жумладан, Ўлкамусининг
обрўли кишиларидан иборат вакиллар юборилди.

Самарқанд Думасига 1917 йил августидаги бўлиб ўтган
сайловлар қўйидаги натижаларни кўрсатди: “Шўрои Исломия”,
хонадон эгалари иттифоқи ва партиясизлар кирган
мусулмонлар блоки 55 ўрин, “Иттифоқ”—4, социал-инқи-
лобчилар партияси—10, социал демократлар—2, европалик
ташкилотлар—4 ўрин олди. Ҳаммаси бўлиб мусулмонлар-
дан 40 киши, европаликлардан 35 киши ўтди (“Ҳуррият”,
1917, 19 сентябрь).

Тараққийпарварлардан Самарқанд шаҳар Думаси аъзо-
лигига Маҳмудхўжа Беҳбудий, Акобир Шомансурзода, Аб-
дураҳмон Фарҳодов, Тошқўлат Абдухалил ўғли, Мулла Сул-
тон Ўрибой ўғли, Садри Маҳсудий ва бошқалар сайланди.

Қўёон шаҳар Думасига мусулмон ва республика-де-
мократик блокдан 80 та депутат, социал инқилобчилар-
дан—13, социал-демократлардан—2, европаликлар блоки-
дан—3, халиқ озодлиги партиясидан—1 нафар депутат ўтди.

Андижонда шаҳар Думасига ўринлар қўйидагича так-
симланди: “Шўрои Исломия”—77, социалистлар—11,
“Ҳуррият ва маърифат” жамияти—3, яхудийлар—2, “Итти-
фоқ” ва бошқалардан 4 аъзо сайланди.

Иттифоқчилар — мусулмон ишчилари Иттифоқи аъзо-
лари сайловодди тадбирлица алоҳидаги фоаоллик кўрсатди-
лар. Масалан, Самарқанд “Иттифоқ” и “Ҳуррият” газетасида
эълон қилинган ўзининг сайловолди мурожаатидаги давлат
аппаратини қайта ташкил қилиш, самарқандликларниң
иқтисодий ва маданий даражасини кўтаришга ҳаракат қилиш
кабиларни илгари сурди. Улар бу бўлан ўз тарафдор-
ларини кўпайтиришга иштадилар. “Иттифоқ” помзодлари
шўроиисломиячилар обрўси олдида ўзларининг кучсизлик-
ларини ҳис этиб, уларга бирлашиш ва ягона сайловолди
рўйхатини тузишни таклиф этдилар (“Ҳуррият”, 1917, 15
август).

Бироқ самарқандлик шўроиисломиячилар бирлашиш-
ни рад этишибди ва бошқача йўл тутишди. Улар мусулмон
блокини тузиб, унинг таркибига европалик миллатлардан
бир неча вакилларни киритишибди.

“Шўрои Исломия” ўз рўйхатига европаликларни кирит-
ганидан газабланган Самарқанд “Иттифоқ”и уни носами-

мийликдә айблаб, келишилмаган хатти-ҳаракатлар мусулмонлар орасыда қарама-қаршиликлариниг чуқурлапшувига олиб келиши мумкнилигидан отох этди. Бироқ, умуман олганда, сайловлар “Шўрои Исломия” шак-шубҳасиз ва ҳамма жойда ҳам галаба қозонди деб, тасдиқлашга имкон бермайди. Кўп жойларда, асосан уруғлариниг бошлиқлари, таъсири руҳонийлар улариниг номзодлари ўтишига анча қаршилик кўреатдилар. Бу ҳол Тошкент шаҳар Думасига сайловлар чогида яққол кўриди (“Кенгаш”, 1917, 6 август).

Тошкент шаҳар Думаси тарқибига сайловларда турли партия ва ижтимоий бирлашмалардан 16 рўйхат киритилди. Тошкентнинг маҳаллий аҳолисидан 3 рўйхат киритилди: З раҳамида “Уламо” ташкилоти, 5 раҳамида мусулмон қурувчи ишчилари иттифоқи ва 10 раҳамида эски ва янги шаҳар бирлашган мусулмои ташкилотлари (acosan, “Шўрои Исломия” вакиллари) тавсия этилди. Сайловлар 44 сайлов участкаларида бўлиб ўтиб, улардан 26 таси Эски шаҳарда ва 18 таси янги шаҳарда жойлашган эди. Сайловларда 72241 сайловчи иштирок этди. Сайловлар якуни “Шўрои Уламо” галабасини кўрсатди: 112 ўриндан — 62, “Шўрои Исломия” — 11, социал-демократлар — 5, эсрёлар — 24 ўринга эта бўлди. Ҳаммаси бўлиб, маҳаллий аҳолидан 74, европа никлардан 38 аъзо сайланди (“Кенгаш”, 1917, 6 август).

“Уламо”дан Тошкент шаҳар Думаси тарқибига Мулла Абдумалик хўжа Абдурабиев, Мулла Маҳдиҳон Саидбоқиҳон ўғли, Мулла Саидрасул Саидазиз ўғли, Мулла Худойқул Абдулмутталиб ўғли, Холмуҳаммадбой Али Муҳаммадбой ўғли, Орифжон Маллабой ўғли, Мулла Пирмуҳаммад, Мулла Одил Миртоҷи қори, Азизхўжа Илҳомжон ва бошқалар кирди (“Туркестанский курьер”, 1917, 2-август).

Шунингдек, шаҳар Думасига “Шўрои Исломия” мусулмон ташкилотидан Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Сайдуллажўжа Турсунхўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Понишабек Пўлатхонов, Иби Ямин Яибаев ва бошқалар сайланди (“Кенгаш”, 1917, 6 август).

Тошкент шаҳар Думасига сайловлар бутун ўлка бўйлаб кучли акс-садо берди. Сайловларда “Уламо” галаба қозонди. 24 ўринга эта бўлган социал-инқи lobchilar ҳам, борйўғи 5 ўрин олган социал демократлар ҳам сайлов натакаларидан иорози бўлиб қолишиди. Рус социалистлари юзага келган вазиятни йирик маглубият сифатида қабуyl қилишиди.

Европалик аҳоли, унинг барча йўналишдаги сиёсий йўлбашчилари орасида нафақат шаҳар Думасига миллӣ белгиси бўйича алоҳида-алоҳида сайлов ўтказниш, балки Бугуироссия Таъсис Мажлисига бўладиган сайловларга ҳам Туркистоннинг миллӣ жамоаларидан помзодларни алоҳида-алоҳида кўрсатиш ҳақидаги лойиҳалар пайдо бўла бошлади.

Миллатлараро зиддиятларнинг кучайиб бориши Туркистонни инқирозли вазиятга олиб келди. Мувакқат ҳукумат, маҳаллий ҳукмрон сиёсий тузилмалар миллӣ муносабатлар ўтирилганинг олдини олишга тўлиқ ишобиликларини кўрсатибгина қолмай, уларнинг оқибати ўлка тақдирига ҳалокатли эканини тушуниб ҳам етмадилар. Ҳукмрон органлар миллӣ заминда юзага келадиган кўп сонли маҳаллий можаролардан тортиб маҳаллий ҳукмрон тузилмалар сайловларида сиёсий ҳуқуқларнинг камситилиши ва ҳоказолар ўлканинг бутун миңтаҳаларини қамраб оладиган конфликтлар келтириб чиқаришни сезмади.

Туркистон жамиятидаги тўлиқ сиёсий, миллӣ, ижтимоий бекарорлик, кучларнинг қутоблашуви жараёилари кучайган шаронтларда миллӣ демократия томонидан илгари сурилган миллӣ бирлик гояси ўз таъсири ва кучини йўқотиб, айрим ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг сиёсий мағаатлари таъсири остида ўз мавқеларини бой бера бошлади.

Фақат 1917 йил ёзишини охири ва кузидга Петроградда бўлиб ўтган ҳамда Туркистонда акс-садо берган воқеаларгина миллӣ бирдамлик муаммосини яна кун тартибига қўйди, бироқ бу жараён энди ўзга мазмун ва ўзга ижтимоий асосга эга бўлди.

Туркистон мухторияти муаммоси миллӣ озодлик ҳаракатининг барча ҳаракатлантирувчи кучлари мағаатларини туташтирган асосий нуқта бўлди. 1917 йил ёзида Бугуироссия Таъсис Мажлисига сайловлар арафасида туркистонлик тараққийшарварлар ўзларининг сиёсий партияларини тузиш заруриятини англаб этишиди. Тараққийшарварлар “Турон” маърифий жамиятини демократик таомийилларига асосланган партияга айлантириш гоясини илгари сурдилар. Етарли партиявий иш тажрибаси бўлмаган туркистонлик ислоҳотчилар намуна сифатида “Мусават” озарбайжон демократик партияси дастуридан фойдаланганлар. Туркистонликлар таклифига биноан тайёргарлик

ишлари ўтказини учун Тошкентта 1917 йил июли бошларида “Мусават” партиясининг таниқли фаолларидан уламо Абулқосим Аминзода, журналист Пирি Мирсиззода, муаллим Мөхмәд Амин Афандизодалар таклиф этилди. 4 июль куни “Уламо” жамияти уларнинг шарафига ифторлик ташкил қилди.

Туркистонлик ва озарбайжонлик ислоҳотчиларнинг биргаликдаги ишлари натижасида Туркистон мусулмонлари сиёсий партиясининг дастури тузилди, у Скobelев (ҳозирги Фаргона шаҳри)да 1917 йил 12—14 июнда бўлиб ўтган мусулмон ташкилотлари қурултойида тасдиқлаанди.

Қурултой ишида турли мусулмон ташкилотларидан юборилган 137 киши иштирок этди. Қабул қилинган дастурий ҳужжатда баён этилинича, қурултойда ташкил этилган “Турк Адами Марказияти” партияси (туркий федералистлар партияси) Туркистон, Қозогистон, Башқирдистон учун миллий-ҳудудий мухторият, Волгабўйи, Қўрим ва Россиянинг бошқа туркий халқлари учун маданий-миллий мухторият талаб этади.

Дастурда шу нарса кўзда тутилгандики, мухтор республикалар, шунингдек, маҳаллий ўз-ўзини бошқарип органларига сайловлар умумий, тўғридан-тўғри, яширип овоз берини ўйли билан амалга оширилиши лозим. Бунда “20 ёшга кирган барча миллат аъзолари жисси, синфи, динидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқидан фойдаланади ва ўзи ҳам сайдалиши мумкин. Бироқ, мусулмон аёлларининг иштироки “шариат доирасида” амалга оширилиши лозим” (“Фав ва турмуш”, 1990, №7).

Туркистон федералистлари мухтор субъектлар бошқариш, молия, шариат, маданият, адлия ва халиқ маорифи масалаларида мустақиллар, деган фикрни олга сурдилар. Бунда ҳар бир республика маҳаллий ўз-ўзини бошқарип ҳуқуқига эга бўлган вилоят ва уездларга бўлинishi кўзда тутилди.

Туркистон федералистлари Россиянинг барча туркий халқлари ва қабилаларига тегишли муаммоларни ҳал этиши учун умумий миллий маданий иттифоқҳа эришини лозим деб ҳисоблашди. Унинг ваколатлари мухтор республикаларнинг маҳсус қурултойида белгиланиши кўзда тутилди.

Динга иисбатан ҳам федералистлар ўз талабларини аниқ белгилаб беришди. Барча масалаларни маҳсус диний орган “Маҳкамай Шария” ва унинг вилоятлардаги бош-

қармалари, қишлоқларда эса қуйи бўлинмалари — юзихоналар ихтиёрига бериш кўзда тутилди. Бундан ташқари, Россия мусулмонларининг барча муаммоларини “миллати ва ақидавий тафовутлари ўртасидаги фарқланишиларга қарамай” ҳал этиш учун Шайхулислом бошчилигида маҳсус кенгаш таъсис этиш кўзда тутилди.

Фуқаролар ҳуқуқларига бағишланган бўлим ҳам диққатга сазовор. Республиkaning барча аҳолиси диний ва милий тафовутларига қарамай, қонун олдида тенгдир. Ҳужжатда виждан эркинлиги кафолатланади ва “диний эътиқодиар учун ҳеч ким таъқиб этилмайди” дейилади. Бундан ташқари, “ҳеч бир дин ва мазҳабга бошқаларига нисбатан ҳукумат томонидан имтиёзлар берилмайди”.

Туркистон федералистлари мажлислар ўтказиш, иттифоқ ва жамиятлар тузиши, шунингдек шахс дахлсизлиги тарафдорлари бўлиб чиқишди. Бундан ташқари, улар “паспорт тизимини йўқ қилиши ҳар бир кишига давлат доирасида ва ундан ташқарида эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини бериши” зарур деб ҳисобладилар.

Партия иктиносидий ҳаёт муаммолари борасида фикр юритиб, “партия томонидан кўзда тутилмаган” барча солиқларни йўқ қилиш зарурлигини уқтиргди. Федералистлар, шунингдек, “қишлоқ хўжалиги ва косиблар учун талаб этиладиган машина ва турли қуроллар ҳамда аҳоли этиштирадиган энг зарур маҳсулотларни арзоилаштириш учун” божхона тўловини камайтириш вазифасини қўйдилар.

Ер ҳақидаги масалада партия бárча давлат мулклари ва подшоҳ ҳамда князларининг ерларини мусодара этиш, уларни муҳтож дехқонларга сотиш учун олиб бериш тарафдори бўлиб чиқдилар. Хусусий шахслар ерларига нисбатан “Россиянинг Туркистондан бошқа барча вилоятлари ўз қонунларини ишлаб чиқишга эркиндирлар” деган қоида келтирилди. Бироқ Туркистонда ер ўз эгалари қўлида қолиши лозим. Бунда “партия айрим воқеалар оқибатида (масалан, Министерство эшони қўзюлони) аҳолидан зўрлик билан мусодара қилинган ва бошқалар ўртасида бўлиб олинган ерларни илгариги эгаларига қайтариб беришга астойдил ҳаракат қиласди”. Ҳокимият томонидан мусодара этилган вақф ерларини қайтариш ҳам дастурий вазифа сифатида белгиланди.

Туркистон федералистлари ишчилар масаласида ҳам ўз фикрларини билдирилар. Дастурга партия ишчилар то-

менидан иттифоқ ва жамиятларни түзүш, шуннингдек қисман ёки умумий иш ташлашларни эълон қылыш йўли билан ўз ҳукуқларни ҳимоя қылыш борасида тўсқинлик қылмайди, деган қоида киритилди. Бундан ташқари, дастурда ишчи ва хизматчиларни муҳофаза қылыш учун маҳсус ҳукуқий ҳужжатларни яратиш зарурити ҳақидағи қоида келтирилди. Федералистлар, шуннингдек, хотин-қизлар ва болалар меҳнатини муҳофаза қылыш вазифасини қўйинди.

Мухтор республикаларниң ҳукуқий тизими қўйидагича тасаввур этилди: “Судлар ва адмия органлари ҳар қандай аралашувдан озод бўлиши ва фақат шариат ҳамда қонупларга бўйсунни лозим. Ҳокимиятниң изкроия органлари судъяларниң тайинлапиши, бир ишдан бошقا ишга ўтиши ва алмалигарилиши, шуннингдек, терговининг боришига аралашмаслиги ва таъсир қўлмаслиги лозим. Жазолар тизими парламент томонидан ишлаб чиқилган қонуилар асосида белгиланини лозим. Суд ишини кўриш албатта ҳукуқ муҳофазачиси иштирокида олиб борилиши лозим”.

Дастурда таълим масалалари батафсил баён этилади. Таълим олиши ҳукуқи “жинси, миллати ва динидан қатъи назар” барчага берилиши кўзда тутилади. Буида маориф тизимини ташкил этиш ишида хусусий ташаббусга ҳам, маҳаллий ҳокимиятлар ташаббусига ҳам чеклашлар қўйилмаслиги лозим. Мактаб эркинлиги эълон қылниб, унииг турли босқичлари ўргасида эса шундай ворисийлик бўлиши керакки, “у қўйидан олий (мактаб)га енгил ўтишини таъминласин”. Олий мактаб биринчи навбатда университетлар учун мухтор, бошлангич таълим эса умумий ва бенул бўлиши лозим деб ҳисобланди. Бу босқичдаги мактабларда дарс ўтиш мазкур жойниң кўнчиллик аҳолиси тилида олиб борилиши лозим. Олий ўқув юртлари ва ўрга мактабларда рус ҳамда умумтуркӣ тиллар “мажбурий дарс” бўлиши зарур. Бироқ олий мактабда “дарслар туркйлар учун умумий бўлган адабий тилда ўтказилиши лозим” (“Фан ва турмуш”, 1990, №7).

Дастурда баён этилган ижтимоий ҳаётниң барча соҳаларини ташкил этиш тамойиллари шариат ва одатга асосланган мусулмонларниң ўзига хос ижтимоий ҳаётини ҳисобга олган ҳолда Россия демократик республикаси таркибида миллий-ҳудудий мухторият тамойиллари асосида Туркистан республикасини яратиш ғояси чуқур асосланганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Партия ҳужжатларини тайёрлашыда Құқон, Аңдикон, Топкөнт, Самарқанд, Скобелев шаҳарларидан таниқли мусулмон қонунишунослари, мадраса мұаллимлари, савдогарлар, котиблар: Мұлла Камол қози, Абдулла Раҳмонбердиев, Мұлла Нуриддин, Йўлдош ҳожи Эшонов, Мұлла Мұхаммаджон бойбачиа Камолжонбоев, Мирза Аҳмад Құшибегиев, Обиджон Маҳмудов, Мир Одил Мирза Аҳмедов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абулқосим Мұхаммад Аминзода, Мұхаммад Амин Афандизода, Садриддинхон Махдум Мұхаммад Шарифхўжа қози ўғли, Миён Бузрук ва бошқалар иштирок этилди ("Фан ва турмуш", 1990, №7).

Съездда партия Низоми қабул қилинди. Унга жинси, зътиқоди, синфий тафовутидан қатын пазар, партия мақсадларига хизмат қилишини истаган "ҳар бир мусулмон" кириши мумкилигига кўрсатылди.

"Түркестанский курьер" газетаси Скобелевда бўлиб ўтган съезд якуларини изоҳлар экан, шуни қайд этадики, у ўз вазифасига кўра "биринчи ўринда турмоги лозим. Зотан бу съездда мусулмон аҳолиси биринчи марта ўзини сиёсий организм сифатида англаб етди ва ўлкадаги барча мусулмонларни бирлантириши лозим бўлган сиёсий маслагини қабул қилди. Бу съездда биринчи мусулмон партияси — "Туркистон федералистларининг партияси" ўзлигини англаб етди" ("Түркестанский курьер", 1917, 26 июль).

"Турк эли" газетаси материалларини ўрганиш шуни кўреатдик, у бир пайтнинг ўзида "Турк федералистлари партияси органи ва Туркистон мусулмонлари марказий шўросининг органи бўлган ва эҳтимолдан холи эмаски, Ўлкамусшўросининг кўйчилик аъзолари бу партия сафида ҳам бўлган. Газета атиги бир ҳафта давомида чиқиб тургани ва дижкат-эътиборини кўпроқ Ўлкамусшўроси фаолиятига қаратгани туфайли партия ишини тўлиқ очиб беришга ултуролмаган бўлиши керак. Шу боис партияниң реал хатти-ҳаракатлари ва сиёсий натижалари ҳақида ҳозирча бир нарса дейтиш қўйин. Шунга қарамай, уларнинг асосийсига шакшубҳа йўқ. Чунки Туркистон федералистлари партияси илк бор Туркистондаги рус сиёсий партияларидан мустақил ҳолда тизимлашган сиёсий дастурни илгари сурди ва маҳаллий аҳоли орасида мухториятчилик кайфиятини кучайтириди. Халиқ миллий-ҳудудий мухторият ғоясидан ҳаяжонга келди. У Туркистон жамиятининг турли қатламлари орасида то-

бора құллаб-құвватлана борди, мусулмонлар манфаатларини ҳимоя қылды. Натижада мухториятчылық ҳаракати маҳаллий сиёсий хатты-ҳаракатлар доирасидан ташқарига чиқиб, миллій озодлик ҳаракатининг сиёсий ташкиллашын устувор бүгіннің айланда.

Хулоса қылғыдай айтганда, Февраль инқилоби туфайлы, ижтимоий қаётда із берган демократик жараёнлар туфайли Туркестоннинг маҳаллий ақолиси орасыда тарихий тарақ-қиёғтіннің ўз йүлини таклиф эттегі күн соңынан миллий-сиёсий ташкилотлар ізага келди. Ўлкага миллий-худудий мухторият беріши позицияларында турған Ўлкамусшұроси бутун Туркестон миллий ҳаракатининг мувофиқлаштирувчи марказы бўлди. Ўлкамусшұроси ва уни құллаб-құвватловчы миллий-демократик партия ва бирлешмалар мухторият ғосини тарғиб этиши ва мухториятчылық ҳаракаттага мусулмон ақолисининг кең қатламларини жалб этиши бўйича катта шиларни олиб борди. Суверенитет ва миллий турмуш тарзини муҳофаза қылыш, асрий ағъаналар ва исломининг маънавий қадриятларини асрраб-авайлан кабиларни ўзига жамлаган мухторият ғоялари Туркестон жамиятида тобора кең тарқалди. Бироқ ўлка ақолисининг мусулмон қисмими сиёсий жипслантириш жараёни зиддиятли тарзда кечди. Феодалданий қатламлариниг консерватив қисми ва миллий демократлар манфаатларининг құтблапшуви, шунингдек, миллий-сиёсий ташкилотларининг ижтимоий-сиифий белгилари бўйича ажратилиши мазкур жараёнга тұсқынлик қылувчи омилларидан бўлди.

Февралдан кейинги ривожланишининг дастлабки босқычидан миллий демократлар ва ўлка маҳаллий ақолиси вакилларининг күңчилик қисми ўзларининг суверен ҳукуқлари көнгайышыни Мұваққат ҳукуматининг қоруқ баёнотларидан иборат ваджалари ва Тәъсис Мажлисининг чақирилиши билан боғладилар. Бироқ, вақт ўтиши билан бу умидлар сүнди. Миллий зиёлилар ва ватаншарвар ҳаракатлар йўлбошчилари орасыда миллий масалани ҳал этишда марказий ҳукумат тақлиф этаёттан йўлларининг сароблиги кўрина борди. Шаҳар Думаси ва Тәъсис Мажлисига сайлов тадбирлари чоғида туркестонликлар билан ҳукмрон тузилмаларининг ижтимоий-сиёсий ва миллий манфаатлари ўтасидаги зиддиятлар айниңса бўртиб кўриди. Айни пайтда, улар маҳаллий ақолининг ўсиб бораёттан сиёсий фоолли-

гини күрсатди. Бироқ бу фаоллик мусулмон сиёсий ҳаракатлари ичидаги гоявий парчаланиши, консерваторлар ва тараққийпарварларни ташкилий қарама-қарши қўйиш туфайли тўхтатиб қўйилди.

Петроградда 1917 йил охири—кузи бошларида рўй берган “Корнилов исёни” билан боғлиқ воқеалар Туркистон сиёсий ҳаётининг ривожланишида янги бурилиш босқичи бўлди. Аксидемократик диктатура ўриятилиши реал хавфга айланган шароитда Туркистон аҳолисининг мусулмон қисми орасида барча миллий кучлар бирдамлиги заруриятини тушуниш, бирлашибувчи сиёсий партияни ташкил этиш эҳтиёжи етилди. Бу “Турк адами марказияти” партияси бўлди, у Россия Федератив демократик республикаси доирасида Туркистон маҳаллий аҳолисига миллий-худудий мухторият берилishi тарафдори бўлиб чиқди. Туркистон федералистлари ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мағкуравий ва этник-диний муаммоларниң мураккаб қатламини қамраб олувчи амалий хатти-ҳаракатлариниг аниҳ дастурини ишлаб чиқдилар. Бу дастур умумбашарий гуманитар қадриятлар ва миллий менталитетиниг ўзига хослигига таяди, шариат ва одатга асосланган мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг демократик тамойиллари ва ўзига хосликларини ҳисобга олди.

Мусулмон озодлик кучларининг бирдамлиги мухториятчилик ҳаракатининг чукурлашувига кучли туртки берди. У Туркистон жамиятининг тобора янги қатламларини қамраб ола боплади, Ўрта Осиё минтақасида миллий озодлик курашига асос бўлди.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ: ОЗОДЛИК ВА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ТИКЛЯНИШИ УЧУН КУРАШ

МУХТОРИЯТ ТАЛАБЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ

Шаҳар Думасига сайловлар якунлари Туркистон аҳолисининг мусулмон қисми фаоллашуви даражасини ва сиёсий онги ўсаёттанини кўрсатди. Бундай шароитда ўз таҳдирини ўзи белгилаш жараёни ривожлана бошлади. Буни Туркистондаги сиёсий вазиятни баён этган туркшунос Г. Сафаров шундай қайд этади: “1917 йил сентяброда ишчя ва солдат оммаси сифатидаги рус миллий-имтиёзли камчиликнинг инқилобий интилишлари ва мусулмон буржуазияси ҳамда буржуа зиёлиларининг миллий озодлик интилишлари ўргасидаги қарама-қаршилик очиқдан-очиқ юзага қалыб чиқди. Бирларига эски шаҳар ва қишлоқ ҳисобига бўлса ҳам, пон ва озодлик керак эди”⁶¹.

1917 йил ёзига келиб февралдан кейинги ривожланиши жараёни янги босқичга кирди. Умуммиллий буҳронининг етилиши унинг ўзига хос белгиси бўлди. Муваққат ҳукуматнинг ярим йиллик фаолияти мамлакат ҳўжалигини вайронагарчиликка олиб келди. Туркистон ўлкасини оғир иқтисодий инқироз ҳамраб олди. Озиқ-овқат етишмовчилиги халиқ бошинга тушган энг оғир кулфатлардан бири бўлди. Бу Муваққат ҳукуматининг бирон-бир йўл билан халиқ аҳволини, яхшилашга поҳобиллигидан гувоҳлик берарди. Очарчилик туфайли ўлиш ҳоллари тобора ортаёттани ҳақидаги ташвишили маълумотлар турли жойлардан кела бошлади. “Ҳуррият”, “Кенгаш” газеталарида эълон қилинган хабарлар бундан гувоҳлик беради.

Кучайиб бораётган очарчилик ва ишсизлик, давом эттаётган империалистик уруш, ортиб бораётган миллий зулм ва эзиз ишлатиш меҳнаткаш омма норозилигига сабаб бўлган омиллардан бўлди. Буларнинг барчаси ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги инқироз билан боғлиқ эди. Шу боис ҳокимият ҳақидаги масала биринчи ўринга чиқди. Мухторият-

нинг буидан кейинги тақдирни, деб ҳисоблашди миллий-демократлар, айнаң ҳокимият масаласини ҳал этишга боғлиқ.

Тошкентнинг европали аҳоли яшайдиган қисмида большевикларнинг таъсири кучли эди. Ишчи ва солдат депутатлари Советининг 30 августда бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашида Корнилов исёни ҳақидаги масала муҳокама қилиниёттанди тошкентлик большевиклар бутун ҳокимиятнинг Советларга берилшини талаб қилиши. Улар РСДРП (б) МКнинг дастурий кўрсатишларига талниб, фақатгина инқилобий сипфлар—пролетариат, камбагал крестьянилар ва қўшинга таладиган ҳокимиятгини инқилобни ҳимоя қилиши ва мустаҳкамлаши, инқилобий демократия томонидан кўзда тутилган асосларда Татьсис Мажлисини чақириши ва ҳалокатли урушини тутатишни мумкин деб ҳисоблашди; ишчи, солдат ва крестьянилар депутатлари Советларнинг Бутун Россия ижрония қўмитаси томонидан сайланган ва унинг олдида масъул бўлган инқилобий ҳукуматгина шундай ҳокимиядир. Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети қатъий, айна шундай, чинакам инқилобий ва халиқ ҳокимиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини қатъийлик билан билдири.

Тоқисовет “Барча ҳокимият Советларга” шиорини қатъийлик билан олга сурди ва Инқилобий қўмита (Ревком) тузилишини таклиф этди. Социал-демократларнинг Россияни оғир аҳволдан коалициявий ҳукумат эмас, балки ишчи ва солдат депутатлари Советигина олиб чиқиши мумкинлигини жон куйдириб исботлашга уринишларига қарамай, ҳокимиятни Советларга бериш ҳақидаги масала 1917 йил 6 сентябрда йигилган Тошкент шаҳар Думаси аъзоларининг кўнчиллик овози билан рад этилди. Бу “Барча ҳокимият Советларга” шиорига берилган биринчи зарба эди. Хафа бўлган социал-демократлардан Токайшвили ва Першинлар баёнот бердиларки, “Думанинг ҳозирги таркиби шаҳарнинг демократик аҳолиси вакиллари эмас ва шу боис социал-демократлар коалициявий ҳукуматга делегатлар кўрсатиш масаласи бўйича сайловда иштирок этишдан бетараф қоладилар”⁶².

Унбу мажлисда Россияда давлат қурилиши ҳақидаги масала ҳам кўтарилди. Кўнчиллик иштирок этувчилар, шу жумладан бирлашган мусулмон фракциялари ва “Уламо” ҳокимияти аъзолари ҳам республиканинг федератив мақоми

ҳақидаги қоидани қабул қылды. Айни пайтда, бирлашған мусулмон фракцияси Туркестонда ер ва сув масалалариниң ҳајати туркестонликларнинг ўз ихтиёрига берилшини зарур деб ҳисоблади.

1917 йил 8 сентябрда Тошсовет иккинчи зарбага учради. Бу ҳол Тошсовет аъзоси Х. Л. Вайнштейн тақлиф этгани қарор мұхқомама қылинаёттган Туркестон үлка ва Сирдарё вилоят Советларининг бирлашған мажлисида рўй берди. Унда, жумладан, шундай дейиллади: “Кенгаш демократик ташкилот вакилларидаи үлка инқилобий демократик қўмитасини дарҳол чақиришни лозим деб топади. Қўмитанинг Тасис Мажлисини уч кутилек муддат ичиде чақириш ишчи ва солдат депутатлари үлка Советига тонширилади. Кенгаш ташкилотлари қўмитани ташкил этиши ва фаолиятини юритишнинг ўз режасини тақдим этишини тақлиф қылди. Үлка ва Сирдарё Советлари мажлиси бу қарорга салбий мунисабат билдирилар, чунки солдат ва ишчи депутатлари үлка Советлари, крестьян ва қыргиз депутатлари үлка Советлари, солдат ва ишчи депутатлари вилоят Советлари ва мусулмон депутатлари үлка Шўроси вакиллари ўзларининг ташкилотларида Инқилобий қўмита ташкил этилиши ҳақидаги масала кўриб чиқылмагунча овоз беришда иштирок этишдан қатъянин бош тортдилар (“Наша газета”, 1917, 10 сентябрь).

Тошкентдаги йирик корхоналар, Бош темир йўл устахоналари, ҳарбий қисмларда большевикларнинг кенг тарғиботи тасисирида улар томонидан ҳокимиятии Советларга бериш ва инқилобий қўмиталарни ташкил этиши ҳақидаги қарорлар қабул қилинди (“Рабочее дело”, 1917 йил, 10 сентябрь).

Бироқ, үлка маҳаллий аҳолисининг ваколатли оргаплари бошқача, чинакам демократик қарашларда туришди. Үлка мусулмонлар Шўросиининг II үлка мусулмонлағи съездиди (7—11 сентябрь, Тошкент) үлка ҳокимиятини ташкил этиши ҳақидаги масалани қўйди, унда қўйидаги мазмунда қарор қабул қилинди: “Иккинчи Туркестон үлка умуммусулмонлар съездиди солдат, ишчи ва крестьян депутатлари Советларига ҳокимиятии беришга қарши чиқадилар. Ҳокимият коалициявий бўлмоғи ва мамлакатнинг барча кучларига таянмоги, яъни умумхалқарни бўлмоғи лозим” (“Кенгаш”, 1917, 12 сентябрь). Маҳаллий матбуот сахифаларида мұхқомама қилинган миллий масалаларда мухториятчилар ўз

муносабатларининг асосий қарашлари ҳақида қатъий фикрларни билдира бошлади.

Жумладан, таниқли ҳуқуқшунос Ислом Шоаҳмедов, Туркестон федерацияси лойиҳасини ишлаб чиқди ва уни “Улуг Туркестон” газетаси саҳифаларида эълон қилди. Муҳокамадан ўтган ва Ўлкамусшуро томонидан маъқулланган бу лойиҳа 27 моддадан иборат бўлиб, қўйидаги масалаларга тушунтириш берди: Туркестон Мажлиси ҳақида, Туркестондаги рус аҳолиси ҳуқуқлари ҳақида, ер-сув масаласи ҳақида, Туркестоннинг иқтисодий мухторияти ҳақида, ҳарбий қисмлар ҳақида, суд ҳақида, тил ҳақида ва бошқалар (“Улуг Туркестон”, 1917, 7, 10 сентябрь). Кейинчалик бу лойиҳасининг кўпчилик моддалари ўлка мусулмонлари съездлари қабул қилган дастурий ҳужжатларга киритилди.

“Кенгаш” газетасида кўрсатиб ўтишишча, мусулмонлар ҳукуматда унинг сиёсати демократик бўлган шароитдагина иштирок этишлари мумкин ва лозим; халқининг ўз тақдирини ўзи эркин белгилани ҳуқуки Туркестон аҳолиси учун асосийdir; Ўлкамусшуроси барча мусулмон аҳолининг номидан ҳаракат қилиувчи ва унинг манфаатларини ҳимоя этувчи қонуний умуммусулмон органидir (“Кенгаш”, 1917, 8—12 сентябрь).

Съезд бундай муҳим масалаларни муҳокама қилишга айнан 1917 йил сентябрьда йигилгани тасодифий ҳол эмас эди. Айнан шу пайтда Петрограддан Тошкентта мухториятчилар йўлбошчиси Убайдулла Хўжаев “Таъсис Мажлисига сайловлар ҳақидаги қонун ишлаб чиқиш бўйича маҳсус кенгаш” тошириғи билан Туркестонда бу сайловга тайёргарлик ташкил этиш учун қўйтиб келган эди.

II мусулмонлар съезди натижалари ҳақида фикр юритар экан, раис этиб сайланган Убайдулла Хўжаев Россияда чиқадиган “Единство” газетасига интервью бериб, шуни таъкидладики. “халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилани эркинлиги ҳақидаги улуғ инқилобий шиор у кафолатланган барча эркин ҳаётни ўз ичига олади. II Умуммусулмонлар съезди халқ иқтисодий барқарорлигининг мустаҳкам асосларига эга бўлгандагина миллий ўз тақдирини ўзи белгилай олади, деб ҳисоблайди” (“Единство”, 1917, 14 сентябрь).

II Туркестон мусулмонлар съездининг қарори шуни тасдиқладики, мазкур пайтда большевикларнинг “Барча

ҳокимият Советларга" шиори нафақат Туркистоннинг демократик кайфиятли европалик аҳолиси орасида, балки мусулмонлар орасида ҳам қўллаб-қувватланмади. Шунга қарамай, тошкентлик большевиклар барча ҳокимиятни ишчи ва солдат депутатлари Советларига берилишини қатъий талаб этишини давом эттирилар. Тошкентда 1917 йил 11 сентябрда бўлиб ўтган Туркистон ўлка демократик ташкилотлари мажлисида ўлка ҳокимиятни тузиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди, унда Ўлкамуссиўродан М. Чўқаев, И. Шоаҳмедов, У. Хўжаев иштирок этилди, большевиклар билан меньшевик ва эсэрлар ўргасида ўткир кураш бопланаб кетди. Большеевиклар темирйўлчилар ва почта-телефраф ходимлари касаба уюшмалари вакиллари томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда ушбу йигилишини Инқилобий қўмита (Ревком) деб аъзон қилини ва ўлгадаги ҳокимиятни бутунлай унга дарҳол беришини таклиф қилди. Бироқ бу таклиф рад этилди.

Бошқариш тизимини ташкил этиши масаласи бўйича Марказда коалициявий ҳокимиятни юзага келтиришини қўллаб-қувватловчи қарор қабул қилинади. Бу қарорни шўрои-исломиячилар ҳам қўллаб-қувватлади. Мажлис ўлка ҳокимиятни ташкил этиши юзасидан тегишши мадда бўйича қўнгичлик овоз билан қарор қабул қилди: "Туркистон қўмитасининг Мубаққат ҳукуматини Кўмитанинг ўлка демократик ташкилотларига аъзолик лавозимларига таълиған шахслар ҳисобига дарҳол тўлдириш заруриятини принципиал жиҳатдан тан олади, номзодлар ва шахслар сони ҳақидаги масалани 13 сентябрь кеч соат 18⁰⁰га белгиланган кейинги мажлисига қўлдирилсин"⁶³. Шунда большевиклар мажлисни порозилик белгиси сифатида ташлаб чиқиб, Тошсовет Ижроқўми йигилишига бордилар. Бу ерда улар яна ўлка демократик ташкилотлари қарори билан ҳисоблашмай, Инқилобий қўмитани ташкил этиши ва унга ҳокимиятни беришини таклиф этдилар.

Туркистоликлар, айниқса тошкентлик ишчи ва солдатлар большевистик тарғибот таъсирида тобора радикаллашпа бордилар.

Ҳокимиятнинг чайқовчилик, озиқ-овқат инқирози, қимматчилик, вайронагарчилик билан курашидаги хатти-хараткларидан омманинг порозилигидан фойдаланишга қарор қилган большевиклар фуқароларнинг кўп сонли йигинларини

уюнтирилар. 12 сентябрда Александр богида I ва 2 Сибирь полклари солдатлари, темирйүлчи ишчилар ва бошқалар иштирок этган намойиш бўлди. Озиқ-овқат муаммоларни мухокама қилинган бошланган намойиш большевиклар таъсирида сиёсий хусусият касб этди. Намойиш РСДРП(б) VI съездининг иштисодий негизи асосида ишлаб чиқилган большевистик қарорни қабул қилди. Уни бажарининг асосий шарт-шаронти сифатида барча ҳокимиятнинг ишчи, солдат ва крестьян депутатларига ўтиши олга сурилди.

Намойишда қабул қилинган қарорда “капиталистлар, бой ва қулоқлардан” озиқ-овқат заҳираларини дарҳол тортиб олиш, саноат ва банкларни миллийлаштириш, “замидорлар ерларини крестьянларга” олиб бериш, ишлаб чиқаришга ишчи назоратини ўринатиш зарурияти қайд этилди. Совет тарихшунослигида маҳаллий аҳоли вакиллари бу экстремистик талабларни қўллаб-қувватлаб келган деб таъкидлаб келинди. Бироқ шуни айтиш лозимки, С. Қосимхўжаевнинг хотираларидан ташқари⁶⁴, мусулмонларниң мазкур намойишда иштироки ва уни қўллаб-қувватлаганини тасдиқловчи ишончли ҳужжатлар топилмади. Аксинча, ўша даврдаги миллий матбуот материаллари шундан гувоҳлик берадики, мусулмонлар ҳокимиятнинг советларга ўтиши ва Муваққат инқилобий қўмитанинг ташкил этиш ҳақиқидаги эълонни ҳокимиятнинг зўрлик билан тортиб олиниши сифатида қабул қилдилар.

Шундай қилиб, Тошсовет Ижроқўми томонидан амалга оширилган маҳаллий тўнтарини патижасида Муваққат ҳукуматнинг ўлка вакиллари ҳокимиятини ағдариб ташлашга уринипслар бўлди. Бу билан Тошкент большевиклари Туркистонни фуқаролар уруши хавфи остида қолдириди. Ўлканинг кўпичлик ишчи ва солдат депутатлари Советлари бошчилигида большевиклар томонидан ҳокимиятнинг эгаллаб олинишини қораладилар. Жўмладаи, Фарғона вилояти Совети ишчи, крестьян, солдатларга, барча рус ва мусулмон аҳолисига ўзини “Муваққат Инқилобий қўмита” деб атовчи ўзбошимчя Тошкент ташкилотининг ҳеч қандай фармойишларини тан олмаслик, шунингдек, ўзига “қўшилар қўмонидони лавозимини ноқонуний ўзлалтириб олган поручик Перфильевнинг барча бўйруқлари, кўрсатмалари бажарилмасин”⁶⁵ дея мурожаат этди.

Инқилобий қўмита ва Тошсоветта қарши Наманган, Кўқон, Самарқанд, Пиштек, Ўш ва бошқа шаҳарлар Советлари

хам бұшдай порозилік қарорларини чиқарды. Үлкамусшүро „Шурои Уламо”, түрк федералистлари партиясы ва бөшің мемлекеттік ташкилоттар сентябрь воқеаларининг дастлабкін күндеридан соң Инқылобий құмбеттегінде дәстүрлік қызметтердің әгулаб олийнің қораладылар ва уннан хатты-харакатларини мусулмонлар мәнбаатлари ва ҳуқуқдарини ишкор этип шифатида бағылап алдылар.

Кескін ўзгарған сиёсий шароитларда Тошкентта 13 сентябрь күні Туркистан үлкән ташкилотларининг навбатдағы йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фикрлар алмашувида сұнг Туркистан үлкән ташкилотлари — солдат, ишчи, крестьян, қыргиз ва умуммусулмон деңгелетлари Советлариниң құшының ва бирлаптигиринің ҳақыда бир овоздан қарор қабул қылышы.

Үлкамусшүродан Бирлаптігінде құмбеттегі ҳайъатига Убайдулла Хўжаев ва Мустафо Чўқасевлар кирилди. Бироқ демократик күчларниң бу бирлаптасы биргаликта узоқ ҳаракат қыла олмады, чунки Тошкентта ҳарбий ҳолат жорий қылғандан соң Советлар бошқа шаҳарларга күчирилди. Жұмладан, ишчи ва солдат деңгелетлари үлкән Совети 14 сентябрда Скобелев шаҳрига күчиб ўтди. Үлкамусшүронинің күнчилік аъзолари кейинчалик Кўқонга күчиб ўтишды.

Сентябрь воқеалары Туркистандағы сиёсий жараёнлариниң кейинги йўлига чуқур таъсир кўрсатди. “Сентябрь исёни”дан кейин бутун Туркистан бўйлаб юзага келган бошбошдоқчилік ва умумий ҳокимият ишқиризі шароитида мусулмонлар ўзларининг эркпарварлик инициативасын амалий бажариш имконияттиниң кўрдилар.

Туркистанликларининг 1917 йил күзидағы миллий озодлик ҳаракати, энг аввало, уннан шартни көрсетді. Миллий ҳаракат Туркистанга мухторият берішдек қатыый талааб йўлига қиргани эндилекта очиқ-ойдин кўриниб турган эди. Туркистан мухториятты учун курашда мусулмон аҳолисининг барча қатламлари фаоллашды ва “Яшасин федератив республика!”, “Мусулмонлар, бирлаптигиз!”, “Яшасин озодлик, Адолат, Тиңчлик!”, “Куч бирликда!” каби шиорларда ўз ифодасини тоңді. Бу шиорлар миллий сиёсий ташкилотлар томонидан большевистик диктатура ўрнатилиши хавфи озодлик күчларининг жипсласыши заруриятини тушуниш пишиб етилғанлигини билдиради.

Шундай қилиб, мухториятчилик ҳаракати ўз ривожланишида янги босқичта кирди. “Шурои Уламо” ва “Ха-

лойиқ” жамиятлари ташаббуси билан Тошкентда 17—20 сентябрда туркистонлик ва қозоқ мусулмонлари съезді бўлиб ўтди. Унда Туркистан, шунингдек, Урал ва Тўргай вилоятларидан 500 дан зиёд обрўли делегатлар иштирок этди.

Курултойда шўроиуламочилар йўлбошчиси Шерали Ланин кириши нутқи сўзлади. У кун тартибини ўқиб эшиттириди ва ишчи ҳайъат сайлашни таклиф этди. Съезднинг кун тартиби қўйидаги масалаларни қамраб олди: 1) Туркистан ўлкасининг бўлгуси сиёсий қурилиши; 2) Озиқ-овқат масаласи; 3) Ер ва сувдан фойдаланиши; 4) Суд; 5) Мактаб масаласи; 6) Масжидларни бошқариниш; 7) Вақф масаласи; 8) Земство ҳақида; 9) Хотин-қизлар масаласи; 10) Мусулмон сиёсий партияларини ташкил этиши; 11) Мусулмон ўлка Шўроларини қайта ташкил этиши; 12) Мусулмон аҳолисини ўлкани маъмурӣ бошқаринига жалб этиши; 13) Таъсис Мажлиси ҳақида ва бошқа масалалар.

Ҳайъат раиси этиб Мулла Шомухиддин Охунд сайланади. Съездда Мулла Аҳмадхўжа эшон (“Уламо”), Мулла Исаҳон Аъзам (“Уламо”), Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мулла Тошиғлат қори, Тўрахўжа Эшон (самарқандлик мударрис), Оллақулибек (“Халойиқ” жамиятининг раиси), Пирি Мурсилзода (Кавказ мусулмонлари қўмитаси вакили), Мулла Сайдрасул Маҳдум (“Уламо”), Мулла Содиқхўжа (“Халойиқ”), Сайд Жаббор (Чимкент), Мулла Мухторхўжа Эшон (Ўратепа), Муллажон Домла (Самарқанд), Мулла Юсуф (Чимкент уезди), Юсуфбек (Оқмачиг), Муҳаммад Аминзода (Кавказ), Мулла Шомухиддин Охунд (“Уламо”) сўзга чиқидилар (“Ал-Изоҳ”, 1917, 4 октябрь).

Съезднинг бутун иши бирлаштириш, ўлка миқёсида бирлик ўрнатишга интилиши, Таъсис Мажлиси сайловларига тайёргарлик, унга тоявий қарашларидан қатъи назар, россиялик мусулмонлардан муносиб кишиларни кўрсатиш руҳида ўтди.

“Улуг Туркистан” газетасининг ёзишича, “съезд Мулла Муҳаммадхожи Эшон ва Мулла Сиддиқхожи эшонларнинг бошқарув шакли ҳақидаги маърузаларини тинглаб, бир овоздан Туркистан Мухториятини таъсис этишига қарор қилди”. Бу, Туркистан ўлкаси “Маҷаллий ва миљий мухториятни эълон қиласи, ўз ишларини ўзи мустақил ҳал этади” дегани эди (“Улуг Туркистан”, 1917, 30 сентябрь).

Туркистон ва Қозогистон мусулмоилариға сиёсий раҳбарлик учун “Шўрои Исломия”, “Турон” ва бошقا ташкилотлар ўринига ягона “Иттифоқи муслимин” партиясини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Съездда қабул қилинган ҳужжатлар ўлқадаги ижтимоий-сиёсий ҳолатта ахолининг туб қисми қарашларини батағсил аке этиради. Уларга мувофиқ ўлка вилоятидаги яшовчи барча халқларниг миллий-маданий ўз тақдирини ўзи белгилапи асосларида ташкил этилган, демократик Россия республикаси таркибида Туркистон ҳудудий мухтор федерациясини ташкил этиш дастури илгари сурилди. Туркистон Федератив республикаси (Туркистон Мухторияти)нинг олий қонуучиллик органи парламент бўлиши кўзда тутилди, бу парламент “Туркистон ўлкасида яшовчи барча халқлар умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширип овоз бериш асосида беш йил муддатга маъжбурий пропорционал ваколатта эга бўлган ҳодда” сайданди. Бунда Туркистон парламентгининг қонуучиллик вазифалари Россия республикаси асосий қонуулари ва шариат талабларига аниқ мос келмоги, умумдавлат масалаларини ҳал этиш учун Туркистон парламенти Россия республикасининг олий ҳукуматида ўз вакилларига эга бўлмоги лозим эди.

Ҳокимиятнинг ижроия органи сифатидаги республика ҳукумати ўз фаолиятини алоҳида котибият орқали амалга оширадиган бўлди. Котибиятнинг хатти-ҳаракатларида эса Туркистон федерал парламенти олдида масъуллиги кўзда тутилди.

Съезд Туркистон федерацияси Тошкент шаҳрида “Маҳкамаси шаръия” (қонуулар палатаси)га эга бўлишини белгилаб берди, унга қонууларни эълон қилиши ва тушунтириш ҳуқуқи, умумдавлат қонуулари ва шариат талабларини аниқ бажаришини назорат этиш, барча ҳукумат муассасалари ҳамда суд қарорларининг барча суд муассасалари ва шахслар томонидан тўғри бажарилишини назорат қилиш топширилди. Туркистон федерациясининг олий суд муассасаси ҳуқуқи ҳам унга берилди.

Съезд ҳужжатларида Туркистон федерацияси нул босиб чиқариш, божхона, федератив банк, “тинч пайтда федерациясининг чет эл давлатлари билан чегараларини қўриқлаш учун” ўзининг милиция ва қўшпинига эга бўлиш кўзда тутилди. Уруп пайтида ташки чегараларни қўриқ-

лап Россия республикаси ҳукумати томонидан амалға оширилади, бу ҳолатда Туркестон федерациясынан құшыни команда муносабатларыда Россия республикаси ҳукумати ихтиёріга тұлиң үтадиган бўлди.

Ер ва сув ҳақиқатаги масала бўйича жуда муҳим қарорлар қабул қилинди. Съезд ер қўмиталари “ер ва сувларни ижтимоийлаштириш йўлини тутгани учун” уларни яратишга салбий баҳо берди, “Туркестоннинг ер ва суви умумхалқ мажлиси бошқарувида бўлмоғи лозим” деган қарорни қабул қилди (“Улуг Туркестон”, 1917, 30 сентябрь).

Шундай қилиб, маҳаллий туркестонликларниң мухториятчилик талаблари дастурий жиҳатдан расмийлаштирилди. Шуниси диққатта лойиқи, инцилобий зўравонлик усулларига таянувчи экстремистик кайфиятдаги большевиклардан фарқли равишда съезд, маҳаллий аҳолининг тинчлик асосида ўз тақдирини ўзи белгилаш иродасини ифодалади. Ҳокимияттининг Муваққат ҳукуматдан федералистлар қўлига ўтиши зўравонларча инцилобий тўнтиришининг ҳалокатли йўли эмас, балки Туркестон жамияттини яратувчилик йўли сифатида англаанди.

Айни пайтда, социал-демократларниң радикаллашган гурӯҳлари рус ишчи ва солдатларининг люменлашган қатламларини қўллаб-қувватлашига таъниб, ҳокимиятни ҳар қандай воситалар билан эгаллаб олишга ўз дазъволарини тўхтатмади.

Туркестонда ҳокимият учун курашшинг айнан сентябрь-октябрь ойларида кучайишишга нима сабаб бўлди? Таъкидлаб ўтилган ўткир хўжалик ва озиқ-овқат инцилоризидан ташқари, бошقا сиёсий сабаблар ҳам намоён бўлди. Биринчидан, 9 августдаги қарори билан Муваққат ҳукумат Таъсис Мажлисига сайловларни 12 ноябрга ва унинг очилишини 28 ноября белгилади. Иккинчидан, Россияда ҳам, Туркестонда ҳам шаҳар Думаларига кам ўрин олган социалистик партияларниң сўл қисми Таъсис Мажлиси очилишинга қадар уларда ҳокимиятни эгаллашига ягона йўл — қуролли қўзғолон воситаси қолганини тушуниб етди. Учинчидан, мухториятчиларниң қатъий ҳаракатларга ўтиши большевикларни чўчтитиб юборди. Улар, агар Таъсис Мажлиси очилишишга қадар ҳокимиятни қўлга олишмаса, у “мусулмонлар” қўлига ўтади деган холосага келишди. Шуниси ҳам мұхимки, қуролли қўзғолонга чақириқлар бу пайтда социа-

листик инқилобин амалга оширишнинг мухим йўлига кирган ленинчи РСДРП(б) МК томонидан тобора қатъий янграй бошлади.

Большевикларнинг ҳокимиятни радикаллашган Советларга беришга қатъий интилиши нафақат маҳаллий аҳоли, Туркистон европалик жамоасининг демократик кучлари орасида ҳам салбай муносабат ўйготди. Бу ҳол, 1917 йил 30 сентябрдан 10 октябригача бўлиб ўтган Туркистон ишчи ва солдат депутатлари советларининг II фавқулодда съезди ишлаган кунларида айниқса аниқ кўзга ташланди.

Тарихий ҳужжатлар шуни кўрсатадики, сентябрда бўлиб ўтган ўлка мусулмонлари съездларида кўтарилиган Туркистонда федератив қурилиш масалалари европалашган советлар депутатларини мутлақо қизиқтиргомади. Бунда, ўша пайтдаёқ ўлкада миллий-демократик давлатчилик қурилиши масалаларига ёндашувда икки устувор йўналиш кўзга ташланди. Бир томондан, Туркистон федерациясини барпо этини бўйича миллий демократларнинг жиддий тайёргарлик ишлари белгиланган бўлса, бошقا жиҳатдан большевиклар томонидан мусулмонларнинг муҳториятчилик интилишиларини тўлиқ ўйқу чиқаришга интилиш кузатилди. Ақиданараст марксистларни фақат бир нарса — ҳокимиятни қурол ёрдамида эгаллари қизиқтираради, холос. Фояйи концептуал ёндашувларининг бундай муҳобиллиги, кейинги воқеалар кўрсатганидек, жамиятнинг кескин сиёсий қутбланишига, демократиянинг сўл радикал ва либерал кучлари ўртасидаги зиддиятларининг чуқурлашувига олиб келди.

“Октябрь тўйтариши” Россия давлати ва Туркистон тарихида яғи саҳифани очди. Маълумки, 1917 йил 25 октябрда Петроградда қуролли кўзголон амалга оширилди. Ўша куни кеч соат бёшда Тошсовет ижроқўмиининг яширии мажлисида ўлкада қуролли чиқиш режаси мұҳокама этилди. 28 октябрда эрталаб соат олтида янграган бош темирйўл устахоналари гудоги Тошкентда октябрь тўйтариши бошланганидан дарак берди. Шундан сўнг, бутун ҳокимият Тошсоветга ўтди. 1 ноябрда Тошсовет темирйўл линияси орқали қўйидаги телеграммани йўллади: “Совет бутун ҳокимиятни қабул қилди. Ҳокимиятни ўз қўлинингизга олингиз”.

Петроградда большевистик қўзголонининг ғалабаси ва совет ҳокимиятининг дастлабки ҳужжат ва декретлари

Туркистон сиёсий ҳаётида мураккаб жараёнларга сабаб бўлди. Бу пайтга келиб уч асосий сиёсий йўл ажралиб чиқди. Биринчиси маҳаллий аҳолининг кенг қатламлари маңфаатларини ўз ичига олган бўлиб, миллий ўз тақдирини ўзи белтилашга оид ҳуқуқини таъминлашда ўз ифодасини тоғди. Рус эсэрлари ва меньшевиклари маңфаатларини ифодаловчи иккинчи сиёсий йўл Россия таркибида чекланган мухтор ҳуқуқларни берувчи демократик жараёнларни кенгайтиришга қаратилган эди. Учинчиси — ленинча йўл — ягона совет империяси маконида хаёлий коммунистик жамиятни барпо этишга йўналтирилган бўлиб, бироқ дастлабки пайтда ленинча раҳбарият ўзининг асл мақсадларини турли воситалар ёрдамида ниқоблашга интилган эди. Миллий чет ўлкалар кенг халиқ оммасининг сиёсий қўллабқувватлашини таъминлашга ҳаракат қилган янги совет ҳукуматининг бошлиғи октябрь тўнтарилашининг дастлабки кунларида ёқ миллий масалани кескин ҳал қилишининг сервальда истиқболларини баён этишга шомилди. 1917 йил 2 ноябрда В. И. Ленин ва И. В. Сталин имзоси билан “Россия халқларининг ҳуқуқлари декларацияси” зълои қилинди. Унда алоҳида таъкидлаш билан халқлар иродасини бажара бориб, “Халқ Комиссарлари Совети Россия миллиатлари ҳақидаги масала бўйича ўз фаолиятида қўйидагиларга асосланишини қарор қилди: 1. Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги. 2. Россия халқларининг ажралиб чиқиш ва мустақил давлатни барпо этишача бўлган ўз тақдирини ўзи эркин белтилаш ҳуқуқи. 3. Ҳар қандай миллий, миллийдиний имтиёзлар ҳамда чекланишларни ман этиш...”⁶⁶ айни пайтда, Халқ Комиссарлари Совети (Совнарком) Татаристон, Башқирдистон, Туркистон, Кавказ ва Қўрим мусулмон халқларининг Россия таркибида сиёсий лояллигини таъминлаш ва сақлашнинг фавқулодда мұхимлигини ҳисобга олиб, 1917 йил 20 ноябрда “Мурожаат” билан чиқди, унда шундай дейилади: “Биз сизга, Россия ва Шарқнинг меҳнаткаш ва мазлум мусулмонларига мурожаат қилмоқдамиз. Россия мусулмонлари, Волгабўйи ва Қўрим-татарлари, Сибирь ва Туркистон қирғизлари ва сартлари, Кавказорти турклари ва татарлари, Кавказ чеченлари ва тоғликлари, Россия подшоҳлари томонидан масжид ва ибодатхоналари вайрон қилинган, эътиқод ва урф-одатлари топталганлар. Бундан буён сизнинг эътиқод ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий

ва маданий муассасаларнингиз эркни ва дахлени деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётингизни эркни ва тўсиғиз барпо этинг. Сиз бунга ҳақлисиз. Сиз ўз мамлакатингизда ўзингиз хўжайни бўлмоғингиз лозим. Сиз ўз ҳаётингизни турмуш тарзингиз ва шунига монанд равишда барпо этишингиз лозим”⁶⁷. Бироқ, кейинги воқеалар ишонарли кўрсатганидек, яни ҳокимият ўзига хос миллий ривожланиши имкониятни сўзларда баён этиб, амалда уларга тўсқинлик қилди. Жумладаи, Башқирдистон, Татаристон, Қрим ва Кавказнинг мусулмон халқлари ҳукумат “Мурожаати” билан тўлиқ келишган ҳолда ўзларининг мустақил мусулмон давлатларини ташкил этишинларини эълон қилганда, уларнинг ҳаммаси қурол кучи билан Россия таркибиغا қайтарилиди.

Большевистик марказий раҳбарият улуг давлатчилик сиёсатини давом эттириди. Бу ҳол маҳаллий коммунистларнинг очиқдан-очиқ шовинистик ҳаракатлари туфайли янада чуқурлашди.

Бироқ октябрнинг дастлабки кунларида янги ҳокимиятнинг халқча қарши муносабати ҳали очиқ-ойдин кўринмаганди. Аксинча, озодлик ҳақидаги ваъдалар эзилган халқларда мустамлакачилик зулмидан қутулиш умидини ўйготди. Айни пайдада, Туркистоңдаги миллий партия ва ҳаракатлар йўлбошчилари “социалистик инцилоб” ташқаридан келган сиёсатчилар қўли билан, маҳаллий аҳоли иштирокисиз амалга оширилганидан огоҳ этдилар.

Петроград ва Тошкентда большевикларнинг ҳокимиятни эгаллагани ҳақидаги хабар жойларда турлича қабул қилинди. Тошкентта қарама-қарши мазмундаги телеграммалар кела бошлади, уларнинг баъзилари ушбу воқеани маъқуллади, бошқалари эса салбий муносабат билдириди.

Мусулмои йўлбошчиларининг муносабатини миллий матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолалар бўйича билиш мумкин. Жумладаи, “Хуррият” газетаси октябрь тўнтаринининг дастлабки кунлариданоқ “Россиядан хабарлар” рукнида мамлакатдаги сиёсий вазият ҳақида хабарлар берди. А. Фитрат “Сиёсий ғоялар” мақоласида шундай ёзади: “Хозирда туркистоңликлар учун ҳаммадан муҳими ҳаракатлар йўлини белгилаб олишдир... Большевиклар ва Керенский ҳукумати тарафдорлари озодликни ҳимоя қилиб самодержавияга қарши чиқаётган экан, бу айнан мусулмонлар манфаатларига тўғри келадики, улардан бири-

бизнинг томонига ўтиш ва бошқасига қарама-қарши туриш әхтиётизлик ва ақлсизлик бўлур эди". Фиграт туркистонликларга бетараф бўлишини таклиф этади, "Айнан шу йўл энг хавфсиздир". У тарафлардан ҳар бирига мурожаат қилиди: "ҳозирча бирортангиз бизнинг ўз миллий ҳуқуқларимизни тортиб олиш фикрига келмаган экансиз, биз сизнинг душманингиз бўлмаймиз. Биз, мусулмонлар, бирортаңгизни ёмон кўрмаймиз ва ҳеч кимни ҳимоя қылмаймиз" ("Хуррият", 1917, 7 ноябрь). Шундай мазмундаги фикрлар бошқа миллий демократларнинг дунёқарашида ҳам учрайди.

Айни шайтда Тошкентда юзага келган вазиятдан ташвиишга тушган ўлка демократик ташкилотлари 2 ноябряда **Муваққат** ўлка ҳукуматини ташкил этиш масаласига багишланган бирлаптан мажлисни ўтказди. Мажлис аъзоларнинг бир қисми қамалган, бир қисми қочиб яшринган, **Туркистон** Муваққат қўмитаси билан биргаликда дарҳол 9 кишидан иборат Туркистон ўлка ижроия қўмитасини ташкил этиш фикрига келди; улардан уч вакил ишчи ва солдат депутатлари ўлка Советидан, иккى вакил крестьян депутатлари ўлка Советидан, бир вакил мусулмон депутатлари ўлка Советидан, бир вакил эсэрлар партияси МҚдан, бир вакил социал-демократлар партияси ўлка бюросидан сайланди. **Қўмитада** 21 кишидан иборат кенгайтирилган демократик **кенгаш** ташкил этилди, ундан атиги 2 ўрин ўлка мусулмонлари Шўросига ажратилди ("Туркестанский курьер", 1917, 4 ноябрь).

7 ноября Туркистон ўлка ижроқўми 15 ноябряда барча демократик ташкилотлар ҳамда солдат, ишчи, крестьян, қурғиз ва мусулмон депутатлари Советлари, социалистик партиялар ўлка съезди, шунингдек, шаҳар Думаси чақирилажагани билдириб ўлканинг барча шаҳарларига телеграмма орқали хабар юборди.

III ўлка Советлари съезди арафасида бир қатор муҳим воқеалар рўй берди. 12 ноября Тошкентда ўлканинг турли шаҳарларидан келган мусулмон делегатлар иштирок этган шаҳар ўз-ўзини бошқарув вакиллари съезди ўз ишини бошлидади.

Шу куни Россияда Таъсис Мажлисига сайловлар бошлидади. Улар 75 сайлов округларида бир неча ҳафта давом этди. Ёш цензи ҳарбий хизматчилар учун 18 ёшни ва фу-

қаролар учун 20 ёшни ташкил этди. Мулкий, ўгроқлик, са-
водхонлик ва бошиقا цензлар кўзда тутилмади, хотин-қизлар-
га тенг сайлов ҳуқуқи берилди. Шуни таъкидлаш лозимки,
сайловлар ҳали Россиянинг ҳамма районларида Совет
ҳокимиияти ўрнатилмаган бир шароитда олиб борилди.

Туркистонда Таъсис Мажлисига сайловлар ўтказилмади,
бунга афтидан сентябрь воқеалари ва Октябрь тўнтариши
натижасида юзага келган потинч вазият сабаб бўлди. Бироқ
Таъсис Мажлисига мусулмонлар номзодлари рўйхати эълон
қилинди. Жумладан, Самарқанд вилоят мусулмонлари съезди
(1917 йил 28—30 октябрь) қарори билан Таъсис Мажлиси
делегатлари рўйхатига Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдураҳ-
мон Фарҳодов, Тошиӯлат Абдулкомил ўғли, Султон Ўрипбай
ўғли, Садри Маҳсудий, Никольский, Камолиддин Хусаинов-
лар киритилди (“Ҳуррият”, 1917, 7 ноябрь).

12—15 ноябрда ўтказилган “Турли мусулмонлар гу-
руҳларининг бирлашган мажлиси” ўша кунлардаги сези-
ларли воқеалардан бўлди. Мазкур мажлисда кўзда тутил-
ганидан кўп иштирокчилар қатнашгани учун унга III ўлка
мусулмонлари съезди мақомини берини зарур деб топилди.

Миллий мусулмон ташкилотларининг йўлбоғчилари
ўлка аҳолисининг кўп миллатли таркибини ҳисобга олиш-
да доимо демократик тамойилларга риоя қилиш фикрини
үқтирилдиар.

Масалаи, Маҳмудхўжа Беҳбудий 10 ноябрда Самарқанд
шаҳар Думаси мажлисида сўзга чиқиб, 32 кишидан иборат
Туркистон Муваққат ҳукуматини ташкил этиш таклифи-
ни киритди, унга 6 вакил вилоятлардан (1 вакил солдат ва
ишчи депутатлари Совети, 2 вакил европалик ва 3 вакил
маҳаллий аҳолидан) ва 1 вакил ўлканинг барча яҳудий
аҳолиси ҳамда 1 вакил барча арман аҳолисидан кири-
тиладиган бўлди (“Свободный Самаркан”, 1917, 17 ноябрь).

Тошкентда 15 ноябрда ишчи, солдат ва крестьяни деңу-
татлари Советининг III ўлка съезди ўз ишини бошлиди. Да-
влат ҳокимиияти тузилиши ҳақидағи масала унинг диққат
марказида турди. Съезд қизғин баҳслар уйғотди, унда етакчи
сиёсий бирлашмаларининг ўлка келажаги ҳақидағи фикрла-
ри тутал ойдинлаши.

Ўзоқ ваёт совет тарихи фанида съезд иши бузиб ёри-
тилди. Фақат Ўзбекистон давлат мустақиллигига эри-
шиш кунларига келибгина унинг қарорларини объектив

талқын этиш имконияти туғилды. Ҳозирги пайтта келиб, съезд якунлари янги назарий-услубий қарашлар нұқтаи назаридан бақоланувчи бир қанча чуқур илмий тадқиқотлар яратылған. Бунда шу нараса асослы таъқидланадықи, унинг қарорларида европалик жамоалар, айниқса, большевиклашған ишчи ва солдат делегатлари орасыда ҳукм сурған улут давлатчилик-шовинистик кайфиятлар күп акс этган.

Ленинчилар ижтимопи бекарор бўлған ишчи ва солдатлар қўлида жамланған реал қуролли кучга эга бўлгани учун ҳокимият тепасига келишлари мумкин эди. III ўлка съездиде 15 кишилик Халқ Комиссарлари Советини (ХКС) сайлади, унга большевиклар ва уларга ҳамфир бўлған эсэр-максималистлар кирди. Туркистанда совет ҳукуматининг биринчи бошлиғи большевик Ф. Колесов Ленинга шопшилинич телеграмма юбориб, унда ўлка ХКС “сизнинг барча декретларингизни ҳаётга татбиқ этишини ўз вазифаси сифатида қўяди” деб хабар беради⁶⁸. Бу билан янги ҳокимият органларининг большевистик марказга қатъий йўналғанлиги таъқидланади.

Тадқиқотчилардан бири “маҳаллий инқилобий ҳокимиятнинг ташкилий тамойилларини тасдиқлаган Советларниң III съездиде Декларацияси большевистик “ҳукмдорлар”нинг сиёсий башарасини ёрғин кўрсатиб берди” деб ёзади⁶⁹. Унинг моддаларидан бирида шундай дейилади: “Ҳозирги пайтда мусулмонларни ўлка инқилобий ҳокимиятнинг юқори органларига жалб этиш маҳаллий аҳолининг солдат, ишчи ва крестьян депутатлари ҳокимияттига муносабатининг тўлиқ воаниқлиги муносабати билан ҳам, маҳаллий аҳоли орасыда пролетар синфи ташкилотлари йўқлиги учун ҳам ножонидир”.

Советлар съездиде сўзга чиқсан уламочилар йўлбошчи-си Шерали (Серали) Лапинининг нутқида ўлка маҳаллий аҳолисининг Туркистанда миллий-демократик давлатчиликни қайта қуриш йўлидаги нұқтаи назари атрофлича ифодалаб берилди. У октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки кунларда бўлиб ўтган мусулмонлар съезди қарорига талниб, большевистик якка ҳокимликни ўрнатишга қаратилған ва кенг мусулмонлар оммаси иштирокини инкор этувчи Советлар қўлига ҳокимиятнинг ўтишига йўл қўйиб бўлмаслигини асосли равишда кўрсатди. Унинг қайд этишча, мусулмонлар “агар ўлкада фақат бир инқилобий де-

мократия ҳукмронлик қылса, бу билан келишмайдилар". Шерали Лапин шунун таъкидладыки, "мусулмонлар ўзига бутун ҳокимиятни талаб этиши мумкин эди, бироқ келгиди упсурларга ён берип, уларнинг вакилларини ҳокимиятга қўймоқда". Нотиқ огоҳлантирилди, "мусулмонлар ҳокимиятнинг бошقا ташкилотларида иштирок этмайдилар", чунки "мусулмонларнинг йўли мустақил — у Қуръон ва шариат қондаларида кўрсатилган. Шу боис улар рус сиёсий партияларида бироргасига қўшилолмайди, бироқ барча халиқ ташкилотларига таяниб, мамлакатни Тайсис Мажлисига олиб келувчи ҳокимиятни қўллаб-қувватлайди" - ("Свободий Самаркан", 1917, 25 ноябрь).

Большевистик "ҳукмдорлар"нинг халиқа қарши қартилган бундай сиёсати жавобсиз қолмади. Миллий ҳуқуқларни зўравонлик билан камситиш йўли миллий порозилик шаклларини юзага келишига, миллий озодлик ҳаракатининг ҳар томонлама фаоллашувига олиб келди. 1917 йил ноябрь охирларида Туркистон Мухториятининг тайсис этилиши маҳаллий аҳоли озодлик ҳаракатларининг ёрқин намойинши бўлди.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ – ЖАДИДЛАР МИЛЛИЙ-ДЕМОКРАТИК ФОЯЛЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Туркистон маҳаллий аҳолисининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашга бўлган сиёсий иродаси, Совет ҳокимиятига қарши кескин порозилиги IV Фавқулодда Туркистон ўлкаси мусулмонлари съезди қарорларида ўз аксини тоғди. У 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўз ишини бошлади. Съездга таклифномалар анча олдиндан юборилди. Бироқ улар почта-телеграф хизматчиларининг чўзилган иш ташлапши (забастовкаси) туфайли жойларда кечикиб олинди.

Газеталарда съезд ҳақида олдиндан эълон берилиши бу вазиятда қўл келди. Барibir, турли сабабларга кўра съездга айрим вакиллар келолмади. Бироқ улар съездномига юборилган хат ва телеграммаларда унга ўз муносабатини билдиришибди ("Улуг' Туркистон", 1917, 8 декабрь).

Мусулмонлар қурултойи очилиши арафасида 25 ноябрь кеч соат еттида "Шўрои Исломия"нинг Қўқондаги қароргоҳида мажлис бўлиб ўтди. Унда мандат комиссияси ва

Хайъатнинг тахминий таркиби масалалари кўриб чиқилди. **Қуйидаги** асосий муаммоларни муҳокама қилишга қарор қилинди: Ўлкада бошқарув тизими ва Совет ҳукумати билан муносабатлар муассасаси; генерал Дутовнинг Советлар билац барча муносабатларни узиш ва режалаштирилаётган аксильбольшевистик Жануби-Шарқий Иттифоқ (ЖШИ) таркибига кириш таклифига нисбатан ўз муносабатини белгилаш; Туркистон ижроия қўмиталарига сайдовлар; Туркистон Марказий Мусулмонлар шўросини қайта сайдаш; Туркистонда қонуичилик ҳокимиятини яратиш, Туркистон Тавсис Мажлисини чақириш ва бошқалар (“Улуг Туркистон”, 1917, 8 декабрь).

1917 йил 26 ноябрда соат 12 да ташкилий бюро аъзоси Мустафо Чўқаев съездни очиқ деб ёълон қилди. Маңдат комиссияси аъзоси Тошқўлат Норбўтабеков иштирокчиларни делегатлар таркиби ҳақидаги маълумотлар билан танишитирди. **Бу** пайтга келиб съездда: Фарғонадан 150 киши, Сирдарёдан—22, Самарқанддан—21, Каспий ортидан бир, Бухородан тўрт нафар делегат қатнишаётган эди. Кейинчалик съезд иштирокчилари сони 250 кишига яқинланганди (“Улуг Туркистон”, 1917, 8 декабрь).

Делегатлар орасида шаҳар Думаси вакиллари ҳам, татарларнинг Туркистон бюросидан ҳам, ўлка яхудий ташкилоти — Паолей Сиондан ҳам, шунингдек, маҳаллий яхудийлардан ҳам вакиллар иштирок этди. “Мазкур съездни, — деб ёзди “Улуг Туркистон” газетаси, — фақат “мусулмон” съезди эмас, балки Туркистон халқлари съезди деб аташ лозим”. Ўлка мусулмон ишчилари, крестьянилари, солдатлари депутатлари Шўросининг органи бўлган “Ишчилар дунёси” журнали шундай қайд этади: “Съездда Туркистон ўлкасиning ҳар бир жамияти, иттифоқи ва миллий шўролари вакиллари йигилгани учун, у ўлканнинг 10 миллионли мусулмон аҳолиси мағфаатларига жавоб берувчи қарорларни қабул қилишга ваколат ҳуқуқига эга бўлди. (“Ишчилар дунёси”, №1, 1918 йил, 4 январь”). Советларнинг III ўлка съезди шовинистик қарорларига қарама-қарши Улароқ мусулмон қурултойи ўз ишининг барча босқичларида чинакам байнамилалчиллик тамойили, ўлканнинг кўп мислатини, шу жумладан европалик қисми аҳолиси мағфаатларини ҳисобга олишдан келиб чиқди. Бундай инсон-шарварлик ёндашви IV мусулмон қурултойи очилган пайт-

даноқ намоён бўлди. Жумладаи, Маҳмудхўжа Беҳбудий съезднинг ҳуқуқий асосга эгалиги ҳақидаги иштида шуни алоҳида таъкидладиши, “съездда Туркистоннинг европалик аҳолиси вакиллари иштирок этаёттани учун ҳам съезд қарорлари яшада обрўлишидир” (“Туркестанский вестник”, 1917, 9 декабрь). М. Беҳбудий съезд ҳайъатига турли мусулмон, рус, яхудий ва ҳоказо гуруҳлардан вакиллар киритилишини таклиф этди. Ундан кейин сўзга чиқсан Қўйсон вакили Обиджон Маҳмудов ҳам “ҳайъатта сайловларда вилоят ва айrim диний ҳамда миллий гуруҳлар бўйича эмас, балки билимдои ва ишчан кишиларни ташлани асосида киритиш” зарурияти ҳақида гапирди (“Улуг Туркистон”, 1917, 8 декабрь).

Музокаралардан сўнг 13 кишидан иборат ҳайъат сайлашта қарор қилинди. Сўнг унинг таркибига номзодларни белгилани учун 15 дағиқалик танаффус ёлон қилинди. Танаффусдан сўнг съезд ҳайъати очиб овоз бериш йўли билан қўйидаги таркибда сайланди: Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўкаев, Юрали Агаев, Серикбай Акаев, Соломон Герцфельд, Обиджон Маҳмудов, Ислом Шоаҳмедов, Кинчичинбоев, Камол қози, Абдул Бадин, Абдураҳмон Ўразаев, Тилиев, Каримбоев. Уч кун мобайнида съезд иштирокчилари Туркистон ўлкасининг бўлгуси сиёсий тузилиши ҳақидаги ўз қараниларини белгилаб олишиди, булар съездда қабул қилинган ҳужжатларда ўз аксини тоғди. Хусусан, 27 ноябрда қўйидаги мазмунида декларация қабул қилиниди: “Яшасун Туркистон Мухторияти!

Туркистон мусулмонларининг тўртиинчи фавқулодда қурултойи Туркистон ўлкасида бўлған халқларниң хоҳидилари бўйинча русия инқилоби тарафида берилган асосларга биноан фидиратсия асосига қўрулған Русия жумҳурияти ила бирликда қолғани ҳолда Туркистонни ерлик мухторияти, яъни “территориальний автономиялик” ёлон қиласадур.

Бу мухториятнинг не суратда вужудга қўйилмоғини яқин орада йигиладурғон умумтуркистон халқининг Учредительний Собраниясига (Туркистон мажлиси муассасаси) га топшурадур.

Шунинг ила баробар Туркистон ўлкасида ақаллият ташкил қиласан мислатларининг ҳуқуқларининг ҳар жиҳатидан сакланилмоғини ҳам тантанали суратда баён этадур” (“Улуг Туркистон”, 1917, 8 декабрь).



پاشاسوون تۈركىستان مختارىتى!

تۈركىستان سالانلارى نىڭ دور توچىنى فوق المعاوه و قۇرۇتىنى
تۈركىستان اوكلەسىيە بولغان خالق لارنىڭ خواهشى
لىرى بويىچىچىك روسىيەن قىلاپى طرفىدىن بىرلىگان سالان
بىنار فىدىرىتىسىسا سىگە قورولغان روسىيەمە بورىتى ايلە
بىرلىكىدە قالغانى حالدە تۈركىستاننى يىرىكىي مختارىتىلى يېنى
((تىرىزىتىر يالىنى آفان ئۆمىيەك)) اعلان قىلادور .

بۇ مختارىت نىڭىن صورتىدە وجود قويۇما غىنى ياقن آرااد
سېخىلادورغان عموم تۈركىستان خالقى نىڭىن چىرىتىلىنى صابزىچىكى

(تۈركىستان جىلسىن مۇخسۇسانى) گىنا بشورا دور
شۇ نىڭىل يە بىاپتىر تۈركىستان اوكلەسىيەن قانىتىشكىل قىلغان
ملت زىڭىچىقلىرى نىڭىن ھىجىدىن باقلانىما غىنى يەم ئەننى
صورتىدە بيان ايتىر دور . ((شهر خوقىد))

تىرىزىتىر ۱۹۱۷ مىيلادىيە ۲۵ نىمسىز ۱۳۳۶

28 ноябрда ташкил топган давлатнинг номи “Туркистон Мухторияти” деб аталадиган бўлди. Ҳокимият таркиби эса қуийдагича шаклланиши лозим эди: Таъсис съезди чақирилгунга қадар ҳокимият тўла равишда Туркистон Мувакқат Кенгаши ва Туркистон Халиқ (Миллий) Мажлиси қўлида жамланади. Мувакқат Кенгаш аъзоларидан 12 кишилик ҳукумат тузиладиган бўлди. Туркистон Мувакқат Кенгаши аъзоларининг сони илгари Бугуирсия Таъсис Мажлисига Туркистон ўлкасидан сайланган номзодлар сонига қараб аниқланди (32 киши) (“Эл байроги”, 1917, 22 декабрь).

Халиқ мажлиси (унга 54 ўрин белгиланди) таркибидан шаҳарлар маҳаллий бошшармаларидаш ҳам 4 вакилга ва ўлкадаги турли европалик ташкилотларининг вакилларига 18 ўрин ажратилди. Шундай қилиб, учдан бир ўрин ўлкадаги барча аҳолининг 7 фоизини ташкил этган европалик аҳоли вакилларига берилди.

Ташкил этилаётган ҳукумат таркибига турли миллий гуруҳлар вакилларининг қатнашиши мўлжалланди. Айни пайтда Туркистон Таъсис Мажлисига сайловлар ҳақида Гизом лойиҳасига мувофиқ 234 ўрин бўлиб, у икки гуруҳга — мусулмонлар ва номусулмонларга ажратилиши кўзда тутилди. Европаликлар бу ерда ҳам учдан бир ўринни әгаллади.

Туркистон Мухториятининг Мувакқат ҳукумати таркибига мухториятчилик ҳаракатининг фаол иштирокчилари кирди. Қуйидаги кишилар ҳукумат аъзолари бўлдилар:

1. Муҳаммаджон Тимишаев — бош вазир, ички ишлар вазири, 2-чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, Мувакқат ҳукумати Туркистон комитетининг аъзоси, йўл муҳандиси.

2. Ислом Султон Шоаҳмедов (Шогиаҳмедов) — бош вазир ўринбосари, Бугуирсия мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

3. Мустафо Чўқаев — Туркистон Мусулмонлари Марказий Шўрөси раиси, ҳуқуқшунос.

4. Убайдулла Хўжаев — ҳарбий вазир, Бугуирсия Мусулмонлари кенгаши МК аъзоси, ҳуқуқшунос.

5. Юрали Агаев — ер ва сув бойликлари вазири, агроном.

6. Обиджон Маҳмудов — озиқ-овқат вазири, Қўйон шаҳар Думасининг раис ўринбосари, тог-кон саноати мутахассиси.

7. Абдураҳмон Ўразаев — иччи ишлар вазирининг ўринбосари, ҳуқуқшунос.

8. Соломон Абрамович Герцфельд — молия вазири, ҳуқуқшунос.

Айни пайтда, Мувакқат ҳукумат таркибига ишма учун 12 омас, балки 8 киши кирди, деган табиий савол туғилади. Чунки яна 4 киши — европалик аҳоли вакиллари ичдан номзодлар кўрсатилгач, қайд итилиши кўзда туғилтая эдя ("Улуг Туркистон", 1917, 8 декабрь).

Ёш миллӣ-демократик давлатининг ҳукумати билан бир ёаторда Миллӣ Мажлис таркиби ҳам аниқланди, унинг таркибига қўйидагилар кирди: Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Тошибулатбек Норбӯтабеков, Садриддинхон Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Ҳожинов, Исматулла Убайдуллии, Саидносир Миржалилов, Серали Лапин, Саид Жигъфарбой Саидов, Ислом Султонўғли Шоҳмедов, Абдураҳмонбек Ўразаев, Ҳидоятбек Юраги Агаев, Носирхонтўра Камолхонтўраев, Миродил Мирзаҳмедов, Тониҳўжа Ашурхўжаев, Абдулаҳодир Қушбегиев, Обиджон Маҳмудов, Жамишадбой Қорабеков, Соломон Абрамович Герцфельд, Абдусамад Абдуслимов, Убайдулла Дербисалин, Мусо Акчурин, Мустафо Мансуров, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Иброҳим Дашибин, Муҳаммаджон Тимишиев, Халил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Камол қози Раҳмонбердиев, Алихонтўра Шокирхонтўраев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров ва бошқалар.

Съезд томонидан Туркистон Мухторияти эълон қилиниб, давлат тузилмалари шаклланаш бошлагани улкан аҳамиятли воқеа бўлди. Буни айниқса "Улуг Туркистон" газетаси атрофличи баҳолади. Газета бу воқеани шарҳлар экан, шундай ёзди: "Ҳатто большевиклар ҳукуматининг доҳийиси Ленин ҳам ўзининг сўнгти декретидан Россияда яшаган миллатлар ва шул жумладан қозоқлар ила Туркистон мусулмонларига мухторият эълон қилиб, ўз ишларини қўлларига олурга мумкин бўлганилигин баён этди. Шуалиқдан букин Туркистон съездининг Туркистон Мухториятини эълон қилиши ҳам халқ, ҳам марказ ҳукуматининг тилагига хилоф туғулдир. Зотан, сўнгти вақтда майда миллатлар ҳаммаси мухторият эълон қилиб ёталар. Нуфуслари бошқаларга қарагонда юздан етмиш беш бўлғон (75 фоиз) миллатлар ерлик мухторият эълон қилурга ҳақли эдилар. Сўнгги

қоидаларға күра издан олтмис ташкил құлған (60 фойз) миляттарда мухторият әйлон қылувга ҳақын санаға бопладилар. Ҳол шу ила юзға ташкил құлған (95 фойз) Туркестон мусулмонларининг Мухторият әйлон қилишиға ҳақындар борлығын ҳеч ким иикор қыла олмаса керак. Биздан вакыл чиқарылған әди ва ёхуд биз бұ ушни әртароқ күрамын деб күришпурда ўринисиз, ҳам мусулмон манфаатига хилофтур. Саккыз ойдан бери ерли Туркестоннинг мухторияты ҳақында сүйлаб келиб, келуб-да, бугун мухториятта қаршы чиңсалар ва ёхуд тасдиқ атмасдан мөнең бўлувга экан, бу иш мусулмонларининг бутун орига ва имон ва эътиқодларига қарши болта чопадиган сўз бўлажакдур. Мусулмонлар букин Мухторият әйлон қылар экан, бунинг ила ҳеч кимниң ҳуқуқига тегмаслар, бу билан Туркестон Русиядан асло айрилмай, балки унинг бир мустақиль аъзоси бўлиб қолади. Туркестонда яшаган рус, яхудий, армани ва бошиға ҳар милятта ўзининг ҳақи берилар. Улар ҳам Туркестон Мухториятининг тенг ҳуқуқли бир аъзоси бўлиб яшажаклар...”.

Айни пайтда, озодлик курашинининг узоқ тажрибаларидан сабоқ олған туркестонликлар озодлик осоилик билан қўлга киритилмаслиги, миляни ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлида тўсиқлар, очиқ ва яширии душманлар кам эмаслигини яхши тушунишарди. Мақолада ушбу фикр узвий ҳолда давом эттирилади: “Туркестонликлар... қон тўқилишидан сақлануб, мумкин қадар сабр қилурлар. Фақат шуни хотирадан чиқарурға ярамайдурки, Самарқанддан келған бир вакил съездда айтади: “Туркестоннинг ери — бизниң танимиз, суви — қонимиздир... Кимда-ким бу иккисига тегадурғон бўлса, бизниң танимиз билан қонимизға туқулғон бўлажак”. Шу боисдан Туркестон халқининг ҳуқуқига тажовуз қилинаверса, бунинг охирида шундай кўнгилсиз воқеалар бўлургага мумкинлар” (“Улуғ Туркестон”, 1917, 8 декабрь).

Умуммусулмон съезді томонидан Туркестон Мухториятининг ташкил этилиши ўлка бўйлаб катта шов-шувларга сабаб бўлди.

1 декабрда Наманган уездидан 10 мингта яқин киши иштирок этган намойиш бўлиб ўтди. “Яшасун мухториятли Туркестон ва унинг ҳукумати!” деб ёзилған байроқлар намойишчилари қўлида хилпиар әди (“Улуғ Туркестон”, 1917, 13 декабрь).

6 декабрда Жалолобод Волостидаги Хонобод қишлоғида

Мухторият ўриатилиши муносабати билан намойиш бўлиб ўтади. Бир печа мингдан ортиқ киши Фозилхон мозоридан то бозорга қадар йигилиб турди. Намойишда Абдулла эпон ва Ҳусейн Валидий нутқ сўзлашди. Улар халқу Мухториятнинг ташкил этилиши ва мақсадларини тушунтиришиди. Бу ерда янги ҳукуматга ёрдам учун 500 сўм миқдорда иона пули йигилди ("Улуг Туркистон", 1917, 20 декабрь).

7 декабрда Кўюн шаҳрининг 42 жамоат ташкилотлари вакилларининг қўшма мажлисида кўп миллионли Туркистон халқига самимий табрик йўлланди ("Улуг Туркистон", 1917 йил, 13 декабрь).

Самарқандда бўлиб ўтган вилоят Совети съездидаги Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлашга қарор қилинди ва халқ мажлиси таркибига 5 янги вакил сайланди ("Улуг Туркистон", 1918, 7 январь).

Касийорти вилоятида ҳам съезд чақирилиб, Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлашга қарор қабул қилинди ("Улуг Туркистон", 1918, 7 январь).

Миллий давлатчиликни қарор тошишини жўшқин муборакбод этиб, матбуотда таниқли маърифатпарварлар, диний, жамоат ва сиёсат арбоблари бирин-кетин чиқишилар қилиб, Мухториятин табриклидилар. Улар орасида Беҳбудий, Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Кабир Бакиров, Ислом Шоахмедов ва бошқалар бор эди.

1917 йилнинг 6 декабрида Тошкентдаги Жомеъ масжидида ўтказилган намойишда жами — 60 минг киши қатнашиди. "Улуг Туркистон" газетасида ёзилишича, "Масжиднинг ички саҳни ва томлари одам билан лиқ тўлган эди". Намойиш Саидғани Маҳдум раислигидаги ўтди. Мунаввар қори билан Шерали Лапин унинг муовинлари эди. Газетада айтилишича, йигилганлар Мухториятни бир овоздан маъқуллаб, буидан бўён Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукуматидан бошқа ҳеч қандай ҳукуматни тан олмасликлари ҳақида қарор қабул қилишиди. Сўнгра намойиш қатнашчилари "Оллоҳу акбар" дея ҳайқириб, Халқ Мажлисига содиқ қолишга қасамёд қилди.

Намойишда сўзга чиққан Миён Бузрук, Мунаввар қори, Мулла Одил, Шерали Лапин ва бошқалар Совет ҳокимиятига бўлган муносабатларини ҳам билдиришиди. Газетанинг ёзилишича, Халқ Комиссарлари Советининг шаҳар Думаси-

ни тарқатыб юбориниң ҳақидағы бүйргүнни “бугунғи күнде мұтлақо мүмкін бўлмаган ҳодиса”, деб баҳоланды. Чунки, “300 минг кини номидан демократик йўл билан тўрт босқичли сайлов ҳақидағы қонунга мувофиқ сайланган Ташкент Думаси аъзолари ўрнига 700—800 солдат ва ишчилар Александров боғида сайланган 4—5 комиссар билан алмаштирилган, холос” (“Улуг Туркистон”, 1917, 8 декабрь).

Намойиш иштирокчилари Туркистон Мухториятiga қарши чиққан ва мусулмон бойларида мавжуд бўлган мануфактурани мусодара қилишини талаб қылган мусулмон ишчилари ва уларниң касаба үюнмасини танид қилдилар. Уларниң фикрича, “мусулмон ишчиларининг рус болышевиклари билан яқинлашуви мусулмонларнинг маидаатига зиддир”.

Намойиш якунида бир овоздан қўйидағи қарор қабул қилинди: “Биз, мусулмонлар синф ва даража айрмалари га қарамай, Туркистон Мухториятини олқишилаган ҳолда, Кўқондаги фавқулодда съезд тарафидан эълон этилган Туркистонда халиқ ҳукуматини вужудга келтириш ҳақидағи қарорга бутун вужудимиз билан қўшилиб, ишонамизки, буюк Россия инқилоби тарафидан эълон этилган ҳокимият ҳақидағи тамоилилар асосида Россия бирлашган демократияси Туркистон халқи тарафидан бир оғиздан баён этилган тилагига қўшилур ҳамда бирга истиқол йўлида қадам босиша ва ўз кунимизни ўзимиз кўра бошлишда ёрдам этар.

Шунга имон этган ҳолда биз ўлқадаги ҳамма мусулмонларни Мухториятли Туркистон ҳукумати атрофида жиислашиб, ҳозирги ўлка идораси бошида бўлиб турган мувакқат ташкилотлар билан қандай бўлмасин душманларча муомала қилувдан сақлашишга даъват қиласиз.

Туркистон Мухторият амалий суратда тезроқ вужудга келиш учун типчлик ва тотувликни сақлашимиз керак. Тонки шунинг орқасинда ўзаро сўғиши (уруш — С. А.) ва бугундан эътиборан ҳур бўлган Туркистоннинг бир тўғон каби халқларимиз орасида гуноҳсиз қон тўкилмасин.

Яшасун Мухториятли Туркистон!” (“Улуг Туркистон”, 1917, 10 декабрь).

Туркистон халқининг мухторият учун олиб борган курashiда 1917 йил 13 декабрда бўлиб ўтган фожиали воқеалар туб бурилиш нуқтаси бўлди. Шу кунини инқилобдан сўнг Туркистон заминида илк марта халиқ қони тўкилди.

Туркистон Мухторияттининг Мувакқат ҳукумати Мав-
луди-шариф байрами куни, яъни 13 декабрни "Туркистон
Мухторияттининг миллий жамгармасига пул йигит куни"
деб ўзлон қанди ҳамда бу маблағ мустақиллик ва озодликкни
мустаҳкамлашга хизмат қилишини билдири.

М. Тимашаев, С. Герцфельд, И. Шоахмедов, А. Ўразаев
ва яна бир қатор ҳукумат аъзолари имзо чеккан "Му-
рожаатнома"да съезд қарорлари ва ҳукуматтинг яқин иш
режалари хусусидаги маълумотлар билан бирга, бутун
Туркистон аҳлига чақириқ ҳам бор эди. Унда, жумладан,
қўйидагилар қайд этилди: "Туркистоннинг барча фуқаро-
лари — мусулмонлар, руслар, яхудийлар, солдатлар ва
дехқонлар, ўлқада яшаб турган барча элатлар ва халқлар,
шаҳар ва земство бопшармалари, сиёсий, ижтимоий ва ка-
саба уюшималари, барча давлат, жамоат ва хусусий муасса-
салар Туркистон халиқ ҳокимияти атрофида бирлашиб унинг
зиммасига юкланган вазифаларни ҳаётта жорий этишда
кўмак беришга чақиради. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган
даражада ваҳимали урушилар гулдураги остида бутун жаҳон-
га ўт кетай деб турган бир маҳалда дунё халқлари ўз озод-
ликларига замин яратадилар. Инсон қони билан тўйинган
ер кўкларга қараб оҳ чекади ва ҳориган инсон кучсизла-
шиб қонли қиличини қўйи солади. Одамзоднинг ақлсизлиги
илоҳий онг олдида тан беради ва шундай кун яқинлашаш-
дарки, бутун ер юзида тинчлик барқарор бўлиб, дунё халқ-
лари мавжуд куч ила бузилган ҳаётни қайта барни этишга
киришадилар... Мана энди, занжирлардан халос бўлган
Туркистон ўз ерига ўзи хўжайин бўлиб, тарихини ўзи яра-
тажак вақт кеяди. Бизларнинг олдимизга қўйилган маса-
лаларнинг ишоятда масъуллиятли ва улугворлигин англа-
шланган ҳолда, ўз ишнимизнинг ҳақлигига жуда чуқур ишонган
ходда биз Аллоҳу таолодан ўз меҳнатларимизга ривож сў-
раймиз ва ишга киришамиз".

Байрам арафасида Тошсоветга Эски шаҳар аҳолиси
номидан митинг ва намойишни ўтказиш учун ариза тушди.
Гошсовет қарорига кўра, митинг ва намойиш Тошкент-
да шаҳарда ўтказилиши маъқулланиб, Янги
ахборотига кўра, "Тошсовет бу билан мусулмон
холисининг кенг оммаси рус аксилиниқилобчи тўдалари-
нинг найрангларига учиб, кўр-кўронга равишда жабрдийда

бўлиб қолмаслигининг олдини олган” (“Наша газета”, 1917, 15 декабрь).

Тошсоветга мухолифатда бўлган куч — Тошкент шаҳар Думаси ҳам унга катта ташвиш билан тайёрланмоқда эди. У 9 декабрда Туркистон Мухториятининг ўлон қилинишига багишлаб ўтказиладиган намойиш муносабати билан шаҳарликларга мурожаатнома қабул қиласиди. Унда бўлғуси намойиш тинч ва осойишталик билан ўтиши кераклиги, қора гуруҳлар шаҳар аҳолиси, айниқса солдатлар орасида бу намойиш гўё русларга қарши деган маънода ёлғон-яшиқ гаплар тарқатиб улгургани айтилиб, халқча шундай мурожаат этилади: “Фуқаролар! Ҳушёр бўлинг! Ҳалқ душманлари тарафидан уюстирилган иғволарга ишонмагиз. Қора кучлар руслар билан мусулмоиларни талашибурга тилайдилар. Намойиш фақат тотувлик узрина ясалажак. Шунга кўра, Сиз, фуқаролар, рабочий, солдат, рус ва мусулмоилар бу намойишни табрик ила қарши олингиз. Чунки ҳақиқий демократлар ҳаммаси бир кипи туфайли мухторият ва ҳалқуларининг ўз турмушларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилишига қарши чиқмаслиги керак” (“Улуг Туркистон”, 1917, 13 декабрь).

13 декабрь куни эрталаб соат бешда эҳтимолдаги тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида ҳарбий қисмлар ўрда яқинида Эски шаҳарга ўтиладиган йўлларни беркитди. Шу куни эрта тоңдан Эски шаҳар байрам қиёфасида эди. Ҳар тарафдан, кўча ва тор кўчалардан Шайхонтоҳур масжиди томон гуруҳ-гуруҳ одамлар оқиб кела бошлиди. Соат 12 ларда кўнг минг кишилик йигин тўшланди. Ҳукмрон партияларнинг раҳбарлари ва Совиарком аъзолари митингга кўшилди (“Улуг Туркистон”, 1917, 13 декабрь).

Шаҳарнинг руслар яшайдиган қисми ҳам гавжум эди. Эрта тоң билан бу ердан ҳам жуда катта гуруҳ “Туркистон ўлкасига Мухторият!” шиори ёзилган байроқ билан кела бошлиди. Бу, шаҳардаги рус жамоатчилиги вакиллари эди. Улар Шайхонтоҳур масжиди томон юриб, мусулмоиларни табрикламоқчи эди. Ҳарбийлар уларни ўтказиб юборади. Соат 9 дан 30 дақиқа ўтганда ўрда кўпрги олдида яна бир тўда пайдо бўлади. Уларнинг сони 2—3 минг кишига етарди. Ҳарбийлар қон тўқилмаслиги учун буларни ҳам ўтказиб юборади. Улар ҳам Шайхонтоҳур масжиди олдидағи намойиш сафига қўшилади.

Воззвание

ко всѣмъ гражданамъ и гражданкамъ автономнаго
Туркестана отъ Туркестанскаго Землячества
1-го Туркестанскаго армейскаго корпуса.

13-го декабря сего года въ честь АВТОНОМИИ Туркестана, туземное населеніе рѣшило устроить МАРШУЮ МАНIFESTАЦІЮ. Теперь, когда въ европейской Россіи не вездѣ еще прекратилась гражданская война, мы, члены семьи автономнаго Туркестана должны приложить всѣ свои силы къ тому, чтобы въ этотъ величайшій день не раздался ни одинъ выстрѣлъ ни съ какой стороны. Но пролилась, въ этотъ исторический день Российской Революціи, ни капля крови, ибо этотъ праздникъ является праздникомъ не только для туземного населения края, но праздникомъ соціалистовъ всѣхъ странъ, ишущихъ на своемъ знамени „САМООПРЕДѢЛЕНИЕ НАЦІЙ“.

До сего времени не существовала ни одна соціалистическая партія, которая не признавала бы самоопределѣнія народовъ и этотъ лозунгъ являлся всегда лозунгомъ соединяющимъ национальныя партіи и группы въ одну общую армию — армию пролетариата и крестьянства.

Пусть этотъ день явится днемъ соединенія подъ знаменемъ самоопределѣнія націй къ будущему великому соціалистическому строю и праздникъ этотъ да будетъ праздникомъ всего трудового народа автономнаго Туркестана.

Такъ подадимъ другъ другу руку и скажемъ:

„ДА ЗДРАВСТВУЕТЪ АВТОНОМНЫЙ ТУРКЕСТАНЪ“

„Делегація Землячества“.

Туркистан ҳарбий қисмларынинг
Туркистан Мухторияти фуқароларига мурожаати

“Улуг Туркистон” газетаси бундан кейинги воқеалар ҳақида шундай ёзади: “Намойишга мусулмонлардан ташқари руслар, яхудийлар, арманилар, шунингдек, большевиклардан бошقا турли ижтимоий-сийесий ташкилотларнинг вакиллари ҳам чиқишиди. Тўйланганиларниң боши узра 100 га яқин қизил-мовий ва япил байроқлар хилширади. Намойишни Мунаввар қори очди. У йигилганларни муборак кун билан табриклади. Руслар орасидан намойиш вакиллигига доктор Шортц сайланади. Тошкўлат Норбўтабеков ва Садриддин Маҳдум котибликка сайланади. Бу ерга йигилган муллалар Қўръондан суралар ўқишиди. Намойишида турли ташкилот ва уюшмалар вакиллари путқ сўзлади. Улар маърузаларида ўзларини халиқ комиссарлари деб атаган большевикларниң хатти-ҳаракатларидан порозиликларини билдиришиди” (“Улуг Туркистон”, 1917, 16 декабрь).

Айнан шу пайтда тўйланганилар орасидан ғаламислар чиқиб, “ўзларининг оташли шутқизларида йигилганларни қамоқхонага бориб, собиқ Муваққат ҳукумат комиссарни Т. И. Доррер ва ҳибсдаги бошқа кипшиларни озод қилиш, сўнгра ҳокимиётни қўйла олишга чақира бошлапди” (“Наша газета”, 1917, 15 декабрь). Ана шу чақириқлардан ташсирланган бир гуруҳ намойишчилар ўрда кўпригидан ўтиб, Москва кўчаси бўйлаб Янги шаҳар томони йўл олишиди.

Ҳарбийлар тўқишаушув юз бермаслиги учун намойишчиларни ўтказиб юборишга мажбур бўлишиди. Бироқ, Янги шаҳарга ўтгач, намойиш тинч юрши ҳолатини тезда йўқота бошлади. Намойишчилар орасидаги бир гуруҳ зобит ва амалдорлар шаҳар соқчилари бошлиги Гудовични гаров учун қўйла олишиди. Шундан кейин одамлар тўдаси қамоқхона томони юрди. Доррер ва Ивановлар озод этилди. Улар автомобилга ўтказилиб, намойишчилар кузатувида Кауфман боғи (ҳозирги Амир Темур хиёбони) га йўл олишиди. Солдатлар Доррер ўтирган машинани тўхтатмоқчи бўлганида оломон ичидан ўқ отила бошлади. Кейинчалик солдатлар ўзларини тутиб тура олмай, аввал милтиқлардан, сўнгра пулемётлардан ўт очишган. Эски шаҳарлик 16 киши ушбу тўқишаушув қурбони бўлган. Доррер ва Иванов большевиклар томонидан ушланиб, отиб ташланган.

15 декабрь куни Туркистон Мухторияти йўлбошчилари бу воқеалар юзасидан ўлканинг барча фуқароларига маҳсус мурожаатнома билан чиқишиди. Унда жумладан қўйидагилар

айтилади: “Биз Халқ Мажлиси ва Туркистон Мухторияти Мұваққат ҳукуматининг аъзолари чин юракдан таассуф билдирамиз ва туркистонлик мусулмонларнинг эзгу ҳистайғуларини ҳақоратловчы бу воқеаларга қарші чиқамиз. Ана шу муносабат билан бізлар мамлакатда тартиб ва осойишиналык үрнатылышты учун зарурый чоралар күрилиши йўлида барча кучларимизни ишга соламиз. Ҳозирча эса Туркистон халқидан событийлик ва хотиржамлик күрсатишларини сўраймиз. Бу энг оғир кунларда мусулмонларнинг тинчликни сақлаб қолишлари ниҳоятда зарурдир” (“Улуг Туркистон”, 1917, 20 декабрь).

Мазкур воқеалардан сўнг Туркистоннинг большевистик ҳукумати марказининг тегишли буйруғини олишга иштилип Петроградга қўйидаги телеграммани юборади: “Кўқонда реакцион буржуазия сипти томонидан тайёрланган мусулмонлар съезди Туркистон Мухториятини эълон қилиди, Туркистоннинг пролетар оммаси томонидан тан олинмайдиган мухтор ҳукумат айрим шаҳарларда Мухториятини эълон қилишга бор кучи билан тайёрланмоқда. Шу йил 13 декабрда Мұхаммад пайғамбар тутилган кунда Тошкентда Мухторият эълон қилинди”. Уша пайтда ўлка ХКС раиси бўлган Ф. Колесов марказдан фармойиш сўради (“Наша газета”, 1917, 15 декабрь).

Марказдан “жойларда ҳокимият сиз ўзингизсиз, демак, сиз ўзингиз буйруқларни ишлаб чиқинг” деган мазмунда жавоб келади. Бироқ бу миллий ўз тақдирини ўзи тўлиқ белгилаш баённомалари билан чиқсан большевикларнинг сиёсий обрўсига соя соглани учун ленинча раҳбариятнинг одатдаги алдамчи нағранги эди. Марказ “ифлос” ишни маҳаллий ҳокимиятлар қўли билан бажаришини афзал кўради.

Маҳаллий большевистик ҳокимият тузилмалари марказдан аниқ кўрсатма олмай, ўзини бирон-бир йўл билан оқлашга ҳаракат қилди ва шароитни барқарорлаштириш мақсадида ҳаммаёқда шундай деб тушунтириши: “Халқ Комиссарлари Совети маҳсус қарор қабул қилди ва уни ижроқўм тасдиқлади. Бу ҳужжатта асосан Туркистон Таъсис съезди чақирилади. Фақат унинг ўзигина Туркистон ўлкаси Мухториятини эълон қилишга ҳукуқлидир” (“Наша газета”, 1917, 15 декабрь).

Бироқ туркистонлик коммунистлар ҳокимиятни “онгиз миллатчилар” қўлига бериб қўйишни хоҳлашмасди. Айни

пайтда, большевистик ҳокимият “мухториятчилар”ни бо-сиб қўйиш учун садоқатли ленинчилар сафларидан ўз-ўзи-ни ҳимоя қилиш гуруҳлари, ишчи дружиналари, йирик ҳар-бий бўлинмаларни тузга бошилади.

Большевикларниң иккюзламачилик сиёсати Туркистонда мухторият учун миллӣ ҳаракатнинг раҳбарларига яхши маълум эди. Шу жиҳатдан У. Хўжаевнинг IV мусулмон съезди иш кунларида нутғи диққатга сазовордир. У большевистик ҳокимият томонидан миллӣ масаланиң ҳал этилини истиғболларига баҳо бериб, шуни ҳақиқоний таъ-кидлаган эдики, “Россияда ҳақиқий ҳукумат йўқ, собиқ Россия ҳудудида яшовчи барча миллатлар узурпатор—большевиклар билан курашга отланган, бугуrossия Таъсис Мажлисини чақиришга ҳеч қандай умид йўқ ”⁷⁰. Маҳаллий большевикларниң террористик сиёсати Туркистон Таъсис Мажлисини чақирини ҳақидаги ваъдалар фақат қуруқ гап эканини кўреатарди. Фақат Туркистон Мухториятини мустаҳкамлаш йўли билангина кўзланган озодликка эришини мумкин эди. Шу жиҳатдан олганда энг асосийси кенг халиқ оммаси, демократик сиёсат, партия ва ҳаракатларни фаол қўйлаб-кувватланишни таъминлаш, шунингдек, халқдан ишонч майдатини олини йўли билан шаклланаштган давлат ту-зилмасини қонунийлаштириша кўринди. Мусулмон ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг I фавқулодда съезди шу талабларга жавоб бериши керак эди.

Бу съезд 1917 йил 25 декабрда Кўёнда очилди. Унда Туркистонда ҳокимият ва бошқарув шаклини белгилаш кўзда тутилди. Маълумотларга кўра съездда 200га яқин вакил қатнашди: 93 киши — Фарғона вилоятидан, 40 киши — Самарқанд вилоятидан, 30 киши — Сирдарё вилоятидан, 5 киши — Каспийортидан, 4 киши — Бухородан ва ҳоказо. Съезд иштирокчиларининг таркиби эса “Улуг Туркистон” газетаси хабарига кўра қўйидагича эди: “Мусулмон меҳнаткашлар — 100 га яқин, хизматчи ва крестьянлар — 10, фақат крестьянлар — 10, мусулмон солдатлардан — 16, ишчилардан — 2, хусусий жамиятлардан — 5, вилоят шўроларидан — 1, сартароп — 1, талабалардан — 6 киши”. Бундан ташқари, унда шаҳар ишчи ва солдат ташкилотлари, крестьян жамиятлари, бир қатор вилоят советлари вакиллари иштирок этди (“Улуг Туркистон”, 1918, 4 январь).

Съезд очилишини Туркистон ўлкаси ҳарбий шўроси раҳ-

бари Ориф Клевлеев қутлади. Мұваққат Халқ Мажлиси томонидан Ислом Шоаҳмедов ва эсэр Миңнер нүтқ сұзлади. Қозон мусулмонларининг ҳарбий Шўроси вакиلى солдат Ислам Убайдуллининг, Кавказ мусулмонларидан Пир Мурсизода, Самарқанд ишчи ва солдат депутатлари Совети вакиلى Пономарёв, Қўйғон уезд комиссари Акаев, Тошкент ҳарбий шўроси аъзоси Султонов, Қўйғон шаҳар ҳокими ўринbosari Обиджон Маҳмудов ва бошқалар ҳам табрикланди.

Съезд қатнапчилари 13 декабрда ҳалок бўлганилар хотираси учун Қуръон тиловат қилдилар. Шундан сўнг делегатлар ҳайъат таркибини сайлангига кириди. Унинг таркибига жумладан Абдулла Авлоний ва Санкар Асфандиёров киритилди.

Бир неча кунлик баҳслардан сўнг съезд 1917 йил ноябрь ойида умуммусулмон съездидан тузилган Мұваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлани, унинг таркибига мусулмон ишчи, солдат ва крестьян депутатлари съездидан сайланган вакилярни киритишга қарор қилди. Шуни таъкидлани лозимки, ўша кунларда съездда В. И. Ленин ҳузурига маҳсус вакиляр юборили масаласи ҳам муҳокама этилди. Зотан, совет ҳокимииятининг раҳбари шахсан ўзи туркистоныларга мухторият қандай бўлишини тушунтириб беради деб умид қилинди. Бироқ съезд охир-оқибатда Петрограддаги Халқ Комиссарлари Советига телеграмма йўллайдиган бўлди.

1917 йил 27 декабрь куни жўнатилган телеграммада шундай дейилади: “Халқ Комиссарлари Совети эълон қилинши шиорлар Туркистонда жорий этилмоқда. Бугун Туркистон халқи иккала съездда Туркистон Мухториятини бир овоздан эълон қилди ва Туркистон Таъсис Мажлисига ўлкани бошқаришининг сўнгти шаклини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Барча шаҳарлар ва қишлоқларнинг турли ташкилотлари намойиш ва қарорларида Мухторият эълон қилинганлигини қўллаб-қувватламоқда. Сайланган Халқ Мажлисида руслар ва европаликларга, улар гарчи шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг 2 фоизини ташкил этса-да, биз томонимиздан 33 фоиз ўрин ажратилган. Биз халқларининг урушига чек қўйилиши, анексия ва контрибуциясиз сулҳ тузилишига бир овоздан қўшиламиз. Мусулмон ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг I фавқулодда съезди Халқ Комиссарлари Совети томонидан Туркистон Мухториятининг мустаҳкамланиши учун ҳақиқий чоралар кўрилди, шу билан

биргалиқда халықтарнинг ўз тақдирини ўзи белгилап ҳақидағи шиорларнинг қатынйлығы ва бунга чин дилдан интилаёттасылғын намойиш этади деб ишонади. Туркистон мусулмон ишчи, солдат ва деңқоп депутатларининг I фавқулодда съездіда қабул этилган қарорни юбориб, сизлардан Россия Демократик Республикасынинг олий җокимиятты Туркистон Мұваққат ҳукуматига тошириш түгрисіде фармойиш беришингизни сұраймиз, бу билан Туркистонни жуда катта фалокатта олиб келувчи бебошлиқ ва құш-жеке җокимиятчиликнинг олди олинади” (“Ишчилар дүнёси”, 1918, №2, 22—23-бетлар).

Марказий Совет ҳукуматида миллатлар ишлари бүйінча комиссар бўлган И. Сталин 1918 йил 5 январда бу талаб хатига Құйғондаги Туркистон ҳукуматига берган жавобида: “Тошкентдаги комиссарияти Советини йўқ этиши ҳақида Петроградга мурожаат қилишининг эҳтиёжи йўқ, агар комиссарияти истамасангиз, уни куч билан йўқота оласиз”, — деб ёзди. Сталин Туркистон Мухторияттининг қўлида куч йўқлигини яхши биларди. Тошкентдаги Совет ҳукумати эса Туркистон Мухторияти ҳукуматини ўзи учун хавфли деб билди ва қандай бўлмасин уни йўқотиш учун тайёргарлик бошлади.

Тошкентдаги совет җокимияти вакиллари Құйғондаги воқеаларни диққат билан кузатибина қолмай, балки унинг ривожига ўз таъсирини ўтказишга урина бошлади. Жумладан, ушбу съездда нутқ сўзлаган большевик П. Г. Полторацкий Туркистон ўлкаси Советларининг бўлажак съезди ҳақида маълумот берар экан, унда Туркистон Мухторияти масаласи кўрилишини маълум қилди ва фикрини давом эттириб айтдики, “биз камбағалларнинг мухториятига қарши эмасмиз, бироқ биз бойларнинг мухториятига қаршимиз. Биз мухторият учун курашар экамиз, буржуазия қўлидаги җокимиятни ўзимиз учун эмас, балки ишчи синфи ва камбағаллар манфаати учун тортиб олдик. Биз җокимиятни рус буржуазияси қўлидан мусулмон буржуазияси қўлига тошириш учун тортиб олганимиз йўқ. Биз уни ишчи ва солдат депутатлари Совети учун қўлга олдик. Биз мусулмон меҳнаткашларини ўз тарафимизга қўшилишлари учун ишлаб келдик ва ишлайверамиз”⁷¹. “Бироқ, — деб қайд этади Мустафо Чўқаев, — Полторацкийнинг сўзларига ҳеч ким

ишонмади, чунки Туркистанда Совет ҳокимияти асосга эга эмаслиги очиқ-равшан бўлди”⁷².

Полторацкийнинг нутқидан сўнг съезд маҳсус қарор қабул қилди. Унда шундай дейилади: “Мусулмон ишчи, деҳқон ва солдат депутатларининг съезди қўйидагиларни, яъни:

1) Туркистан Халқ Комиссарлари Совети бутун аҳоли, айниқса унинг мусулмон қисми орзу-истакларининг информасиси эмаслиги;

2) Туркистан ўлкаси халиқларининг иродаси иккى мусулмон съездларида Мухторият эълон қилиншида ифодаланганлиги;

3) Туркистанда ягона ҳокимият органи умуммусулмон съездидан тузилган ва мусулмон ишчи, деҳқон ва солдатлар съездидан тўлдирилган Туркистан Мухторияти ҳукуматигина бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб, ҳокимиятини Туркистан Халқ Комиссарлари Советидан Мухторият ҳукумати ва Халқ Мажлисига дарҳол тоғишириш истагини билдиради, чунки мазкур съезд Мухтор Туркистаннинг барча демократик вакилларидан ташкил тоғлан ва бутун пролетар фикрини ифодалайди; Халқ Комиссарлари Совети томонидан 18 январда чақирилаётган солдат, ишчи, крестьян, қирғиз ва мусулмон депутатлари Совети ўлка съезди мазкур масалани муҳокама қилиш учун ортиқчадир деб ҳисоблайди”⁷³.

Ўлка съезди шуни ҳам таъқидлайдики, Туркистан мусулмонларининг IV фавқулодда съезди буржуазия съезди бўлди деган, большевиклар томонидан айтилган гаплар ҳақиқатга тўғри келмайди, зотан 27 ноябрдаги съезд умуммусулмонлар съезди бўлиб, унда бутун аҳоли вакиллари қатнашди.

Шундай қилиб, Туркистан Мухториятининг Халқ Мажлиси ва ҳукуматига тўлиқ ишонч билдирилди. Мухтор ҳокимиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилингач, П. Г. Полторацкий ва унга қўшилган вакиллар гуруҳи съездни ташлаб чиқиб кетди.

“Миллӣ Шўро”, яъни Бутунrossия мусулмонлари Шўроси ижроқўми мухториятчиларининг шаклланган миллӣ демократик давлат раҳбарияти сифатида тан олиши ҳақида ги талабларини қўллаб-қувватлади.

Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлайдиган қарорларининг муҳимлигини тан олган ҳолда шуни таъқидлаш лозимки, унга бўлган муносабатлар турлича бўлиб қолаверди. Агар

туркистонлик сўл эсэрлар ўзларининг иккинчи съездидаги (1918 йил, 8—10 январь) Муваққат мухтор хукуматни нафакат қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қиласа, балки Халиқ Мажлиси таркибига ўз вакили Скомороховни делегат сифатида жўнатган бўлса, Тошкентдаги Жомеъ масжидида бўлиб ўтган митингда маҳаллий уламочилар мухтор хукуматни ташқид қилиб чиқишида ва “улар шу вақтгача бизнинг маидаатларимиз учун ҳеч нарса қилолганий йўқ”, дея уни тан олмасликка қарор қабул қиласи. Бу хабар, “Улуг Туркистон” мухбири ёзишича, мусулмонлар орасида кенг тарқалиб, турли гап-сўзларга сабаб бўлган ва одамлар фикрларининг бўлинишига олиб келган. Одамлар: “Бу қанақаси бўлди! Аввалига “Уламо” бизни Мухторият учун қасамёд қилдирди, энди эса иега уига қарши бўлишга чақирмоқда?” ҳайратланишига сабаб бор эди, чуни унбу митингда бундан бўён Тошкентда алоҳида ўзига хос мухторият эълон қилиниб, унинг номидан иш кўришига қарор қилинди.

Бироқ 8 январдаги ўзининг маҳсус мажлисида ислом ҳуқуқшуносларининг “Фуқахо” жамияти “Уламо”нинг хатти-ҳаракатини “ақлга сигмайдиган ва шариатга зид иш” деб ҳисоблади (“Улуг Туркистон”, 1918, 11 январь).

Тошкент Уламочиларининг Туркистон Мухториятини тан олмасдан, ўзларига бошقا бир “Тошкент уламоси жумҳурияти” деб номланган мухториятни ташкил қилишга урингтанларидан хабардор бўлган Фарғона уламолари йигиншилаб, бу воқеани мұҳокама қилишади. Сўнгра Тошкент “Шўрон Уламо”сига мурожаат этиб, уни умумтуркистон иттифоқидан айрилмасликка чақиришади. Бу мурожаатномани Тошкентта машҳур уламочи қўқонлик Мулло Камол қози билан марғилонлик домулло Қосимхон қози етказишади. Мурожаатномада жумладан шундай дейилади: “Рус золимларидан халос бўлмак учун Туркистон аҳли ва унинг вакиллари Мухторият эълон қилдилар. Шундай мұхим ва масъулиятли вазиятда биз ихтилоф ҳолатида бўлишимиз яхши эмасдур. Муборак Ватанимизни ва динимизни саломатлиги иттифоқ ва иттиҳоддадир” (“Улуг Туркистон”, 1918, 26 январь).

Фарғона уламолари “Ҳадис”дан мусулмон уммати бирлиги тўғрисида айтилган сўзларни мисол келтириб, тошкентликларни Қўйонда ташкил топган Мухториятдан айрилмасликка, иттифоқ ва бирликка чақиридилар.

ишенмади, чунки Туркистонда Совет ҳокимияти асосга эга эмаслиги очиқ-равшан бўлди”⁷².

Полторацкийнинг нутқидан сўнг съезд мажсус қарор қабул қилди. Унда шундай дейилади: “Мусулмон ишчи, дехқон ва солдат депутатларининг съезди қўйидагиларни, яъни:

1) Туркистон Халқ Комиссарлари Совети бутун аҳоли, айниқса унинг мусулмон қисми орзу-истакларининг ифодачиси эмаслиги;

2) Туркистон ўлкаси халиqlарининг иродаси иккни мусулмон съездларида Мухторият эълон қилиншида ифодаланганилиги;

3) Туркистонда ягона ҳокимият органи умуммусулмон съездидан тузилган ва мусулмон ишчи, дехқон ва солдатлар съездидан тўлдирилган Туркистон Мухторият ҳукуматигина бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб, ҳокимиятни Туркистон Халқ Комиссарлари Советидан Мухторият ҳукумати ва Халқ Мажлисига дарҳол тоғизириш истагини билдиради, чунки мазкур съезд Мухтор Туркистонининг барча демократик вакилларидан ташкил топган ва бутун пролетар фикрини ифодалайди; Халқ Комиссарлари Совети томонидан 18 январда чақирилаётган солдат, ишчи, крестьян, қирғиз ва мусулмон депутатлари Совети ўлка съезди мазкур масалани мұхқама қилиш учун ортиқчадир деб ҳисоблайди”⁷³.

Ўлка съезди шуни ҳам таъкидлайдики, Туркистон мусулмонларининг IV фавқулодда съезди буржуазия съезди бўлди деган, большевиклар томонидан айтилган гашлар ҳақиқатга тўғри келмайди, зотан 27 ноябрдаги съезд умуммусулмонлар съезди бўлиб, унда бутун аҳоли вакиллари қатнашди.

Шундай қилиб, Туркистон Мухториятининг Халқ Мажлиси ва ҳукуматига тўлиқ ишонч билдирилди. Мухтор ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилингач, П. Г. Полторацкий ва унга қўшилган вакиллар гурӯҳи съездни ташлаб чиқиб кетди.

“Миллий Шўро”, яъни Бутунrossия мусулмонлари Шўроси ижроқўми мухториятчиларининг шакланган миллий демократик давлат раҳбарияти сифатида тан олиш ҳақидағи талабларини қўллаб-қувватлади.

Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлайдиган қарорларининг мұхимлигини тан олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, унга бўлган муносабатлар турлича бўлиб қолаверди. Агар

туркистонлик сўл эсәрлар ўзларининг иккинчи съездидаги (1918 йил, 8—10 январь) Муваққат мухтор хукуматни нафақат қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қылган, балки Халқ Мажлиси таркибига ўз вакили Скомороховни делегат сифатида жўннатган бўлса, Тошкентдаги Жомеъ масжидида бўлиб ўтган митингда маҳаллий уламочилар мухтор хукуматни танқид қилиб чиқишида ва “улар шу вақтгача бизнинг манфаатларимиз учун ҳеч нарса қылолгани йўқ”, дея уни тан олмасликка қарор қабул қилди. Бу хабар, “Улуғ Туркистон” мухбири ёзишича, мусулмонлар орасида кенг тарқалиб, турли гап-сўзларга сабаб бўлган ва одамлар фикрларининг бўлининига олиб келган. Одамлар: “Бу қанақаси бўлди! Аввалига “Уламо” бизни Мухторият учун қасамёд қилдирди, энди эса нега уига қарши бўлишга чақирмоқда?” ҳайратланишига сабаб бор эди, чунки ушбу митингда бундан бўён Тошкентда алоҳида ўзига хос мухторият эълон қилиниб, унинг номидан иш кўришига қарор қилинди.

Бироқ 8 январдаги ўзининг маҳсус мажлисида ислом ҳукуқшуносарининг “Фуқахо” жамияти “Уламо”нинг хатти-ҳаракатини “ақлга сигмайдиган ва шариатга зид иш” деб ҳисоблади (“Улуғ Туркистон”, 1918, 11 январь).

Тошкент Уламочиларининг Туркистон Мухториятини тан олмасдан, ўзларига бошقا бир “Тошкент уламоси жумҳурияти” деб номланган мухториятни ташкил қилишига урипганларидан хабардор бўлган Фарғона уламолари йигилишиб, бу воқеани мұхокама қилишади. Сўнгра Тошкент “Шўрои Уламо”сига мурожаат этиб, уни умумтуркистон иттифоқидан айрилмасликка чақиришади. Бу мурожаатномани Тошкентта машҳур уламочи қўюшлик Мулло Камол қози билан марғилонлик домулло Қосимхон қози етказишади. Мурожаатномада жумладан шундай дейилади: “Рус золимларидан халос бўлмак учун Туркистон аҳли ва унинг вакиллари Мухторият эълон қилдилар. Шундай мухим ва масъулиятли вазиятда биз ихтилоф ҳолатида бўлишимиз яхши эмасдур. Муборак Ватанимизни ва динимизни саломатлиги иттифоқ ва иттиҳоддадир” (“Улуғ Туркистон”, 1918, 26 январь).

Фарғона уламолари “Ҳадис”дан мусулмон уммати бирлиги тўғрисида айтилган сўзларни мисол келтириб, тошкентликларни Қўқонда ташкил топган Мухториятдан айрилмасликка, иттифоқ ва бирликка чақиридилар.

“Улуг Туркестон” газетаси таҳририяти шу муносабат билан ўз шарҳини эълон қилди: “Бутун Туркестон бирлашган ҳолда динимиз ва миллатимиз ривожланишига ҳамда мухторият мустаҳкамланишига иштилаётган бир пайтда, ўйлаймизки, турли зиддият ва жанжаллар ҳар ҳолда Ислом манфаатларига хизмат этмайди”.

Шулардан фикр қилини мумкинки, бу келишмовчиликлар Туркестон Мухториятининг бундан кейинги тақдирига муайян даражада салбий таъсир кўрсатди.

Ўша кунларда “Наша газета” мусулмонларнинг кўп минг кишилик митинги ҳақида ҳикоя қилиб, у қабул қилган қарорда “йигилганлар ўзбошимча Мувакқат ҳукумат ҳокимиятини тан олмайдилар” деб баён этилганини таеддиқлади (“Наша газета”, 1918, 10 январь).

1917 йил декабрида тинч намойиш бостирилгандан сўнг Советлар жойларда ўз ҳокимиятини ўрнатишни тезлатишга кирипди. Улар Каспийорти вилоятини ўз ҳокимияти остига олди ва туркман ҳарбий бўлинмаларини тарқатиб юборди. 1918 йил январда улар Эрондан Урал ва Сибирга қайтган бир неча казак полкларини қуролсизлантириди⁷⁴. Бу хатти-ҳаракатларга жавоб сифатида 7-Сибирь ўқчи заҳира-даги полк, 18-тўплар батареяси ва бошқа казак қўшина-рининг биргаликдаги чақириғи тарқатилди:

“Мана, З ойдирки, жиноятчилар, очиқдан-очиқ талончилар ва беор сафсатабозлар тўдаси ўлкада ҳокимиятни эгаллаб олди. Бу, колесовлар, полторацкийлар, пендисицианлар, фроловлар ва унга ўхшаганлардан иборат тўдалар большевизм инқоби остида бир қатор қотилларлар, талончилик ва мол-мулкларни тортиб олишларни амалга ошириди, ўзининг жиноятчилик фаолиятига фуқаро, ишчи ва солдатларнинг онгиз қисмини жалб этиб, барча фуқаролар, айниқса мусулмонлар кўзи ўнгидан ёрқин, олижаноб инқи-лобимизни шарманда қилди. Ўзларини халқ комиссарлари деб атаган бу одамлар, тўғрироги халқ нуllibарини “еб” ётганлар ва бутун Туркестонга машҳур бўлган ўтилар ўлкамизни хонавайрон қилди ҳамда бизни оренбурглик казаклар билан биродаркушлик урушига тортди. Бутун ўн миллионли ўлка халқи очиқдан ўлишга маҳкум бўлган. Мусулмон биродарларимизнинг юз минглаб аёллари, кексалар ва болалари очиқдан қийналиб ўлаётганда уларни лаънатламоқда ва биз, рус кишилари, қотил колесов айби билан одамлар

Улаёттанига хотиржам қараб тура оламизми? Бу, тошкентликлар тұдаси ҳатто әркін казакларға қарши қўйл күтариб, улардан қурол тошпирини талаб этди. Бундаш шармандағарчилукка чидаш мумкинми? Солдат ва қызил гвардиячиларни фронтлардан уйларига тиңч қайтаёттап казакларға қарши юборған тошкентлик мұттақамлар бир халқыннан, бир ватаниннан болаларни бир-бириға қарши күтарды. Бироқ Самарқанд гарнизони Колесовнинг қоныли чақириқларини тушунди. Тиңч казакларға қарши уруши қылмади, балки улар билан бир оила бўлиб, ўлкада қарор тошган бебошлиқка чек қўйини ва аҳолини очикдан ўлишдан қутқарни учун биргаликда ҳаракат қилингана кириши. 27 январда бутун Самарқанд гарнизони солдатлари Еттисув, Оренбург ва Сибирь казак қўшинлари эшелонлари билан биргаликда бирлашган мажлиседа ўз уйларига тарқаб кетишга қарор қылди. Биз ўз ҳаётимизни барпо этиш учун уйга кетяпмиз ва Россиядан ажралмас Туркистон ўлкаси ҳам ўз ҳаётини әркін ва хотиржам барпо этишини истаймиз. Бизнинг кўзимиз очылди ва Колесов тұдаси бизни қаандай жар ёқасига олиб борганини тушундик. Ўтган йили Тошкентда 13 декабрда отилган тиңч мусулмонларниң қоны, ўтилар ва қотиллар тұдасининг бу зўравошлигига чек қўйилишини қаттиқ талаб этмоқда. Кимки, инқилоб, озодлик, Россия учун бўлса, у биз биландир. Биз барча фуқароларни озодлик ва инқилоб байроби атрофига жинслапашинга чакирамиз. Йўқолсин ўланнинг қотиллари ва золимлари.

Яшасин инқилобий халиқ, инқилобий қўшини ва Туркистон Мухторияти⁷⁵.

Бу чақириқномадан ҳам кўриниб турибдики, Туркистонда большевиклар ҳокимијити ҳатто собиқ иттилоғчилари бўлган люмпенлалашган солдатлар орасида ҳам ўз обрў-эътиборни тобора йўқота борди. Оддий кишилар орасида демократик давлатчилик тамойилларига таянган миллатлараро бирлик ва тотувлик ғояси изчил равишда мустаҳкамланди.

Большевистик янги ҳокимијат тузилмалари мавқеининг пасайини шунга олиб келдик, ҳукумат можаросини куч ишилатиши йўли билан баргарраф этишга уриинишларга қарамай, Қўқондаги Мухтор Муваққат ҳукумат Тошкентга бўйсунмади ва бир-бирини рад этувчи қонунлар чиқарган ҳамда уларниң бажарилшини талаб қўлган ҳолда параллел иш олиб борди. Туркистонда моҳияттан олганда иккى ҳокимијат-

чилик көзага келди. Бирок бөльшевиклар Құқон ҳукумати таъсири доирасини чеклаш үшін Түркестон Мухторияттің тутатыш учун фаол ҳаракат қыладыған құдратлы ҳарбий күчта ұлалы әга әмас әди.

Аммо, Қызыл гвардия томонидан 1918 йил 19 январда Оренбургнинг этапланиннің Москва билан алоқасы вақыттыңда яхшиләди ва Түркестонға борадыған Ыұлдан очди. Шундан кейин Тошкенттегі үзиниң қурол-ярғы билан таъминланы имкониятига әга бўлди⁷⁶.

Бундан руҳланган Тошкенттегі Совет ҳукумати 31 январдаги Советларнинг ўлка съездидә Құқондагы ҳукуматни тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилди.

Шундан сүнг Қызыл гвардиячилар австро-венгр ҳарбий асирлари ва маҳаллий арман бирлешмалари (дашноқлар)дан ташкил этилган ҳарбий қисмлар Құқон томони йўл олди.

Тинч йўл билан ҳокимиятни олишга ишонган Түркестон Мухторияті үзиниң ҳимоя қылишга етарли тайёр бўлмади. Шунга қарамай, мухториятчилар совет қўшиллари ҳужумини уч кун қайтарди. Улар қўлга тушган нарасалар—таёқ, болта, кетмон, ошиичноқ, тошлар билан қуролланган әди.

“Түркестон—туркестонликлар учун!” шиори билан чиққан мухториятчилар муқаддас уруш—ғазавот әълон қилдилар ва вилоятлардан ёрдам кутдилар. Бирок, афусеки, мухториятчилар бошқа жойлардан етарли даражада ҳарбий ёрдам олишимади.

Айнан шу пайтда, 1918 йил январи охиirlари—феврали бошларыда совет ҳокимияті томонидан кучли босим таъсирида Мухторият тарафдорлари хатти-харакатлари хусусияти шаҳар совети тузилмалари билан тинч-тотув яшашдан ҳарбий қарама-қаршиликка боришга томон ўзгара бошлади. Құқон совдепи мухториятчиларнинг қуролли қўзғоловга тайёргарлик кўраётгани белгиларини қайд этди. Шаҳар ҳокимияті бунга совуққонлик билан қаролмасди, чунки ундағы ҳарбий қалъя 16 кишилик рота томонидан қўриқланган әди, холос. Бу қарама-қаршилик очиқдан-очиқ жанговар ҳаракатларга айланы бошлади. 29 январдан 30 январга ўтар кечаси совет ҳокимияті томонида турган ҳарбий қисмлар Құқондагы мухтор республика ҳукумати билан курашни бошлаб, моҳияттан, Россияда биринчи бўлиб фуқаролар урушини бошлади⁷⁷.

Бу воқеа арафасида Құқон шаҳар совети пленуми иш-

тирокчилари Мухторият ҳукуматидан 1918 йил 9 январда Құқонда ташкил этилган қарнйб 2 минг кишилик миilliй құшынни дархол қуролсизлантириші ва тарқатиб юборишини талаб этиш ҳақида қарор қабул қылды (“Ұлуг Туркестон”, 1918, 21 январь).

Айни пайтда, Туркестон үлкәси ХКС Тошкент, Наманған, Самарқандда шаҳар Думаларини тарқатди. Собиқ генерал-губернатор канцеляриясын тутатди, “буржуа” газеталарини ёнди. Пакта захираларини мусодара этди, нефть қазиб чи-қарыш, балиқчилик саноати, “Хива” кемачиilik жамияті, барча босмахона ва типографияларда миilliйлантириши-ни ўтказди, ФК (фавқулодда комиссия) ташкил этди, дин давлатдан ва мактаб диндан ажратылғанлыгини зылоң қылды.

“Құқон мусулмон аҳолиси рус ва арманларни қыргын қылиб, шаҳарнинг европалыклар яшайдиган қисмінін вай-рон этди”, — деган атайин тарқатылған миши-мишилар большевистик советларга содиқ ҳарбий бўлинималар орасида мусулмонларга қарши қаҳр-ғазаб уйғотишга сабаб бўлиб хизмат қылды. Құқон ҳукумати эса бор-йўғи бир неча ҳарбий қилемлари ва қиптоқ отлиқ солдатларига таянарди.

Мухториятчилар 11 февралдан 12 февралга ўтар кечаси оқ ғвардиячилар ёрдамида Құқон қалъасига ҳужум уюптириди. Уларнинг бошқа бир қуролланған қисми телефон станциясын эгаллаб олди. Аммо Құқон ҳарбий инқилюбий қўмитаси (Ревком) телеграф ва телефон алоқаси узилгунга қадар содир бўлаётган воқеа тўғрисида Тошкентта хабар бериш ва ҳарбий ёрдам сўрашга улгурған эди. 13 февраль кечаси соат учда Фарғонадан 4 та замбарак ва 4 пулемёт билан қуролланған 120 дан ортиқроқ кишилик ҳарбий қисм етиб келди. Шу туининг ўзидаёқ инқилюбий қўмита Мухторият ҳукуматига талабнома йўллаб, куидузги соат учга қадар қурол-яргани тошириш ваколатларидан воз кечиб, Совет ҳукуматини тан олиши шартини қўйди. Мухторият аъзолари большевиклар талабини жавобсиз қўйдирдилар. Шундан кейин инқилюбий қўмита Мухторият ҳукумат аъзоларини ҳибсга олиш тўғрисида қарор чиқарди.

Ушбу шароитда Туркестон Мухторияти раҳбарлари Ревкомни музокара олиб боришга таклиф этди. Мухториятчилар шартлари қўйидагича эди: шаҳарни биргаликда бошқарувчи орган тузиш, албаттa, таркибида мухториятчилар вакиллари ортиқ бўлиши керак; қалъани бу ор-

ган назоратига топшириш, милициядан бошқа ҳаммани қуролсизлантириш, үлкә ҳукуматининг шариатта зид декретларини маан этиши ва бошқалар.

17—18 февралда музокаралар давом этди⁷⁸. Шу чорда 18 февралда “Уламо” жамиятни ташаббуси билан Мухториятда тўнгариш юз берди ва бунинг натижасида Мустафо Чўқаев бошчилигидаги ҳукумат маҳкамаси ағдарилди. Шундан кейин бошқарув Қўқон милицияси бошлиғи кичик Эрганига ўтди. Туркистон Мухториятини ҳимоя қилини, уни большевиклар тажовузидан саклаб қолиш Эргани қўрбошига топширилди.

Бу тўнгаришдан сўнг, 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан Туркистон үлкаси ҳарбий комиссари Е. Л. Перфиљев бошчилигидаги ишёда, отлиқ ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон қўшини етиб кела бошлади. Совет қўшинилари Қўқонни уч тарафдан қўршовга олди. Артиллерия тўплари тўлиқ жанговар ҳолатга келтириб қўйилди.

19 февраль куни 10 дан 15 дақиқа ўтганда Эрганига талабнома (ультиматум) юборилди. Унда қуролни ташлаб, таслим бўлаш айтилди. Жавоб берини муддати 13⁰⁰ да тутар эди. 12 дан 45 дақиқа ўтганда жавоб олини — Эргани шартларини бажармаслигини айтди.

Перфиљев барча 12 та замбаракдан Қўқон аҳолиси устига ўт очишни, шу жумладан ёндирадиган снарийлардан фойдаланишини буюрди. Тинч аҳолини тўнга тутиш кундуз соат 1 дан бошланиб шомгача шаҳарни вайрон этиб ташлади. Аммо шунга қарамай, мухториятчилар таслим бўлмай, ҳар бир бинони, ҳар бир дўконни, ҳар бир карвонсаройни мардларча ҳимоя қиласидилар.

Эртаси куни — 20 февраль тоғидга вайрон этилган шаҳарга ишёда қўшувлар ва даптоқ (Дашкоқ — 1890 йилда Тифлисда тузилган “Дашнақцутюн” (“Иттифоқ”) арман миллий инқубобий партияси аъзоси. Дашибоқлар 1915 йилдаги турк-арман қирғинидан қочиб, Туркистондан паноҳ тошканлар — С. А.) ларнинг жанговар қисмлари кирди. Улар Эски шаҳарга бостириб кириб, ўғирлик ва мусулмон аҳлига зўравонлик қилиш билан шутулланди. Биринчи павбатда, маълумки, шаҳарлик бева-бечораларга, шунингдек, Қўқондаги беҳисоб ҳунарманд ва майдада савдогарларга шикаст етказилди. Эски шаҳардан қишлоқлар сари талпинган қочоқлар

оломони Фаргона вилоятининг қўшини уездларида гулгу-
лами кучайтириб юборди⁷⁹.

Ўша кунларда қамоққа олишлар ҳам бошлианди. Бунда
“Мувакқат ҳукуматига бирон-бир алоқаси борларни қамоқ-
қа олишди ва қалъага жўнатишди. Ордер (рухсатнома) би-
лан ва ордерсиз қамоққа олишди. Кўптина қамоққа олиш-
лар “ўзбошимчалик” деб тан олишди. Айрим қамоққа олини-
гандарни суд ва терговсиз отиб ташлашди”.

Туркистон Мухторияти ҳукумати 19 февралда ағдарили-
ди, бироқ шаҳарни талаш давом этди. Мавжуд бўлган узуқ-
юлуқ маълумотлардан шу нарса англандики, Мухторият
ҳукумати аъзоларида Ҳидоятбек Юрали Агаев, Миродил
Мирзааҳмедовлар қатл этилган, тасодифан омон қолган-
лари қамоққа олинган. Мустафо Чўқаев оловли ҳалқадан
чиқашга муваффақ бўлди. У аввало қўзғолончилар турган
жойга, сўнгра ёлгизликда тогли қыргиз тумашлари орқали
ўша йилларда мустақил бўлган Грузияга етиб олади ва дар-
ҳол Кавказ халқларининг демократик ҳаракатига қўши-
лади. Носирхонтўра большевиклар томонидан Намангандга,
С. Герцфельд Самарқандда, Обиджон Маҳмудов Бухорода
қўлга олиниади.

Убайдулла Хўжаев, Абдулхамид Сулаймон (Чўлон)

Кўқондаги воқеалар ҳақида Ашхободдан Самарқандга ке-
лаётганда, йўлда хабардор бўлишишади. Улар ўзларини ҳам
большевиклар қўлига тушганиларининг тақдиди кутаётган-
лигини англаб, йўлни ўзгартиришишади ва Оренбургга Аҳмад
Заки Валидий олдига йўл олишишади, у ўша пайтда Бошқир-
дистон автономиясининг ички ва ҳарбий ишлари билан қат-
тиқ банд эди⁸⁰.

Қўқон аҳолиси ваҳимага тушган ҳолда шаҳарни тарк
эта бошилади. Қўқон уч кун машъала бўлиб ёди. Уйлар,
газлама омборлари, ион дўконлари куйиб кул бўлди. Эски
шаҳарнинг учдан бири тўлиқ вайрон этилди. Қўқонда даҳ-
шатли манзара ҳосил бўлди.

Ҳамма ёқда ўзиклар ётибди. Уларнинг бир қисми куйиб
кетган. Айрим маълумотларга кўра, шу фожиали воқеалар
оқибатидан 10000 дан зиёд киши ҳалок бўлган. Шаҳарга
1918 йили келган инглиз капитани А. Брун уни ярим бўш
ҳолида кўрган. Унинг ёзишича, шаҳарни босиб олишда иш-
тирок этган немис, австриялик, венгр асиirlаридан ёлан-
ган солдатлар 100000 сўмдан ортиқ пулни ўмарипшган⁸¹.



Күкон. 1918 йил, февраль.

Совет тузуми бу ваҳшийликни қўрқитиш учун амалга ошириди, у марказининг розилигисиз “мухторият”ни Туркистонда ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзбошимчалик билан барно этмасин деган мақсадни кўзда тутди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Туркистон Мухторияти тор-мор этилгач, 1917 йил декабрида қозоқ миллий демократлари томонидан Оренбургда ташкил этилган Алаш-Ўрда автономияси ҳукуматининг тақдиди ҳам 1920 йил март ойида шундай бўлди.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ағдаришлини туркистонликлар тарафидан Россиянинг ўлкага ишбатан тажовузкорона режалари борлигининг янги далили сифатида қабул қилинди ва улар ўз Ватанларини босқинчилардан ҳимоя қилиши учун қўлда қурол билан кўтарилдиар. Шундан кейин, бу ёнгиги, бу оловлар қаъридан халиқ қаҳр-газаби, босқинчиларга нафрати, кўнгилга тугилган ўчи сифатида совет тарихи фанида “босмачилик” деб аталган ҳаракат қақнус қуш каби ёриб чиқди. Бу билан Туркистонда оммавий антисовет ҳаракати бошланди. Миллий озодлик кураши анъаналари давомини ўзида намоён этган мазкур ҳаракатнинг хусусияти ўша даврдаги “Туркистоннинг Россиядан озодлиги учун!”, “Золимларсиз Туркистон учун!”, “Туркистон—туркистонликлар учун!” каби сиёсий талабларида ёрқин намоён бўлди.

ТУРКИСТОНДА СОВЕТ АВТОНОМИЯСИННИГ ЎРИАТИЛИШИ: янги империяча мустамлака тузилмаларини тиқишишириш

Туркистон Мухторияти (Туркистон автоном республикаси)нинг 1918 йил февралида ҳарбий куч орқали тугатилиши миллий масалада зиддиятларининг чигал тугунини юзага келтирди. У большевикларниң маҳаллий аҳоли билан алоқаси йўқлигини очиқ-ойдин кўрсатди ва айни пайтда, минтақадаги миллий озодлик ҳаракатининг еткулигини намоён этди. 1918 йилнинг фожиали февраль воқеаларидан сўнг озодлик ҳаракати изчил равишда очиқ қуролли қаршилик шаклини ола бошлади. Ўлканинг туб аҳолиси ва уларнинг сиёсий йўлбошлилари большевикларнинг ҳукумат тузилмалари хатти-ҳаракатларида миллий менталитетта ёт бўлган давлатчиликни жорий қилиш учун ошкора интилишини яққол кўргач, миллий масалани тиич йўл билан ҳал этиш имконияти тугади, фақат қурол кучи

билаң мустақиллик ва озодлик ҳақидағы асрий орзуны амалға ошириш мүмкін, деган фикрга келдилар.

Миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш учун ҳаракаттинг шиддатлы тарзда көнгайышы, йиллар давомида етилиб борған гайри русий кайфияттар ва Россиядан ажралиб чакып учун бұлған кучли истек мамлакат ва ўлка раҳбарияты олдига миллий давлатчилик қурилиши совет амалиётини кескин тузатын зарурати масаласини күйдаланғ қылғыдай. Юзаки қараганда, бу борада ўзгаришлар юз бергаңдек туқолади. Ҳукумат қисқа муддатда мураккаб этник ажволни юмшатып, миллий озодлик курашининг кучайыб кеттеган оловини ўчириш учун яныг ҳокимияттинг миллий негизини бир қадар көнгайтириш, Туркистонга миллий мустақиллик хусусияттарини беришге уринди. Бироқ, миллий давлатчилик муаммосига ёндашишда ҳал қылувчи ўзгаришлар рүй бермади. Асосий режалар түзішде большевиклар раҳбарияты илгаригидек муаммога ёндашишда “юқори” даң “миллий давлатчилиқда ўз тақдирини ўзи белгилап”, партия-совет түзілмаларининг қаттиқұллук билаң назорат этиш қоидаларидан келиб чиқди. Бұvdай ”ўз тақдирини ўзи белгилаш” тұла-тұқис унитар совет давлатини яратишағысига бүйсундирилған бұлыб, унда синфий ёндашув мағкураси, “пролетариат диктатураси”ни мустаҳкамлаш устувор турар әди. Бошқача айтганда, большевик раҳбарлари Туркистоннинг келажагини ялпи унитаризмни күзда тутувчи коммунистик давлат қурилиши билаң мұттарынан болғаб келдилар; ленинчилар рус инчилар синфи раҳбарларыни иицоб қылғыдай, яныг империя—мустамлака түзілмаларини зёрлаб тиқшиттира бошладылар.

Тактика жиҳатдан қараганда Москвадаги большевик раҳбарлар ва Октябрь тұңтарының тұлқинненде юзага чиқыдан Туркистон раҳбарлари ўргасыда коммунистик гоялларни амалға оширишининг асосий масалалари бүйінча келишмовчилерлер сақланиб қолди. Маҳаллий большевикларнинг миллий масала бүйінча қараашлари “пролетариат диктатура-сы давлати”ни қуришининг маркесча қоидаларынға асосланған қўпол даражадаги буюк давлатчилик мөхияттини сақлаб қолди.

Туркистон Мухторияты тор-мор этилғаннан сүнг, Туркистон большевиклари марказий ҳокимият таъсирида Туркистонни Россия билаң мустаҳкам боғлашынин ягона во-

ситаси ўлка автономияси жорий этиш әкавлигини англай бошладилар. “Миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш” ишинг совет модели миллий демократларининг автономия талабларидан тубдан фарқ қылса-да қаршилик кўрсатиш давом этди. Маҳаллий большевик раҳбарлари Туркистон автономияси ҳақидаги масалани, у гарчи партия органларида бир неча бор муҳокама қилинган бўлса ҳам, ҳар томонлама чўзиб келдилар.

“Миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш” муаммоси айниқса Кўюн воқеалари кунларида долзарб хусусият касб этди. У 1918 йил 20—26 январида бўлиб ўтган ўлка Советлари IV съездининг динқат марказида турди. Съездда большевикларнинг дастурий муносабатини И. О. Тоболин баён қилиди. Маҳаллий большевиклар йўлбошчиси автономия гоясини ташки жиҳатдан қўйлаб-қувватлади. Бундан ташқари, у шуни ҳам таъкидладики, “фақат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги гаплар билан чекланиб қолмаслик лозим, кундаклик амалиётда бу гояни давом эттириш керак. Большевиклар контреволюция хоҳ рус, хоҳ маҳаллий буржуазия тарафидан содир этилишидан қатъи пазар, қўлда курол билан унга қарши курашади. Айни пайтда, улар халиснинг бу ҳудуд учун фақат автономия ҳуқуқи әмас, балки унинг тўлиқ ажralиб чиқини ҳуқуқини ҳам тан олади... Большевиклар Туркистон ҳудуди куч билан әгалланган, агар бу халқнинг референдумда ифодаланган иродаси Россиядан ажralиш бўлса, биз унинг ажralишига суворен ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқсан бўлар эдик”, дедилар⁸². Бироқ, охир оқибати Тоболин реал автономия жорий этишга қарши бўлиб чиқди. Миллий демократлар таклиф қилаётган автономиянинг ўринатилиши, Тоболиннинг кўзда тутишича, рус қўшиниларининг чиқиб кетишини тақозо этади, бу эса “инқилобга зарба бериш” бўлар эди. Чунки ҳушёр турган аксилиниқилобчилар шошилинч равишда ўз чораларини кўрган ва бутун ўлка аксилиниқилобий ҳокимијат остида қолган бўлур эди. Бошқача айтганда, туб аҳолидан чўчиган Тоболин ва уни қўйлаб-қувватловчи большевиклар рус наизаларига таянган режимни ўринатишга итилдилар.

Шунингдек, шовинистик кайфият большевикларга гоявий яқин бўлган менышевик байналмилалчилар номидан сўзлаган Г. И. Павлюченко нутқида ҳам очиқ-ойдин кўринди. У “маҳаллий киши” (“туземец”) айтган “мамлакат хў-

жайини” түшунчасига кескин иорозилик билдириди. Павлюченконинг түшүнтиришича, европалик инқилобий демократлар ўзларини инқилобининг маърифатли авангарди деб ҳисоблайди ва уларниң бурчи—сиёсий етуклика эга бўлмаган мусулмон меҳнаткашлар оммасини тўғри йўлдан бошлаб боришидир. Меньшевик байналмилалчилар федерацияга қарши чиқдилар. Уларниң фикрича, федерация “кучларни бўлиб ташлайди”, бироқ, агар халқ хоҳласа, автономия жорий этилишига қаршилик кўрсатишга ўзларини ҳақли эмас деб ҳисоблайдилар⁸³. Демак, меньшевик байналмилалчилар бу “тўғри йўл”да раҳбарлик қилишдан бошқа ҳеч нарсани таклиф этмайдилар.

Миллий ҳаракат кўнгина йўлбошчиларининг сиёсий тафаккурида бўлинмаслик руҳи ҳукмронлик қиласа эди. Улар Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки босқичда ленинча марказий ҳукумат мусулмон маданияти, дини, сиёсий анъаналари, эзилган халқиниг миллий автономия ҳақидаги орзу-умидларини тан олинига ҳали ҳам ишонардилар. Фақат большевиклар ҳокимиятининг сиёсий услублари кўп ваъдали чақириқлари билан амалий ишлари ўртасида узилиш рўй берганидан сўнг империянинг руҳий ва спёсий бўлинishi бошланди.

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, советларниң ўлка съезди Туркистон Мухторияти ҳақидаги масалани мұхқока-ма қилаётган пайтда ҳали “иккижокимиятчилик” сақланиб турган эди. Большевиклариган ХКС билан биргаликда Кўёндан демократик асосда сайланган миллий мухтор ҳукумат ҳам амалда эди. Ўша пайтда икки ҳокимият ўртасида юзага келган зиддиятларни келишиб ҳал этиш имконияти ҳали сақланиб турарди. Айни пайтда, кенг мусулмон оммасидан ташқари Туркистон Мухториягини меньшевик ва эсрлар ҳам қўллаб-қувватлар эди. “Тошкент ҳукумати” билан музокараларни йўлга қўйиш ҳақида “Кўён ҳукумати” раҳбарияти бир неча бор уринди. Бироқ янги пайдо бўлган большевик “ҳукмдорлари” ўз гапида тураверди. Улар Туркистонга мухторият мақомини бериш заруриятини рад этмаган ҳолда, айни пайтда унга фақат “пролетариат диктатураси” мафкураси жиҳатидан қаралдилар. Туркистон Мухторияти ҳақидаги съезд қарорида шундай таъкидланади: “Инқилобий социал-демократлар партияси бир тўда рус ва мусулмон реакционерлар бош-

чилигидаги буржуа мухториятга (Туркистан мухторияти күзда туғылмода — С. А.) қарши энг шафқатсиз курап эълон қилиб, ўлка пролетар мухториятини барпо этишга иштегилди” (“Наша газета”, 1918, 25 январь).

Ленинчиларга мазкур масалани ҳал этишининг қуладай йўли “мөхнаткаш мусулмонлар” онгига социалистик мағкуратни фаол сингдириши, уларни советнарастлик руҳидаги жамоат ташкилотларига бирлаштиришда қўринди. Бундай ёндашувни амалий таъминлаш учун советларнинг IV съездиде қарор қабул қилиди, унда “мусулмон пролетар оммасининг касаба уюшмалари, мусулмон депутатларининг советлари”ни ташкил этиш мўлжалланди, улар мөхнаткаш мусулмонлар орасида “синий онглилик”ни кўтаришга даъват этиши кўзда тутилди⁸⁴.

Бу стратегик йўл ҳаётта қатъий татбиқ қилинди. 1918 йил бошларида ёк Муваққат ҳукуматининг тутагилган орғавлари ўнинг шаҳар ва қишлоқда Советлар, шу жумладан мусулмон советлари фаол ташкил қилина бошлади. Айрим мальумотларга кўра, бу даврда Туркистанда 100 та Советлар ишлаб турган бўлиб, улардан ишчи, солдат ва крестьян депутатлари Советлари — 11, ишчи ва солдат депутатлари Советлари — 74, солдат депутатлари Советлари — 5, крестьян депутатлари Советлари — 10 тани ташкил қилиган. 1918 йил февралига келиб, мусулмон Советлари Тошкент уездининг бир қатор волостларида ишлаб турган, апрелда дастлабки қишлоқ ва вилоят советлари Самарқанд вилоятида ташкил этилди. 1918 йил апрелида Самарқанд мусулмон депутатлари Совети органи сифатида “Заҳматкашлар товуш” газетаси (кейинчалик “Мөхнаткашлар товуш”га айлантирилган) чиқа бошлади. Фарғона вилоятида мусулмон ишчи ва чорикорлар депутатлари Совети ташкил этилди. Тошкент уездидаги мусулмон Советлари ва дехон депутатлари Совети бирлаштирилиб, халқ депутатлари Совети ташкил қилинди.

Туркистан Мухториятининг тор-мор этилиши, Бухорога Колесов болчилигига муваффақиятсиз юриш, қизил гвардиячилар томонидан Маҳаллий аҳолини талаш ва Тошкентдаги ҳокимияттининг ўта экстремистик хатти-ҳаракатлари Туркистандаги аҳволга Москва эътиборини тортди. Чунки Тошкент ҳукумат гуруҳи ўзининг террористик-шовинистик сиёсати билан Совет ҳокимиятининг Осиё миңтақасида

сақланиб қолишини хавф-хатарга қўйған эди. Бу вазият ленинча ҳукуматга шу жиҳатдан янада хатарли кўриндики, 1918 йил февралиде Қозонда мусулмонларнинг павбатдаги съездиде Турк-татар Федератив Республикасини барто этиш ҳақида қарор қабул қилинди, унинг таркибига Волгабўйи, Урал, Крим, Кавказ, Қозогистон ва Ўрга Осиё кириши кўзда тутилди. Бу қарор Ленин томонидан Совет Россиясини парчалаб ташлашга мўлжалланган аксиликцилобий фитна сифатида баҳоланди. Мамлакатнинг миллӣ районларида бундан кейин рўй берган советларга қарши қўзғолоилар, аксильбольшевистик миллӣ ҳукуматларнинг ўрнатилиши совет давлати бошлигини миллӣ масала бўйича айрим назарий қарашларини қайта кўриб чишишга маъжбур қилди.

Бундай шаронгда В. И. Ленин рус бўлмаган халқларнинг миллӣ ҳиссиятларига анча эҳтиёткорона муносабатда бўлишини тан олди. Тўғри, стратегик жиҳатдан ленинча миллӣ сиёсатиниг асосий қоидаси ўзгармасдан қолаверди. Унга кўра, социалистик воқелик доирасида миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилининг олий ифодаси социалистик федерацияни ҳосил қўйувчи халқлар иттифоқини шакллантириш тамойилидир. Бунда халқ иродасининг асосий ифодачиси маҳаллий пролетариат бўлмоғи лозим эди. Шунга қарамай, марказ томонидан бошқарувнинг минтақавий органларига миллӣ сиёсатни усталик билан, маҳаллий “миллӣ буржуа” автономчилик ҳаракатини коммунистик раҳбарият истаган томонга йўналтириш тошириги берилди.

Миллӣ масалалар бўйича халқ комиссарлари билан келишилган ҳолда марказий ҳукумат Туркистон автономияси муаммоларини ҳал этиш учун фавқулодда комиссар сифатида П. А. Кобозевни юборади. У 1918 йил апрелида РСФСР Миллӣ ишлар бўйича халқ комиссарлиги ходимлари Ю. Иброҳимов ва А. Кливлеев билан биргаликда Тошкентга келади.

1918 йил 7 апрелда телеграф орқали РСФСР Миллӣ ишлар бўйича халқ комиссарлигининг “Қозон, Уфа, Оренбург, Екатеринбург, Туркистон ўлкаси Совиаркоми ва бошقا Советларга” номли хати олинди. Унда миллӣ ўлкаларда давлат қурилиши масалалари совет автономияси асосида аниқлаштирилди (“Наша газета”, 1918, 13 апрель). Кобозев лекинча тоширикка мувофиқ совет ҳокимияти обрў-эъти-

борини Туркистан мусулмонлари орасида кескин равиндида күтариш, “марказий ҳокимиият маҳаллий аҳоли манфаатлари йўлида тинмасдан гамхўрлик қилаётир” деган фикрини аҳоли онгига сингдирини, Москвадаги большевик раҳбарлар улуг давлатчилик сиёсатидан узоқда деб оқлаб кўрсатишни ўзининг асосий вазифалари деб билди. Бу, табиийки, ўзларини ўлкада “Октябрь инқилоби доҳийлари” деб ҳисоблаган Тоболин ва Колесов бошчилигидаги туркистанлик раҳбарларнинг ранжитилган гуруҳида иорозилик уйғотди. Улар ҳукумат таркибига мусулмон ташкилотларининг йирик намоёндалари киртилишига ва муҳторият асосида тезлашган миллий давлатчиликкинг қайта қурилишига кескин қарши чиқдилар. Шу боис марказ турли йўллар билан Кобозевни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қўлди. Чунки фуқаролар уруши оқибатида унинг имкониятлари чекланган эди.

Ўлка аҳолиси мусулмон қисмининг ҳокимиият органдаридаги вакиллиги ўта кам даражада бўлиб, маҳаллий русий забон большевистик раҳбарлар эса миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини четга суруб қўйинб, миллий масалани зўравонлик воситалари билан “ҳал этиш”га интилди. Бу масалада хавотирида бўлган Салин Кобозевга радиограмма юборади, унда таъкидланишича, “жойлардаги айрим Советлар ҳар қандай муҳториятини бутуилай ишкор этишга қарор қўлган, миллий масалани қурол йўли билан ҳал этишини афзал ҳисоблаган”. “Бироқ бу йўл, — уқтиради у миллий сиёсатни амалга оширишда лениничча ёндашув мафқурасидан келиб чиқиб, — Совет ҳокимиияти учун мутлақо яроқсизdir”, чунки у “оммани буржуа-миллатчилар атрофига фақат жинслаштиради”, уларни “ватаан ҳалоскорлари”, “миллат ҳимоячилари” сифатида намоён этадики, бу нарса ҳеч қачон Совет ҳокимииятининг мўлжалига кирмаган”. Этиносий вазият кескин кучайган ва Совет ҳокимиияти тузилмалари мавқеи омонат бўлиб турган шароитларда, — тушунтиради Салин, — “Миллий муҳториятнинг совет моделини” қарор топтириш, уни ҳалқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини амалга оширишнинг аниқ ифодаси сифатида тақдим этиш фавқулодда муҳимдир.

Бугунги кунда большевиклар “буржуа муҳторияти”ни рад этиб, миллий давлатчилик шаклланишининг замонавий-

лаптаган демократик мезерларига қарши чиққанлыгы раздан бўлди. Шу маънода И. Сталин Советларининг V съездидан ва сайлов кампанияси чорида “айрим буржуа-миллий гуруҳлари кўзда тутадиган миллий камчилик ва кўнчилик ваколатига эга миллий табақаларга бўлинмаслик” лозимлиги тўғрисида Кобозевни алоҳида огоҳлантиргди. “Бундай бўлинини, деб уқтиради у, — миллий душманликни фақат кучайтиради, миллатларининг меҳнаткаш оммаси ўртасидаги говларни мустаҳкаммайди....” “Таъсис съездига сайловлар учун асос ва автономия пойдевори,—дейилади кейинчалик радиограммада, — меҳнаткаш демократик оммани алоҳида миллий гуруҳларга бўлиш эмас, балки уларни тегишни бирлашмалар атрофида бириттириши ва жисслаштиришинга хизмат қилини бўлмоги лозим”.

20 апрелда Туркистон ўлкаси Советларининг V съезди очилди. Унда “пролетар демократиси” тегишни тамоийлари бўйича ташлаб олинига 251 делегат қатнашди. Тўғри, илгариги бундай йигинлардан фарқли ўлароқ делегатларининг ярмуга яқини (120 куни) туб миллатлар вакили эди.

Туркистонда совет мафкурасига асосланган большевикча муҳториятни яратиш V съезд кун тартибидағи асосий асала бўлди. Делегатларнинг маҳсус ташланиши расмий ўкумат кўрсатмалари доирасида уларни ишбатан хотиррам ҳал этишга имкон яратди. Марказий сиёсий раҳбарият омонидан майқул кўрилган ёнг муҳим нарса маҳаллий аҳоли, ўлка мусулмонлари бу ҳаракатларни түёки фаол қўллаб-қувватлашти, деган тасаввурнинг тутдирилиши эди.

Советларининг V ўлка съезди марказий ҳокимиятга ўзининг очиқ-ойдин тобелигини намойини этиб, Москвага телеграмма жўнатди. Унда совет Россияси сиёсий раҳбариятининг “барча инцилобий ишларни ҳаётта қатъий татбиқ этилиши” уқтирилди. Воқеаларининг бундай ўзгаришидан хурсанд бўлган В. И. Ленин ва И. В. Сталин тезда ўкумат жавоб телеграммасини жўнатди. Унда: “Ишончинизиз комил бўлсинки, ўртоқлар, Совиарком сизнинг советлар асосидаги ўлкангиз автономиясини қўллаб-қувватлайди. Биз сиз бошлаган ишларни ёқлаймиз ва бугун ўлкани советлар тармоги билан қоплайсиз, мавжуд советлар билан эса тўлиқ алоқада бўласиз, деб чукур ишонамиз.

Сиздан Советларининг Таъсис съездига чақириши комиссиясини ўлкангизнинг ҳалқ Комиссарлари Советига вако-

латли органини белгилап масаласини биргаликда ишлаб чиқиш учун Москвага юборишингизни сўраймиз.

Сизнинг съездингизни қутлаб, унга юклатилган тарихий вазифани шараф билан адо этишингизга ишонамиз", дей таъкидланди.

1918 йил 30 апрелда съезд "Туркистон Совет Мухтор Республикаси ҳақидағи Низом"ни тасдиқлади. Унда Туркистоңда давлат қурилиші асослари, унинг ҳудуди, олий қонунчилик ва ижроия органлари, маҳаллый органлар тузилиши, вазифалари ва уларниң РСФСР билан ўзаро муносабатлари белгилаб берилди ("Наша газета", 1918, 5 май). "Низом"га мувофиқ, Бухоро ва Хивадан ташқари, Туркистон ўлкасининг географик чегараларидағи бутун ҳудуд Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб айланып қилинди. "Низом"да "Туркистон Республикаси автоном равнида бошқарылыш, ўз хатти-харакатларини Россия Совет Федерацииси марказий ҳукумати билан мувофиқлаштиради", дей қайд этилди. Съездда "марказий ҳукумат билан ўзаро муносабатларни белгилаш учун" беш кишидан иборат махсус комиссия тапкыл этиш ва Москвага юборишга қарор қилинди.

Съездда Туркистон Марказий ижроия қўмитаси (ТурЦИК) сайланди, у Советлар съездлари оралиғидаги даврда ўлқада олий ҳокимият вазифаларини бажарувчи олий қонунчилик органи бўлди. Туркистон МИҚ партияявий тегишшилиги бўйича 36 киши миқдорида тузилди, улардан 18 нафари большевиклар ва 18 нафар сўл эсэрлар эди. Турк МИҚ раиси ленинчи вакил П. А. Кобозев эди.

1918 йил Советларининг V съезди айни пайтда Туркистон Совет Республикаси халиқ Комиссарлари Советини тапкыл этиди, унда ижроия функциялари ва ўлкани бошқариши жамланди. ХКС раиси этиб яна большевик Ф. И. Колесов сайланди. Умуман Туркеспублика ҳукумати таркибига тенглик асосида 16 киши — 8 нафар большевик ва 8 нафар сўл эсэр кирди.

Адлия комиссари этиб Х. Ибрагимов (большевик), озиқ-овқат комиссари — К. Я. Успенский (сўл эсэр), соглиқни саклаш — С. Турсунхўжаев (сўл эсэр), миллатлар ишлари бўйича комиссар — Т. Ашурхўжаев (большевик), ҳарбий комиссар — К. П. Осинов (большевик), ташқи ишлар бўйича комиссар — П. А. Домогатский (сўл эсэр), са-

ноат комиссари — Н. И. Черневский (сүл эсэр), алоқа йўлари комиссари — Е. П. Дубицкий (большевик), почта ва телеграф комиссари — А. Т. Бочаров (большевик), ички ишлар комиссари — И. Обидов (Габидов) (сүл эсэр), меҳнат комиссари — П. Г. Полторацкий (большевик), молия комиссари — Я. Х. Ремесланц (большевик), ХКС иши бошқарувчиси — Петренко (сүл эсэр), ерии ўзлаштириш ишлари комиссари — В. А. Лавенков (сүл эсэр) сайланди. (“Наша газета”, 1918, 5 май).

Шундай қилиб, Туркистон Советларининг V съезди миллий давлат қурилиши совет моделининг ленинча кўрсатгасини амалий мустаҳкамлади. Съезд иши тугаллашгандан сўнг ўлка шаҳарлари қишлоқ ва овулларида ҳокимият тузилмалари ташаббуси билан “Миллий автономия” ўрнатилиши шарафига кўп кишилик намойишлар ўтказилди. Совет ҳукумати назорати остидаги Маҳаллий матбуот ўз саҳифаларида тантанали руҳда съезд иши натижаларини баён этиб, “аксилик қиёби” “Қўйсон Мухторияти”га ҳиссий жиҳатдан қарама-қарши қўйди, унинг таркибиға гўёки “фақат экспорутатор унсурлар ва уларниң тарафдорлари” кирган, Совет мухторияти(автономия) эса чинакам халқ ҳокимиятидир, дея тавсифлади. “Бойлар эмас, — деб ёзган эди, масалан, “Голос Самарканда” газетаси, — мусулмон камбагаллари бундан бўён ҳокимиятга сазовор... Эндиликда рус ва мусулмон аҳолисининг пролетар қатламлари янада жинсласшиб, Туркистон халқи душманлари қўлидан сўнгги қуролни тортиб олди. Мана, нима учун бутун меҳнаткаш Туркистонда пролетар мухторияти ўрнатилишини иштиёқ билан байрам қилмоқда” (“Голос Самарканда”, 1918, 14 май).

Бундай кўтаринки баҳололи совет тарихий адабиётида ҳам сақланиб қолди. ТАССРнинг барро этилиши ленинча миллий сиёсатнинг йирик “ғалабаси бўлди” дея муттасил уйтириб келинди. У гўёки миллий масала бўйича марксчаленинча таълимотнинг ҳайтийлигини тасдиқлаган ва маҳаллий аҳолисининг давлат қурилишига фаол жалб этилишига қуайлик яратган.

Мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, “совет социалистик давлатчилиги... бизнинг халқимизга ташқаридан келтирилган эди. У халқимизнинг туб ахлоқий, маънавий қадриятларига мувофиқ

келмасди. Марказдан бошқариладиган давлат машинаси қаңдайдыр бир манқуртлашган ўзининг на урут, на қабиласи, на халқининг тарихи, на унинг аңъаналарини хотирлай олмайдиган иносига мұлжаллалашган эди. Айна шу боис бу давлатчилик тизимида баён этилгани билан айна ҳаётда бўлиб ўтгани ўргасида жуда катта ажралиш ҳосил бўлди”⁸⁵.

Туркистон совет автономиясининг ўриятилиши бундай давлатчиликкинг мустаҳкамланышидан муҳим бўгин бўлди. Бу ленинчилар, Москва сиёсий раҳбариятиининг ютуги бўлди. Бироқ ўлка маҳаллий аҳолиси бундан ютмади. Ленин ва унинг тарафдорлари Туркистон халқларининг миллий мустақилликка, муҳтор суверен ҳуқуқларга интилишидан фойдаланиб эркинилк оқимининг бир қисмини марказга маъқул бўлган йўналишга буриб юборишга муваффақ бўлишиди. ТАССР гарчи қайси бир босқичда Маҳаллий ҳукумат муайян суверен ҳуқуқлардан фойдаланиган бўлса ҳам фақат ташви жиҳатдан миллий мустақиллик белгиларига эга бўлди. Бироқ бу марказий ҳокимият кўп жиҳатдан “ажралиб қолган” фуқаролик уруни воқеалари билан изоҳланади. Кейинчалик эса, совет тузуми мустаҳкамланаб олгандан сўнг, ҳатто чекланган мустақилликнинг барча қоғциклари ҳам қатъяни тутатицди. Бунинг устига, маҳаллий ҳукумат, миллий вакилларни ҳисобга олмагандан, маҳаллий аҳолининг чинакам манфаатларини ҳеч қачон акс эттирмади. Унинг аксарият қисми улуғ давлатчилик шовинизми билан заҳарланган эди. Айни пайтда, V съездда сайланган ТАССР ҳукумати таркибига миллий вакиллар киритилиганига қарамай, ортодоксал большевикларнинг ҳукмрон Тошкент гурӯҳи йил мобайнида Москвадан тўлиқ эркин бўлиб келди. Марказ уларининг шовинистик кайфияти ва маҳаллий аҳолининг ҳатто “мехнаткаш” қатламлари билан ҳам ҳамкорлик қилмаслигини қаңдайдир даражада “босиб” туришга интилди.

Ленинча ҳукумат социалистик тищдаги “мухторият”ни ўлчаб беришга ҳаракат қилди. У маҳаллий туркистонликларни бошқарув жараёларига фаол жалб этишга уринмади. Аҳолининг катта гурӯҳи, энг аввало, фикрловчи қисмини—миллий зиёлиларни “мехнат қилмайдиган” деб аталувчи қатламлар билан биргаликда йўқ қилиб юбориш мўлжалланди.

СҮНГ СҮЗ ҮРНИДА

Шувдай қилиб, Туркистон Мухториятининг амалий жиспланиши учун курашнинг умумий якунларини баҳолаб, шуни таъқидлаш лозимки, Октябрь тўнтаришидан сўнг миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш вазифасини ҳал этишида “қўйидан” ва “юқоридан” икки йўл, икки хил ёндашув белгиланди.

Биринчи йўналиш туб аҳолининг оммавий ҳаракатиги ўзида ифода этди ва суверенлик ҳуқуқларини амалда таъминлаш, ҳақоратли мустамлака зулмнин тутатиш учун майдонга чиқди. Маҳаллий туркистонликлар манфаатларининг гоявий ифодачиси сифатида миллий мусулмон сиёсий партиялари ва ташкилотлари қатнашдилар. Миллий демократлар демократия тамоилиларига таянувчи ва ўлка туб аҳолисининг тарихий эҳтиёжларини ҳисобга олувчи Россия давлати донрасида суверен миллий-давлатчилик қурилишининг аниқ дастурини ишлаб чиқдилар. У большевикларниң Тошкент Ижроқўми ва ўлка Совнаркомининг шовинистик хатти-ҳаракатларига жавоб таридасида шакланган Туркистон Мухториятининг барпо этилишида ўз ифодасини тоғди.

Иккинчи йўналиш большевиклар ҳокимиятининг тор сиёсий интилишларини акс этирди. У ортодоксал марксизм мағкурасига таяниди ва Совет Россияси ҳудудий бирлигини таъминлаш, ленинча раҳбариятнинг улкан коммунистик империяни барпо этиш пыятларини яширишга қаратилган эди. Советча “миллий мухторият” модели мустамлака халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. У миллий менталитет ва ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига бегона бўлган социалистик давлатчиликни барпо этиш мақсадини кўзлаган эди.

Шу тарзда Туркистон туб аҳолисининг ўз ижтимоий озодлик йўлни ўзи белгилashi ва мустақил миллий давлатчиликни ўрнатишга уринишлари қурол кучи билан тўхаттилди. “Миллий-ҳудудий автономия”нинг ленинча мо-

дели зўрлаб тиқинширилди. Охир-оқибатда цивилизациялашган-демократик ривожланиш имкониятлари йўқча чиқарилди.

Туркистон Мухторияти миллатларининг ўзи тақдирини ўзи белгилап масаласини демократик йўл билан ҳал этишга бел боғлаган халиқ иродаси ва илгор зиёлиларининг кўтаринки хатти-ҳаракатлари заминидаги вужудга келди. Табиийки, зўравоилик, шовинизм билан қуролланган янги мустабид большевиклар миллий мустақилликка интилишнинг ҳар қандай кўришишга тиш-тирниги билан қарши әдилар. Синовдан ўтган эски усул—халиқни алдаш, шафқатсиз қириш, талаш бу гал ҳам ишга солинди ва эзгу ниятлар, катта мақсадлар билан юзага келган ҳаётбахши гоялар куртаклигига ёс эзиз ташланди. Бу ҳаракатнинг бошида турган илгор, ҳур фикрли зиёлилар, фидойи инсонлар эса узоқ йилларгача “халқ душмани” деган сохта ном билан бадном этиб келинди.

Фақат 70 йилдан сўнгтина совет унитар давлати тарихий жараённинг жиловлаб бўлмас одими туфайли барҳам тоғди. Совет коммунистик империясининг иштирози замоннинг узилган ришталарини яна тиклашга имкон берди. Бугунги кунда сувореи Ўзбекистон мустақиллик ва миллий тикланиш йўлидан шаҳдам кетмоқда. Ўлкадаги мухториятчилик ҳаракати иштирокчиларининг ватанипарварлик жасорати Ўзбекистонликларининг ҳозирги авлодлари учун илҳомбахши мисол бўлиб хизмат қиласади. Туркистон Мухторияти амалга ошиrolмаган мақсадлар бизнинг кунларда аниқ тарихий мазмун билан бойимоқда.

Халиқимизнинг қадриятлари тикланётган, бой ва мазмундор тарихи тўғри ёритилаётган бугунги кунларда миллий мустақиллик учун курашнинг ёрқин ва айни чоғда, фожиали саҳифаси бўлган Туркистон Мухторияти ҳақида бор ҳақиқатни айтиш ва ундан жиддий сабоқлар чиқариш бугунги куннинг вазифасидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАВИЁТЛАР

¹И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Ўзбекистон тарихи, №1, 1999 й. З—14-бетлар.

²Тошқулов Д. Основные направления политики — правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX — первой четверти XX вв. Автореф. дис. докт. юрид. наук — Ташкент, 1995.

³Алимова Д. А., Рашидова Д. Махмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури. Т.: Академия, 1999.

⁴Эргашев Б. Х. К вопросу о младобухарцах. "История СССР", 1990, №4, 62-бет.

⁵Устав Союза российских мусульман. Напечатано 8 марта 1906 г. Типография К. С. Антокольского, Санкт Петербург. Қаранг: ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи архиви. П.2.3.

⁶ЎзРМДА, ф. 12/с—Туркистан район муҳофаза бўлими; т. 1021, л. 18.

⁷ЎзРМДА, ф. И-47, оп. 1, д. 955, л. 230.

⁸ЎзРМДА, ф. И-1, оп. 31, д. 540, л. 23.

⁹ЎзРМДА, ф. И-1, оп. 31, д. 433, л. 274.

¹⁰Федоров Е. Очерки национально-освободительного движения. Ташкент, 1925, С.48.

¹¹ЎзРМДА, ф.И-1. Оп.31. д.979. л. 27—28.

¹²Военно-исторический журнал. 1990, № 11, С. 81.

¹³Тошқулов. Д. Кўрсатилган асар, 25 бет.

¹⁴Садыков Х. Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за национальную независимость в начале XX века, Автореф. дис. докт. ист.наук. —Т., 1994, 28 бет.

¹⁵"Хуррият" 1917, 2 август.

¹⁶ЎзРМДА, ф. И-1044. Оп. 1. д. 21. л. 55.

¹⁷Қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиқол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Ташкент, 1993.

¹⁸Қаранг: ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи архиви.Б.-706.

¹⁹Гуманенко А. Октябрь в старом городе Самарканде. Ташкент, 1933, С.8.

²⁰ЎзРМДА, Ф. 2. Оп. 1, д. 1176, л. 3.

²¹ЎзРМДА, Ф. И.-1044, оп. 1, д. 37, л. 35.

²²ЎзРМДА, Ф. И-1044, оп. 1, д. 10, л. 1.

²³ЎзРМДА, Ф. И-1044, оп. 1, д. 37, л. 36.

²⁴Ўша жойда.

²⁵Ўша жойда.

²⁶ЎзРМДА, Ф. И-1044, оп. 1, д. 37, л. 36.

²⁷Из дневника А. Н. Куропаткина "Красный архив", 1927, Т. 1, С. 65.

²⁸Пролетарская революция. 1928, № 8, С. 112—113.

²⁹Қаранг: Симонов А. К вопросу о роли ростовщического капитала в сельском хозяйстве Средней Азии. Ташкент, 1926.

³⁰ЎзРМДА, Ф. И-1613, оп. 1. д. 1, л. 1.

³¹Ўша жойда.

³²ЎзРМДА, Ф. И-1044, оп.1, д.1, л. 17.

- ³³ЗРФДА, ф. 1800, оп. 1, д. 29, л. 36.
- ³⁴Ўша жойда.
- ³⁵ЎзРМДА, Ф. И-1044, оп. 1, д. 37, л. 25.
- ³⁶Тошкент вилояти ДА, ф. 10. Оп. 13, д. 19, л. 4—5.
- ³⁷Тошкент вилояти ДА, ф. 10. Оп. 13, д. 19, л. 7—8.
- ³⁸ЗРФДА, Ф. 1900. Оп. 1, д. 29, л. 46.
- ³⁹Ўша жойда, л. 6.
- ⁴⁰Лукин Б. В. Еще одна замечательная жизнь. "Звезда Востока", 1990, № 9, С. 117.
- ⁴¹ЎзРМДА, Ф. И-1613.Оп. 1, д. 1а, л. 106.
- ⁴²Мустафо Чўқай. Истиклол жаллодлари. Тошкент, 1993.
- ⁴³Қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917—1993 йй.). 9-сипф дарслаги. (Ражакова Р. Я., Каримов Р. Х., Оқилов К. О. ва бошқалар). Т.: "Ўқитувчи", 1995, 12 бет.
- ⁴⁴Мустафо Чўқай. Ўша асар, 23 бет.
- ⁴⁵Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. Ташикент, 1917, С.8.
- ⁴⁶Қаранг: Валиди А. З. Хотиралар. "Шарқ Юлдузи", 1993, № 5 — 6, С. 136.
- ⁴⁷Ўша жойда.
- ⁴⁸Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. Ташикент, 1917, С.8.
- ⁴⁹Ўша протоколлар, С. 28—29.
- ⁵⁰Мустафо Чўқай. Ўша асар, 74 бет.
- ⁵¹Программные документы мусульманских политических партий (1917—1920 гг.) Оксфорд, 1985, С.33.
- ⁵²Мустафо Чўқай. Ўша асар, 51 бет.
- ⁵³Қаранг: Валиди А. З. Хотиралар.
- ⁵⁴Ўлкамусшуронинг яна бошقا қисқача номи Миллий Марказ ҳам қўлланган.
- ⁵⁵ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи архиви ПГП.4.55.
- ⁵⁶ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи архиви 6-1530.
- ⁵⁷Ўша жойда.
- ⁵⁸Лепин В. И. ТАТ, 21 том, 115 бет.
- ⁵⁹1917 йил мартининг охирларида Петросовет Ижроқуми Тайсис Мажлиси бўйича комиссия ташкил этди. Сўнгра майда Тайсис Мажлисига сайловлар ҳақидаги Низом лойиҳасини тайёрлаш учун маҳсус кенгаш ишга кириди. Маҳсус кенгаш ёш цензи, сайлов ҳукуқи тизими, Тайсис Мажлиси аъзоларининг сонини муҳокама қилди. 1917 йил августининг бошларида тузилган Тайсис Мажлисига сайловлар ҳақидаги ишлар бўйича Бутунроссия комиссияси сайловларни бевосита тайёрлаш ва ўтказишга бошчилек қилди.
- ⁶⁰Уламо — (араб. — олим сўзининг кўплиги бўлиб, билимдан деган маънони англатади) — ислом илоҳиётчилари ва ҳукуқшунос (фақиҳ)лари, шунингдек диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўкув юртларига мутасадди бўлган барча мусулмон руҳонийлари.
- Уламо сўзи фақат дин соҳасида билимдан кишиларга нисбатан ишла-

тилади, дунёвий фанлардан билимдоиларга нисбатан эса олим ибораси қўлланилади. Шуниси эътиборга лойиқки, битта сўзнинг бирлик ва кўплини шакллари икки хил мазмун кашф этади.

⁶¹Сафаров Г. Колониальная революция (Опёт Туркестана). Госиздат. 1921, С. 97

⁶²ЎзРМДА, ф. 718, оп. 1, д. 60, л. 1–15.

⁶³ЎзРМДА, Ф.Р.-1613. Оп. 1, д. 1а, л. 106–107.

⁶⁴Қаранг: Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. Т.:1957, С.115–119.

⁶⁵ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи архиви.П. 6,78.

⁶⁶Ленин В.И. О Средней Азии и Казахстане. Ташкент, "Ўзбекистон", 1982, С. 454.

⁶⁷Документы внешней политики СССР. М., 1957, Ч. I, С. 34–35.

⁶⁸История Узбекской ССР. В IVт, Ташкент, "ФАН", 1967, Т. III. С. 106.

⁶⁹Голованов А. Как нации "самоопределялись". "Звезда Востока", 1992, №5, С. 164.

⁷⁰Мустафо Чўқай. Ўша асар.

⁷¹История гражданской войны в Узбекистане. Т. I. Ташкент, "ФАН", 1964, С. 126–127.

⁷²Мустафо Чўқай. Ўша асар, 48 бет.

⁷³Фаргона вилояти Да. Ф. 121. Оп.1. д. 99а, л.7.

⁷⁴Қаранг: Война в песках. М., 1935, С. 400–414.

⁷⁵ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи архиви. П. 48.

⁷⁶Война в песках. М., 1935, С.509.

⁷⁷Папоров Ю. "Белое солнце пустыни..." "Юность", 1990, №1.

⁷⁸РСФСР ҳукумати 1918 йил 24 январдаги декрети билан эски рус тақвимидан 13 кунга фарқ қиласидиган Европада тарқалган Григориан тақвимига ўтилди. Унга кўра 31 январдан кейинги кун 1 эмас 14 февраль деб ҳисобланга бошлади. Шунинг учун 1918 йилдан бошлиб саналар янги тақвим бўйича берилган.

⁷⁹Қаранг: Шамагдиев Ш. А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Ташкент, 1961, С.54.

⁸⁰Заки Валиди. Хотиралар. "Шарқ Юлдузи", 1993, №7–8, 166 бет.

⁸¹Брин A. Troubles Times Experience in Bolshevik Russia and Turkestan. -London, 1931. P.30-81

⁸²Қаранг: Ўзбекистон РПАА. Ф. 69. Оп. 1, д.2. л.30.

⁸³Ўша жойда.

⁸⁴Ўзбекистон РПАА. Ф. 60, оп. 1, д.2. л.32.

⁸⁵Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 1995 йил 23 февраль: Тошкент, "Ўзбекистон", 1995, 8 бет.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Туркистонда мухторият учун ҳаракатининг юзага келиши.	
ХХ аср бошларида Туркистонда жадидларниң ҳуррият мағ- курасы ва уннинг ривожланиши	6
Туркистонда 1917 йил февралидан сўнгти ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва тараққийшарварларниң фаоллапшуви.	28
Туркистон мухторияти гоясининг шаклланиши: баҳс ва муно- заралар	58
Туркистон халифининг мухториятчилик ҳаракатига жалб этилиши.	
Туркистон ўлка мусулмонлари Шўроси (Ўлкамусшўроси)ниң ташкил этилиши — сиёсий бирлашшига қўйилган қадам	77
Мухториятчилик кайфиятларининг кучайиб борилиши ва ама- лий тайёргарлик	94
Туркистон Мухторияти: озодлик ва миллий давлатчи- ликининг тикшавини учун курани.	
Мухторият талабларининг тараққийшарварлар томонидан ишилаб чиқилиши	109
Туркистон Мухторияти—жадидлар миллий демократик гоя- ларининг амалдаги ифодаси.	125
Туркистонда Совет автономиясининг ўриятилиши: янги империяча мустамлака тузилмаларини тиқизитириш	151
Сўнг сўз ўриида	162
Фойдаланишган маңба ва адабиётлар	164

Ижтимоий-сиёсий нашр

САИДАКБАР АЪЗАМХЎЖАЕВ

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Фаилар Академияси Тарих
институти Илмий кенгашин томонидан нашрга тавсия этилган

Тошкент “Маънавият” 2000

Махсус муҳаррир *Б. Дўстиқораев*

Муҳаррир *M. Мансуров*

Рассом *C. Соин*

Бадиий муҳаррир *C. Аъзам*


Техн. муҳаррир *T. Золотилова*

Мусаҳдиқ *Ш. Илҳомбекова*

Оригинал-макетдан босилига рухсат этилди 05.10.00. Бичими 84x108/32.
Бодони гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 8,82.
Шартли кр.-отт. 9,24. Нашр т. 9,34. 5000 нусха. Буюргма № 232
Нархи шартнома асосида.

“Маънавият” нашиёти, Тошкент, Буюк Турон, 41-үй. Шартнома 27-00.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
кучаси, 1-үй, 2000.



Саидакбар Аъзамхўжаев.

1953 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг шарқ тиллари факультетини тамомлаган. Тарих фанлари доктори, профессор. Олимнинг Ватанимиз тарихига оид бир неча китоблари ва кўплаб мақолалари чоп этилган. С. Аъзамхўжаев республика ҳуқуқаро илмий конференцияларда катиб чирикчиз. Ҳозирги пайтда Узбекистон Университетида профессор.



Mədəniyyət